

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАҲЛИЛИ**

UZBEK LAW REVIEW

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ	SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL	НАУЧНЫЙ АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
--------------------------------------	--	---

**2015
№1**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Сайдилла Саидахарович – юридик фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Эргашев Восит Ёқубович – ю.ф.н., ТДҶОУ Илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректори
Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – ю.ф.д., доцент.

Исламходжаев Хасан Суратович – ю.ф.д., доцент.

Рахимов Фахри Хайдарович – ю.ф.д., профессор.
Оқюлов Омонбой – ю.ф.д., профессор.
Имомов Нурилло Файзуллаевич – ю.ф.д., доцент.

Эсанова Замира Нормуратовна – ю.ф.д., доцент.
Шодманов Фурқат Юсупович – ю.ф.д., профессор.
Самарходжаев Ботир Билялович – ю.ф.д., профессор.

Шамухамедова Замира Шаисламовна – ю.ф.д., доцент.

Холмўминов Жуманазар Тоштемирович – ю.ф.д., профессор.

Файзиёв Шухрат Хасанович – ю.ф.д., профессор.
Абдурасулова Кумринисо ... – ю.ф.д., профессор.
Зуфаров Рустам Ахмедович – ю.ф.д., профессор.
Мухитдинов Фахриддин ... – ю.ф.д., профессор.
Тошев Бобоқул Норқобилович – ю.ф.д., профессор.

Рустамбеков Ислонбек Рустамбекович – ю.ф.н.

Маълумот олиш учун куйидагиларга мурожаат этиш сўралади:

**Гулямов Сайдилла Саидахарович,
Рустамбеков Ислонбек Рустамбекович**
ТДҶОУ, Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи кафедраси, Ёш олимлар кенгаши
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36 (1073)

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.

Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.

2015 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университетига мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И.Р. Рустамбеков**

Наشريёт муҳаррири: **Н. Ниязова**

Техник муҳаррир: **М. Юсупов**

Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди – 13.04.2015

Наشريёт ҳисоб табоғи – 5

«IMPRESS MEDIA» босмаҳонасида босилди

Адади – 100 нусха.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ**

1/2015

МУНДАРИЖА

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ

Х.Одилқориев	
Давлат ҳокимиятининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ҳуқуқий сиёсати.....	5
Т.Умаров	
Қонунларни етказиш: тарихий негизлар ва ривожланиш истиқболлари.....	9
А.Порайко	
Буюкбританиянинг тажрибаси асосида Украина давлат бошқаруви тизимида бюрократияни камайтириш имкониятлари.....	12
Б.Алимов	
Вазирлар маҳкамаси масъулиятини ошириш - ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими барқарорлигининг муҳим омиллидир.....	16

ҲУҚУҚОЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ

Р.Рўзиев	
Номланмаган шартноманинг ҳуқуқий моҳияти.....	19
Н.Имомов	
Хусусий мулк борасидаги тасаввурлар ва уларнинг талқинига нисбатан ёндашувлар.....	23
О.Камалов	
Ички ишлар органлари иштирокидаги маҳсулот етказиб бериш шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари.....	29
А.Ахмедов	
Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолият субъектлари.....	33
Н.Ашурова	
Хусусий мулк ҳуқуқининг ишончли ҳимояси ва кафолатининг ҳуқуқий асослари.....	35
Т.Мадумаров	
Микрокредит ташкилотлари томонидан тузиладиган шартномалар тизимини такомиллаштириш.....	39
Қ.Меҳмононов	
Компьютер дастурларини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш: хорижий тажриба.....	42
Н.Батирова	
Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий асослари.....	46

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

У.Тухташева	
Ҳокимият тармоқларида суд ҳокимиятини ўрни.....	48
У.Холиқулов	
Демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида миллий жиноят ҳуқуқининг концептуал масалалари.....	50
А.Расулев	
Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш жиноятининг квалификация қилишда субъектив томонини аниқлаш муаммолари.....	53
С.Раҳманова	
Жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш босқичида тортишув тамойилини кучайтириш истиқболлари.....	57
И.Астанов	
Экспертиза институтини такомиллаштириш ва унинг янги имкониятларидан фойдаланиш самарадорлиги.....	60
Ш.Файзиёв	
Суриштирув органлари фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари.....	63
М.Ҳакимов	
Қамоққа олиш бўйича европа ордери: қонуний асослари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти.....	68
С.Ниязова	
Шахса қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар жабрланувчисининг виктимологик таснифлаш.....	70
Д.Қурбонов	
Айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида шахснинг озодлигига қарши жиноятлар учун жавобгарлик.....	74

ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

И.Рустамбеков	
Электрон тижоратнинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши.....	77
А.Мухаммеджанов	
Замонавий халқаро муносабатларда Хитойнинг Жанубий ва Марказий Осиёдаги сиёсати.....	83
Д.Умарханова	
Давлатларнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик қилишини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларининг ўзаро алоқаси.....	86
И.Абдурахманов	
Европа Иттифоқиға аъзо давлатларда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ўзаро ҳамкорлик ва хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш тажрибаси.....	90

ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ

М.Нурматов	
Табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи.....	92
Т.Азизов	
Фавқулодда экологик вазиятлар соҳасидаги қонунчилик масалалари.....	96

EDITORIAL BOARD

GENERAL MANAGER:

Dr. Gulyamov Saydilla – Professor, doctor of sciences in Law.

MEMBERS OF EDITORIAL BOARD:

Mr. Ergashev Vosit – candidate of sciences in law, Pro-rector of TSUL

Mrs. Akhmedshaeva Mavlyuda – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Islamkhodjaev Khasan – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Rakhimov Fakhri – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Okyulov Omonboy – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Imomov Nurillo – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Esanova Zamira – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Shodmanov Furqat – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Samarkhodjaev Botir – professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Shamukhamedova Zamira – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Kholmuminov Jumanazar – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Fayziev Shukhrat – professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Abdurasulova Qumriniso – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Zufarov Rustam – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Mukhitdinov Fakhridin – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Toshev Bobokul – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Rustambekov Islambek – candidate of sciences in Law.

For further information please contact:

**Mr. Gulyamov Saydilla,
Mr. Rustambekov Islambek**

35, Sayilgoh Street, TSIL, Department of "International Private Law", Tashkent,
100047, Uzbekistan. Tel.: 233-66-36 (1073)

Electronic copy of "Uzbek Law Review" journal can be found at www.lawreview.uz

The journal was registered in the list of the High Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in 2013.

The findings, conclusions and interpretations expressed in the journal are those of the authors alone and can in no way be taken to reflect the views of the Republic of Uzbekistan or the Tashkent State University of Law.

Published in 2015.

Copyright by Tashkent State University of Law. All rights reserved. Enquiries concerning reproduction should be addressed to Tashkent State University of Law, 100047, 35, Sayilgoh Street, Tashkent, Uzbekistan.

ISSN 2181-8118

General Secretary: **I.Rustambekov**

Publishing editor: **N.Niyazova**

Technical editor: **M.Yusupov**

License No. 02-0074

Authorized to issue – 13.04.2015

Bulk – 5

Printed in «IMPRESS MEDIA» Printhouse

Number of copies – 100

**SCIENTIFIC-ANALYTICAL
JOURNAL**

1/2015

CONTENTS

STATE LAW AND MANAGEMENT

Kh.Odilkoriev Legal Policy of State Authority in Law Making Sphere.....	5
T.Umarov Bringing the Laws: Historical Roots and Prospects of Development	9
A.Porayko Ability to Adapt in the System of Public Administration of Ukraine of UK Experience Regarding Cutting Red tape.....	12
B.Alimov Increasing the responsibility of the cabinet of ministers is the important factor of stability system of checks and balances	16

CIVIL LAW AND CIVIL PROCESS

R.Ruziev The Legal Nature of Unnamed Contract	19
N.Imomov Understanding in the sphere of a private property and approaches on their interpretation.....	23
O.Kamalov Features of Production Delivery Contracts with Participation of the Organs of Internal Affairs	29
A.Akhmedov The Subjects of Innovative Activity in the Republic of Uzbekistan	33
N.Ashurova The Effective Protection of Private Property and Legal Frameworks of Warranty	35
T.Madumarov Development of System of Contracts made by Microcredit Organizations	39
K.Mekhmonov Civil-Legal Protection of Computer Programs: Foreign Practice	42
N.Batirova Legal Basis of Non-profit Organizations in the Republic of Uzbekistan.....	46

CRIMINAL LAW AND CRIMINAL PROCESS

U.Tukhtasheva The Role of the Judicial Branch in the System of Separation of Powers.....	48
U.Kholikulov Conceptual Issues of Criminal Law in Period of Developing Democratic Reforms	50
A.Rasulev Problems of Determining the Subjective Aspect in Qualifying Unauthorized Access to Computer Data	53
S.Rakhmanova Perspectives to Strengthen the Principle of Adversarial Proceedings at the Stage of Assigning Criminal Cases to the Trial	57
I.Astanov Improvement of Expertize Institution and Using New Opportunities of Expertize Institution.....	60
Sh.Fayziev Perspective of Improvement of Inquest Bodies Activity	63
M.Khakimov European Order on Arrest: Legislative Framework and Legal Practice.....	68
S.Niyazova The Victimology Classification of Victims in Crimes Against the Person Committed with Violence	70
D.Kurbonov Criminal Responsibility for Crimes Against Freedom in Criminal Laws of Some Foreign Countries	74

INTERNATIONAL LEGAL RELATIONS

I.Rustambekov International-legal regulation of e-commerce	77
A.Mukhammadjanov The Policy of China in Modern International Relations in South and Central Asia	83
D.Umarkhanova The Relationship Between the Norms of National and International Law on Legal Regulation of International Cooperation Between States in Criminal Cases.....	86
I.Abdurakhmanov Mutual Cooperation of the European Union to Provide Economic Security and Against the Shadow Economy.....	90

ECOLOGICAL LAW

M.Nurmatov The Right of Using Nature	92
T.Azizov To the Matter of Legislation in the Sphere of Environmental Emergencies.....	96

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

Гулямов Сайдилла Саидахарович – доктор юридических наук, профессор.

ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ:

Эргашев Восит Ёкубович – к.ю.н., Проректор ТГЮУ по научной работе и международным отношениям

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – д.ю.н., доцент.

Исламходжаев Хасан Суратович – д.ю.н., доцент.

Рахимов Фахри Хайдарович – д.ю.н., профессор.

Оқюлов Омонбой – д.ю.н., профессор.

Имомов Нурилло Файзуллаевич – д.ю.н., доцент.

Эсанова Замира Нормуратовна – д.ю.н., доцент.

Шодманов Фуркат Юсупович – д.ю.н., профессор.

Самарходжаев Ботир Билялович – д.ю.н., профессор.

Шамухамедова Замира Шаисламовна – д.ю.н., доцент.

Холмўминов Жуманазар Тоштемирович – д.ю.н., профессор.

Файзиев Шухрат Хасанович – д.ю.н., профессор.

Абдурасулова Кумринисо ... – д.ю.н., профессор.

Зуфаров Рустам Ахмедович – д.ю.н., профессор.

Мухитдинов Фахриддин ... – д.ю.н., профессор.

Тошев Бобокул Норқобилович – д.ю.н., профессор.

Рустамбеков Ислонбек Рустамбекович – к.ю.н.

Для получения информации просим обращаться:

Гулямов Сайдилла Саидахарович,
Рустамбеков Ислонбек Рустамбекович
ТГЮУ, кафедра Международное коммерческое (частное) право, Совет молодых ученых.
Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35. Тел.: 233-66-36 (1073).

Электронная версия "Обзор законодательства Узбекистана" размещена на Интернет сайте:
www.lawreview.uz

Журнал включен в список Высшей Аттестационной Комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан в 2013 г.

Результаты, заключения, толкования, выраженные в этом документе, принадлежат только их авторам и не отражают политики или мнения Республики Узбекистан или Ташкентского государственного юридического университета.

Опубликовано в 2015 г.

Авторские права принадлежат Ташкентскому государственному юридическому университету. Все права защищены. Публикация может производиться, распространяться или передаваться в какой-либо форме с разрешения Ташкентского государственного юридического университета. По вопросам воспроизведения обращаться в Ташкентский государственный юридический университет. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35.

ISSN 2181-8118

Ответственный секретарь: **И.Рустамбеков**

Издательский редактор: **Н.Ниязова**

Технический редактор: **М.Юсупов**

Лицензия № 02-0074

Подписано к печати – 13.04.2015

Уч.- изд. лист. – 5

Отпечатано в типографии «IMPRESS MEDIA»

Тираж – 100

**НАУЧНЫЙ-АНАЛИТИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ**

1/2015

СОДЕРЖАНИЕ

ГОСУДАРСТВЕННОЕ ПРАВО И УПРАВЛЕНИЕ

Х.Одилкориёв Правовая политика государственной власти в сфере законотворчества.....	5
Т.Умаров Доведение законов: исторические корни и перспективы развития.....	9
А.Порайко Возможности адаптации в систему государственного управления Украины опыта Великобритании по противодействию бюрократизму.....	12
Б.Алимов Повышение ответственности кабинета министров -важный фактор стабильности системы сдержек и противовесов.....	16

ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО И ГРАЖДАНСКИЙ ПРОЦЕСС

Р.Рузиев Правовая сущность неназванного договора.....	19
Н.Имомов Понимания в сфере частной собственности и подходы по их толкованию.....	23
О.Камалов Особенности договоров поставки продукции с участием органов внутренних дел.....	29
А.Ахмедов Субъекты инновационной деятельности в Республике Узбекистан.....	33
Н.Ашурова Эффективная защита права частной собственности и правовые основы гарантии.....	35
Т.Мадумаров Совершенствование систем договоров, заключённых микрокредитными организациями.....	39
К.Мехмонов Гражданско-правовая защита компьютерных программ: зарубежная практика.....	42
Н.Батирова Правовые основы негосударственных некоммерческих организаций в Республике Узбекистан.....	46

УГОЛОВНОЕ ПРАВО И УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС

У.Тухташева Роль судебной власти в системе разделения властей.....	48
У.Холикулов Концептуальные вопросы отечественного уголовного права в период углубления демократических реформ.....	50
А.Расулев Проблемы определения субъективной стороны при квалификации несанкционированного доступа к компьютерной информации.....	53
С.Рахманова Перспективы усиления принципа состязательности на стадии назначения уголовного дела к судебному разбирательству.....	57
И.Астанов Совершенствование института экспертизы и использование новых возможностей института экспертизы.....	60
Ш.Файзиёв Перспектива совершенствования деятельности органов дознания.....	63
М.Хакимов Европейский ордер на арест: законодательные основы и применительная практика.....	68
С.Ниязова Виктимологическая классификация потерпевших преступлений против личности, совершенных с применением насилия.....	70
Д.Курбонов Уголовная ответственность за преступления против свободы в уголовных законах некоторых зарубежных стран.....	74

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ

И.Рустамбеков Международно-правовое регулирование электронной коммерции.....	77
А.Мухаммеджанов Политика Китая в современных международных отношениях в Южной и Центральной Азии.....	83
Д.Умарханова Взаимосвязь между нормами национального и международного права по правовому регулированию международного сотрудничества государств по уголовным делам.....	86
И.Абдурахманов Взаимное сотрудничество Евросоюза по обеспечению экономической безопасности и опыт против теневой экономики.....	90

ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ПРАВО

М.Нурматов Право пользования природой.....	92
Т.Азизов К вопросу законодательства в области чрезвычайных экологических ситуаций.....	96

Х.Т. Одилқориев

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
кафедра бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТИ

Давлат ҳокимиятининг иродаси расмий сиёсий тусга эга. Мазкур ирода, асосан, қонун ижодкорлиги фаолиятининг маҳсули бўлиш Конституция ва қонунларда ифода этилади. Давлат сиёсати билан қонун ижодкорлиги ўртасида ўзига хос диалектик алоқадорлик мавжудлигига эътибор қаратиш лозим. Бир томондан, давлат қонун ижодкорлиги воситасида ўз сиёсатини расмийлаштиради, унга легитим хусусият бахш этади; иккинчи томондан, давлатнинг сиёсий иродаси қонун ижодкорлиги фаолиятига туртки бериб, унинг мазмунини, стратегиясини белгилайди. Давлат ҳокимияти ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига тааллуқли сиёсат юритади (мас., иқтисодий сиёсат, демографик сиёсат, ёшларга оид сиёсат, ҳарбий сиёсат ва ҳоказо). Шу маънода давлатнинг ўзига хос ҳуқуқий сиёсати мавжудлигини эъритоф этиш мумкин.

Давлатнинг ҳуқуқий тизим ҳаракатлишини таъминлаш, ҳуқуқий ҳаётни ташкиллаштириш бобида юридадиган сиёсати ҳуқуқий сиёсат деб аталади. *Ҳуқуқий сиёсат*—давлатнинг ҳуқуқий мафкураси, унинг ҳуқуқий ҳаёт соҳасида тутадиган йўл-йўриғи, рўёбга чиқарадиган амал ва тадбирлари, қўлланиладиган раҳбарий ғоялари (принциплари) ифодасидир¹. Шу билан бирга айтиш жоизки, ҳуқуқий сиёсат юридик фаолиятдаги қадриятлар, устуворликлар тизимида, ҳуқуқий ҳаёт воқеликларида, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунида ҳамда расмий ҳуқуқий мафкурада намоён бўлади. Ўз мазмун-моҳиятига кўра, ҳуқуқий сиёсат жамият тузилмалари ва давлат органларини қуйидаги долзарб вазифаларни ҳал этишга йўналтиради: мамлакат миқёсидаги муҳим ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқ субъектлари (жумладан фуқаролар)нинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, юридик ҳаётни равон ҳамда изчил ривожлантириш, қонунчилиқни давр талабларига мутаносиб такомиллаштириб бориш, ижтимоий-ҳуқуқий онг ва маданиятни барқарор юксалтириш, умуман ҳуқуқий тизимни ялпи модернизация қилиш кабилар.

Давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий сиёсати қонунчилик тизимида моддийлашади (бунинг боиси қонун, қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқни ифодалашнинг асосий шакли эканлигида), шунингдек, қонун ижодкорлик фаолиятига татбиқан дифференциациялашади (тармоқланади). Юқоридаги якуний таъкид (хулоса)ни давлатнинг “қонунчилик сиёсати” ёки “қонун ижодкорлиги борасидаги ҳуқуқий сиёсати” категориялари ёрдамида талқин этиш мумкин. Суверен давлат ҳокимияти ўзининг мустақил қонунчилик стратегиясига, қонун ижодкорлигига доир ҳуқуқий сиёсатига, яъни ўз қонунчилик сиёсатига эга бўлади. Давлат иродасининг қонун ижодкорлиги жараёнига таъсири қонунчилик сиёсат орқали амалга ошади. Шу боис давлатнинг қонунчилик сиёсатини илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиб, унга юридик

фан нуқтаи назаридан талқин бериш алоҳида долзарблик касб этади.

Қонунчилик сиёсати – давлат ҳуқуқий-сиёсатининг бир бўлаги бўлиб, унда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий йўналишлари, принциплари, мақсад ва вазифалари ўз ифодасини топади². Қонунларни шакллантириш, қабул қилиш ва ҳаётга жорий этиш мақсадларига йўналтирилган махсус сиёсий-юридик таъсир этиш воситалари ва чоралари йиғиндиси қонунчилик сиёсати воқелигини ташкил этади. Бошқача айтганда, қонун ижодкорлиги давлатнинг ҳуқуқий (қонунчилик) сиёсатини шакллантириш, ифодалаш, расмийлаштириш ҳамда амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Қонунчилик сиёсати ижтимоий бошқарув санъатининг махсус туридир. Қонунчилик сиёсати қонун ижодкорлигининг бош мазмунини, асосий йўналишларини, тенденцияларини, уни такомиллаштириш стратегияси ҳамда тактикасини ва модернизациялаш мантиғини белгилайди.

Қонунчилик сиёсатининг энг муҳим сифати—қонунчиликни такомил-лаштириш мақсадига йўналтирилганлик, ҳуқуқ ижодкорлик ва ҳуқуқни ижро этишни ташкил қилишнинг рационал тизимини ишлаб чиқишликдир. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ҳеч кимга тобе бўлмаган қонунчилик сиёсатини юритади. Юқаск нуфузли инсонпарвар, адолатли ҳамда демократик қонунлар яратиш, қонунни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш воситасига айлантириш, жамият учун умумий манфаатли барча муносабатларни қонун ёрдамида муҳофаза этиш кабилар ушбу сиёсатнинг асосини ҳосил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимиз қонунчилик сиёсатининг негизини ташкил этади. У қонунчилик сиёсатининг асосларини, принципларини, устувор йўналишларини белгилаб беради. Шу маънода давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этмоқда³. Дарҳақиқат, Конституцияда жамият ривожланишининг бош стратегияси, устувор йўналишлари, давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўзининг қонуний ифодасини топади. Аслида Конституция жамият сиёсий етуқлигининг, маърифий—ҳуқуқий савиясининг, турли ижтимоий-сиёсий кучлар мувозанати (муроасага келишуви) нинг натижаси, маҳсулидир. Конституция нафақат соф маънодаги юридик ҳужжат, балки давлат сиёсатини олий даражадаги қонун тарзида расмийлаштирувчи ҳужжатдир. Асосий қонунимизда қонун ижодкорлиги жараёни ва унинг бошқичлари, қонунларни яратишнинг конституциявий механизми аниқ ҳамда қатъий мустаҳкамланган (76, 78, 83, 84, 87, 93-модда 17-банди ва бошқ.). Мазкур моддаларда белгиланган қоида, принцип ва нормалар мамлакатимизда амалга ошириладиган қонун ижодкорлик фаолиятининг, шунингдек қонунчилик сиёсатининг конституциявий асосларини ташкил этади.

² Одилқориев Х.Т. Кўрсатилган асар, 33-бет.

³ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – Б. 7.

¹ Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. –Т., 1995, 34-бет.

Давлатнинг Конституцияда ифодланган сиёсатини, сиёсий мафкураси ва доктринасини конституциявий-ҳуқуқий сиёсат сифатида эътироф этиш мумкин. Таҳлил этилаётган мавзуга татбиқан конституциявий-ҳуқуқий сиёсат – давлат ҳокимиятининг Конституция асосида ҳуқуқ яратиш, қонунларни ижод қилиш ва уни амалга ошириш соҳасида давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтларининг ваколатларини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойили асосида қонун ижодкорлик стратегиясини белгилаш, шунингдек ҳуқуқий воситалар билан конституциявий тузумни муҳофаза этишга оид асосий концептуал қоида ва мезонларни ишлаб чиқиш ҳамда жамият ҳаётига татбиқ этишга йўналтирилган фаолиятидир. Мамлакатнинг қонунчилик стратегияси Конституцияда мужассам ифодаланган. Айни вақтда, қонунчилик стратегияси қонунчилик сиёсатининг мазмун-моҳиятини ижтимоий муносабатлар тизимига сингдиришнинг муҳим йўналишлари сифатида майдонга чиқади.

Қонунчилик стратегияси – мамлакат ҳуқуқий тизимининг, унинг алоҳида таркибий элементларининг, ҳуқуқ ва қонунчилик соҳалари ва институтларининг ҳозирги ҳамда истиқболдаги ривожланиши асосий йўналишлари белгиланишини англатади¹.

Давлатимизнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги замонавий ҳуқуқий сиёсати Ўзбекистон Республикаси Президенти 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида баён этган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да ўзининг аниқ ифодасини топган. Унда давлатимиз раҳбари жамиятимизнинг истиқболли тараққиётини таъминловчи устувор йўналишларни белгилаш баробарида бу борадаги муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ҳамда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинликни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илғари сурди. Концепциянинг бош мақсади мустақиллик йиллари мобайнида амалга оширилган ислохотлар ва эришилган ютуқларга танқидий баҳо бериш ҳамда истиқболда бажарилиши лозим бўлган устувор вазифаларни илмий – амалий, назарий жиҳатдан асослашдан иборат.

Мазкур Концепцияда фуқаролик жамиятини барпо этиш манфаатларидан келиб чиқиб, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида демократик ўзгаришларни қатор муҳим йўналишларда янада чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари белгиланди. Аввало, давлат фуқаролик жамияти принципларига мос тарзда ташкиллаштирилиши, ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, аниқроғи, давлат

идораларининг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш назарда тутилди².

Иккинчидан, жамият ҳаётида қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд – ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш йўналиши таъкидланди.

Учинчидан, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг танлаш ҳуқуқини ва ахборот эркинлигини кафолатлаш, одамларнинг ўз фикр ва ғояларини эркин ифода этишига шароит яратиш назарда тутилди.

Тўртинчидан, мамлакатда сиёсий демократиянинг муҳим кўрсаткичи бўлган сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш вазифаси белгиланди³.

Бешинчидан, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлаштириш ислохотлар кейинги босқичининг муҳим йўналиши сифатида эътироф этилди. Жамоат ва нодавлат ношароит ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли тобора ортиб бориши таъкидланди.

Олтинчидан, фуқаролик жамияти том маънодаги бозор иқтисодиётига, хусусий мулкчилик муносабатларига таянишидан келиб чиқиб, эркин ишлаб чиқарувчи, эркин истеъмолчи ва эркин фуқаро ўртасида тенг шартномавий алоқалар шаклланишига шароит яратиш вазифаси назарда тутилди.

Давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрлари қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи парламент учун дастуруламал, қонун ижодкорлик фаолиятини янада жўшқинлаштириш учун стратегик асос бўлиб хизмат қилади: “Маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис авваламбор... ҳар томонлама чуқур ўйланган аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган **тараққиёт дастури** ва уни амалга ошириш **стратегиясига** эга бўлиш орқали муваффақиятга эришиш мумкин. Ўзбекистон Президенти баён этган Концепция жамиятимизнинг ана шундай истиқболга йўналтирилган тараққиёт дастури бўлиб хизмат қилиши тайин. Шунингдек, ҳужжатда “қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишдан кўзланган **асосий мақсад** – парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида... **қонун ижодкорлигининг сифатини** жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат”, – деб таъкидланди.

Алоҳида урғу бериш лозимки, мазкур Концепциянинг мамлакат Президенти И.А.Каримов шу чоққача қилган барча маърузаларидан фарқ қиладиган алоҳида хусусияти шундаки, ушбу маъруза давлатимиз раҳбарининг жуда катта миқдордаги янги қонунларни қабул қилиш, кўплаб амалдаги қонунларга

¹ Минюк Н.В. Законотворчество как форма, выражения правовой политики // «Гос. и право», 207. –№6. –С.96.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 8.

³ Ўша манба. – Б. 35.

қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш борасидаги қонунчилик ташаббусларига ниҳоятда бой бўлди. Энг муҳими, Президентнинг қонунчилик ташаббуслари илмий ва амалий жиҳатдан чуқур асосланган бўлиб, жамиятимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш эҳтиёжларига хизмат қилувчи қонунлар қабул қилинишига тааллуқли бўлди.

Концепция мазмуни билан муфассал танишиш ва таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, у қонун ижодкорлигининг фаоллашувиغا ниҳоятда кучли туртки вазифасини ўтамоқда. Зеро, маърузада Президент эллика яқин қонунчилик ташаббуси тарзидаги таклифларни баён этди. Улар жамият ҳаётининг барча жабҳаларига оид қонунларга тааллуқли бўлиб, қуйидаги манзарани касб этади:

1) давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўналишида Конституция ва бошқа қонунларга 7 та қўшимча ва ўзгартириш;

2) суд – ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасида - 3 та янги қонун, 2 та янги тахрирдаги қонун, 1 та дастур ва амалдаги қонунларга 5 та қўшимча ва ўзгартириш;

3) ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш хусусида – 4 та янги қонун ва амалдаги қонунларга 3 та қўшимча ва ўзгартириш;

4) Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалалари бўйича - амалдаги қонунларга 5 та қўшимча ва ўзгартириш;

5) фуқаролик жамити институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида - 3 та янги қонун, 1 та дастур қабул қилиш ҳамда 2 та қонунга қўшимча ва ўзгартириш;

6) демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишида - 12 та янги қонун, 3 та янги тахрирдаги қонун ва амалдаги қонунларга 3 та қўшимча ва ўзгартириш киритиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Юқоридаги барча йўналишлардаги рақамларни умумлаштирадиган бўлсак, жами 21 та янги қонун, 5 та янги тахрирдаги қонун, 2 та миллий дастур ва амалдаги қонунларга 25 та қўшимча ва ўзгартириш киритиш ташаббуси илгари сурилган.

Кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбари тақдим этган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” Олий Мажлис палаталари қонун ижодкорлик фаолиятининг қатъий дастуруламали сифатида мазкур фаолиятга янгича руҳ, маъно-мазмун, жўшқинлик, изчиллик ва тизимлилик бахш этмоқда. Энг муҳими, барча қонунларимизни демократик фуқаролик жамияти куриш эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган сифат ҳамда савияга эга бўлишига кўмаклашмоқда.

Қонунчилик сиёсатини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти алоҳида ўрин тутди. Президент давлат бошлиғи сифатида ўз фармон ва қарорлари воситасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаётининг барча соҳаларига оид ҳуқуқий сиёсат асосларини белгилаб беради. Шунингдек, у парламент минбаридан қиладиган мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузаларда, парламентга мурожаатларида, алоҳида концепцияларда қонун ижодкорлиги борасидаги сиёсатнинг асосий устуворликларини ифода этади.

Фикримизнинг далили сифатида И.А.Каримовнинг “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” асаридagi қуйидаги иқтибос айти мурдаодир. “Давлат курилиши ва иқтисодий ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий, ғоят муҳим стратегик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилади ва унинг фармонлари билан тасдиқланади. Айти шу фармонлар ислохотларнинг асосий мафкурасини ва уларни амалга оширишнинг муҳим босқичларини ўзида акс эттиради. Қабул қилинаётган муҳим қарорлар қандай мақсадга қаратилганлиги, уларни амалга ошириш механизми фармонларда очиб берилади”¹.

Мустақил тараққиётимизнинг дастлабки даврларида қонун ижодкорлигида шундай тажриба шаклландики, масалан, қатор муҳим соҳалар бўйича, хусусан, деҳқон ва фермер хўжалиқларини ташкил этиш, хусусий мулкликни ривожлантиришни рағбатлантириш, банк ва банклар фаолияти, қимматли қоғозлар бозорини ва фонд биржасини шакллантириш, биржалар ва биржа фаолиятини ташкил қилиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш каби кўплаб масалалар бўйича дастлаб Президент фармонлари қабул қилинди. Тегишли ҳуқуқий механизмлар ҳаёт синовидан ўтиб, ижтимоий муносабатлар руҳига сингигач, шу масалаларга оид алоҳида-алоҳида қонунлар қабул қилинган эди. Шуларни таҳлил этиб, Президент ўз мулоҳазаларини қуйидагича давом эттиради: “Ислохотлар жараёни ривожланиб ва чуқурлашиб борган сари, уларнинг ҳуқуқий негизи сайқалланиб ва такомиллаштириб борилади, қабул қилинган қонун ҳужжатларига ўз вақтида зарур ўзгартиришлар киритилади.

Фармонларда қабул қилинадиган ечимлар ҳукумат қарорларида ҳуқуқий асосда батафсил ёритиб берилади ва аниқ чора-тадбирлар билан мустаҳкамланади. Ҳукумат қарорларини қабул қилиш йўли билан иқтисодий ислохотларнинг боришини давлат-ҳуқуқий жиҳатдан жадал суратда тартибга солиш, иқтисодийнинг ғоят муҳим бўғинлари ва соҳаларини ўзгартириш жараёни амалга оширилади”². Кейинги йилларда қонун чиқариш тизимининг ўзигина эмас, балки қонун ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш механизми ҳам вужудга келди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси – қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллик органи сифатида қонунчилик сиёсатини шакллантириш ва ҳаётга жорий этишда салмоқли роль ўйнайди. Парламент қонун ижодкорлик жараёнини самарали ташкил этиш, изчил қонунчилик тизимини шакллантириш, сифатли қонунлар қабул қилинишини таъминлаш, қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш билан боғлиқ катта ҳажмдаги ишларни бажаради. Парламент мамлакат тараққиётининг тегишли босқичларида муҳим қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича қонун ижодкорлик ишлари режаларини қабул қилади, мазкур фаолиятнинг концептуал ва ташкилий жиҳатларини муҳокама этиб, ўз стратегик вазибаларини белгилайди.

Олий Мажлис қонунчилик сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнига Конституциянинг 83-

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3.–Т.: Ўзбекистон, 1996. 195 б.

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3.–Т.: Ўзбекистон, 1996. 195–196 б.

моддасида назарда тутилган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларини, сиёсий партияларни (уларнинг парламентидаги фракцияларини), фуқаролик жамиятининг барча институтларини, айниқса, оммавий ахборот воситаларини кенг жалб этади. Мазкур сиёсатнинг асосий принциплари ва устувор йўналишлари мазмунида мамлакатда ўтказилган референдумлар, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамалари яқунлари, халқ ижтимоий фикрини ва фуқароларнинг ҳуқуқ ташаббускорлигини акс эттириш таъминлаб келинмоқда. Қонун ижодкорлик жараёнида халқ оммасининг, фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш парламент собитлик билан риюя этадиган демократик конституциявий принципдир.

Ҳукумат даражасида қабул қилинадиган қарорлар қонун ва фармонлар ижросини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, улар ҳам давлат томонидан юритилаётган қонунчилик сиёсатининг амалий жиҳатларини акс эттиради. Қонунчилик сиёсатининг айрим юридик ва ташкилий масалаларини ишлаб чиқишда, ҳаётга татбиқ этиш ва қонунчилик ҳужжатларни лойиҳалаштириш, амалдаги қонунчиликни янги қабул қилинган қонунларга мувофиқлаштиришда Адлия вазирлиги, қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил этишда Прокуратура, қонунлар ижросини таҳлил этиш бўйича Президент ҳузуридаги амалдаги қонунчилик мониторинги институти ва бошқалар муҳим роль ўйнайдилар.

Давлатнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ҳуқуқий сиёсатини шакллантиришда суд ҳокимияти субъектлари ҳам фаол қатнашадилар. Конституциявий суд, умумий юрисдикция ва ҳўжалик судларининг олий органлари қонунларни қўллаш амалиётини таҳлил этиш асосида қонунчилик ташуббуси тартибда парламент эътиборига мунтазам равишда тегишли таклифларни киритадилар. Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқий ислохотларнинг концепцияси, шунингдек жинойат қонунчилиги ва жиноий жазо тайинлаш тизимини либераллаштириш концепцияси ҳам ушбу демократик ўзгаришларнинг ҳуқуқий базасини шакллантириш борасидаги қонунчилик сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида эътироф этилиши мумкин. Хусусан, мазкур сиёсатнинг қатор устуворликлари “Судлар тўғрисида”ги қонунда, Президент фармонларида, айниқса, “Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент қарорида (2008 йил 23 июнь) расмий тарзда мустаҳкамланди. Мазкур ҳужжатда судларга оид қонунчилик сиёсатининг қуйидаги мантиғи ифода этилган: мустақил, холис, демократик суд ҳокимияти ва инсонпарвар суд тизимини вужудга келтириш пировардида инсон манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли муҳофаза этишга хизмат қилади.

Шу ўринда ҳуқуқий сиёсатнинг алоҳида тури сифатида суд-ҳуқуқий сиёсати мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш мумкин. Фикримизча, *суд ҳуқуқий сиёсати* – давлат ҳокимиятининг, тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг, шунингдек фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатдаги одил судловни ташкил этиш ва амалга оширишга оид ҳуқуқий ғояларни, принципларни, соҳани ислоҳ этиш мақсудаси ҳамда стратегиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли, илмий асосланган, изчил ва

тизимли фаолиятдир. Унинг моҳияти жамият ва давлат манфаатларини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, одил судловни самарали ташкил этиш ва амалга оширишга доир ғояларни шакллантириш ҳамда вазифаларни белгилаш, дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишдан иборат.

Жамиятни модернизациялаш жараёнида давлатнинг қонун сиёсатининг фаолиятига, умуман, қонунчилик сиёсатининг мазмунига янада юқори янги талаблар қўйилиши табиий. Мазкур вазиятда қонун ижодкорлиги соҳасидаги давлат сиёсатини давр руҳи ва эҳтиёжларига мос ҳолда такомиллаштиришни таъминловчи, мустаҳкам методологияга таянган илмий концепциясини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда қонунчилик сиёсати – қонунлар яратиш соҳасидаги давлат фаолиятининг илмий асосланган стратегияси ва тактикаси сифатида майдонга чиқади. Қонун ижодкорлиги борасидаги ҳуқуқий сиёсатни ривожлантириш концепциясида, чамаси аввало, қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг ва қонунчилик сиёсатининг бош мақсади, асосий вазифалари, устувор йўналишлари, ривожланиш тенденциялари, қўлланиладиган раҳбарий принциплари, структураси ва шакллари, ижтимоий муносабатларни қонун воситасида тартибга солишнинг юридик воситалари ва усуллари ўз аксини топиши зарур. Қонун ижодкорлигига оид сиёсатнинг истиқболга мўлжалланган концепциясини ишлаб чиқишда қонун ва қонунчилик ҳужжатлари тизими ривожланишини прогност қилиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим.

Шундай қилиб, қонунчилик сиёсати давлат ҳуқуқий сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиб, мамлакатнинг изчил ҳуқуқий тараққиётини таъминлаш, ҳуқуқий тизимни яхлит воқелик тарзида сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, қонун ижодкорлиги фаолиятини модернизация қилиш, унинг илмий асосларини мустаҳкамлаш, энг муҳими, ижтимоий муносабатларни самарали ҳуқуқий тартибга солишнинг қонуний механизмларини яратиш имконини беради.

Аннотация: Мақолада давлат ҳокимиятининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ҳуқуқий сиёсатининг маъно-моҳияти, уни шакллантириш механизми ва принциплари, қонунчилик стратегиясини қарор топтириш, унинг таркибий элементлари ва амалга ошириш масалалари назарий-методолик жиҳатдан таҳлил этилди.

Калит сўзлар: давлат ҳокимияти, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий сиёсат, қонунчилик сиёсати, қонунчилик стратегияси, ҳуқуқий тизим самарасини ошириш.

Аннотация: В статье рассматриваются теоретико-методологические вопросы формирования и выражения правовой политики государства в сфере законодательства. А также анализируются сущность, механизм и принципы формирования законодательной стратегии, ее структурные элементы и проблемы реализации.

Ключевые слова: государственная власть, законодательство, правовая политика, законодательная политика, законодательная стратегия, повышение эффективности правовой системы.

Annotation: The article deals with the theoretical and methodical issues of formation and expression of state legal policy in law-making sphere. The author analyzes the essence, mechanism and principles of formation of legislative strategy, its structural elements and realization problems.

Key words: state authority, law-making, legal policy, legislative policy, legislative strategy, increase of effectiveness of legal system.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – Б. 7.

2. Минюк Н.В. Законотворчество как форма, выражения правовой политики // «Гос. и право», 207, №6, с.96.

3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б.8.

4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3.–Т.: Ўзбекистон, 1996. 195 б.

5. Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. –Т., 1995, 34-бет.

Т.А. Умаров

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Матбуот хизмати бошлиғи ўринбосари,
юридик фанлар доктори

ҚОНУНЛАРНИ ЕТКАЗИШ: ТАРИХИЙ НЕГИЗЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қонун ҳужжатларини ижрочиларга ва аҳолига етказиш аҳволини ўрганишда тарихий ривожланиш, ижтимоий ва давлат тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари инobatга олиниши зарур, чунки давлат-ҳуқуқий тизимини такомиллашувида тарихий ва маънавий-ахлоқий анъаналар муҳим аҳамият касб этади. Бундай ёндошув билан амалга оширилган илмий-амалий изланишлар қонунларнинг самарадорлигини кучайтиришга ёрдам беради.

Бу эса, ўз навбатида, қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш жараёни ва босқичлари, тартибга солиш йўналишлари, ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётда тутган ўрни ва мавқеини аниқлаштиришга ёрдам беради.

Мамлакатимиз президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида “қонунларни ижрочиларга етказиш ва шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини албатта ўрганишни ва шу асосда қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш – бугунги кунда долзарб вазифага айланиши даркор” – деб таъкидлаган¹.

Ҳақиқатан ҳам давлатчиликнинг шаклланиши ва ривож топиши тарихини давлат ҳокимияти билан кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг энг мақбул услублари ҳамда воситаларини излаб топиш жараёнидан ажратиб бўлмайди. Бу жараён давлатнинг табиатига сезиларли таъсир кўрсатади. Мустақиллик шарофати билан маънавий қадриятлар қайта тикланмоқда. Халқимиз ўз тарихини хушхулқилик, адолат, ҳақиқат ҳамда комилликдан сабоқ бера оладиган ўша тарихий ижтимоий муҳитни янгидан идрок қилмоқда.

Қонун ҳужжатларини ижрочиларга ва аҳолига етказиш – бугун ёки кеча пайдо бўлган эмас. У бир неча минг йил илгари инсоният тарихида илк бор давлатчилик асослари пайдо бўлиб, ҳудудийлик тамойилига кўра бўлиниб яшаш турмуш тарзи аҳоли томонидан қабул қилиниб, оммавий тартиб тушунчаси пайдо бўлгандан буён мавжуд. Лекин янги тартиботни ўрнатувчи ҳужжатларни ижрочилар ва аҳолига етказиш, янги ҳуқуқий қоидаларни жорий қилиш турли тарихий даврларда, у ёки бу ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичида, муайян давлатларда турлича ҳал қилинган.

Инсоният тарихида қонунларни етказиш унга ишончсизлик каби номаъқул ёндашувдан аста-секин узоқлашиб, тартибсизлик, ҳақ-ҳуқуқсизлик, ҳимоясизликдан воз кечилиб, янги тартибот

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. <http://uza.uz/>

хужжатларни халққа самарали етказишгача бўлган узоқ эволюция босқичларидан ўтган¹.

Маълумки, ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи энг муҳим воситадир. Ўз навбатида, унинг таркибий қисми бўлган, янги тартиботни ўрнатувчи хужжатларни ижрочиларга ва аҳолига етказиш мазмуни тарихий ривожланиш босқичларида бир хилда бўлган эмас. Унинг такомиллашув босқичлари кўпроқ савдо-сотиқ ва халқаро ҳамкорликнинг чуқурлашуви негизида амалга ошган².

Шунинг учун, қонунларни етказиш бўйича хорижий тажриба билан бир қаторда аждодлар меросида мазкур масала қандай ҳал этилганлигини ўрганиш бу борада самарали ҳуқуқий ечимларни топишга ёрдам беради.

Янги тартибот хужжатларини етказишнинг тарихий негизлари биринчи навбатда Рим ҳуқуқига бориб қадалади. Қадимги Римда ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиш *caput habere* ни англатган. Муайян шахс тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши учун сиёсий, оилавий ва мулкчилик муносабатларида 3 та талаб: эркинлиги бўйича – қул эмас, эркин одам бўлиши; фуқаролиги бўйича – Рим фуқаролари қаторида туриши, ўзга юртдан бўлиши мумкин эмаслиги; оилада оила бошлиғи ҳокимиятига тобе бўлмаслиги лозим эди³.

Кўҳна Туркистон замида ҳам қадимдан эл осойишталигини таъминлаш, фуқарога ҳар томонлама ёрдам бериш, уларга жабр қилганга нисбатан чора қўллаш ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда адолатли бўлишга алоҳида эътибор қилинган⁴.

Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда марказлашган давлат барпо этиш, халқаро алоқалар, йўллар ва шаҳарлар қуришга кўп эътибор берганига бағишланган асарлар талайгина. Лекин янги тартиботни ўрнатувчи хужжатларни ижрочилар ва аҳолига етказиш қандай тартибга солинганлиги, унинг турлари, шакли, ўрни ва аҳамияти, фикримизча, шу вақтгача етарли ёритилмаган. Соҳибқирон «Темур тузуклари»да «карвонсаройларни доимий озода ва ёруғ сақласинлар, йўл устига кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, халқ орасидаги солиқ ишлари ва унинг миқдори тартибга олиниб, тузуклар асосида амалга оширилишини таъминласинлар» – деб кўрсатма берган⁵.

Туркистонда Россия босқинидан кейин қонун хужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш жараёнида маҳаллий аҳоли ҳуқуқлари ҳар томонлама чекланган эди. Масалан, насроний динида бўлмаган киши темир йўл бош устахонасида ёки депосида машинист, кондуктор, чилангар ва ўт ёқувчи бўлиб ишлаши мумкин эмас эди⁶.

Қолоқлик ва жаҳолат, ўлка аҳолисининг аянчли аҳволи, Туркистоннинг Европа ва жаҳон цивилизация-

сидан орқада қолиб кетиши, исломни оёқ ости қилиниши шароитида бундай оғир фожеали ҳаётдан қутулиш, эрк ва озодликка эришиш ҳақидаги гоёлар ўз замонасининг илғор зиёли қатламларида пайдо бўлиб, чор мустамлакачилигига қарши курашиш биринчи ўринга чиқиб борган.

Инсон ҳуқуқлари, давлат ва шахснинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш совет даврида эса ўта кучли ва турли кўринишдаги мафкуравий босим остида бўлиб, энг «ёпиқ» мавзулардан бири ҳисобланган.

Бу даврда, ҳаттоки айрим «натижалар»ни шубҳа остига олиш, илғор хорижий ҳуқуқий тажрибага мурожаат қилиш хавфли таҳдид деб талқин қилиниб, «тузумни қоралаш», «давлат асосларига тажовуз қилиш», «маънавий тамойиллардан чекиниш» – деб эътироф қилинган.

Мустабид тузум 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида халқ устидан зўравонлик қилиш ҳисобига сақланиб турди. Шу даврда қонун хужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш давлат бошқарувининг маъмурий буйруқбозлик тизимида ўзининг барча салбий кўринишлари билан қарор топди.

Бу даврда ҳуқуқий ҳаёт шу қадар ўзгариб бордики, натижада миллийлик ўрнига байналминаллик устувор қилиб қўйилди, миллий кадриятлар, аъяна, урф-одатлар ва кўп асрлик маънавий мерос оёқ ости қилинди⁷. Ўз-ўзидан равшанки, бундай шароитда қонунларни ижрочилар ва аҳолига етказиш ҳам кўпроқ шиорбозлик тавсифига эга бўлиб қолган эди.

Албатта, мозийни қайта таклашни кўзлаган бу каби мулоҳазалар ва ҳулосаларда эҳтиёткорлик зарурдирки, уларни ишончли манбалар билан тасдиғини топганидан кейингина ҳақиқат сифатида қабул қилиб, аждодлар аъяналарини ўзига хос нозик жиҳатларини ўзлаштириш мумкин бўлади. Ал-Мотурудий ҳақли таъкидлаганидек, аъяналарни авлоддан авлодга етказиш билангина чекланиш кифоя қилмайди: нима тўғри, нима нотўғри эканини ўзимиз билиб олишимиз керак бўлади⁸.

Шундай қилиб, янги тартиботни ўрнатувчи хужжатларни ижрочилар ва аҳолига етказиш ўз ривожланиши жараёнида 4 та асосий тарихий босқичдан ўтган. Антик даври билан боғлиқ бўлган биринчи босқичда бу масалада ибтидоий жамоа кадриятлари устунлик қилган. Генезиснинг иккинчи босқичи қўлдорлик тузуми даври билан боғлиқ бўлиб, бунда индивидлар ўртасидаги шахсий тобеллик ижтимоий муносабатларнинг шакллари белгилаб берган. Учинчи босқич вертикал ва горизонтал алоқалар билан тавсифланган. «Вертикал» бўйича ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳукмронлик ва итоаткорликка, яъни тобелликнинг вассаллик тамойилига асосланган. Шахснинг жамоа аъзоси сифатида тенг ҳуқуқда бўлиши «горизонтал» тарздаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар асосида қурилган. Мазкур генезиснинг тўртинчи босқичида ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатлари муҳим аҳамият касб этган.

Эндиликда қонун хужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш тараққиёт мезони сифатида мустаҳкамланиб, жаҳондаги барча давлатларда

¹ Лазарев Л.В. Иностранные граждане (правовое положение). //Лазарев Л.В., Марышева Н.И., Пантелеева И.В. – М.: Российское право, 2012. - С 319.

² Ўша китоб, ўша саҳифа.

³ Римское частное право: /Под ред.проф. И.Б.Новицкого и проф. И.С.Перетерского. – М.: Юриспруденция, 2009. - С 512.

⁴ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. (Танл. асарлар). – Т.: Абдулла Қодирий, 1993. 224 б; Сюкияйнен Л.Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. – М.: Наука, 1986. - С 254.

⁵ Темур тузуклари. (Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Ахмедов таҳр. остида). –Т.: Ф. Фулом, 1996. 344 б.

⁶ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-жилд. Туркистон чор мустамлакачилиги даврида. /Тузувчилар Ҳ.Содиқов ва б. –Т.: «Шарқ», 2000. 464 б.

⁷ Ўзбекистон янги тарихи. 2-жилд. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. /Тузувчилар М.Жўраев ва б. –Т.: Шарқ, 2000. 688 б.

⁸ Улрих Рудолф. Ал-Мотурудий ва Самарқанд суннийлик илоҳияти. –Т.: Имом Ал-Бухорий халқаро жамғармаси Фридрих Эберт жамғармаси, 2002. 203 б.

ривожланиб бормоқда. Шу аснода мазкур масаланинг самарали ечими ҳар қандай давлатнинг тобора юксалиши, турмуш тарзининг яхшиланиши, иқтисодий фаровонлик даражасининг ўсиши, халқаро муносабатларда мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Зеро, қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш барча жабҳаларни қамраб олиб, улар таъминланган давлат ижтимоий инқироз билан боғлиқ бўлган турли номувофиқликлардан холи бўлиб, чинакам демократик ҳуқуқий давлат сифатида шаклланиб боради.

Баъзи давлатлар, қани, биз ҳам шундай натижаларга эришсак, деб Мустақил Ўзбекистонга ҳавас билан қарамоқда. Шунинг билан биргаликда, Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги кунда биз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришга қаратилган олис ва оғир йўлнинг фақат бир қисминигина босиб ўтдик, холос. Унинг ҳал қилувчи қисми ҳали олдинда. Яъни, бу йўлда ўз ечимини кутиб турган вазифаларимиз камайгани йўқ, аксинча, замон талаби билан уларнинг кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда”¹.

Шу нуқтаи назардан, қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш бўйича соҳавий фаолиятни такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент ҳужжатлари, Олий Мажлис қарорлари, Конституциявий суд қарорлари, Ҳукумат қарорлари, вазирликлар, идоралар ва давлат кўмиталарининг давлат рўйхатидан ўтган қарорлари эълон қилинадиган ҳафталик “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” 2000 йилдан буён мунтазам нашр этилмоқда.

Ихтисослаштирилган “Адолат” нашриёти давлат қорхонаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 16 та кодекслари сўнги ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан чоп қилинмоқда.

Кейинги пайтларда қонун ҳужжатларининг соҳавий тўпламларини яратишга эътибор кучайди. Жумладан, Адвокатурага оид, Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялашга оид, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари каби соҳавий тўпламлар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалишига хизмат қилмоқда.

Қонун ҳужжатларини аҳолига тарғиб қилиш, улар нашр этилаётган расмий нашрлар ҳақида хабардорликни ошириш мақсадида 100 дан ортиқ ҳуқуқий нашрлар кўргазма-ярмаркалари ва сайёр савдолар ташкил этилди.

Қонун ҳужжатлари маълумотларини Lex.uz, Norma, Yurida дастурлари орқали ижрочиларга ва аҳолига етказиш каби интернет хизматларидан фойдаланишнинг самарадорлиги мунтазам ошиб бормоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-сайтида янги қонун ҳужжатлари жойлаштирилиб борилмоқда, унда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Тижорат сирини тўғрисида” ва “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги каби қонунларнинг шарҳлари билан ҳам танишиш мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг идоравий сайтларида ҳам қонун ҳужжатлари ҳамда

уларнинг илмий-амалий шарҳларини жойлаштириш амалиёти такомиллашиб бормоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларида қонун ҳужжатларини “назорат” ҳолатда бўлишини таъминловчи ягона ихтисослаштирилган тармоқлар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қонунчилик тарғиботини кучайтириш, янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан мақолаларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам чоп этилишини мувофиқлаштириб боришмоқда.

Қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш вазифаси юклатилган барча идора ва муассасаларда қонун ҳужжатларининг расмий манбаларига марказлаштирилган обуна ташкил этилмоқда.

Таъкидланганидек, доимо ўрганиш, изланиш, янгиликка интилиб яшаш керак. Фикримизча, қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатишнинг мақсади, вазифалари ва принциплари, шу жумладан, расмий тарқатмаларни юбориш тартиби ва муддатлари, қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказишнинг белгиланган талабларини бузганлик учун жавобгарликка оид ҳуқуқий қоидалар янада аниқлаштирилиши лозим.

Қатор хорижий давлатларда қонун ҳужжатларини чоп этиш ва тарқатиш, уларнинг ижрочилар ҳамда аҳолига ўз вақтида ва тўлиқ етказилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўғри ўзлаштирилишини таъминлашга оид ҳуқуқий дастаклар ишлаб чиқилган.

Хусусан, расмий манбаларнинг тарқатиш вақти, муддатлари ва таркиби (Россия Федерацияси), қонун ҳужжатларини қайта чоп этиш тартиби (Молдова Республикаси), ҳуқуқий маълумотларнинг эталон базасини шакллантириш ва нотўғри ҳуқуқий маълумот тақдим этганлик учун жавобгарлик (Беларусь Республикаси), эталон банк маълумотларига мувофиқлилик экспертизаси ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чоп этишга руҳсат бериш (Қозоғистон Республикаси) каби мажбурий ҳуқуқий қоидалар қонун ҳужжатларини етказилиши устидан назорат механизми, белгиланган талабларнинг бузилиши учун жавобгарлик масалаларини ўз ичига олган.

Фикримизча, қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, биринчидан, расмий тарқатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳудудий органларга ҳамда ташкилий бўлинмаларга вақтида етказилиши, қонун ҳужжатларини “назорат” ҳолатида бўлишини таъминлаш таъсирчан тизимини йўлга солиш; иккинчидан, янги қонун ҳужжатлари ҳақидаги мақолаларни оммавий ахборот воситаларига жойлаштириш; учинчидан, идоравий сайтларга қонун ҳужжатлари матнлари, эксперт, олим ва мутахассислар томонидан берилган тушунтириш ва шарҳларни жойлаштириш; тўртинчидан, янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан теле- ва радио дастурларнинг махсус сонини тайёрлаш; бешинчидан, қонунларни мужассамлаштириш ва уларнинг тарғиботи бўйича ижобий иш тажрибасини оммалаштиришни ҳар томонлама рағбатлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб беради.

Шундай экан, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга ва аҳолига етказиш борасида мутасадди идоралар, оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчиликнинг ҳамкорлигини ҳар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқи. <http://uza.uz/> 22.01.2015.

томонлама мустақамлаш, оммавий ахборот воситаларида чиқишларнинг сифатини яхшилаш, соҳавий фаолиятнинг самарадорлигини оширишга қаратилган назарий ва илмий-услубий тадқиқотларни жадаллаштириш, соҳада мавжуд ижобий ишларни кенг оммалаштиришга эътиборни янада кучайтириш лозим бўлади.

Аннотация: Мақолада қонунларни етказишнинг тарихий ривожланиши, мазкур соҳадаги хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган. Амалга оширилган таҳлил натижасида Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳани ривожлантиришнинг истиқболлари бўйича хулосалар берилган.

Калит сўзлар: қонун, қонун-ҳужжатлари, қонунларни етказиш, қонунлар моҳияти.

Аннотация: В статье осуществлен анализ исторического развития доведения законов и зарубежный опыт в данной сфере. Исходя из проведенного анализа, сделаны выводы о перспективах развития данной сферы в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: закон, законодательные акты, доведение законов, значение законов.

Annotation: In article the analysis of historical development of finishing laws and foreign experience in this sphere is carried out. Proceeding from the carried-out analysis, conclusions are drawn on prospects of development of this sphere in the Republic of Uzbekistan.

Key words: law, acts, finishing laws, value of laws.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нуқти. <http://uza.uz/>
2. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий ййғилишидаги нуқти. <http://uza.uz/> 22.01.2015.
3. Лазарев Л.В. Иностранные граждане (правовое положение). /Лазарев Л.В., Марышева Н.И., Пантелеев И.В. – М.: Российское право, 2012. – С 319.
4. Римское частное право / Под ред.проф. И.Б.Новицкого и проф. И.С.Перетерского. – М.: Юриспруденция, 2009. - С 512.
5. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. (Танл. асарлар). – Т.: Абдулла Қодирий, 1993. 224 б; Сюкияйнен Л.Р. Мусулманское право. Вопросы теории и практики. – М.: Наука, 1986. - С 254.
6. Темур тузуклари. (Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Ахмедов тахр. остида). –Т.: Ф. Гулом, 1996. 344 б.
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-жилд. Туркистон чор мустамлакачилиги даврида. /Тузувчилар Ҳ.Содиқов ва б. –Т.: «Шарқ», 2000. 464 б.
8. Ўзбекистон янги тарихи. 2-жилд. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. /Тузувчилар М.Жўраев ва б. –Т.: Шарқ, 2000. 688 б.
9. Улрих Рудолф. Ал-Мотрудий ва Самарқанд суннийлик илоҳияти. –Т.: Имом Ал-Бухорий халқаро жамғармаси Фридрих Эберт жамғармаси, 2002. –203 б.

A.Porayko

The Legislation Institute
of the Verkhovna Rada of Ukraine,
postgraduate student

ABILITY TO ADAPT IN THE SYSTEM OF PUBLIC ADMINISTRATION OF UKRAINE OF UK EXPERIENCE REGARDING CUTTING RED TAPE

Signing the Ukraine–European Union Association Agreement envisages the normatively legal approximation in accordance to the EU *acquis*. This means strengthening cooperation between countries, exchange of experience and information on implementation of the best practices and legislative base. Being one of the conditions of economic and branch collaboration, such unification must ease cooperation between domestic enterprises and foreign partners, as well as provide gradual economic and political integration. In this respect, the system of public administration requires reformation in accordance with democratic standards. One of the problems of this system hitherto is red tape. Red tape impedes the process of creation of competitive economy of social direction. Cumbersome procedures, undue paperwork, excessive bureaucratic regulations, ramified system of regulatory authorities, absence of transparency are only a part of display of the red tape manifestations. As we noted earlier [1], red tape is commonly correlated with corruption; red tape ends wherein legal responsibility for corrupt practices begins. Officials create various bureaucratic barriers in order to be able to influence social development with the help of regulatory, supervisory, coordinating and other functions. Up until recently, it was a commonly used practice in Ukraine to establish state bodies (services or inspectorates mostly) for a certain chief. Later some part of powers of a certain ministry were transferred to such state body. A combination of monopolization of these functions and complexity of bureaucratic procedures enhanced value of such state body, as well as contributed to personal enrichment of the officials.

The extensive research has revealed that the United Kingdom, whose experience we shall analyze hereto, is one of the foremost countries in the sphere of red tape counteraction.

Analysis of the last publications confirms that a considerable number of scientific works are devoted to the problem of red tape. In particular, those are the works of local and foreign researchers such as B. Bozeman, G. Hayden, G. Kaufman, M. Landau, N. Nyzhnyk, H. Rainey, F. Reehs, B. Skrypniuk, V. Soloviev, V. Tsvetkova, H. Yakovenko and others.

In his research on red tape in the context of international experience, V. Tsvetkov points out that due to a civil service reform, improvement of professionalism and competence of officials Great Britain has sharply reduced the regulatory function of the state in economy. Moreover, bureaucracy is clamped into harder scopes of functioning¹.

B. Skrypniuk analysed the bureaucracy and red tape in terms of law, political science, sociology, social science, history and culturology. He suggested defining red tape as a pervasive form of professional administration having

¹ Цветков В.В. Демократія–Управління–Бюрократія: в контексті модернізації українського суспільства [монографія] / В. В. Цветков, В. П. Горбатенко / К. : Інститут держави і права ім. В. М. Корецького НАН України, 2001. – С.197.

explained that such administration substitutes social and state interests by its personal interest¹.

H. Yakovenko quite reasonably indicates that bureaucracy is an administrative association, a system of management, officialdom that provide administrative activity. Red tape means satisfying department interests in conflict with the interests of society and neglecting the content of the matter to comply with formalities². In our opinion, given definition of red tape is incomplete since it describes only one of red tapes' displays - the formality. Still, caring for personal interests contrary to public interests is an important constituent of the definition of red tape.

V. Soloviev investigated red tape counteraction in the context of the New state administration. The scientist stated that the main directions of managerialisation of state administration in Great Britain are red tape reduction and downsizing of the state apparatus; public choice and marketization; privatization, protection of rights and choice diversification; performance evaluation of the state administration bodies; regulation and inspection; fragmentation; joint management³.

G. Kaufman examines the phenomenon of red tape through the prism of balance of trust to officials, which prompts the establishment of certain restrictions on their activities through clear instructions, requirements and implementation of the public control, as well as regular inspections of officials' activity⁴.

It is worth noting that in the system of public administration of Ukraine the problem of adopting the best international practices of red tape counteraction remains insufficiently investigated. This defines *the purpose* of this publication. In order to achieve such purpose *a task* of ascertaining practical mechanisms on red tape restriction and predicting the possibility of their adaptation in Ukraine was set.

A constant presence of specific needs and requirements that citizens put up to the state is a significant precondition of red tape appearance as such requirements require that appropriate measures of relevant authorities are to be taken. In practice, such needs are fulfilled with the help of compulsory formally defined rules of behaviour, and procedures that are defined, established or authorized by the state. Western researchers consider this process as formalization, meaning the level of normative regulation of certain areas through officially established ("written") regulations, procedures, guidelines, communications etc. However, they believe that the larger amount of existing legal acts, regulations, procedures, instructions there is, the more likely the emergence and red tape emergence in public institutions and private organizations gets.

Following the principle of social justice, state at the macro level regulates social relations and thus establishes the rights of certain groups of the population. Government

guarantee of implementation of social, group and individual interests of citizens requires the adoption of certain measures, application of state-administrative influence and mechanisms up to compulsion. Therefore, the process of formalization (development and adherence to certain rules of law by officials) is an essential positive public phenomenon. Together with the officially defined requirements it was the formalization of certain areas of public life, that Barry Bozeman⁵ rightly sees as the positive role of bureaucrats. However, in practice there are many cases of "inadequate formalization", caused by bureaucrats which insufficiently understood the emergence of problems, the background of circumstances and the relationship between resources, means and goals. In other words, development of ineffective rules and formalization of life spheres of a single organization or society as a whole resulted in the "narrow", insufficient understanding by bureaucrats of the causes of certain problems.

In 2012 Jimmy Wales, who is an American entrepreneur and founder of "Wikipedia", the wiki concept ideologue, became British government adviser with the aspiration to introduce innovative approaches in the process of reforming public administration, e-government and red tape counteraction. The philosophy of "Open Government" (open-source governance), which Jimmy promotes, is about the maximum transparency of information and actions, as well as direct participation of citizens. The idea of "crowd sourcing" or "collective intelligence" is about involving the highest possible number of British citizens to work on laws and governmental decisions⁶.

It should be noted that the concept of "Open Government" includes the project named Red Tape Challenge, launched in April 2011. Its purpose is to collect ideas of citizens concerning "superfluous" legislation via publishing collection of rules and laws on certain topics on the website. Then the offers of citizens are sent to the relevant ministries and are processed within three months.

In that regard, the Prime Minister David Cameron said that 800 regulation acts were eliminated or simplified in early 2014. Moreover, the Prime Minister David Cameron has stated that the reduction of the red tape burden on business has made it possible to create more than 1 million 300 thousand jobs (from 2010 to 2014). It is planned to analyse more than 3 thousand regulatory norms that will allow business save more than 850 million pounds per year⁷.

Given examples demonstrate specific steps the United Kingdom Government takes for business development and economic support, show how citizens are involved and what the outcomes of these activities are. Importantly, these results have a clearly defined character: cash equivalent, including the amount of savings; number of analysed cancelled regulations and created jobs.

In comparison, measures for the sake of deregulation and reducing the number of contacts between business

¹ Скрипнюк В. М. Бюрократизм в системі державного управління та механізм його подолання: дис... канд. юридич. наук: 12.00.01. – О., 1999. – С. 183-184.

² Яковенко Г. Б. Державний бюрократизм і шляхи його раціоналізації / Г. Б. Яковенко // Державне управління та місцеве самоврядування. 2010. – Вип. 1 (4). – С. 47-51. – Access Mode: http://www.dridu.dp.ua/vidavnictvo/2010/2010_01%284%29/10ygdbsr.pdf

³ Соловйов В. М. Основні напрями менеджеризації державного управління Великобританії / В. М. Соловйов // Менеджер: вісн. Донец. держ. ун. упр. 2010. – № 3(53). – С. 45-46.

⁴ Kaufman H. Red Tape: Its Origins, Uses, and Abuses / Kaufman Herbert. – USA : Washington, D.C: Brookings Institution Press, 1977. – P. 29.

⁵ Bozeman B. A Theory of Government Red Tape / Barry Bozeman // Journal of Public Administration Research and Theory. – 1993. – Vol. 3. – No. 3 (July). – P. 279, 286.

⁶ Jimmy Wales: Wikipedia chief to advise Whitehall on policy [Electronic resource] // Access Mode: <http://www.telegraph.co.uk/technology/wikipedia/9137339/Jimmy-Wales-Wikipedia-chief-to-advise-Whitehall-on-policy.html>

⁷ Prime Minister announces government exceeds its target to identify 3,000 regulations to be amended or scrapped [Electronic resource] // Access Mode: <http://www.redtapechallenge.cabinetoffice.gov.uk/themehome/pm-speech-2/>

and government on red tape counteraction are directed in the Program of procedure of work of the Cabinet of Ministers of Ukraine, approved by the Act of Verkhovna Rada of Ukraine on December 11, 2014 № 26-VIII. Those include: a decrease in the first half of 2015 the number of supervisory authorities from 56 to 28, their functions - from 1032 to 680, ensuring compliance of the number of supervisory bodies and their functions in full with European standards (2016).

These are substantial steps in order to minimize pressure on the business environment and the introduction of democratic standards of public administration. It is essential to count the money equivalent of savings for business and profits for the state of such measures in order to understand the economic effect of these activities, as it was done in the United Kingdom.

Unfortunately, due to the high level of corruption, the spread of the shadow economy, the lack of stability of banking system, fluctuations in inflation, instability of hryvnia etc., it is complicated to conduct the above mentioned. It is only a part of the economic, social and legal problems, which do not allow to conduct a research in order to calculate the cost of red tape for business and government. On the one hand, the availability of quantitative indicators in the Program of procedure of work of the Cabinet of Ministers of Ukraine is the factor that will determine the efficiency of these measures, on the other hand – participation of entrepreneurs and citizens in these processes is mediated, despite the fact that the Program must be directly applied to them. The criteria under which the supervisory authorities will be eliminated are not quite clear as well. It should also be noted that there is no such thing as a common European standard on supervisory authorities, however eliminating duplication of functions, reducing their size and control of amount and supervision of work is a reasonable position.

The aforementioned government program also provides for the first quarter of 2015 the adoption of the new Laws of Ukraine with the purpose of deregulation and red tape reduction in the system of state administration. These Laws are the following: Laws of Ukraine "On Licensing of Certain Types of Economic Activities" (which was signed by the President of Ukraine on March 25, 2015), "On the Technical Regulations and Conformity Assessment Procedures" (which will come into force on February 10, 2016); implementation of adopted in 2014 Laws of Ukraine "On Metrology and Metrological Activity" and "On Standardization"; adoption of 1500 national standards harmonized with the EU standards, termination of the former USSR standards on the territory of Ukraine (2015); creation of full-text electronic database standards (about 28 thousand standards) (2015) etc.

The above-mentioned measures are focused directly or indirectly on red tape limiting, which is should be done by abolishing the old standards and the adoption of the new ones which are unified with the EU system. These changes in the legislation demonstrate attempts of the country's leaders to improve the cooperation of our country with European partners.

Democratic approaches in optimization of the system of state administration of Great Britain and red tape counteraction also consist in establishment of a new British e-government portal - www.gov.uk. This project gathers all state sites on the same platform, which becomes an online center of all e-services, and coordination between officials and citizens. Maintaining a single portal instead of hun-

dreds of different web sites of state authorities and the old DirectGov saves nearly 50 million pounds per year¹.

Gov.uk resource is established according to such principles: fast, simple and clear. According to the latest monitoring of 51 official website of the central executive authority and 24 official websites of local authorities, conducted by State Committee of Television and Radio in January 2015, the main disadvantages are the following: not fully presenting the information, compulsory placement of which is governed by state regulations; untimely posting of incomplete information, without specifying the date; lack of logical information placement, inefficiency or poor quality of the search engines, etc.²

It is believed that this example of unification of experience of Great Britain can be adapted to the system of public administration in Ukraine. As seen from the given monitoring, principles of "fast, simple and clear" are not a priority in web resources of government authorities of Ukraine, not even taking into account the cost that the state has to pay for such an extensive, diverse and ineffective system. We believe that establishment of a single web-resource for the government will solve these problematic issues.

It should be noted that the results which are achieved in red tape counteraction in Great Britain have spread to the other countries of the European Union. The report of the target business group "Red Tape Counteraction in the European Union" became important in this process [12].

Since the report is actually a "road map" of red tape counteraction in Europe, a detailed analysis will take place herein in order to make recommendations for Ukraine. The main idea of this report is within the scope that regulatory rules should not interfere but promote the development and innovation. In order to avoid barriers that interfere development, businessmen appealed to the Prime Minister David Cameron with a request to develop recommendations for the United Kingdom, European government and institutions. As a result of joint activities involving the European business environment 30 recommendations upon 5 major barriers were developed: the overall competitiveness; opening of companies and recruitment; business expansion; cross-border trade and attraction of innovations³.

Businessmen suggested that European Commission would introduce the following principles: competitiveness test; "one norm accepted - one removed" principle; interventions; proportionate rules; exemptions and lightweight modes; target to reduce overloading; assessment and security. To the barriers of overall competitiveness that need to be overcome, the United Kingdom analytics include lack of a genuine single market of services. As a reference for the European Commission it was proposed: to provide full implementation of the Directive on Services throughout the EU; to ensure that data protection rules are not placed at unreasonable cost for business; to abstain

¹ Towards open-source governance: зачем Великобритании Джимми Уэйлс? [Electronic resource] – Access Mode: <http://e.gov.by/best-practices/towards-open-source-governance-zachem-velikobritanii-dzhimmi-uejls>

² Держкомтелерадіо провів моніторинг веб-сайтів органів виконавчої влади [Electronic resource] / Урядовий портал. 2015. – 12 січня. – Access Mode: http://www.kmu.gov.ua/control/uk/publish/article?art_id=247864113&cat_id=244277212

³ Cut EU red tape. Report from the Business Taskforce [Electronic resource] // Access Mode: https://www.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/249969/TaskForce-report-15-October.pdf

from introducing legislative proposals for shale gas; to abandon proposals to extend the reporting requirements that are not included in the list of companies.

In order to overcome the barriers of company opening and recruiting, it is suggested to reduce the cost of assessing the impact on the environment; immediate increase of existing restrictions of state procurement; to lead out more small and medium enterprises from the application of the rules on the sale of shares; to minimize new reporting requirements depending on the fuel; to abandon plans on strict food products labelling; to abolish unnecessary regulations that apply to the transportation of small amounts of waste and so on.

Business expansion requires rejection of costly new proposals for assessing the impact on the environment; excessively strict rules on food labelling; minimization of new requirements for reporting for emissions from fuel; exemption of small and medium businesses from the rules on sale of shares etc.

Cross-border trade and attraction of innovations require creation of a single digital market; minimisation of international regulatory barriers; abandonment on labelling country of origin for consumer products; early coordination of the new Regulation on clinical trials; improving access to the system of licensing for new drugs EU etc.¹

The results obtained in the course of the above research provide the author with bases to give the following **conclusions**.

1. The research revealed that one of the main prerequisites of red tape emergence in public administration is the process of developing and implementing the norms of law by officials (mandatory, formally defined behaviour rules, regulations, procedures etc.). The process of legal regulation of certain aspects of life through formally established rules, procedures, and guidelines should be understood as formalization. It is determined that the inadequacy in the implementation of formalization by the officials leads to red tape. It is proved that efficient and effective mechanisms of preventing and combating red tape is openness during decision-making, public control over the activities of officials, increase of their responsibility and accountability.

2. Experience of Great Britain proves that red tape counteraction is an extremely important area for the developed democratic countries of Europe. Red tape reduction results in significant economic benefits associated with the simplification of licensing procedures of doing business and increase of workplaces, which indicate the growth of economic potential.

3. In order to save budget and establish the principles of "quick, easy, clear" it is necessary for Ukraine (following the example of Great Britain) to create unified informational governmental web-platform that will allow users to save their time searching for relevant information. State is the administrator of such information. Moreover, it is essential to adopt the maximum of recommendations of the report of the targeted business group "Red Tape Counteraction in the European Union" to the foreign economic activity of Ukraine.

A prospective direction for further research is the analysis of the possibility of e-government to combat red tape in the system of public administration of Ukraine.

¹ Cut EU red tape. Report from the Business Taskforce [Electronic resource] // Access Mode: https://www.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/249969/TaskForce-report-15-October.pdf

Annotation: In the article the experience of Great Britain to counter red tape, especially the activities of Prime Minister David Cameron has analyzed. Through the facilitation of interaction between business and government, the abolition of a number of regulatory acts, managed to increase the number of jobs and save businesses a significant amount of money. This experience is very important for Ukraine, which holds the reform of the public apparatus.

Key words: public administration, red tape, adaptation, bureaucrat, red tape's Great Britain.

Анотация: В статье проанализирован опыт противодействия бюрократизму Великой Британии, особенно деятельность премьер-министра Дэвида Кэмерона. Благодаря упрощению процедур взаимодействия бизнеса и власти, отмене целого ряда регулирующих актов, удалось увеличить количество рабочих мест и сэкономить бизнесу значительное количество денег. Такой опыт очень важен для Украины, которая проводит реформирование государственного аппарата.

Ключевые слова: государственное управление, бюрократизм, адаптация, бюрократ, Великобритания.

References

1. Порайко А.М. Бюрократизм і корупція в системі державного управління: питання взаємозв'язку / А. М. Порайко // Наукові записки Чнституту законодавства Верховної Ради України. 2014. – № 5. – С. 147-154. – Access Mode: http://nbuv.gov.ua/j-pdf/Nzizvru_2014_5_31.pdf.
2. Цветков В.В. Демократія–Управління–Бюрократія: в контексті модернізації українського суспільства [монографія] / В. В. Цветков, В. П. Горбатенко / К. : Чнститутдержави і права ім. В. М. Корецького НАН України, 2001. – 248 с.
3. Скрипнюк В. М. Бюрократизм в системі державного управління та механізм його подолання: дис.... канд. юридич. наук : 12.00.01. – О., 1999. – 186 с.
4. Яковенко Г. Б. Державний бюрократизм і шляхи його раціоналізації/ Г. Б. Яковенко // Державне управління та місце самоврядування. 2010. – Вип. 1 (4). – С. 47-51. – Access Mode: <http://www.dridu.dp.ua/>
5. Соловійов В. М. Основні напрями менеджеризації державного управління Великобританії / В. М. Соловійов // Менеджер: вісн. Донец. держ. ун. упр. 2010. – № 3(53). – С. 61–65.
6. Kaufman H. Red Tape: Its Origins, Uses, and Abuses / Kaufman Herbert. – USA : Washington, D.C: Brookings Institution Press, 1977. – 100 p.
7. Bozeman B. A Theory of Government Red Tape / Barry Bozeman // Journal of Public Administration Research and Theory. – 1993. – Vol. 3. – No. 3 (July). – P. 273-303.
8. Jimmy Wales: Wikipedia chief to advise Whitehall on policy [Electronic resource] <http://www.telegraph.co.uk>
9. Prime Minister announces government exceeds its target to identify 3,000 regulations to be amended or scrapped [Electronic resource] // Access Mode: <http://www.redtapechallenge.cabinetoffice.gov.uk>
10. Towards open-source governance: зачем Великобритании Джимми Уэйлс? [Electronic resource] – Access Mode: <http://e-gov.by/>
11. Держкомтелерадіо провів моніторинг веб-сайтів органів виконавчої влади [Electronic resource] / Урядовий портал. 2015. – 12 січня. – Access Mode: <http://www.kmu.gov.ua/>
12. Cut EU red tape. Report from the Business Taskforce [Electronic resource] // Access Mode: <https://www.gov.uk/>

Б. Алимов

Тошкент давлат юридик университети
“Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви” кафедраси
ўқитувчиси

**BAZIRLAR MAҲKAMASI MASЪULIYATINI OSHIRISH
– ЎZARO TIYIB TURIШ VA MАНFAATLAR
MUVOZANATI TIZIMI BARҚARORLIGINING MUҲIM
OMILIDIR**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов алоҳида қайд этганидек, “мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципни ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизimini шакллантириш... бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган”¹.

Мазкур чора-тадбирлар хусусида сўз юритилар экан, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, шу жумладан ҳукумат фаолиятини такомиллаштириш, унинг давлат ҳокимияти тизимидаги мавқеини мустаҳкамлаш ва масъулиятини оширишга қаратилган муҳим ислохотлардан бири 2014 йилнинг апрель ойида амалга оширилди, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига навбатдаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди². Мазкур қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини тартибга солувчи Конституциянинг 98-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, ушбу моддага ҳукумат ва ҳукумат раҳбари фаолиятига доир қатор янги нормалар киритилди: Жумладан, мазкур модданинг иккинчи қисмида Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлиш; фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни таъминлаш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиш каби бир қатор ваколатларни амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилди. Мазкур нормага мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси ваколатларнинг Конституцияда ўз аксини топиши ва бу орқали конституциявий

¹“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. –Т., Ўзбекистон. 2010 й. –8 б.

² “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2014 йил, 16-сон, 176-модда.

ваколатлар мақомида мустаҳкамланиши, бир тарафдан давлат бошқарувини амалга оширишда ҳукуматдан катта масъулият талаб этса, иккинчи тарафдан унинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган, зеро “Ўзбекистонни сиёсий ва конституциявий ривожланиш мантиғининг ўзи Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги ва масъулиятини таъминлашга қаратилган ушбу қоидаларни тақозо этмоқда”³. Вазирлар Маҳкамасининг Конституцияда мустаҳкамланган ваколатларига, хусусан 98-модданинг иккинчи қисми 5-бандида назарда тутилган ваколатига алоҳида эътибор бериладиган бўлса, эндиликда ҳукумат “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади”. Бизнинг фикримизча, ушбу норманинг ўзига хос хусусияти ва аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, қоидага мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти учун масъулияти ортади, чунки мазкур маърузада ҳукумат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаш бўйича айнан ўзи амалга оширган ишлар юзасидан парламентга йиллик ҳисобот тақдим этади; иккинчидан, Бош вазирнинг ижро ҳокимиятидаги етакчи ролини янада мустаҳкамлайди, чунки илгари ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиш Конституцияга мувофиқ давлат бошлиғининг вазифаси ҳисобланган бўлса, эндиликда мазкур вазифани асосан Вазирлар Маҳкамасининг раҳбари сифатида Бош вазир амалга оширади; учинчидан эса, мазкур қонуннинг киритилиши парламент палаталари аъзоларининг масъулияти янада ошишига хизмат қилади, чунки ҳукумат йилда бир марта маъруза тақдим қилар экан, мазкур маърузани муҳокама қилиш, керак бўлса ҳукумат фаолиятидаги камчиликларни аниқлаб, бартараф этиш ва унинг фаолиятини йўналтиришда улар биринчи навбатда ўз сайлов округлари ва ҳудудларининг аҳолиси олдида масъулиятини янада кенгроқ ҳис қилган ҳолда уларнинг манфаатларни ҳисобга олиб ҳаракат қилишлари лозим бўлади.

Шунингдек, Конституциянинг 98-моддасининг мазмунида қуйидаги яна бир муҳим норма жой олган, яъни “Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунга қадар мамлакат Президентининг қарорига мувофиқ ўз фаолиятини давом эттириб туради”. Мазкур норманинг иккинчи қисми Ўзбекистон Қонунчилигида янгилик бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи олий мансабдор шахс сифатидаги конституциявий мақомининг моҳиятига хос равишда, мамлакат ҳукумати фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш, турли хил фавқулотда вазиятларни олдини олишга қаратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Конституциянинг мазкур моддасига киритилган яна бир муҳим янгиликлардан бири бевосита ҳукумат таркибини шакллантириш ва Бош вазирнинг

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот. Ҳуқуқ ва бурч” 4/2014-сон, –3 б.

фаолиятига тааллуқли бўлиб, унга мувофиқ, “Бош вазир лавозимида номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади”. Мазкур норманинг Конституцияга киритилиши “демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган парламентаризм, кўппартиявийлик тизими ва партиялараро рақобат, фракциялараро курашни янада мустақамлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади”¹. Бош вазир номзоди томонидан ҳукуматнинг келажакдаги ҳаракати дастурини тақдим этилиши қондаси Польша, Португалия, Франция ва бошқа бир қатор Европанинг ривожланган мамлакатлари амалиётдан анологик тарзда кенг қўлланилиб, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини кенгроқ амалга ошириш, ҳукумат фаолиятининг парламент фаолияти билан параллеллигини таъминлаш (чунки, Бош вазир номзоди томонидан тақдим этилган ҳукумат ҳаракати дастури парламантда кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия ёки партиялар гуруҳи дастурига мос келмаса, ушбу номзоднинг парламент томонидан маъқулланмаслиги мумкин) ҳамда халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципнинг амалда янада мустақамланишига хизмат қилади. Мазкур қондаси алоҳида эътибор берадиган бўлсак, унинг мазмуни 98-модданинг иккинчи қисми 5-бандида назарда тутилган қондаси билан мантқиқий кетма-кетлик ташкил қилаётганини кўришимиз мумкин. Яъни, Бош вазир лавозимида номзод Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим қилар экан, агарда у лавозимида тайинланса, халқ вакиллари томонидан маъқулланган ҳаракат дастурига мувофиқ амалга оширилган ишлар юзасидан йилда бир марта ҳисобот кўринишида парламантга маъруза тақдим этади. Бу эса ўз навбатида ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини янада мустақамланишига хизмат қилади. Мазкур ислохотлар юзасидан М.Мирақуловнинг фикрига эътибор берсак, у юқоридаги қондалар “қонун чиқарувчи ҳокимият ролининг сезиларли даражада ортишига, давлатни бошқаришнинг асосий, ҳал қилувчи масалалари парламант ваколатларига ўтишига хизмат қилади”². Бироқ, биз бу фикрга қўшилмаймиз, чунки бизнинг назаримизда, Конституцияга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар парламант мавқеини ортиши ва ҳукумат фаолияти устидан парламант назоратини янада кучайтишига хизмат қилаётган бўлса, ҳукуматнинг айнан давлат бошқарувни амалга оширишдаги мавқеи ва масъулиятини ортишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштириш, унинг ваколатлари ҳамда масъулиятини кенгайтиришга қаратилган босқичма-босқич ислохотларни таҳлил қилиб, мамлакат ҳукуматининг мақоми ва давлат ҳокимияти тизимидаги ўрнига тўхталар эканмиз, у ўзининг таркиби, шакллантирилиш тартиби, ваколатлари доираси ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига кўра ижро

ҳокимиятининг умумий ваколатли коллегиял органи бўлиб, мазкур ҳокимият органлари иерархиясининг энг юқори поғонасида туради.

Конституцияга киритилган ўзгартиришга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси эндиликда Олий Мажлис ва Президент (Конституциянинг илгариги таҳририда Президент ва Олий Мажлис деб белгиланган эди) олдида жавобгар эканлиги белгилаб қўйилди. Ушбу ўзгартириш ўз навбатида қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасида ўзаро муносабатларни янада мустақамланишига хизмат қилиши лозим. Ҳукумат ўз фаолиятида давлат бошлиғи ва парламант билан ўзаро муносабатларга киришган ҳолда ваколатларини амалга оширар экан, бу ерда ҳукуматнинг масъулияти ва парламант назорати институтининг янада такомиллаштирилаётганлиги ҳусусида сўз юритиш мумкин, зеро А.А.Азизхўжаев алоҳида таъкидлаганидек, “ҳукуматнинг нафақат давлат бошлиғи, балки парламант олдида ҳам жавобгарлигининг белгиланганлиги парламантнинг жамият ва давлат ҳаётида иштирокини кенгайтиради, унинг ижро этувчи ҳокимият устидан назорат олиб бориши механизмининг ривожлантиради”³.

Юқоридаги мунозарани давом эттирадиган бўлсак, М.Ахмедшаевнинг фикрига кўра, “ҳозирги глобаллашув, ахборот ва юксак технологиялар асри ва шунга боғлиқ ҳолда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар давлат олдида кўплаб мураккаб вазифа ва муаммоларни қўймоқдаки, уларни тезкор ҳал этишда шубҳасиз, Ҳукуматнинг роли ва аҳамияти катта”⁴. А.Ҳошимхонов эса, миллий давлатчилик тизимини юксак поғонага кўтариш масъулияти шу жумладан Ҳукумат ва унинг органлари зиммасига ҳам юклатилишига алоҳида эътибор қаратади⁵. Албатта, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳокимиятлар бўлиниши тизимининг муҳим элементи бўлиб, ижро ҳокимиятининг олий органи сифатида миллий давлатчиликни шакллантириш ва мустақамлашда, шунингдек мамлакатни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва маърифий жиҳатдан юксалишида, республика хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини мустақамлашда бевосита ва асосий роллардан бирида иштирок этади.

Демак, эътибор бериладиган бўлса, амалга оширилаётган ислохотлар бир тарафдан ҳукуматнинг масъулиятини ошириш ва мустақиллигини мустақамлашга хизмат қилаётган бўлса, иккинчи тарафдан парламантнинг давлат ҳокимият тизимида мавқеининг юксалтиришга кўмаклашмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда, мазкур конституциявий-ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин: биринчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида нафақат ҳукуматнинг коллегиял жавобгарлиги, балки ҳар бир ҳукумат аъзосининг индивидуал жавобгарлигининг тартиб ва қондаларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот. “Ҳуқуқ ва бурч” 4/2014-сон, –3 б.

² Мирақулов М. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви уни янада янада демократлаштириш сари. “Ҳуқуқ ва бурч” 5/2014-сон, – 22 б.

³ Азизхўжаев А. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ҳамда модернизациялашнинг конституциявий асослари. ТДЮИ Ахборотномаси 2010 йил 6-сон, – Б 8.

⁴ Ахмедшаева М. Давлат ҳокимият тизимида ижро ҳокимияти. Юрид. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 2010. – Б 207.

⁵ Ҳошимхонов А. Давлат бошқаруви соҳасидаги конституциявий ислохотлар тадрижий ривожланишида. “Конституция-демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш асоси” мавзусидаги конференция материаллари тўплами. Тошкент. 2012, – Б 124.

белгилаш лозим. Мазкур чора-тадбирлар ҳукуматнинг ҳар бир аъзосини ўзига юклатилган вазифаларга масъулият билан ёндошиш лозим эканлигини назарда тутган ҳолда ҳукумат ва давлат бошқарув органлари фаолиятининг самарадорлигини ортишига хизмат қилади. Иккинчидан, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш механизмларни такомиллаштириш ва қонунчиликдан мустаҳкамлаш лозим. Бу ҳукуматнинг халқ вакиллари олдида масъулиятини кенгайтириш ва мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилиги принципининг амалий ифодасини янада ёрқин намоён бўлишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида олиб борилаётган босқичма-босқич ислохотлар Вазирлар Маҳкамасининг роли ва мавқеининг мустаҳкамланиши, ваколатлари доираси ва масъулиятининг кенгайишига олиб келди. Бу ижобий ҳолат албатта, чунки давлат сиёсатини амалга оширувчи асосий орган сифатида ҳукумат доим давлат ҳокимияти тизимининг марказида бўлиши керак, зеро Президент И.А.Каримов алоҳида таъкидлаганидек, “Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги ижро ҳокимиятининг масъулиятини ошириш... ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда”¹. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳокимиятлар бўлиниши тизимининг муҳим элементи бўлиб, ўзининг таркиби, шакллантирилиш тартиби, ваколатлари доираси ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига кўра ижро ҳокимиятининг умумий ваколатли коллегиал органи бўлиб, мазкур ҳокимият органлари иерархиясининг энг юқори поғонасида туради. Ҳукумат ўз фаолиятининг спецификасига кўра, миллий давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлашда, шунингдек мамлакатни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва маърифий жиҳатдан юксалишида, республика хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда бевосита ва асосий роллардан бирида иштирок этади ҳамда ҳукумат давлат механизмнинг ядроси эканлиги ҳақида хулосага келишга асос бўлади.

Аннотация: мамлакатимизда давлат бошқаруви соҳасида боқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимият тизимидаги ўрнининг мустаҳкамланиши, ваколатлари доираси ва масъулиятининг кенгайишини кузатмоқдамиз.

Калит сўзлари: Конституция, президент, ҳукумат, бош вазир, ҳокимиятлар бўлиниши, ислохотлар.

Аннотация: В статье проанализированы результаты поэтапных реформы, проводимых в нашей стране в сфере государственного управления, в которых мы наблюдаем укрепление место Кабинета Министров в системе органов государственной власти, расширение полномочий и ответственности.

¹“Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Ҳуқуқ ва бурч” 12/2013-сон, – Б 7.

Ключевые слова: Конституция; президент; правительство; премьер-министр; разделения властей; реформы.

Annotation: In this article it is analyzed the results of step-by-step reforms that are implemented in our country in the sphere of public administration, in which we are observing consolidation of the role of the Cabinet of Ministers in the system of state authorities, expansion of its powers and responsibility.

Key words: Constitution; president; government; prime minister; separation of powers; reforms.

Адабиётлар рўйхати:

1. “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Ҳуқуқ ва бурч” 12/2013-сон.

2. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. –Т., Ўзбекистон. 2010 й.

3. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2014 йил, 16-сон, 176-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот. Ҳуқуқ ва бурч” 4/2014-сон.

5. Миракулов М.. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви уни янада янада демократлаштириш сари. “Ҳуқуқ ва бурч” 5/2014-сон.

6. Азизхўжаев А. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ҳамда модернизациялашнинг конституциявий асослари. ТДЮИ Ахборотномаси 2010 йил 6-сон. .

7. Ахмедшаева М. Давлат ҳокимият тизимида ижро ҳокимияти. Юрид. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 2010.

8. Ҳошимхонов А. Давлат бошқаруви соҳасидаги конституциявий ислохотлар тадрижий ривожланишда. “Конституция-дамократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш асоси” мавзусидаги конференция материаллари тўплами. –Т., 2012.

Р.Ж.Рузиев

юридик фанлар доктори, профессор

**НОМЛАНМАГАН ШАРТНОМАНИНГ ҲУҚУҚИЙ
МОҲИАТИ****(Фуқаролик кодекси нормалари ва илмий-назарий
қарашлар қиёсий таҳлили асосида)**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги асоси - Фуқаролик кодексининг 1-моддаси 1-қисми, 8-моддаси 2-қисми 1-банди ва 354-моддаси 3-қисмида номланмаган шартномалар мавжудлиги тўғрисида кўрсатмалар (қоидалар) белгилаб берилган. Унга кўра фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ўз хоҳиш-истаклари бўйича қонунда назарда тутилган, шунингдек, гарчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса-да, лекин унга зид бўлмаган шартномалар тузишлари мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида тадқиқот объекти сифатида номланмаган шартнома қонунчилигимизда кўрсатилганидек, “қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган” ибораси билан тавсифланади. Яъни, номланмаган шартноманинг табиати амалдаги фуқаролик қонунчилигимизда унинг белгиланмаганлиги (ном берилмаганлиги)да намоён бўлади.

Яна шундай бир факт эътиборни ўзига тортадики, аксарият юридик адабиётларда номланмаган шартнома тушунчаси ФҚда номи кўрсатиб ўтилмаганлиги, эътироф этилмаганлиги билан таърифланади. Хусусан, россиялик цивилист олим Н.И.Клейн таъкидлашича, “РФ ГК 421-моддаси 2-қисми ГК да назарда тутилмаган шартномалардан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этади. Айни пайтда РФ ГК 8-моддасида, агар шундай шартнома қўлланилган тақдирда у қонунга зид келмаслиги шарт”¹.

М.В.Телюкина ҳам бир қадар бойитган ҳолда айнан шунга ўхшаш хулосани илгари суради: “аксарият олимлар шартнома эркинлиги принципини очиб берар эканлар, уни қонунда номланмаган шартномалар тузиш имкони мавжудлиги билан изоҳлайдилар. Шунга қарамай, назария ҳам, амалиёт ҳам субъектларнинг ГК да назарда тутилмаган бундай шартномаларни тузишларига ижобий муносабат билдирмайди”².

Даставвал, номланган шартноманинг ўзи нима эканлигини оддийроқ қилиб тушунтириш ва уни номланмаган шартномадан фарқлаш учун “назарда тутилган” жумласини, айниқса бирор-бир шартномани тур сифатида эътироф этиш учун қандай ҳажм ва мазмундаги нормалар зарур ҳамда етарли бўлишини аниқлаб олиш керак.

Шундай вазиятлар юзага келадики, фуқаролик ҳуқуқий муносабат субъектлари қонунга зид бўлмаган, ва айни пайтда қонун билан тартибга солинмаган, яъни предмети, муҳим шартлари очиб берилмаган, хатто номи кўрсатилмаган шартномаларни тузадилар.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг (2014 йил 9 декабрь) 10-моддасида

белгиланишича “инвестиция фаолияти иштирокчиси инвесторлар билан уларнинг буюртмаларини бажариш учун шартномалар тузиш ҳуқуқига эгаллиги” ёки ушбу қонуннинг 12-моддасида “инвестиция фаолияти субъектлари ўзаро муносабатларини шартнома асосида тартибга солишлари” белгилаб берилган. Тушунарли, инвестиция фаолияти субъектлари буюртмачи ва пудратчи ёки ижарачи ва ижарага олувчи ёхуд бошқа контрагент (тараф)лар сифатида тегишли шартнома асосида ўз муносабатларини шакллантирадилар. Лекин, бу ўринда, инвестор ва буюртмачи, инвестор ва фойдаланувчи ўртасидаги капитал маблағларнинг объекти бўйича муносабатлар қандай шартнома андозаси (моделли) асосида тартибга солинади?

Ўхшаш ҳолатни Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 1998 йил 21-моддасида ҳам учратиш мумкин. Унга кўра, транспорт воситаларида рекламани ташкил қилиш қонун доирасида транспорт воситалари мулкдорлари ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида уларга эгалик қилувчи шахслар билан реклама берувчи ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ амалга оширилади. Тўғри, ушбу норма мазмундан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари мулкдорлари ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида уларга эгалик қилувчи шахслар билан реклама берувчи ўртасида вужудга келадиган алоқаларни ижара (транспорт воситаларида рекламани жойлаштириш учун ижара майдонининг ажратилиши) ёхуд ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш (масалан, метрополитен деворларидаги реклама) муносабатлари деб фараз қилиш мумкин.

Номланмаган шартномалар хусусида сўз борганда, цивилист олимлар мазкур ҳуқуқий ҳодиса (воқелик)ни ҳар хил “ном”лар билан аташади. Қонунчиликда номланмаган шартномалар “қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган” ибораси билан қайд этилса, адабиётларда “ноодатий мазмундаги”³, “номсиз”⁴, “нотипик”⁵, “аралаш”⁶, “квалификацияланмаган”⁷ (“малакаланмаган”⁸) шартномалар деб юритиб келинган.

Фикримизча, қандай бўлишидан қатъи-назар, шартноманинг номи йўқлигининг ўзи ҳам аниқ бир шартнома намунаси сифатида квалификациялаш (малакалаш) имконини бермайди.

Қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган шартномани англаш учун қўлланиладиган

³ Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права. Изд.-е 4-е, испр. М.: «Статут», 2003. – С.106. ва бошқалар.

⁴ Новицкий И.Б. Римское частное право. Изд.-е 5-е, М.: «Статут», 1994. – С. 201; Топилдиев В.Р. Рим ҳуқуқи. Т. “Янги аср авлоди”, 2013. – Б. 174. ва бошқалар.

⁵ Витрянский В.В. Договорное право. Книга вторая. М.: «Статут», 2003. – С. 8; Ойгензихт В.А. Нетипичные договорные отношения в гражданском праве. Душанбе. 1984. – С. 6; ва бошқалар.

⁶ Рахмонкулов Х.Р. Ўзбекистон Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (1-қисм). Т. “Vektor-Press”, 2010. – Б. 27; Мухаммадиев А.А. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг назарий ва амалий муаммолари, Т.: “ТДЮИ”, 2010. – Б. 133; ва бошқалар.

⁷ Антимонов Б.В., Граве К.А. Договор трудового поручения // Ученые записки ВЮЮН. Выпуск 2. М., 1955. – С. 18.

⁸ Муаллиф таржимаси. Бу ўринда, “квалификацияланмаган” сўзининг луғавий таржимаси мазмунга кўра даражага, яъни маълум бир тур, гуруҳга тааллуқли қилиб ажратилмаган “малакаланмаган” деган маънони англатади.

¹ Клейн Н.И. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой (постатейный). – М.: Юрид. фирма “Контракт”: ИНФРА – М, 2005. – С.945.

² Телюкина М.В. Понятие сделки: теоретический и практический аспект // Консультант. №1, 2006. www.fd.ru; Колпаков И., Тутьхин В. Как составить договор толлинга // Финансовой директор. №12, 2003. www.fd.ru.

“нотипик”¹ атамаси ҳам янада баҳсли, деб ҳисоблаймиз. Чунончи, “нотипик” атамасини, ҳеч бўлмаганда, икки томонлама тушуниш мумкин. Биринчидан, ушбу ибора бошқаларга “ўхшамайдиган”, “умумийдан фарқ қилувчи”, “одатдагидан бошқача” каби маъноларда оддийгина изоҳланади. “Нотипик” шартномани бундай изоҳ орқали тавсифлаш жавобдан кўра саволларни туғдиришдан ташқари, нотипик шартнома тушунчаси ва моҳиятини ҳам тўла-тўқис очиб бера олмайди. Нотипик шартнома юқорида баён этилган ҳар қандай кўринишда ифодаланса ҳам тушунарсиз бўлади. Масалан, бошқаларга ўхшамайдиган шартнома (олди-сотди шартномаси ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига ўхшамаслиги мумкин, лекин уларнинг ҳеч бири бу сабабдан “номланмаган” бўлолмайди), умумийдан фарқ қилувчи шартнома (ҳар қандай тур, гуруҳ, кўринишдаги шартномалар ўзига хос белгиларга эгаки, бу уларни умумийликдан ҳамда бир-биридан фарқлайди) ва ҳоказо.

Шартнома нотипиклигини цивилистика таълимоти нуқтаи-назаридан идрок қилинса, уни қуйидагича тушунтириш мумкин. Маълум бирор-бир гуруҳ: мол-мулкни беришга қаратилган шартномалар; ишларни бажаришга қаратилган шартномалар; хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар ва турли тузилмалар таъсис этишга йўналтирилган шартномаларга тааллуқли бўлган белгиларни ўзида акс эттирмаган шартномаларгина нотипик шартнома ҳисобланади². Шартномаларнинг бошқа гуруҳи фуқаролик ҳуқуқига ҳанузгача маълум эмас. Яъни, цивилистика таълимотида, шунингдек амалиётда ҳам мақсадий йўналиши бўйича умумий тарзда эътироф этилгандан ташқари фуқаролик ҳуқуқий шартномаларнинг бошқа, бешинчи гуруҳининг йўқлиги ҳам тўла ишонч билан нотипик шартнома мавжуд эмаслигини дадил таъкидлаш учун асос бўлади³.

В.А.Ойгензихт нотипик шартнома муносабатлари деганда, аралаш ва номланмаган шартномалар билан бир қаторда юридик кучга эга бўлмаган квази шартномалар ҳам тушунилишини таъкидлайди⁴.

Нафақат кундалик ҳаётимизда, қолаверса цивилистика таълимотида номланмаган шартномага нисбатан “нотипик” атамасининг ишлатилиши унинг моҳиятан тўғри идрок этиш ва талқин қилиш нуқтаи-назаридан мақсадга мувофиқ келмайди.

Номланмаган шартноманинг энг қадимий атамаси – “номсиз шартнома” хўжалик ҳаёти ривожлана бошлаган даврлардан илгари Рим давлатида ҳукм сурган қатъий чекланган шартномалар тизими барҳам топиб, ҳеч қандай аталмайдиган шартномалар вужудга келиши ва VI асрда византиялик ҳуқуқ профессори Стефаний томонидан муомалага киритилиши билан

тавсифланади⁵. Шартномада бирор бир расмий, қонуний номнинг ўзи йўқлиги унинг мазмунини англайтиб турган. Юстиниан кодификациясига асосан номсиз шартномалар 4 гуруҳга бўлинган ва 4 та ҳаракат билан боғлиқ бўлган. Уларнинг юридик кучи шундан иборат эдики, деб ёзади В.Р.Топилдиев, унда биринчи томон мажбуриятни бажарса-ю, бошқа томон асоссиз равишда ижарадан воз кечса, бу ҳолда биринчи томон бошқа томонга нисбатан ижрони қайтариш учун кондикцион даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган⁶. Уша даврларда амалда қўлланилган “номсиз шартнома” на вербал, на литерал, на реал, на консенсуал шартномалар жумласига киритилган бўлса-да, лекин, айтиш мумкинки, ЎР ҳозирги Фуқаролик кодексининг 354-моддаси 3-қисмида назарда тутилган номланмаган шартноманинг замонавий тушунчасига мос келади.

Ҳанузгача номланмаган ва аралаш фуқаролик ҳуқуқий шартнома институтларининг ўзаро нисбати тўғрисидаги масала ҳам мунозарали бўлиб қолмоқда.

ЎР ФК 354-моддаси 4-қисмида тарафлар турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган шартнома (аралаш шартнома) тузишлари мумкинлиги, ва бунда тарафларнинг муносабатларига, агар тарафларнинг келишувидан ёки аралаш шартноманинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, элементлари аралаш шартномада бўлган шартномалар тўғрисидаги қоидалар қўлланилиши белгиланган. Кўриниб турганидек, номланмаган шартномадан, яъни қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномадан (ЎР ФК 354-м. 3-қ.) фарқли ўлароқ, аралаш шартнома бўйича тарафларнинг муносабатларига нисбатан элементлари ушбу шартномада мавжуд бўлган шартномаларга оид қоидалар тегишли равишда татбиқ этилади.

Аралаш шартнома ўзининг тузилиши билан диққатни тортади. Бундай шартнома бир хил ва (ёки) ҳар хил таснифий даражадаги мажбуриятларнинг кўплаб вариантларини жамлаган бир нечта шартномалар қўшилмасидан ёхуд уларнинг элементларидан ташкил топади. Қонунда аралаш шартнома қанча шартномалар ёхуд уларнинг элементларидан иборат бўлиши кераклигининг кўрсатилмаганлиги ушбу норманинг жуда ўринли ва ҳаётийлигини тасдиқлайди.

Эътибор берадиган бўлсак, аралаш шартнома ўз ичига оладиган элементлар деганда, у ёки бу шартнома мазмунига киритилган бир-биридан ажратилган алоҳида мажбуриятлар эмас, балки айнан аралаш шартнома мақсадий йўналишига мос элементлар йиғиндиси тушунилиши лозим. Ўз навбатида, элементлар йиғиндисида мазкур шартномага тааллуқли барча императив қоидалар, жумладан шартноманинг ўзига хослигини белгилловчи шартлар, шунингдек муҳим шартлар тўғрисидаги қоидалар киради.

Аралаш шартномада жамланган шартномалар қонун нормаларига зид келмаслиги, шунингдек шартномалар ҳуқуқий моҳияти жиҳатидан бир-бирини инкор этмаслигини англаш муҳим. Масалан, яқка тадбиркор томонидан шартномага асосан кўзи

¹ Муаллиф изоҳига кўра, “нотипик” атамаси қонунда белгиланмаган, муайян бир тур, гуруҳ, кўринишга тааллуқли бўлмаган маъносига тушунилади.

² Витрянский В.В. Договорное право. Книга вторая. М.: “Статут”, 2003. – С. 8.

³ Қаранг: Рузиев Р.Ж. Классификация гражданских договоров по признаку направленности // ЎР Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2011, №5. – Б. 7-13; Рўзиев Р.Ж. Фуқаролик ҳуқуқий шартномаларни тизимлаштиришнинг илмий-назарий муаммолари // Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами. 2013, №2. – Т.: “ТДЮИ”. – Б. 78-83.

⁴ Ойгензихт В.А. Нетипичные договорные отношения в гражданском праве. Душанбе. 1984. – С. 4-19.

⁵ Қаранг: Новицкий И.Б. Римское частное право. – Изд-е 5-е, М., 1994. – С. 201; Топилдиев В.Р. Рим ҳуқуқи: юриспруденция бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун дарслик. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2013. – Б.174.

⁶ Топилдиев В.Р. Уша асар. – Б. 174.

ожизлар жамиятига умумфойдали мақсадда ҳада (хайр-эҳсон) тариқасида берилган ишлаб чиқариш дастгоҳида тайёрланган маҳсулот унинг ўзига текинга қайтарилса, бундай шартнома хайр-эҳсон ва текинга бажарилган иш муносабатларини ўз ичига олган аралаш шартнома деб бўлмайди. Чунки ушбу шартномада хайр-эҳсон (ҳада) олувчининг хайр-эҳсон (ҳада) қилувчи учун хайр-эҳсон эвазига муайян ишни бажариш ва маҳсулотни бериш мажбурияти текинга умумфойдали мақсадга йўналтирилган хайр-эҳсон моҳиятига зид бўлганлиги сабабли ЎР ФК 31-бобининг нормаларини тадбиқ этиш мумкин эмас. Бу ўринда кўрилатган ҳуқуқий муносабатлар пудрат муносабатлари сифатида баҳоланиши лозим.

Шартнома эркинлиги принципи (тамоийли) нинг элементларидан бири ҳисобланган аралаш ва номланмаган шартномалар қуйидаги тарзда қўшилиши мумкин. Бир нечта шартномаларнинг элементларини ўз ичига олган шартнома қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган, яъни номланган ёки назария ва (ёхуд) амалиётда пайдо бўлган, яъни номланмаган бўлиши мумкин.

Номланмаган шартнома дихотомияси (икки қисмга ажраганлиги) нинг натижаси сифатида унинг аралашлиги ёки унитарлигини кўрсатиш мумкин. Бунда ҳар иккала қисмининг қайси бири аҳамиятли ёки устунроқ ёхуд бири иккинчисини чекламаслигини таққослаш шартнома эркинлиги принципи нуқтаи-назаридан бирор-бир жўяли натижа бермайди.

Фикримизча, ЎР ФК 354-моддаси 4-қисмида аралаш шартномага берилган қонуний таърифда ноаниқлик кўзга ташланади. Буни ушбу нормага берилган шарҳларда ҳам кўриш мумкин¹. Яъни, аралаш шартнома ўз ичига олган турли шартномалар элементлари деганда, қонунда ифодасини топган, номга эга бўлган шартномалар назарда тутилгандек туюлади. Ҳақиқатда ҳам шундай. Аксарият тузилаётган аралаш шаклдаги шартномаларда номланган шартномаларнинг элементларининг жамланган. Модмики, ҳозиргача номланмаган шартномалар тузилаётган экан, тарафларга уларни аралаш шартнома деб аташга нима ҳалақит беряпти? деган савол туғилади.

Агар қонунда номланмаган шартномани аралаш шартноманинг бир кўриниши сифатида эътироф этиш ёки бир мустақил институтни иккинчи институт доирасида тартибга солиш мақсад қилинганда, ФК 354-моддасининг ифодаси ўзгача бўлиши керак эди. Бироқ, 354-модда 3 ва 4-қисмларининг таҳлили номламаган шартномани аралаш шартноманинг кўриниши (хили) сифатида таърифлаш ҳақида хулоса чиқаришга йўл бермайди.

Ҳар иккала бир-биридан фарқ қилувчи ушбу мустақил институтлар қўшиб юборилган ҳолатларини ЎР ФК га шарҳлардан ташқари айрим цивилистларнинг тадқиқотларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, россиялик цивилист олим В.А.Писчиков “ҳозирга қадар юриспруденцияда қонунчиликка номаълум бўлган шартнома модели элементларидан иборат биронта бир номланмаган шартнома учрамаганлигига асосланиб, қонунда кўрсатилган бир нечта шартномаларнинг элементлари қўшилиб, лекин номланмаган аралаш шартномаларгина

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (1-қисм). – Т.: “Vektor-Press”, 2010. – Б. 750.

мавжудлигини” таъкидлайди². Бизнингча, В.А.Писчиковнинг ёндошуви бир ёқлама тусга эга бўлиб, номланмаган шартнома дихотомиясига зид, деб ҳисоблаймиз.

Е.А.Зверева томонидан илгари сурилган хулоса ҳақиқатан ҳам ғоят эътиборли. “Аралаш шартнома таърифидан келиб чиқадикки, унинг барча элементлари фақат қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган шартномаларнинг маълум бўлган турларигагина мансуб бўлишлиги ҳақидаги шарт талаб қилинмайди”³.

Муаллифнинг аралаш шартномалар ҳар доим ҳам қонунда кўрсатилган шартномаларнинг элементларини эмас, балки баъзан қонунчиликда эътироф қилинмаган “номсиз” шартнома элементларини ҳам ўз ичига олиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрини тўғри деб ҳисоблаймиз.

Юқорида баён қилинганларни ҳисобга олиб, фикримизча, ЎР ФК 354-моддаси 4-қисмининг биринчи жумласи ундаги ноаниқликни бартараф этиш мақсадида қуйидаги таҳрирда берилиши лозим: “Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган, шунингдек назарда тутилмаган турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган (аралаш шартнома) тузишлари мумкин”.

Энди қандай ҳолларда шартнома нормалари янги, номланмаган шартномани шакллантириши ва қайси ҳолларда шартнома ўзгаришсиз, аввалгидек қолишини ойдинлаштириб олиш зарур. Бу масала фуқаролик ҳуқуқий шартноманинг шартлари тўғрисидаги умумий тушунчаларга бориб тақалишини игобатга олсак, кўрилатган мавзудан бироз четлашиб, шартнома шартларига оид асосий қоидаларга муносабат қилишга тўғри келади.

Цивилистикада, маълумки, шартнома шартлари муҳим, одатдаги ва тасодифий шартларга бўлинади⁴. Шартноманинг нарчаси тўғрисидаги шартлар қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек, тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар жумласига киради. Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади (ЎР ФК 364-м. 1-қ.). Муҳим шартлардан лоақал биттаси келишилган бўлмаса, шартнома тузилган деб ҳисобланмайди. Бундан ташқари, у ёки бу шартноманинг муҳим ва зарур шартлари қонунчилик билан белгилаб қўйилиши мумкин⁵. Бир сўз билан айтганда, муҳим шартлар зарурий аҳамиятга эга.

² Қаранг: Писчиков В.А. Смешанные и нетипичные договоры в гражданском праве России. Автореф.на соиск.учен.степ.канд.юр.наук. – М., 2004. – С. 6.

³ Зверева Е.А. Правовое регулирование информационного обеспечения предпринимательской деятельности в Российской Федерации. – М.: “Когито-Центр”, 2004. – С. 118-119.

⁴ Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик / Китоб 1. Масъул муҳаррир Ҳ.Раҳмонкулов. – Т.: “Адолат”, 1996. – Б.286; Рўзиев Р.Д., Топилдиев В.Р. Фуқаролик ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Умумий қисм. – Т.: “Чўлпон”, 2011. – Б. 442-443.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм). – Т.: “Vektor-Press”, 2010. – Б.766-767.

Демак, одатдаги ва тасодифий шартларга у қадар зарурат йўқ деб тушуниш мумкин. Лекин, тарафларнинг хоҳиш-иродаси билан ўзаро келишиб шартнома матнига киритилган шартлар, хусусан, тасодифий шартлар ўз-ўзидан муҳим шартларга айланади. Яъни, тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олинishi зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади (ЎР ФК 364-м. 2-қ.).

Муҳим шартнинг легал таърифи ва тасодифий шартнинг доктринал асослантирилишининг ўзаро мослиги нуқтаи-назаридан В.В.Витрянскийнинг мулоҳазаси, шубҳасиз, қизиқарли. Ҳақиқатда ҳам тасодифий ва муҳим шартлар баъзи фарқ қилувчи белгиларга эга. Шартномада тасодифий шартнинг мавжуд бўлмаслиги амалий нуқтаи-назардан мумкин эмас. Чунки, акс ҳолда, бошланишидан шартноманинг ўзини тузишга асос бўлмас эди. Тарафлардан ҳеч бири, агар олдиндан келишилган шартлардан бирортаси шартнома матнига киритилмас экан, бундай ҳуқуқий муносабатга киришиш ҳақида хоҳиш билдирмаган бўлар эди.

Фикримизча, шартларни шартнома тузилишига ёки шартноманинг бўлиши-бўлмаслигига кўрсатадиган таъсир кучига қараб эмас, балки қайси пайтда умуман шартнома шартлари ҳақида сўз юритишимиз мумкинлиги нуқтаи-назаридан ажратиш лозим. Шартномани узил-кесил имзолагунча, дарҳақиқат, уларни уч қисмга бўлиш асосли: бир қисми мажбурий муҳим шартлар сифатида қонундан олинса, бошқа қисми қонун ёки маҳаллий одат ва анъаналар ёхуд иш муомаласи одатларида мавжуд тавсиявий тусдаги шартлар (одатдаги) қаторидан танланади, учинчи қисми эса тасодифий бўлиб, тарафларнинг аниқ эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўйлаб топилади.

Шартнома имзолангандан кейин тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини акс эттирувчи унинг матнида мавжуд бўлган барча шартлар мақсадга эришиш нуқтаи-назаридан конкрет ҳол учун муҳим ва зарурийдир. Агарда тарафлардан бирини шартнома матни (ундаги шартлар) қониқтирмаса, қайсики келишувга кўра шартномага киритилиши керак бўлган, аммо унда ўз ифодасини топмаган шарт бўйича талаби асослилигини иккинчи тараф (ёки суд) тан олиши лозим. Чунки, ушбу ҳолатнинг ҳуқуқий табиати, шунингдек ЎР ФК 364-моддаси 2-қисми мазмун-моҳияти шартноманинг муҳим шarti киритилмай, тушириб қолдирганини аққол кўрсатиб турибди.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва тутилмаган шартномаларни тузиш ҳуқуқи билан шартнома шартларини белгилаш эркинлиги ўртасидаги алоқадорлик масаласига қайтадиган бўлсак, шартнома шартларини танлаш эркинлиги янги номланмаган шартномани қай даражада шакллантириши мумкинлигини ҳал қилишимиз керак бўлади.

Бунда, кенг маънода, қонун билан боғлиқ бўлмаган, яъни қонунда эътироф этилмаган шартнома шартлари муҳим роль ўйнайди. Қонун билан боғлиқ бўлмаган шартлар жумласига тасодифий ва одатдаги шартларни киритиш мумкин. Бу шартлар тарафларнинг ташаббуси ва келишувига кўра конкрет (муайян) шартнома учун унинг предмети ва бошқа зарур шартлари, яъни муҳим шартларига айланади. Шундай қилиб, ёхуд номланмаган аралаш ёхуд номланмаган (номсиз) унитар шартнома вужудга келади.

Хулоса ўрнида умумлаштириб, қуйидаги фикр-мулоҳазаларимизни билдириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Қонун (ёхуд амалиёт)да номи аниқланган ёки аниқланмаганлигидан қатъий-назар шартноманинг предмети, бошқа муҳим шартлари, мазмунига оид қонуний кўрсатманинг йўқлиги бундай шартномани номланмаган шартнома сифатида эътироф этиш учун асос бўлади.

2. Номланмаган шартномаларнинг умумий таснифини қонунчиликка номаълум бўлган номланмаган унитар ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган икки ва ундан ортиқ шартномалар элементларидан ташкил топган номланмаган аралаш шартномалар гуруҳига ажратиш орқали амалга ошириш мумкин. Номланмаган унитар шартномалар, ўз навбатида, қонун билан тартибга солинган келишувлар, шунингдек махсус (алоҳида) турдаги шартномалар (*sui generis*) белгиларига эга бўлади.

3. Номланмаган аралаш шартномалар элементлари ҳар доим ҳам қонунчиликка маълум бўлган, балки баъзан қонун билан тартибга солинмаган шартномаларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин.

4. Номланмаган аралаш шартномалар, шунингдек қонуний тартибга солинган келишувларнинг умумий белгиларига эга аралаш шартномаларнинг вужудга келишида тасодифий ва одатдаги шартлар муҳим аҳамият касб этади.

Аннотация: ушбу мақолада шартнома танлаш эркинлиги тамойилининг мазмуни аниқланиб, асосий эътибор номланмаган ва аралаш шартномалар тушунчалари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатига қаратилади.

Калит сўзлар: номланмаган шартнома, шартнома эркинлиги, квалификацияловчи (сифатига қараб даражаларга ажратувчи) нормалар, нотипик (умумий хусусиятларни ўзида акс эттирмаган) шартнома, аралаш шартнома, қонун ўхшашлиги, шартнома шартлари.

Аннотация: В данной статье определяется смысл принципа свободы выбора договора. Основное внимание уделяется соотношению понятий неназванного и смешанного договоров.

Ключевые слова: неназванный договор, свобода договора, квалифицирующие нормы, нетипичный договор, смешанный договор, аналогия закона, условия договора.

Annotation: This article defines the meaning of freedom of selection of contract principle. The main attention is paid to comparison unnamed and mixed contracts definitions.

Key words: unnamed contract, freedom of contract, qualifying norms, atypical contract, mixed contract, law analogy, contract conditions.

Адабиётлар рўйхати:

1. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик / Китоб 1. Масъул муҳаррир Ҳ.Раҳмонкулов. – Т.: “Адолат”, 1996.
2. Рўзиев Р.Д., Топилдиев В.Р. Фуқаролик ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Умумий қисм. – Т.: “Чўлпон”, 2011.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм). – Т.: “Vektor-Press”, 2010.

4. Рахмонкулов Х.Р. Ўзбекистон Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (1-қисм). –Т. “Vektor-Press”, 2010.

5. Мухаммадиев А.А. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг назарий ва амалий муаммолари, Т.: “ТДЮИ”, 2010. – Б. 133.

6. Рузиев Р.Ж. Классификация гражданских договоров по признаку направленности // ЎР Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2011, –№5.

7. Рўзиев Р.Ж. Фуқаролик ҳуқуқий шартномаларни тизимлаштиришнинг илмий-назарий муаммолари // Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами.– Т.: “ТДЮИ”, 2013. –№2.

8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (1-қисм). – Т.: “Vektor-Press”, 2010.

9. Клейн Н.И. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой (постатейный). – М.: Юрид.фирма “Контракт”: ИНФРА – М, 2005.

10. Колпаков И., Тутыхин В. Как составить договор толлинга // Финансовой директор. 2003. –№12. www.fd.ru.

11. Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права. Изд-е 4-е, испр. –М.: «Статут», 2003.

12. Новицкий И.Б. Римское частное право. Изд.-е 5-е, М.: «Статут», 1994.

13. Витрянский В.В. Договорное право. Книга вторая. М.: “Статут”, 2003.

14. Топилдиев В.Р. Рим ҳуқуқи: юриспруденция бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун дарслик. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2013.

Н. Имомов

ТДЮУ Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази
раҳбар ўринбосари,
юридик фанлар доктори

ХУСУСИЙ МУЛК БОРАСИДАГИ ТАСАВВУРЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЛҚИНИГА НИСБАТАН ЁНДАШУВЛАР

Мулк иқтисодий ва юридик категория сифатида ҳар доим турлича тасаввур этилган ва доимо ҳар қандай давлат ва жамиятдаги энг концептуал масалалардан бири сифатида эътиборда бўлган. Мамлакатда мулк масаласи қандай ҳал этилганлигидан келиб чиқиб, давлатнинг иқтисодий ривожланиши ҳамда халқнинг фаровон турмуши кафолатланганлик даражасини аниқлаш мумкин ҳисобланади. Шу боис мулкчилик масаласи, айниқса, хусусий мулк ва унинг мақомининг ҳуқуқий тартибга солиш нуктаи назардан тўғри белгиланиши муҳимдир.

Хусусий мулк тўғрисидаги тасаввурлар, яъни хусусий мулк тушунчасини англаш ва талқин этиш иқтисодий муносабатлар ва уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий масаласи саналади. Бунда хусусий мулкнинг иқтисодий ва юридик категория сифатида талқин этилишидаги уйғунлик ҳамда айниқлик, уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдирishi алоҳида ўрин тутди.

Мулкчилик ва хусусий мулк муносабатларининг шаклланишига оид аънавий тасаввурга кўра, мулк категорияси ҳеч бўлмаганда икки субъект мавжуд бўлганда юзага келади. Бу ҳолатга нисбатан одатда аънавий тарзда Робинзон Крузо мисол қилинади. Робинзон Крузо ўз фойдаланиши ва истеъмолида ашёларга эга бўлган, бироқ у ушбу ашёлар юзасидан ҳеч ким билан муносабатга кириша олмаган. Шу сабабли бу ҳолатда Робинзон Крузони тўлиқ маънода мулкдор, деб ҳисоблаш мумкин бўлмаган. Роман тафсилотлари асосида Жумавойнинг пайдо бўлиши Робинзон Крузо ва Жумавой ўртасида ашёларга нисбатан муносабатни ва айни пайтда мулкни юзага келтирган.

Инсоният ҳали овчилик ва табиат неъматларини йиғиб-териб истеъмол қилган даврларда (палеолит, мезолит) дастлаб мулк тушунчаси мавжуд бўлмаган. Бироқ, неолит даврида ишлаб чиқариш хўжалиги вужудга келиши билан меҳнат қуролилари, рўзгор буюмлари, уй-жой, чорва хусусий мулкка айланди. Кейинчалик ер ҳам хусусий мулк ҳисоблана бошлади.

Тарихий жиҳатдан олиб қаралганда ҳам хусусий мулкнинг шаклланиш манбаси бўлиб жамоа мулки ҳисобланади. Бунга хусусий мулкни номлаш бўйича ўша даврда қўлланилган терминлар ҳам далолат беради. Дастлаб хусусий мулк “dominium” термини билан белгиланган бўлиб унга квиритлар ҳуқуқи бўйича деган маънони англатувчи “ex iure Quiritium” ибораси ҳам қўлланилган. Бу ибора мол-мулклар дастлаб рим халқига, сўнгра эса хусусий мулк кўринишида рим фуқароларига тегишли эканлигини англатган. Рим республика даврининг сўнги даврларида хусусий мулкни белгилаш учун “proprietas” терминидан фойдаланилган¹.

Рим хусусий ҳуқуқида хусусий мулк ҳуқуқи мутлақлаштирилган бўлса, Юстиниан дигестларида мулк ҳуқуқи мол-мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва

¹ Новицкий И.Б. Римское частное право. – М.: Юрист, 1998. – С. 78.

тасарруф этишга доир ажралмас ҳуқуқ сифатида белгиланган. Рим хусусий ҳуқуқининг ушбу асос солувчи тамойиллари бир қатор Фарбий Европа мамлакатлари қонунчилигида ўз ифодасини топди ва мулк ягона, бўлинмас ва дахлсиз деб эътироф этилишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида, хусусий мулк эгаси ўз манфаатлари йўлида моддий неъматларни ўзлаштириш ва бегоналаштиришга, ишлаб чиқаришга, айирбошлашга, даромадларни ўзлаштиришга бўлган ҳуқуққа эгаллигини англатган.

Мусулмон ҳуқуқида, хусусан, “Ҳидоя”да мулк институти табиати диний хусусиятга эга бўлгани боис мулк тушунчасига нисбатан диний ёндашув аниқ кўзга ташланади, унинг асосида диний шарҳлар ётади. Унга мувофиқ, барча мулк охир-оқибат фақат Аллоҳга тегишлидир. Бироқ, бунда Аллоҳ – юридик маънодаги мулкдор эмас балки, ўзи томонидан ином этилган барча неъматларнинг олий эгасидир.

Айрим муаллифлар мулкка оид Аллоҳ ва банда ўртасидаги муносабатни траст шартномаси сифатида талқин қилишга мойиллик билдирадидлар ва бунда Яратувчи ишончли бошқаришнинг муассиси, банда эса ишончли бошқарувчи, жамоат (умма) эса – бенефициар бўлади¹, деб ҳисоблашади.

Машҳур ислом олими Ибн Халдуннинг ёзишича, мулк ҳуқуқи инсон табиатида яшириндир. Мулк ҳуқуқига эга бўлиш истаги инсонга олдиндан тақдим этилган бўлиб, мазкур ҳуқуқни амалга ошириш эса инсоннинг табиий эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ибн Халдун таъкидлашича, инсоннинг фақат бир ўзи мавжуд бўлиши мумкин эмас, чунки, биринчидан инсон сиёсий мавжудот ва у бирлашишга эҳтиёж сезади; иккинчидан, инсон ўзининг табиий эҳтиёжларини мустақил қаноатлантириш имкониятига эга эмас. Айнан ушбу омиллар инсонларнинг саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни тақозо этадики, бу мулк муносабатлар вужудга келишига сабаб бўлади. Умуман олганда, Ибн Халдун давлатнинг вужудга келишини хусусий мулк билан боғлайди.

Ислом иқтисодий моделини умуми й жиҳатдан 1988 йил ноябрда Тунисда бўлиб ўтган Араб давлатлари Лигасининг исломнинг иқтисодий тизимлари муаммосига бағишланган илмий-амалий конференцияда шакллантирилган куйидаги концептуал муносабатларда ифодалаш мумкин:

- тўлиқ мулк ҳуқуқи фақат Аллоҳга тегишли (У орқали барча мусулмон жамоасига тегишлидир). Бандаси эса фақат ўз ихтиёридаги бойликлар ва неъматларни тасарруф этиши мумкин бўлган ишончли бошқарувчидир;

- хусусий мулк ўзлаштиришнинг қонуний усуллари, маблағларни сарфлаш ва молиявий қарзларни тўлаш билан чекланади;

- исломда иқтисодий тартиб ижтимоий адолат билан уйғун бўлиши зарур².

Ҳозирги замон мусулмон ҳуқуқшунослиги эса, мулк муносабатларга алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, ўрта аср фақиҳларининг фикрларига таянган ҳолда, мусулмон ҳуқуқшунослиги ушбу

муносабатларни ҳозирги замон ҳуқуқий қолипига солишга ҳаракат қилмоқда. Бу мулк муносабатларнинг барча тушунчалари ва категорияларига тааллуқли бўлиб, уларнинг энг асосий тушунчалари қаторига мол-мулк киради.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан мулк бу “идеал” кўринишдаги ашёвий ҳуқуқдир, зеро айнан мулкда ашёвий ҳуқуқлар табиати тўлиқ ифодаланади. Ашёвий ҳуқуқлар номидан ҳам англашилишича, ашёлар билан боғлиқ ҳуқуқ бўлиб, шахснинг ашёга нисбатан муносабатларини белгилашни назарда тутати. Ашёвий ҳуқуқлар билан бирга, мулкда номулкий ҳуқуқлар (интеллектуал мулк) улуши мавжуд бўлади. Мулк легал нуқтаи назарда жуда умумий ифодаланади ва асосий эътибор анаъанавий ҳуқуқлар йиғиндисига қаратилади. ФКнинг 164-моддасида кўрсатилишича, мулкдорга ўз мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи тегишли бўлади.

Дараҳақиқат, ҳар бир юрист учун эталон вазифасини ўтайдиган рим ҳуқуқида ҳам мулк тушунчасининг таърифи мавжуд бўлмаган³. Рим ҳуқуқидан кейинги даврларда, айниқса, ўрта асрлардаги *ius civile* (Юстинианнинг кодификациялашган фуқаролик ҳуқуқида) таъсирида шаклланган, ўзига хос “ёзма ақл” (*ratio scripta*)да ҳам мулкнинг ягона таърифини аниқлашга бўлган барча уринишлар (цивилистиканинг фалсафий асоси сифатида) муваффақиятсизликка учради⁴.

Мулкнинг иқтисодий муносабати – бу биринчи навбатда, иқтисодий фаолият субъектлари ўртасида моддий неъматлар юзасидан шаклланидиган муносабатлардир. Бунда энг аввало, фактик муносабатлар – ким мулк объектини назорат қилади, у тўғрисида тўлиқ маълумотга эга, ундан фойдаланиш, уни бегоналаштириш ва даромадни тақсимлар тартиби тўғрисида қарор чиқаради, эътиборга олинади.

Эътибор қаратиш лозимки, XX асарнинг иккинчи ярмида янги иқтисодий мактаблар, хусусан, бунда устувор ҳолатда бўлган неонституционализм томонидан фақат моддий неъматлар (ресурслар)нинг ўзига эмас, балки ушбу неъматлардан тасарруф этиш ва фойдаланиш йўли билан турли хилдаги фойдали жиҳатларни ўзлаштириш имкониятига алоҳида эътибор қаратилди⁵.

Қайд этиш лозимки, мулкнинг ҳуқуқий табиати унинг иқтисодий табиатидан ҳосил бўлган деган қараш, ҳуқуқ “мулкнинг иқтисодий муносабатларини” тавсифлаши ва мустаҳкамлашини англатади, холос. Бундай таъкид ўзининг моҳиятига кўра, К.Маркснинг иқтисодиёт базис, ҳуқуқ унинг устқурмасидир, деган тезисининг ифодалаш ҳисобланади. Эътироф этиш лозимки, мазкур тезис бир қатор олимларнинг тасавури ва асарларида ҳанузгача яшаб келмоқда.

Иқтисодиётда кишиларнинг ўзаро муносабатлари эмас, балки ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий шакллари амал қилади, яъни бунда мулкнинг иқтисодий

³ Дождев Д.В. Римское частное право. –М.: Норма 2002. –С. 377–379.

⁴ Ҳайратланарлиси шундаки, Юстиниан Дигестларидан бизгача рим юристи Яволен томонидан айтилган ва куплаб цивилистларнинг сеvimли жумласига айланган “Цивил ҳуқуқида барча таърифлар хавфга мубталодир, инчинун таъриф инкор этилмаган ҳолатлар жуда камдир” ибораси этиб келган (D.50.17.202)

⁵ Demsetz H. Toward a theory of property rights // American Economic Review. 1967. –№ 2. –V 57.

¹ Yamani Ahmed Zaki. Islamic Law and Contemporary Issues in God and Man in Contemporary Islamic Thought. –Beirut: American University, 1997. –P.83.

² Жданов Н.В. Исламская концепция миропорядка. –М., 1991. –С.69-70.

тушунчаси ўзида зарурий иқтисодий компонентни камраб олади. Умуман олганда, айнан мулк ҳуқуқи (бир қадар ўзига хос тарзда тушунилишига қарамасдан) жамиятдаги “ўйин” қоидаси ҳисобланади ва айнан улар асосида соф иқтисодий муносабатлар бўлган талаб-таклиф шаклланади¹. Бунда гап К.Маркснинг ижтимоий назариясидаги “мулкнинг иқтисодий муносабатлари” атамаси хусусида эмас, балки замонавий иқтисодиёт назариясида марказий ўринни эгаллаган “мулк ҳуқуқининг иқтисодий назарияси” хусусида бормоқда, албатта².

Мулкнинг генезиси юридик ва иқтисодий тушунишда яхлит таҳлил этиш бугунги кунда анъанага айланган. Мулк нафақат муайян неъмат, балки ушбу неъматдан фойдаланиш бўйича туркум ҳуқуқлар ҳам ҳисобланади. Хусусан, “мулк ҳуқуқи – бу, шу билан бирга ... муҳим иқтисодий категория” бўлиб, бу ҳолат айрим муаллиф томонидан мулкнинг иқтисодий ифодаланишига нисбатан юридик тушунишнинг бирламчи эканлигини таъкидлаш имкониятини яратади³. Бундан ташқари, замонавий иқтисодий назарияда британиялик юрист А.Оноре томонидан тайёрланган ва 11 та элемент кўринишида мулкдор ваколатларининг кенгайтирилган рўйхатидан иборат бўлган “ҳуқуқлар тўплами”дан фойдаланилмоқда.

№	Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидagi мулк ҳуқуқи “триадаси”	Анголосаксон анъанаси	А.Оноренинг либерал ҳуқуқи
1.	Эгалик қилиш ҳуқуқи: ашёни ўз эгалигида сақлаб туриш имконияти (ашёга эгалик)	Васият қилиш	Эгалик қилиш
		Ҳадя	муддатсизлик
		Олди-сотди	
2.	Тасарруф этиш ҳуқуқи: ашёга нисбатан эгаликни ўзгартириш, бегоналаштириш ва гаровга қўйиш ва шу каби бошқа хатти-ҳаракатларни амалга ошириш имконияти	Гаров сифатида бериш	Ашёнинг “капитал қиймати”га бўлган ҳуқуқ
		Ижарага бериш	
		Ашёнинг кўринишини ўзгартириш	
3.	Фойдаланиш ҳуқуқи: ашёдан даромад ва бошқа фойдали хусусиятларни ўзлаштириш имконияти	Истеъмол қилиш	Фойдаланиш
		Фойдаланиш	Даромадга бўлган ҳуқуқ
		Даромад олиш	
Мол-мулкка нисбатан чеклашлар ва тақиқлар:			
4.	Мулк ҳуқуқини суистеъмол қилиш, субъектга тегишли мол-	Бошқа шахслар томонидан мусодара қилиниши	Унидирув шаклидаги жавобгарликнинг

¹ Хейне П. Экономический образ мышления. –М., 1991. –С. 325.

² Neil K. Komisar. Law's limits. The rule of law and supply and demand of rights. Cambridge University Press. 2001. –P. 126—135

³ Каменецкий В. А., Патрикеев В. П. Собственность в XXI столетии. –М.: Экономика, 2004. –С. 32.

мулкка нисбатан муайян хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликнинг қўлланилиши, чеклашлар: сервитут, гаров	Шикастланиши	қўлланилиши
	Ифолосланиши	Зарарли фойдаланишнинг тақиқланиши
	Ўзлаштирилиши	Қолоқлик туси
	Рухсатсиз фойдаланиш	

Мулкнинг нисбатан аутентик тушуниши бўлиб, шахснинг ўз ашёсига нисбатан тўлиқ ҳуқуқи (ҳукмронлиги) тўғрисидаги тасаввур ҳисобланади. Шу муносабат билан бу ўринда Г.Гегель томонидан таклиф этилган мулкни ташқи ашёларга эркин ироданинг мавжудлиги сифатида тушунтиришни эсда тутиш лозим⁴. Ўзининг ҳуқуқ фалсафаси асарида Г.Гегель мулкка ашёга нисбатан эркиннинг позитив, негатив ва адоқсиз белгиланиши сифатида таъриф беради. Б.Н.Чичериннинг таъкидлашича, эркин ирода мулкнинг муҳим тавсифи ҳисобланади ва бунда мулкдорнинг иродаси эркиндир, бироқ бундай эркинликнинг чегараси бошқа эркинликнинг чегарасига тенгдир⁵.

Айрим нуқтаи назарларга кўра мулк ҳуқуқи, ҳар қандай тизим элементлар жамланмасига мос эмаслиги каби анъанавий ҳуқуқлар триадасига мос тушмайди. Кўплаб муаллифлар таъкидлаганидек, мулкдор ҳуқуқларида куйидаги икки ҳолатни ажратиш мумкин: объектив (мол-мулкка нисбатан муайян чеклашлардан ташқари ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш) ва субъектив (уларнинг ўз хоҳишига кўра амалга ошириш имконияти)⁶. Мулкдорга тегишли бўлган ушбу ваколатларни қонун чиқарувчининг цивилистика анъаналарига риоя этганлиги ёки қандайдир тарзда мулкнинг мазмуни хусусида умумий тушунчани шакллантиришга ҳаракат қилганлиги сифатида баҳолаш мумкин. Шу сабабли ҳам мулк – бу шахснинг ўз ашёси устидан тўлиқ ҳукмронлиги ҳуқуқидир, деган ёндашув ҳам мавжуд.

Қайд этиш лозимки, Рим ҳуқуқи рецепцияга учраганидан сўнг ўрта асрларда, Рим ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири бўлган икки (бир нечта) мулк ҳуқуқига йўл қўйилмаслиги феодализм даврида амалда бўлган сеньор ва вассалнинг битта ер участкага нисбатан бир пайтнинг ўзида битта “мулк ҳуқуқи”га мос келмай қолди. Феодал ҳуқуқ рим ҳуқуқи каби мулк ҳуқуқи ва ашёга нисбатан бошқа ҳуқуқ ўртасидаги аниқ чегарани ўзида ифодаламас эди. Шу сабабли ҳам феодал ҳуқуқда битта ашёга нисбатан мулк ҳуқуқига ўхшаш бўлган бошқа бир нечта ҳуқуқлар мавжуд бўлишини таъминламас эди. Шу муносабат билан глоссаторлар томонидан битта ер участкаси (лен, феодал)га нисбатан икки ёки бир нечта бир хилдаги мулк ҳуқуқларга йўл қўядиган ва уларнинг мавжудлигини таъминлайдиган “ажратилган мулк” концепцияси ишлаб чиқилди.

Натурал хўжалик ҳукмронлик қилган, бозор учун ишлаб чиқариш ва савдо-сотик кенг ёйилмаган ўрта асрлар Европасида Рим ҳуқуқига эҳтиёж бўлмаган. Бироқ, дастлаб Италияда, кейинроқ эса бошқа мамлакатларда савдо ва саноат хусусий мулкни ривожлантиргандан кейин, пухта ишлаб чиқилган Рим

⁴ Гегель Г. В. Ф. Философия права. –М., 1990. –С. 60, 101, 108, 111.

⁵ Чичерин Б. Н. Собственность и государство. –СПб.: Изд-во РХГА, 2005. –С. 129.

⁶ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ, 2009.

хусусий ҳуқуқи ўша заҳоти тикланган ва обрў-эътибор қозонган¹.

Таъкидлаш лозимки, хусусий мулкни тушуниш узок вақт мобайнида иқтисодий ва юридик нуқтаи назардан алоҳида ҳолда тушунилмаган. Бундай тушуниш одатда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида кенг қўлланила бошлади. Чунки айнан шу даврга келиб, иқтисодий муносабатларга алоҳида ҳуқуқий мақом берилди бошлаган ва иқтисодий ҳуқуқий тартибга солишга бўлган талаб орта борган. Бу эса ўз навбатида, мулкка бўлган алоҳида эътиборни ҳамда шахсларга тегишли мол-мулкларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш эҳтиёжини юзага келтирди. Замонавий, инсонпарвар ҳамда умумэтироф этиланган қадриятлардан келиб чиқиб қабул қилина бошланган қонунларда шахсларга тегишли моддий неъматларга нисбатан ҳуқуқларнинг таъминланганлиги ва уларнинг дахлсизлиги қафолатларини тасдиқлади. Айнан мана шу жиҳатлар жамиятда турли қарашлар ва ёндашувларнинг шаклланишига олиб келди. Эндиликда хусусий мулк шахсга моддий неъматлар сифатида, хусусий мулк ҳуқуқи эса моддий неъматга нисбатан шахснинг ҳуқуқдорлиги сифатида талқин этила бошлади. Бироқ социалистик тузумнинг шаклланиши ҳамда социализм таълимчиларнинг хусусий мулк жамиятдаги барча иллатларнинг асоси сифатида талқин этилиши, К.Маркс ва Ф.Энгельс томонидан “Коммунистик партия манифести”да аниқ қилиб, “коммунистлар ўз назариясини: хусусий мулкни йўқотиш, деган биргина қоида билан баён қилишлари мумкин”² деб белгилашлари, хусусий мулк капиталистларни пролетардан ажратувчи бош омил дея “исботлаш” натижаси ўлароқ хусусий мулкни талқин этишда “тескари тушуниш”, моддий неъматдан кимнинг қандай усулда манфаатдор бўлиши жиҳатдан англаш бош мезон қилиб олинди. Яъни, кишига даромад ёки фойда олиб келадиган моддий неъматлар хусусий мулк сифатида, унинг шахсий эҳтиёжларини қаноатлантирадиган нарсалар эса шахсий мулк сифатида белгиланган. Бу ҳолатга собиқ иттифоқнинг дастлабки даврларида амалда бўлган “автомобил бисот эмас, ҳаракатланиш воситасидир” шиорини ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Чунки, автомашиналар собиқ иттифоқда хусусий мулк объекти эмас шахсий мулк объекти сифатида қаралган ва у билан ташиш хизматларини кўрсатиш қатъиян таъқиқланган. Акс ҳолда, социализм таълимотида кўра фуқароларга тегишли бўлган автомашиналар шахсий мулк эмас хусусий мулк ҳисобланиши мумкин бўлган ва бу социализм таълимотида ёт ёндашув бўлган бўлур эди.

Мазкур таълимотга тўхталиб ўтиб, В.С.Нерсисянц қуйидагиларни билдиради: ҳуқуқ ва давлат, марксча тарихий-материалистик таълимотга мувофиқ, хусусий мулкчилик жамиятининг базис (ишлаб чиқариш, иқтисодий) муносабатлари тақозо этадиган устқурма ҳодисалар (шакллар) ҳисобланади. Марксизмга кўра, ҳуқуқий муносабатлар (ва умуман ҳуқуқ) хусусий мулкчиликнинг иқтисодий муносабатларидан пайдо бўлади, ушбу муносабатларга хизмат қилади, уларни ифодалашнинг ва улар мавжудлигининг зарур шакли ҳисобланади. Шу сабабли хусусий мулкчиликка

нисбатан марксча салбий коммунистик муносабат ишлаб чиқаришнинг хусусий мулкчилик усули туғдирадиган барча устқурмавий ҳодисалар (ҳуқуқ, давлат ва бошқалар)га ёйилади³.

Шу сабабли ҳам моддий неъматни шахсий эҳтиёжни натура ҳолида қондириш ёки шахсга даромад келтириш нуқтаи назардан ажратиш ва мулкдор ҳуқуқларнинг тўлиқ чекланганини собиқ иттифоқ қонун чиқарувчилари, ҳуқуқни қўлловчилари ва назариячилари учун ўзгартирилмайди, мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилинди. Бу эса ўз вақт мобайнида кишиларнинг онгу тасаввурига ўрнашиб қолди ҳамда бундай талқин афсуски, бугунги кунда ҳам учрайди.

Бироқ бундай ёндашув, хусусий мулкни бу тарздаги талқини мавжуд қонуниятлар ва инсонпарварлик қадриятларига зид эканлигини, барчага бир шай имконияти ва барча бир хилда бўлиши ҳамда яшаши лозим деган ақидалиги, бу ҳолат ҳар қандай мамлакатни иқтисодий жиҳатдан юксалишига салбий таъсир кўрсатиши ва шу мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси паст бўлишини бугунги кунда жаҳон амалиёт кўрсатиб турибдики, бу ҳолатга алоҳида мисол ёки ташбеҳ келтиришга ҳожат йўқ, албатта.

Шу сабабли ҳозирда хусусий мулк тушунчасини аниқлаштириб олиш, нафақат хусусий мулк тушунчасини қонунчиликда белгилаш балки, кишиларнинг онгу тасаввурини ҳам ўзгартириш ва шу асосда хусусий мулк тўғрисидаги қонунчиликни қўллаш амалиётини тўғри йўналишга буриш мумкин. Бундай хусусий мулк тушунчасини қандай англаш масаласини мушоҳада этиш ва бу борада қонунчиликнинг умумий ва ягона ёндашувини белгилаб олиш зарур.

Замонавий қитъа ҳуқуқ тизими мулк ҳуқуқини битта шахс қўлида жамланган чекланмаган ва бўлинмайдиغان ҳуқуқ сифатида талқин этади.

Англо-америка ҳуқуқида *property rights* (мулк ҳуқуқи) тизими амал қилади. Мазкур ҳуқуқ ўрта асрлар феодал ҳуқуқи каби битта ер участкаси (кўчмас мулк)га бир пайтнинг ўзида турли шахсларга тегишли мулк ҳуқуқи мавжуд бўлишига йўл қўяди. Тўлиқ мулк ҳуқуқ (*full ownership*) фақат кўчар мулкларга нисбатан қўлланилади, кўчмас мулкга эса турли у ёки бу даражада чекланган титуллар (*titles, estates*) эътироф этилади, чунки анъанавий (феодал) тасаввурга кўра ернинг “олий мулкдори” фақат суверен бўлиши мумкин. Бундан ташқари, умумий ҳуқуқ бўйича титуллар (*estates in law*) билан бирга, адолат ҳуқуқи бўйича титуллар (*equitable estates*) ҳам мавжуд ва улар ҳам бир вақтнинг ўзида турли шахсларга тегишли бўлиши мумкин⁴.

Амалдаги қонунчилик хусусий мулк тушунчаси аниқ ва тўғри ифодаланган деб бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрдаги №152-ХII “Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси “хусусий мулк” – деб номлангани ҳолда, унинг 1-қисмида “хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир” – деб белгиланган. Яъни, “хусусий мулк” тушунчаси мазкур қонунда ҳуқуқ маъносини

¹ Саидов А.Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари: Олий ўқув юртлири талабалари учун дарслик. –Т., 2004.– 146 б.

² Маркс К., Энгельс Ф. Танланган асарлар. 1-том. – Т.: 1980. – 120 б.

³ Нерсисянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси / Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов, - Т.: Адолат, 2003. – Б 120.

⁴ Право собственности: актуальные проблемы / отв. ред. В.Н.Литовкин, Е.А.Суханов, В.В.Чубаров; Ин-т законод. и сравнит. правоведения. –М.: Статут, 2008. – С 731.

билдириши кўрсатилган. Бу албатта, хусусий мулк категорияси тўғридан-тўғри “ҳуқуқ” англатишини кўрсатадики, бундай ёндашув юридик нуқтаи назарда нотўғридир. Чунки, мулк категорияси ҳуқуқшуносликда муносабат сифатида тушунилади. Мулк тушунчаси тўғридан-тўғри ҳуқуқ маъносини англатмайди. Ҳуқуқ бу шахсга тегишли ваколатлардир. Шу сабабли хусусий мулк, деганда, одатда моддий неъматнинг нисбатан хусусий шахсга тегишлилигини англатувчи ижтимоий муносабат тушунилиши лозим. Бошқача айтганда, хусусий мулк моддий неъматнинг хусусий шахс томонидан қонуний ўзлаштирилиши натижасидаги ҳуқуқий боғлиқлик, яъни муносабат сифатида тушунилиши лозим. Бундай муносабат ва боғлиқлик эса ўз навбатида, хусусий шахснинг ваколатларини, яъни ҳуқуқларини вужудга келтиради ва бу ўз-ўзидан “хусусий мулк ҳуқуқи” тушунчасини ҳосил қилади.

Мазкур қонуннинг 7-моддаси 1-қисмининг иккинчи жумласида “Хусусий мулк мулкдорнинг ишлаб чиқариш жараёнида ва (ёки) ёлланма меҳнатни қўллашда шахсан бевосита иштирок этишига асосланиши мумкин” – деб белгиланган. Бу ҳолат ўз-ўзидан хусусий мулкнинг шаклланиш манбаларини белгилашга ўриниш сифатида баҳоланади. Бироқ, бугунги замонaviй воқеъликлар хусусий мулк категориясига тўғри келмаслигини, қонунчилик хусусий мулкнинг шаклланиш манбаларини эмас, аксинча, хусусий мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритилганлигини бош омиш сифатида белгилаши лозимлигини кўрсатади ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 207-моддаси 1-қисмида бу қоида ўрнатилган. Бу ҳолат шундай ҳулоса чиқариш учун имкон берадики, хусусий мулк тушунчаси аниқлаш ва англаш учун унинг вужудга келиш манбаси эмас, балки хусусий мулкнинг ижтимоий муносабат сифатидаги талқинини белгилаш муҳимдир.

Шу жиҳатдан хусусий мулк категориясини моддий неъматнинг ўзлаштирилиши ва шахсга мансублиги, шу шахс ва моддий неъмат ўртасидаги муносабат ҳамда мазкур муносабатга нисбатан ҳуқуқдор бўлмаган бошқа шахсларнинг муносабати сифатида талқин этиш, тўғрироқ бўлар эди. Албатта, бунда ўзбек тилидаги ашёга, моддий неъматга нисбатан “меники” ва “сеники” деган муносабат, “ўзганики” деган қараш хусусий мулк ва мулкдорлик категориясининг муҳим ижтимоий воситаси бўлиши зарур.

Шу жиҳатдан, Ю.К. Толстойнинг қуйидаги фикрларига қўшилиш лозим “мулк “сеники” ва “меники” каби бўлиниш остида ётади. Ҳар қандай мулк шакли ва турида мулкнинг умумлашганлиги ва жамоалашуви даражаси юқори бўлмасин, ишлаб чиқариш шароитлари ва маҳсулотларига кимдир “ўзиники” каби, кимдир эса “бегонаники” каби муносабатда бўлган тақдирдагина мавжуд бўла олади. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай мулк шакли хусусий ҳисобланади”¹.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг эътирофича, хусусий мулкка нисбатан табиий ҳолатда вужудга келган ҳуқуқ одамлар ўртасида амалдаги урф-одатларга асосланган ижтимоий муносабатларнинг якуни ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан хусусий мулк ҳуқуқини давлат ташкил топмасдан табиий равишда вужудга келган ижтимоий ҳодиса сифатида таърифлаш мумкин. Давлат сиёсий ҳокимият сифатида пайдо бўлиши билан ўз фаолиятини мавжуд

тиббиёт бойликлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш натижасида ушбу бойликлардан ҳосил бўлган мол-мулкни ўзлаштириш борасида тартиб-қоидаларини ўрнатиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқларини ўзгаларнинг ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилиш ва кафолатлаш билан боғлиқ вазифаларни бажаришга қаратади².

Юқорида эътироф этилганидек, хусусий мулк тушунчасини шакллантиришда ҳуқуқшуносликда анъанавий категория “моддий неъмат” категориясини бош омиш сифатида қабул қилиш зарур. Агар мазкур категорияга эътибор қаратадиган бўлсак, мутахассисларнинг таъкидлашича, моддий неъмат деганда – ашёлар, ишлар ва хизматлар натижалари ва фуқаролар ва юридик шахсларнинг моддий эҳтиёжларини таъминлаш хусусиятига эга ва муомалада бўладиган бошқа (озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой ва ҳоказолар) неъматлар тушунилади³.

Моддий неъмат хусусий мулкнинг энг муҳим ва дастлабки асоси бўлиб, унинг мавжудлиги шахснинг мулкдорлигини ҳамда тўлақонли ҳуқуқ субъектчилигини англатади. Шу сабабли ҳам хусусий мулк моддий неъматга нисбатан мулкдор шахснинг тўлиқ ҳукмронлигини англатувчи ваколатлар ва имкониятларни белгиловчи мулкдор ва ашё ўртасидаги муносабат ҳамда ана шу муносабатга нисбатан учинчи шахсларнинг ҳар қандай муносабатидир, деган ҳулоса келиш мумкин. Хусусий мулк ижтимоий муносабат ва ижтимоий ҳодиса сифатида ўз объекти ва субъектига эга бўлар экан, унинг объекти ашё, субъекти эса мулкдор ҳисобланади.

Бугунги кунда миллий цивилистикада, иқтисодиётда ҳамда амалиётда шаклланаётган хусусий мулкка нисбатан қарашлар ва ёндашувлар ҳам ўзига хослигини таъкидлаш зарур. Хусусан, “давлат мулки”, “нодавлат мулки”, “хусусий мулк” каби тушунчаларнинг ўзаро нисбатини белгилаш, турли иқтисодий талқинлар ва ёндашувлардаги хусусий мулкни аниқлаш “умумий аралаш мулк”даги хусусий мулк улушининг нисбатидан келиб чиқишига оид қарашларни таҳлил этиш лозим. Зеро, иқтисодий талқинлардаги каби хусусий мулк - “умумий аралаш мулк”даги унинг улуши 50% дан ошадиган мол-мулк эмас, балки ижтимоий муносабатдаги субъектчиликдан келиб чиқмоғи лозим. Бинобарин, ҳуқуқий нуқтаи назардан мулк бу ижтимоий муносабат ҳисобланар экан, мулк шакли субъектга мансубликдан келиб чиқади. Қолаверса, мулк шакллари таснифланганда унга нисбатан ҳуқуқдор шахсларнинг ваколат доирасининг нисбати эмас балки, оммавийлик ва хусусийликнинг умумий чегарасидан келиб чиқиши зарур. Бошқача айтганда, юридик адабиётлар ва цивилистикада шаклланган умумқабул қилинган қоида – давлатга тегишли бўлмаган ҳар қандай нарса бу хусусийдир. Шу сабабли ҳам алоҳида олинган мол-мулк (унинг қандай тузилмага тегишлилигидан қатъи назар) ва унга нисбатан мулквий траиаданинг энг асосий ва ҳал қилувчи элементи – тасарруф этишни давлатнинг мутлақ ваколати доирасидан четга чиқиши, иқтисодий нуқтаи назардан айтганда, бунда 1 % бўлса ҳам нодавлат – хусусий

¹ Гражданское право. Часть I. // Под ред. Ю.К. Толстого, А.П. Сергеева. – М.: ТЕИС, 1996. - С. 292.

² Иқтисодиётни эркинлаштиришни ҳуқуқий таъминлаш муаммолари. – Т.: ТДЮУ, 2014. – Б. 73-74.

³ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари. – Т.: ТДЮИ, 2009. – С. 28.

элементнинг мавжудлиги хусусий мулк бўлади, деган хулосага келиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, давлат ва нодавлат тузилмалари иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг мол-мулкига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи режимини татбиқ этишни тақозо этади. Мазкур ёндашув эса бундай тузилмаларга оид қонун ҳужжатларини хусусий мулк ҳуқуқи режими асосида қайта кўриб чиқиш ва тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш зарурияти мавжудлигини кўрсатади.

Аннотация: мазкур мақолада хусусий мулк тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши тарихий ракурсда таҳлил этилиб, хусусий мулкнинг тушунчаси ва мазмуни борасидаги илмий қарашларнинг ўзаро нисбатини ёритиш орқали, бугунги замонавий қонунчиликда “хусусий мулк” деганда айнан нима тушунилиши, давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар мол-мулкнинг ҳуқуқий режими борасидаги айрим мулоҳазалар илгари сурилган.

Калит сўзлари: мол-мулк, мулк, мулк ҳуқуқи, хусусий мулк, мулк шакллари, моддий неъмат, мулкнинг иқтисодий ва юридик таққини, мулкдорнинг ваколатлари, мулкка эгалик қилиш, мулкдан фойдаланиш, мулкни тасарруф этиш, хусусий мулкнинг режими.

Аннотация: в данной статье в историческом ракурсе проанализированы понимания частной собственности, проведен анализ научных взглядов на понятие частной собственности и его содержания. Исходя из проведенного анализа, автор дает определенные выводы по пониманию частной собственности на сегодняшний день и по вопросам правового режима предприятий имеющих государственную долю.

Ключевые слова: собственность, имущество, право собственности, частная собственность, виды собственности, материальные блага, экономическое и правовое значение собственности, полномочия собственника, владение собственностью, пользования собственностью, распоряжение собственностью, режим частной собственности.

Annotation: in this article understanding of a private property in a historical foreshortening are analysed, the analysis of scientific views on concept of a private property and its contents is carried out. Proceeding from the carried-out analysis, the author gives certain conclusions on understanding of a private property today and concerning a legal regime of the enterprises having the state share.

Key words: property, property, property right, private property, types of property, material benefits, ekonomiyechsky and legal value of property, power of the owner, possession of property, uses of property, order property, mode of a private property.

Адабиётлар рўйхати:

1. Раҳмонкулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари. – Т.: ТДЮИ, 2009.
2. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ, 2009.
3. Саидов А.Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. –Т., 2004.
4. Новицкий И.Б. Римское частное право. - М.: Юрист, 1998.

5. Yamani Ahmed Zaki. Islamic Law and Contemporary Issues in God and Man in Contemporary Islamic Thought. –Beirut: American University, 1997.

6. Жданов Н.В. Исламская концепция миропорядка. –М., 1991.

7. Дождев Д. В. Римское частное право. –М.: Норма 2002.

8. Demsetz H. Toward a theory of property rights // American Economic Review. 1967. –№ 2. V 57.

9. Хейне П. Экономический образ мышления. – М., 1991.

10. Neil K. Komesar. Law's limits. The rule of law and supply and demand of rights. Cambridge University Press. 2001.

11. Каменецкий В. А., Патрикеев В. П. Собственность в XXI столетии. –М.: Экономика, 2004.

12. Марк К., Эргельс Ф. Танланган асарлар. 1-том. – Т.: 1980.

О.А. Камалов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
кафедра бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мустақиллик йилларида республикада ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди¹ ҳамда уларнинг ижтимоий ўзгаришга мос тарзда такомиллашуви таъминланмоқда².

Маълумки, ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида тегишли вазифани бажарадиган ижро этувчи давлат органи ҳисобланади. Бошқа томондан эса Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва тегишли идоровий-норматив ҳужжатлар унинг фуқаролик муносабатларида иштирок этиши учун «юридик шахс» мақомини белгилаб берган. Хусусан, ФКнинг 42-моддасига мувофиқ, юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади. Бинобарин, ички ишлар органлари тизимида «юридик шахс» мақомига эга бўлган тузилмаларнинг вужудга келиши ва тугатилиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида»ги 270-сонли қарори билан узвий боғлиқдир. Чунончи, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан «юридик шахс» мақомига эга бўлган вазирлик вужудга келди.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларининг фуқаровий-ҳуқуқий лаёқати унинг давлат бошқарув идораси сифатида эга бўлган ваколатлари таркибига кирмайди ва унинг фуқаровий-ҳуқуқий лаёқатининг нафақат мазмуни, балки махсус хусусияти ҳам ҳужалик вазифаларини бажариш орқали аниқланади. Бошқача айтганда, ички ишлар органларининг ҳужалик фаолияти пудрат, ижара, олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш³ ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузиш орқали ифодаланади ҳамда

ушбу жараёнларни ИИВ ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган тузилмалари фаолиятида кузатиш мумкин.

Шу билан бирга, уларнинг «юридик шахс» мақомини, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки билан боғлиқ қоидаларни аниқ белгилаш тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур қўшимча ва ўзгартишлар киритиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов таъкидланганидек, «агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгиллаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз»⁴. Бинобарин, қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ғоят жиддий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш даркор⁵.

Назаримизда, юқорида таъкидлаб ўтилганлардан ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида»ги Низомда унинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини алоҳида норма қилиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айрим МДХ давлатларининг меъёрий ҳужжатларида⁶ ички ишлар органлари, шу жумладан ИИВ, шаҳар, туман ИИБ юридик шахс мақомига эга эканликлари, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда «давлат муассасаси» шаклида иштирок этиши, мустақил баланс, банкда ҳисоб-китоб рақамига эгалиги, судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиши мумкинлигига оид қоидалар мавжудлигини кузатиш мумкин;

Иккинчидан, хорижий давлатлар тажрибасидан⁷ келиб чиқиб, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш ва соҳага оид қонунлар (Фуқаро-

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-344-сонли қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – Тошкент, 2012. – 12-сон. – 335-м.; Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сонли қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – Тошкент, 2014. – 5-сон. – 129-м.; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида»ги 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳуқуматининг қарорлари тўплами. – Тошкент, 1991. – 10-сон. – 36-м.;

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 2822-сонли фармони.

³ *Изоҳ*: Ички ишлар органлари тизимида маҳсулот етказиб беришга оид муносабатлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техник ва ҳарбий таъминот бошқармасининг 1999 йил 30 октябрдаги «Пудрат, хизматлар кўрсатиш, товар (маҳсулот)лар тайёрлаш, маҳсулот етказиб бериш ва бошқа шартномаларни тайёрлаш, тузиш ва қайд этиш тартиби тўғрисида»ги 40-сонли буйруғи билан тартибга солинган.

⁴ *Каримов И. А.* Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир //Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган маърузаси //Халқ сўзи. – 2010. – 28 янв.

⁵ *Ўша манба.*

⁶ Типовое положение о Министерстве внутренних дел, в главном управлении, управлении внутренних дел по субъекту Российской Федерации, утверждённым с приказом МВД России от 25 октября 2006 года, № 846, зарегистрировано в Министерстве юстиции РФ 17 ноября 2006 года, № 8490.

⁷ *Изоҳ*: Молдова Республикасининг 1990 йил 18 февралдаги «Полиция тўғрисида»ги, Украина Республикасининг 1990 йил 20 декабрдаги «Милиция тўғрисида»ги, Белорусь давлатининг 1991 йил 26 февралда қабул қилинган «Милиция тўғрисида»ги, Қозоғистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги «Қозоғистон Республикасининг ички ишлар органлари тўғрисида»ги, Тожикистон Республикасининг 2004 йил 17 майдаги «Милиция тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг 2002 йил 7 декабрда Санкт-Петербургда 20-12-сонли Қарори билан тасдиқланган «Полиция (милиция) тўғрисида»ги намунавий (модель) қонун қабул қилинган.

лик кодекси, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқ.) талабларини ҳамда ички ишлар органлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, унда юридик шахс мақоми ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки билан боғлиқ қоидаларни белгилаш зарур. Бундан ташқари, ИИВ тизимидаги тижоратчи («Қўриқлаш» бирлашмаси, Жазони ижро этиш бош бошқармаси тизимидаги манзил-колониялари ва ш.к.) ҳамда нотижоратчи юридик шахслар мақомига эга бўлган тузилмаларнинг мавжуд мол-мулкка нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқи ҳамда оператив бошқариш ҳуқуқи (ФКнинг 176–181 моддалари)га оид нормаларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, ИИВ тизимида юридик шахс мақомига эга бўлган тузилмаларнинг кўп сонли эканлигини, бундан ташқари, уларнинг аксарияти оператив бошқарув ҳуқуқига, айримлари хўжалик юритиш ҳуқуқига эгаллиги ҳамда уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби ўзига хос хусусиятларга эга эканликларини инобатга олиб, махсус низоларни ишлаб чиқиш зарур;

тўртинчидан, нафақат ИИВ, балки бошқа давлат органлари (масалан, Мудофаа вазирлиги қошидаги ва ҳ.к.) тизимидаги тузилмаларни юридик шахс сифатида рўйхатга олиш ва фуқаролик муносабатларида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини ишлаб чиқиш лозим. Бунда ФКнинг 44-моддасига асосан, ҳақиқий юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш қақидаги маълумотлар барча танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилиши, мазкур тузилмалар фаолиятида «давлат сири», «хизмат сири» каби тушунчалар амал қилишини ҳисобга олиш тақозо этилади;

бешинчидан, ИИВ, шунингдек бошқа давлат бошқаруви органлари тизимидаги «муассаса» мақомига эга бўлган юридик шахслар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириш мақсадида, ФКнинг умумий қоидалари асосида Ўзбекистон Республикасининг «Муассасалар тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласини муҳокама қилиш зарур.

Маълумки, ички ишлар органлари жиноятчиликнинг олдини олиш, очиш ва жамоат тартибини сақлаш каби вазифаларни бажариш жараёнида турли ижтимоий муносабатларга, жумладан шартномавий муносабатларга ҳам киришади. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги тизимида зарур моддий-техник воситалар билан таъминлаш каби тузилмалар эҳтиёжларини қондириш мақсадида, шу билан бирга, маҳсулотни ишлаб чиқариш (етиштириш) ва реализация қилиш ваколати берилган айрим тузилмалар (масалан, Жазони ижро этиш бош бошқармаси тизимидаги манзил-колониялари) томонидан маҳсулот етказиб бериш шартномалари кенг қўлланиб келинмоқда.

Албатта, ички ишлар органларининг шартномавий муносабатлардаги иштироки ИИВ ва унинг алоҳида тузилмаларининг юридик шахс ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлиши билан узвий боғлиқдир. Бошқача айтганда, ички ишлар органлари фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузишда давлат бошқаруви органи сифатида эмас, балки юридик шахс сифатида қатнашади. Шу билан бирга, маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги айрим манбаларда ички ишлар органлари томонидан фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг тузилишини

бошқарув фаолиятининг муайян шакли сифатида эътироф этилганлигини кузатиш мумкин¹. Бинобарин, мазкур нуқтаи назар ўз мақсадига эга бўлмай, шартноманинг маъмурий ҳуқуқнинг юридик воситаси эмас, балки шартнома тушунчаси, уни тузиш, бажариш ва тугатиш тартиби мустақамлаб қўйилган фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиниши ҳисобга олинмаганлигини қайд этиш лозим.

Ўзбекистонда давлат идораси сифатида ички ишлар органларининг фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятлари шартномага ва маъмурий ҳужжатга² ёхуд фуқаролик-ҳуқуқий шартномани тузиш зарурияти назарда тутилган маъмурий ҳужжат асосида вужудга келиши кузатилади.

Фикримизча, ички ишлар органларининг шартнома муносабатларидаги иштироки ва уларнинг ўзига хос хусусиятларининг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан:

– ички ишлар органларининг қўшимча даромадларга эга бўлиш имконияти сабабли, ушбу муносабатларда иштирок этишдан манфаатдор эканликлари (масалан, объектларни қўриқлаш шартномаси асосида);

– ушбу субъектларнинг шартнома муносабатларидаги иштирокидан давлатнинг амалий эҳтиёжи мавжудлиги;

– ички ишлар органлари фаолияти асосий йўналишларининг улар иштирокида вужудга келадиган шартнома муносабатлари мазмунини ва ўзига хос хусусиятларига мос келиши.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларининг шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун вужудга келадиган жавобгарлик асослари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига назарда тутилган шартлар ҳисобланиб, бу борада айрим ҳолларда махсус шартлар: ваколатли орган томонидан ўғирлик, талон-тарож, мулкка зарар етказиш ёки йўқотиш қабилар ҳам белгилаши мумкин. Бинобарин, юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, зарар мавжудлиги фактининг аниқланмаганлиги хўжалик судларида ишларни кўришда даъвои рад этишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин³.

Жумладан, даъвогар – «Фарғона нефть базаси» унитар корхонаси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар – «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» шўъба корхонасидан 3 760 422 сўм (камомад) асосий қарзни ундиришни сўраган. Биринчи инстанция судининг 2013 йил 2 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлан-тирилган.

Кассация шикоятда «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» шўъба корхонаси «Денов нефть бази-си» манзилли вагон-цистернада юборилган автобензин маҳсулоти Охунбобоев темир йўл станциясида техник носозлиги сабабли темир йўл томонидан умумий далолатнома расмийлаштирилганлиги, далолатномада маҳсулот қайта ўлчанганда, темир йўл юк ха-

¹ Административное право: Методы и формы государственного управления. – М., 1994. – С. 28.

² *Изоҳ:* Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8-моддасида фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатлари асосида ҳам вужудга келиши мумкинлиги белгиланган.

³ Ручкин О. Ю. Организационно-правовые аспекты участия органов внутренних дел РФ в договорных обязательствах: Дис... канд. юрид. наук. – Москва, 1997. – С.143.

тида кўрсатилган миқдорга нисбатан 3437 кг камомад борлиги кўрсатилганлиги, вагон-цистерна носозлиги учун Уставга кўра темир йўл компанияси жавоб бериши лозимлиги, лекин суд томонидан камомад суммаси “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” шўъба корхонасидан ундирилганлиги, ишга темир йўл компанияси жалб этилмаганлиги баён қилиниб, ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” шўъба корхонасини жавобгарликда озод қилиш ва ишга Транспорт ИИБ Нефть маҳсулотларини кузатиш бўйича алоҳида милиция батальонини жалб этиш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг судлов ҳайъати жавобгар вакилининг тушунтириши ва прокурорнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш ҳақидаги фикрини тинглаб, кассация шикоятда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан биргаликда муҳокама қилиб, 2013 йил 7 октябрдаги қарорига мувофиқ, куйидаги асосларга кўра ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган: ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, “Фарғона нефть базаси” унитар корхонаси ва “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” шўъба корхонаси ўртасида 2012 йил 25 декабрда нефть маҳсулотини етказиб бериш тўғрисида 243-сб-сонли шартнома тузилган ва вагон-цистернада “Денов нефть базаси” унитар корхонаси манзилига 42982 кг АИ-80 бензин маҳсулоти милиция батальони кузатувида жўнатилган.

Бироқ, темир йўл бекатида цистернанинг маҳсулот тўкиш қисмида нефть маҳсулоти оқаётганлиги аниқланган ва бу ҳақда тегишли тижорат далолатномаси тўлдирилган ҳамда унда 3437 кг маҳсулот кам чиққанлиги кўрсатилган ва ушбу ҳолат “Фарғона нефть базаси” унитар корхонаси томонидан маҳсулотни қабул қилиш далолатномасида ҳам қайд этилган.

Фарғона транспорт прокуратураси томонидан вагон-цистернадан нефть маҳсулотининг йўқолиш ҳолати юзасидан Жиноят кодексининг 169-моддаси “б” ва “в” бандлари асосида жиноят иши кўзгатирилган. Аммо, иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаганлиги сабабли, дастлабки тергов ҳаракатлари тўхтатилган.

Судлов ҳайъати юқоридагилардан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди нефть маҳсулоти “Денов нефть базаси” унитар корхонасига милиция батальони кузатувида жўнатилган бўлса-да, шартнома бўйича “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” шўъба корхонаси томонидан ҳақиқатан тўлиқ етказиб берилмаганлиги сабабли, “Фарғона нефть базаси” унитар корхонасининг даъвосини қаноатлантириш ҳақида тўғри хулосага келганлиги эътироф этилган.

Шунингдек, “Темир йўл устави”нинг 125-бандида темир йўл юкнинг йўқолиши, шикастланганлиги ва бузилганлиги учун агар тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, ваколатли шахслар томонидан кўриқланган ҳолда ташиб берилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши белгиланганлиги сабабли, судлов ҳайъати томонидан “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” шўъба корхонасининг нефть маҳсулоти камомати бўйича темир йўл жавоб бериши лозимлиги ҳақидаги важи қабул қилинмаган ва кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилган¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди кассация инстанцияси томонидан 2013 йил 7 октябрда кўрилган 15-13-

Мазкур иш мазмунидан кўриниб турибдики, ҳужалик суди маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича учинчи шахс сифатида ички ишлар органини жавобгарликдан озод қилишда, унинг айби йўқлигини асослашда Фуқаролик кодексига назарда тутилган умумий асослар билан бир қаторда, махсус шартларни ҳам инобатга олган.

Шу билан бирга, назаримизда, ички ишлар органлари эҳтиёжлари учун давлат буюртмачиси сифатида ИИВ ёки унинг тегишли тузилмаларига буюртмани шартнома ёки маъмурий ҳужжат асосида бериш масаласини муҳокама қилиш ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Фикримизча, ИИВнинг тегишли тузилмаси давлат буюртмачиси функцияларини амалга ошириши учун юридик шахс мақомига эга бўлиши ва Вазирлик билан шартнома тузиш тартиб-таомиллари қабул қилиниши лозим бўлган “Ички ишлар вазирлиги тузилмаларининг кимошди савдоларида (танловларда) иштирок этиш тартиби тўғрисидаги” низом лойиҳасида белгилаб берилиши зарур.

Бундан ташқари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари билан бир қаторда, бошқа давлат органлари томонидан ўз эҳтиёжлари учун маҳсулотларни сотиб олишда бюджет харажатларини қисқартириш мақсадида, давлат контрактларини жойлаштиришнинг муқобил усуллари (танлов, баҳоларни котиловкалаш усули, ягона манбадан сотиб олиш ва ҳ.к.)ни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига белгилашни назарда тутиб, Кодекснинг 460-моддаси тўртинчи қисмига куйидаги қўшимчани киритиш таклиф этилади:

“Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда маҳсулот етказиб берувчини танлаш жараёнида давлат контракти баҳоларни котиловкалаш ва ягона манбадан товарларни сотиб олиш орқали тузилиши мумкин”.

Бундан ташқари, ИИВ томонидан етказиб бериладиган маҳсулотларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, намунавий шартномалар туркумини ишлаб чиқиш ва тузилмалар томонидан қўлланилишини таъминлаш ҳуқуқни қўллаш амалиётида соҳага оид қонун ҳужжатлари талабларининг тўлақонли бажарилишида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари тизимида маҳсулот етказиб бериш шартномаларини тузиш ва унга амал қилиш маданиятини юқори босқичга кўтариш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш зарурияти мавжуд бўлиб, уларнинг амалга оширилиши келгусида жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби асосий вазифаларни самарали бажаришда, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирокини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Аннотация: мақолада ички ишлар органлари иштирокидаги маҳсулот етказиб бериш шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари атрафлича ёритилган. Хусусан, ички ишлар органларининг пудрат, ижара, олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш ва бошқа

15/11869-сонли иш //Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг архив материалларидан. – Тошкент, 2013.

фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларни тузиш орқали ифодаланадиган хўжалик фаолияти ҳамда ушбу жараёнларда иштирок этувчи ИИВнинг юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган тузилмалари фаолияти амалиётдаги мисоллар билан кўрсатиб берилган.

Шунингдек, мақолада мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида жадал суръатларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар талаблари ҳамда ички ишлар органлари олдида турган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан амалий таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, пудрат, ижара, олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш шартномаси, хўжалик юритиш ҳуқуқи, оператив бошқариш ҳуқуқи, мустақил баланс, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, юридик шахс, мулкдор, фуқаровий-ҳуқуқий лаёқат.

Аннотация: в статье раскрываются особенности договоров поставки продукции с участием органов внутренних дел. В частности, на конкретных примерах характеризуется хозяйственная деятельность органов внутренних дел, выражающаяся в заключении договоров подряда, аренды, купли-продажи, поставки продукции и других гражданско-правовых договоров, а также практика участвующих в этих процессах структур МВД, обладающих правами юридического лица.

Ключевые слова: органы внутренних дел, подряд, аренда, купля-продажа, договор поставки продукции, право хозяйствования, право оперативного управления, независимый баланс, гражданско-правовые отношения, юридическое лицо, собственник, гражданско-правовая способность.

Annotation: The article deals with the specific features of product delivery contract with participation of the organs of internal affairs. Particularly, there were shown economical activities of law enforcement bodies in making a civil-legal contract and delivery contract, purchase and sale, lease, contract and the practical activities of juridical persons who take part in this procedure.

Key words: Organs of internal affairs, contract, lease, purchase and sale, product delivery contract, economy law, operational administrative law, independent balance, civil-legal relations, juridical person, owner, civil-legal ability.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир //Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган маърузаси // Халқ сўзи. – 2010. – 28 янв.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344-сонли қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – Тошкент, 2012. – 12-сон. – 335-м.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сонли қонуни //Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – Тошкент, 2014. – 5-сон. – 129-м.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида»ги 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. – Тошкент, 1991. – 10-сон. – 36-м.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 2822-сонли фармони.

6. Типовое положение о Министерстве внутренних дел, в главном управлении, управлении внутренних дел по субъекту Российской Федерации, утверждённым с приказом МВД России от 25 октября 2006 года, № 846, зарегистрировано в Министерстве юстиции РФ 17 ноября 2006 года, № 8490.

7. Административное право: Методы и формы государственного управления. – М., 1994.

8. Ручкин О.Ю. Организационно-правовые аспекты участия органов внутренних дел РФ в договорных обязательствах: Дис... канд. юрид. наук. – М., 1997.

А.Д.Ахмедов

ТДЮУ мустақил изланувчиси,
юридик фанлар номзоди**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИННОВАЦИОН
ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТЛАРИ**

Мамлакатимизда фан-техника соҳасидаги мавжуд шароитлар илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг бирга уйғунлиқда ривожланишига имконият яратади. Бунга кўп йиллик тарихга эга бўлган илмий-тадқиқот муассасалари негизда шаклланган илмий кадрлар салоҳияти ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга”, деб таъкидлаганлиги мамлакатда инновацияларга жиддий эътибор қаратилаётганлигидан далолат бермоқда¹.

Айтиш лозимки, бугунги кунда фан-техниканинг кўп ютуқлари кундалик ҳаётимизга жадал суръатлар билан кириб келмоқда. Бунга, айниқса электротехника, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, мазкур ютуқлар қўлланилган товарлар, хизматлар ва ишлар мамлакатимизга асосан чет элдан кириб келаётганлиги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фан сифими катта бўлган маҳсулотларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларини кўришга ундамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси маълумотида асосан, 2015 йил ҳолатига Ўзбекистонда 400га яқин ташкилотлар илмий фаолият олиб боради. Шулардан 220 дан ортиғи давлат бюджетидан молиялаштирилади. Булар жумласига, 94 илмий-тадқиқот ташкилотлари, 69 олий таълим муассасалари, 18 тажриба-конструкторлик ташкилотлари, 8 илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, 11 инновация марказлари ва бошқа ташкилотлар қиради.

Шунингдек, республикада бевосита инновацион фаолиятга 35 мингдан ортиқ мутахассислар жалб этилган. Уларнинг илмий салоҳияти қуйидагича акс этган: 2,4 мингдан ортиқ фан докторлари, 9,2 мингдан ортиқ фан номзодлари ва 12 мингдан ортиқ илмий даражага эга бўлмаган тадқиқотчилар.

Айтиш жоизки, юқорида келтирилган инновацион фаолият субъектлари асосан қуйидаги йўналишларда давлат буюртмасини бажармоқдалар:

1. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш;
2. Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик;
3. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш;
4. Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш;
5. Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси;

6. Тиббиёт ва фармакология;
7. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар;
8. Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом-ашёни қайта ишлаш)².

Бундан ташқари, 2009 йилдан буён ҳар йили апрель-май ойлари давомида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркалари ўтказиб келинмоқда. Мазкур ярмаркаларни ўтказишдан асосий мақсад инновацион фаолият иштирокчиларига қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини истеъмолчига (потенциал буюртмачи) намойиш қилишга имконият яратиш ва бошқалар ҳисобланади.

Мана шу анъанага мувофиқ, 2014 йилнинг 23-25 апрель кунлари Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 мартдаги 206-ф-сонли фармойишига биноан Тошкент шаҳрида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VII Республика ярмаркаси ўтказилди.

Мазкур ярмаркада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда йирик саноат корхоналари ва бошқа идоралар тасарруфидаги 100 дан ортиқ илмий-тадқиқот, олий таълим, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, кичик инновация корхоналари иштирок этди. Хусусан, саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари ҳамда фан ва таълим соҳаларидаги 600 га яқин инновацион ғоя ва лойиҳалар саккизта йўналиш бўйича тақдим этилди. Ярмаркага 585 га яқин корхона ва ташкилотлардан 9 мингдан зиёд тадбиркорлар, фермерлар, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари, масъул ходимлари, мутахассислар ташриф буюрди³.

Умуман олганда, инновацион ярмаркалар доирасида тузилган шартномаларнинг бажарилиши натижасида умумий қиймати 1 трлн. сўмдан ортиқ янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Жумладан:

- 2009-2014 йилларда “Фарғонаазот” АЖда 208 млрд. сўмлик юмшоқ таъсирга эга “УзДЭФ”, “Супер ХМДж”, “Полидеф” дефолиантлари ишлаб чиқарилди;
- Марказий Қизилқум фосфоритидан олинган “азотли-фосфорли ўғит” технологияси “Навоийазот” АЖда жорий этилиб, 2010-2014 йилларда қиймати 165 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди;

– пахта чигитидан кам миқдорда госсипол сақловчи шрот ва осон рафинацияланган пахта мойи олиш технологияси йўлга қўйилди. Мазкур технология чорвачилик эҳтиёжлари учун катта ҳажмда пахта шротини ишлаб чиқариш имкониятини яратди. Янги ишланма тармоқнинг 18 та корхонасида жорий этилди ва 400 млрд. сўмлик зарарсиз шрот ишлаб чиқарилди.

Таъкидлаш керакки, бундай ярмаркаларда, одатда, иштирокчилар тайёр инновацион ғоя (ишланмани) потенциал буюртмачига сотишни ўзига асосий мақсад, деб биладилар. Ваҳоланки, мазкур ярмарка доирасида инновацион фаолият субъекти бўлажак буюртмачи (инвестор) билан илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини бажариш ҳақида келишув тузиши бирламчи бўлиши керак.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси маълумоти

³ Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VII Республика ярмаркасининг яқунлари тўғрисида // <http://www.uzscience.uz>

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилidir // press-service.uz/

Шу билан бирга ярмаркада намоиш этилган инновацион ишланмаларга танқидий ёндашилса, юқорида келтирилганлардан ташқари, уларнинг анча қисми замонавий жаҳон талабларига мос келмаслигини кўриш мумкин¹. Бундан келиб чиққан ҳолда, шуни айтиш мумкинки, маҳаллий илмий тадқиқотчилар томонидан инновация сифатида тақдим қилинаётган ишланмаларнинг кенг маънода жамият эҳтиёжларига жавоб бермаслиги мамлакат ҳуқуқий амалиётида инновациялар билан боғлиқ шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг янада кенгроқ тарқалишига тўсқинлик қилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, инновациялар (ихтиро, саноат мулки ва ҳоказо) яратишнинг ҳуқуқий асослари шаклланган бўлишига қарамай, мазкур интеллектуал мулк объектларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш билан боғлиқ қонунчилик нормалари ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари, инновацион фаолият субъектлари ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини умумий юрисдикция ва хўжалик судларида ҳимоя қилиш маданияти етарлича шаклланмаган. Хусусан, таъкидлаш жоизки, 2012-2014 йиллар давомида республика миқёсида фуқаролик ишлар бўйича судлар томонидан инновацияларга оид биронта иш даъво тартибиде кўрилмаган, истисно тариқасида 2013 йилда Тошкент шаҳрида селекция ютуқлари билан боғлиқ фақат битта иш шикоят тартибиде кўриб чиқилган².

Худди шундай ҳолат хўжалик судлари амалиётида ҳам учрамоқда. Жумладан, 2012-2014 йиллар давомида республика бўйича фақатгина Самарқанд вилоятида хўжалик юритувчи субъектлар ўртаксида саноат намунасига патент олиш масаласида даъво тартибиде битта иш кўрилган³.

Шу билан бирга инновацияларга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар судлар томонидан кўриб чиқиш амалиёти мавжуд эмаслиги мамлакатда умуман инновацион фаолият олиб борилмаётганлигини аниқлатмайди.

Фикримизча, Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш турли “старт-ап” компанияларни (инглиз тилида “start-up” – “фойдаланишга киритиш” маъносини англатади) ташкил қилиш йўналишида амалга оширилиши керак. “Старт-ап” компанияларининг асосий афзаллиги шундан иборатки, улар одатда жуда кам маблағ талаб этиб, асосий эътиборини янги маҳсулот турини яратиш ва уни тижоратлаштиришга қаратади. “Старт-ап” компаниялар бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксарияти Интернет, ахборот-коммуникацион технологиялари билан боғлиқ соҳаларда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда⁴. Бунга мисол тариқасида, ҳаммага маълум “Apple”, “Microsoft”, “Facebook”, “Vkontakte”, “Youtube” ва бошқ. каби компанияларни келтириш мумкин.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, мамлакатимизда “старт-ап” компаниялар дастлаб йирик акциядорлик

компаниялар ва давлат корхоналари ҳузурида ташкил қилиниши мумкин. Бироқ, мазкур компанияларнинг жавобгарлик доираси ва имтиёзлар режимини (солиқ, божхона тўловлари, тижорат кредитлари ва бошқ.) белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилмасдан олдин, уларнинг нормал фаолият кўрсатиши мушкул бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳозирги шароитда Ўзбекистонда инновацион фаолият субъектлари давлат томонидан яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиши учун бир қатор ҳуқуқий ва ташкилий характердаги муаммолар ҳал қилиниши лозим. Хусусан, инновацияларни тижоратлаштиришни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни шакллантириш, инновацион фаолият натижаларини бевосита ишлаб чиқаришга татбиқ этиш билан шуғулланувчи “старт-ап” компанияларини ҳуқуқий мақомини аниқлаш, инновацион фаолият субъектларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, мақсадга мувофиқдир.

Аннотация: мазкур мақолада инновацион фаолият субъектлари дуч келаётган айрим ҳуқуқий ҳамда ташкилий муаммолар таҳлил қилинган ва кўриб чиқилган. Бундан ташқари, муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолият субъектларини янада қўллаб-қувватлаш бўйича шарт-шароитларни яратиш борасида таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, инновация, инновацион фаолият субъекти, старт-ап, селекция ютуғи, тижоратлаштириш.

Аннотация: в настоящей статье рассмотрены и проанализированы некоторые правовые и организационные проблемы, встречающиеся в деятельности субъектов инновационной деятельности. Более того, автором работы даны предложения по созданию дополнительных условий по стимулированию субъектов инновационной деятельности в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы, инновация, субъект инновационной деятельности, старт-ап, селекционное достижение, коммерциализация

Annotation: In this article it has been reviewed and analyzed several legal and organizational issues that can be found in practice of innovative activity. Moreover, author gave suggestions on creation supplementary circumstances on encouragement of the subjects of innovative activity in the Republic of Uzbekistan.

Key words: Research and development works, innovation, the subject of innovative activity, start-up, selection result, commercialization

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир // <http://press-service.uz/>

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси маълумоти.

¹ Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VII Республика ярмаркаси ишланмалари каталоги // www.uzscience.uz

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумоти.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди маълумоти.

⁴ Бланк С., Дорф Б. Старт-ап. Настольная книга основателя. – Москва: Альпина Паблишер, 2014. – 616 б.

3. Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VII Республика ярмаркасининг яқунлари тўғрисида // <http://www.uzscience.uz>.

4. Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VII Республика ярмаркаси ишланмалари каталоги // <http://www.uzscience.uz>.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумоти.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди маълумоти.

7. Бланк С., Дорф Б. Стартап. Настольная книга основателя. – Москва: Альпина Паблшер, 2014.

Н. Ашурова

Тошкент давлат юридик университети
катта илмий ходим-изланувчиси

ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ ВА КАФОЛАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Хусусий мулк доимо жамият ва давлат ҳаётида алоҳида ўрин тутган. Айнан кишиларнинг мулкдорлик мавқе, уларнинг мулкдор сифатидаги фаолияти давлатнинг иқтисодий ривожланиши учун асосий ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган. Хусусий мулк эгаси жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳам мамлакатдаги тинчлик ва барқарорлик, фаровонлик ва тотувликни таъминлаш тарафдори бўлиб келган ва мулкдор сифатида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишидан манфаатдор ҳисобланган. Хусусий мулк, бозор муносабатлари, тадбиркорлик бир-бири билан узвий боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни ифодаловчи категориялардан иборат. Хусусий мулк асосида бозор муносабатлари ташкил топади, бозор муносабатлари тадбиркорлик воситасида ҳаракатга келади¹.

Бозор-усул, мулк-дастак. Бозор тадбиркорлик туфайли жонланади, ҳаракатга келади. Хусусий мулк асосида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар ўз манфаатларини ўз хоҳишларига мувофиқ ҳал қиладилар. Улар қонунда махсус назарда тутилмаган ва қонун билан тақиқланмаган барча ҳаракатларни эркин амалга оширадилар. Хусусий мулк тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий манбаи экан, тадбиркорлик эса ўз йўлида, хусусий мулкнинг вужудга келиши, нафақат унинг, шунингдек давлат мулкни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади².

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий асосини мулк муносабатлар ташкил этади. Мулк иқтисодий категория бўлиб, жамиятнинг базасини ташкил этади. Мулк бирламчидир. Мулк моддий неъматларни ўзлаштириб олишнинг юридик шакли сифатида жамиятга катта таъсир кўрсатади. Ҳуқуқ эса, мулкни иқтисодий муносабатларда юридик мустаҳкамлайди.³

Тадбиркорни мулк ҳуқуқи деганда, қонунда белгиланган мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларининг мажмуи тушунилади. Мулк ҳуқуқи нафақат табиатдан келиб чиқадиган ҳуқуқ, балки ҳар бир кишига тегишли мутлақ ҳуқуқ ҳам бўлиб ҳисобланади⁴.

Таъкидлаш лозимки, хусусий мулк ҳуқуқи хусусий мулкдорнинг ашё ёки бошқа моддий ва номоддий неъматлар устидан давлат томонидан кафолатланган ва жамият манфаатлари йўлида чегараланган ҳукмронлигидир⁵.

¹ Раҳмонқулов ва бошқалар. Иқтисодий эркинлаштиришни ҳуқуқий таъминлаш муаммолари / О.Оқюлов ва Ш.Н.Рўзиназаровларнинг умумий таҳрири остида. – Т.: ТДЮУ, – Б. 72.

² Раҳмонқулов Ҳ. Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги. –Т.: 2000. – Б. 64.

³ Тадбиркорлик ҳуқуқи: Умумий қисм. Дарслик / Маъсул муҳаррир Ш.Н.Рўзиназаров.-Т.: Консаудитинформ, 2002. - 238 б.

⁴ Абдусаломов М.Э. Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик ҳуқуқий усуллари ва муаммолари: Юрид. фан. номз. дисс... автореф. – Т.: 2003. - Б. 9-10.

⁵ Эргашев В. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиш ва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари: Юрид. фан. номз. дисс. ... автореф. – Т.: 2005. - Б. 6.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб, хусусий мулк ҳуқуқини мустаҳкамлаш, хусусий мулкдорлар синфини шакллантириш, хусусий мулк борасидаги кишиларнинг тасаввури ва онгини ижобий томонга ўзгартириш, хусусий мулкни мулкнинг бошқа шакллари билан тенглигини таъминлаш борасида қатор ислоҳот амалга оширилди ва бу ислоҳотлар бугунги кунга келиб, хусусий мулкнинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ҳақиқий етакчи кучга айланишини таъминлади. Айниқса, бу борада қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатлари мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида хусусий мулкни тушуниш, эътироф этиш ва кенг жамоатчилик томонидан тан олинishi учун ҳуқуқий асос вазифасини бажаради. Жумладан, 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни биринчи маротаба мулкнинг алоҳида шакли сифатида хусусий мулкни эътироф этган бўлса, 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун билан хусусий мулкни ҳажмини амалда кўпайтириш ва мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратилди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси эса, ўзининг 36-моддасида “ҳар кимнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқини” белгиланган бўлса, 53-моддаси 2-қисмида “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида” эканлиги белгиланган. Шу билан бирга, 1993 йил 7 майда қабул қилинган “Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мулкдорлар синфини янада кенгайтириш учун замин яратди ва фуқароларга имтиёзли асосларда ўзлари яшаётган уй-жойларини хусусийлаштиришлари ва хусусий мулкдор бўлишлари учун имконият яратди.

Хусусий мулк ҳуқуқини таъминлаш ва мулкдорларнинг ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми ва навбатдаги босқичи Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да белгилаб берилган вазифалар ва илгари сурилган ғоялар билан белгиланади. Мазкур концепцияда қайд этилишича, биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизimini яратишимиз зарур. Ҳар бир тадбиркор, аввало, шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим. Айни шу мақсадда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва

мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур¹.

Мазкур ҳолатлар келиб чиқиб, 2012 йил 24 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун концепцияда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг муҳим ва асосий кафолатлари белгиланди. Жумладан, қонунда “хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслиги”, “хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидалиги”, “давлат хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш ва унинг кўпайтирилиши учун барча зарур шароитларни яратиши”, “мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина ўз мол-мулкдан маҳрум этилиши” каби умумий қоидалар билан бирга, ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган кафолатлар ҳам назарда тутилди. Масалан, Қонуннинг 5-моддасига биноан, хусусий мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Мулкдорга мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш муддати белгиланишига йўл қўйилмайди.

Қолаверса, Қонуннинг 7-моддасида миллий ҳуқуқшунослик учун ўзига хос янги қоида “мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги” мустаҳкамландики, бу қоиданинг моҳиятга кўра, мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади, унга мувофиқ қонун ҳужжатларидаги хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилади.

Янги Қонуннинг 2-боби хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усулларига бағишланган ва бунда хусусий мулк ҳуқуқининг бузилиши ва хусусий мулк ҳуқуқига етказилган зарарларни қоплаш назарда тутилган бўлса, Қонуннинг 3-боби мулкдор ҳуқуқларининг кафолатларини назарда тутгани ҳолда ҳар бир аниқ ҳолат учун алоҳида кафолатларни белгилайди. Ана шундай муҳим кафолатлардан бири Қонуннинг 17-моддаси 2-қисмида белгиланган бўлиб, унга кўра, хусусий мулк бўлган мол-мулкни, шу жумладан ер участкасини национализация ва реквизиция қилинган ҳолларда олиб қўйиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мулкдорга унинг бозор қиймати, шунингдек бундай олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўла қопланиши шарти билангина амалга оширилади.

Қонунда мулкдорлар ҳуқуқлари учун белгиланган энг муҳим кафолатлардан яна бири бу унинг 19-моддасида назарда тутилган қоидалардир. Айнан мазкур қоидалар мулк ҳуқуқи мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган ҳолда бекор қилинганда унинг ҳуқуқлари кафолатлари сифатида “мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига фақатгина қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиб, бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг мол-мулк берилади ва у қўрган бошқа зарарларнинг ўрни қопланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши туфайли етказилган зарарнинг ўрни тўла ҳажмда қопланиши” мустаҳкамланди. Қонуннинг 19-

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 53.

моддаси 3-қисмида эса, “олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўпориб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунга қадар йўл қўйилмаслиги” белгиланган бўлиб, унинг муҳим жиҳати сифатида мол-мулкнинг бозор қиймати олдиндан мулкдор тўланганидан сўнг мулк ҳуқуқини бекор қилиниши ҳисобланади. Бинобарин бу қоида мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларига бўлган ишончи ошишига хизмат қилиши билан бирга, хусусий мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини таъминлайди.

“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда белгиланган, фуқаролик қонунчилиги учун янги қоидалардан навбатдагиси бу – унинг 24-моддасида белгиланган хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилмаслиги ва бекор қилинмаслиги қоидадир. Мазкур қоида мулкдорларнинг хусусийлаштириш натижасида қўлга киритган мол-мулкига нисбатан кафолатлар бўлиб, бу давлат органлари томонидан суиистеъмоллик ҳолатларига йўл қўйилмаслигини таъминлайди.

Таъкидлаш ўринлики, янги қонуннинг ижобий жиҳатлари билан бирга, уни янада такомиллаштириш борасидаги фикрларни ҳам билдириб ўтиш мумкин. Жумладан, мазкур қонунда энг аввало хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари ҳақидаги моддаларни киритиш ва уларда хусусий мулкдорлар сифатида фуқаролар ва нодавлат ташкилотлари белгиланиши, хусусий мулк объектлари бўлиб, эса қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай мол-мулк ҳисобланиши белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, Қонунда хусусий мулкнинг вужудга келиш асослари ҳам санаб ўтилиши лозим бўлади. Зеро, қонун хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини белгилар экан, унда ҳимоя қилиниши лозим бўлган объектлар қандай асосларга кўра вужудга келиши ҳам белгиланиши зарур. Қонунга бундай қонуннинг киритилиши, аввало бозор муносабатлари шароитида хусусий мулкни ҳуқуқини қўлга киритиш учун кенг имкониятлар ва имтиёзлар берилганлигини кўрсатади ва демократик бозор тамойиллари шароитида хусусий сектор вакиллари учун қўлай муҳим яратилганлигидан далолат беради.

Мазкур қонуннинг 8-моддасида хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бир қатор усуллари белгилангани ҳолда фақат улардан айримлар маъно-мазмун ва моҳияти очиб берилган, холос. Масалан, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усули сифатида давлат органининг ва бошқа органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш (Қонуннинг 9-моддаси), Хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиши (Қонуннинг 10-моддаси), Давлат органлари ва бошқа органлар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш (Қонуннинг 14-моддаси) алоҳида моддаларда изоҳлаб берилган бўлса, Қонуннинг 8-моддасида санаб ўтилган хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бошқа усуллари: хусусий мулк ҳуқуқини тан олиш; хусусий мулк ҳуқуқи бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш; битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш; хусусий

мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиши; бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш; зарарнинг ўрнини қоплаш; неустойка ундириш; маънавий зиённи қоплаш; хусусий мулк ҳуқуқи муносабатларини тартибга солишда қонун ҳужжатлари барқарорлигини таъминлаш; давлат органининг ва бошқа органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид бўлган ҳужжатининг суд томонидан қўлланилмаслиги; мол-мулкнинг айрим турларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келганлигини, ўзгарганлигини ва бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш алоҳида моддаларда очиб берилмаган ва уларнинг мазмун моҳияти тушунарсиз ва ноаниқлигича қолган. Фикримизча, бу ҳолат қонунни қўллаш самарадорлигини пасайтиради ва уни амалиётга татбиқ этиш механизмлари етарли даражада шакллантирилмаганлигини кўрсатади. Шу боис Қонуннинг 8-моддасида санаб ўтилган хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бошқа усуллари ҳам алоҳида моддаларда ёритилиши ва уларнинг тушунчаси, мазмуни, қўлланилишига доир кўрсатмалар ишлаб чиқилиши лозим. Шу маънода қонуннинг 8-моддасида хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усули сифатида кўрсатиб ўтилган “хусусий мулк ҳуқуқини тан олиш” усулини алоҳида моддада ифодалаш ва унинг мазмунини қуйидаги изоҳлаш мақсадга мувофиқ: *хусусий мулк ҳуқуқини тан олиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ваколатли давлат органи, суд ёки мазкур ҳуқуқ бўйича низолашаётган субъект томонидан амалга оширилади. Қонунга бундай қонуннинг киритилиши аввало ҳуқуқ қўлловчи учун хусусий мулкни тан олиш усули бевосита муайян субъект томонидан амалга оширилишини ҳамда бунинг учун қонуний асослар мавжуд бўлиши лозимлигини аниқлашга хизмат қилади.*

Бундан ташқари, “хусусий мулк ҳуқуқи бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш” усули қуйидаги тахрирда қонунда белгиланиши зарур эди: *хусусий мулк ҳуқуқининг бузилиш ҳолатлари юзага келганда мулкдор тегишли шахслар ёхуд суддан ўзининг хусусий мулк ҳуқуқи бузилишидан олдинги ҳолатни тиклашни талаб қилишга ҳақлидир.*

Хусусий мулк ҳуқуқининг бузилиши хавфи юзага келганда ёки келгусида унинг бузилиш хавфи бор бўлганда мулкдор бундай фаолиятни тўхтатишни ва тақиқлашни талаб қилишга ҳақли.

Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг навбатдаги усули бўлган “битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш”ни эса *“битимни тузиш йўли билан хусусий мулк ҳуқуқи бузилган ҳолларда мулкдор қонунчиликка мувофиқ, суд тартибидан битимини ҳақиқий эмас деб топишни ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашни талаб қилишга ҳақли”*тиги қоида билан белгиланган зарур.

Бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш – усулини эса қонунда алоҳида модда сифатида белгиланиши ва назаримизда қуйидагича ифодаланиши лозим эди: *мулкдорнинг талабларини қаноатлантиришнинг турли усуллари мавжуд бўлган ҳолларда унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун бурчни аслича (натура) ҳолда бажариш қўлланилиши лозим. Мазкур ҳолатдан истиснога фақат қонун ҳужжатларида назарда*

тутилган ҳолларда ва мулкдорнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Зарарнинг ўрнини қоплаш ҳам хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг муҳим усулларидан бири бўлиб, мазкур усул нимани аниқлаши ва бунда хусусий мулк эгаси нималарни талаб қилиши мумкинлиги қонунда ифодаланиши алоҳида тусга эга. Назаримизда, зарарнинг ўрнини қоплаш усули қонунда қуйидаги кўринишида белгиланиши зарур: *мулкдор ўзининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатларини, мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ополмай қолган даромадлари (бой берилган фойда)ни талаб қилишга ҳақли.*

Неустойкани унидириш ҳам хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда кенг қўлланиладиган усуллардан биридир. Бироқ янги Қонунда мазкур усулнинг тушунчаси, моҳияти ва мазмуни хусусда ҳеч қандай қоида ёки изоҳ белгиланмаган. Фикримизча, бу ҳолат мулкдорларнинг манфаатларини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларидан самарали фойдаланишга салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли Қонунга неустойка унидириш номли алоҳида модда киритиш ва унинг мазмунини *“мулкдор ҳуқуқлари бузилганда айбдор шахс зиммасига шартнома ёки қонунга мувофиқ неустойкани тўлаш мажбурияти юкланиши мумкин”.*

Хусусий мулк ҳуқуқи бузилганда мулкдорга моддий зарар билан бирга маънавий зарар ҳам етказилиши мумкин. Мазкур ҳолатда маънавий зарар сифатида нималар тушинилиши ва айнан қайси омиллар билан маънавий зарар моҳияти аниқланиши қонунда назарда тутилиши лозим. Бунда *“мулкдорнинг ҳуқуқлари бузилиши натижасида унга жисмоний ва руҳий азоб-уқубатлар етказилган бўлса, у қонунчиликка мувофиқ маънавий зарар учун товон талаб қилиш ҳуқуқига эга”* қоидаси қонунга киритилиши мақсадга мувофиқ.

Хусусий мулк ҳуқуқи муносабатларини тартибга солишда қонун ҳужжатлари барқарорлигини таъминлаш - хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг янги усули бўлиб, миллий қонунчилигимизга илк мартаба киритилмоқда. Мазкур ҳимоя усули хусусий мулкчилик соҳасидаги қонунларнинг барқарор бўлишини таъминлаш натижасида давлат органлари томонидан чиқариладиган қонун ости ҳужжатлари хусусий мулк ҳуқуқини бузилишини чеклашга хизмат қилади. Фикримизча, ушбу ҳимоя усули қонунда қуйидаги мазмунда белгиланиши зарур:

Хусусий мулк ҳуқуқи муносабатлари қонун билан тартибга солиниши лозим.

Қонун ости ҳужжатлари қонунларни амалга ошириш ёки таъминлаш учун қабул қилинади ва қонунга зид бўлмаслиги лозим.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятларида хусусий мулк соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликнинг барқарорлиги ва қатъийлигини таъминлашлари лозим.

Давлат органининг ва бошқа органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид бўлган ҳужжатининг суд томонидан қўлланилмаслиги ҳам хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда қўлланиладиган ҳимоя усули сифатида қонунда очиб берилмаган. Бу эса мазкур ҳимоя

усулини қўллашда қийинчиликлар туғдириши мумкин. Шу боис ушбу ҳимоя усулини қонунда қуйидаги тахрирда ифодалаш лозим: *суд хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишни кўриш чоғида давлат органи ёки бошқа органининг ҳужжати қонунга тўғри келмаслигини, шу жумладан у ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда чиқарилганини аниқласа, қонунга мувофиқ қарор қабул қилади.*

Мол-мулкнинг айрим турларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келганлигини, ўзгарганлигини ва бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳам мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда ўзига хос ўринга эга. Зеро, хусусий мулк ҳуқуқи мулкдор сифатида рўйхатдан ўтказилган шахс суднинг қарори асосида мазкур рўйхатдан ўчирилмагунча мулкдор бўлиб ҳисобланади. Шу боис Қонунга ушбу ҳимоя усулини ҳам киритиш зарур бўлади.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш алоҳида ва махсус қонун билан белгиланиши, бозор иқтисодиётининг асосларини демократлаштиришда ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлайди ва ишончли ҳимоя тизими ва қонунчилик механизми амал қилишига шароит яратади.

Аннотация: мақолада хусусий мулкнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, у билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик тизимининг ривожланиши бўйича таҳлил амалга оширилган. Муаллиф хусусий мулк борасидаги ҳуқуқшунос олимларнинг айрим фикрларини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунини такомиллаштиришга оид таклифларни илгари сурган.

Калит сўзлар: хусусий мулк, тадбиркорлик, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари, мулкдор ҳуқуқлари, хусусий мулкнинг дахлсизлиги, зарарни қоплаш, мулк ҳуқуқини тан олиш.

Аннотация: в статье проведен анализ развития системы законодательства, регулирующего место и значение частной собственности в обществе и связанных с ней общественных отношений. Автор на основе изучения мнения ученых выдвинул предложения по совершенствованию Закона “О защите частной собственности и гарантиях прав собственности”.

Ключевые слова: частная собственность, предпринимательство, способы защиты права частной собственности, права собственников, неприкосновенность собственности, возмещение ущерба, признание права собственности.

Annotation: The article is devoted to the development of the legislation which regulates the place and value of private property in the society and related to it public relations. Author puts forward the suggestions on improving the Law "On protection of private property and guarantees of property rights" through the studying the opinions of scientists.

Key words: Private property, business, ways to protect private property, property rights, inviolability of property, compensation for damages, recognition of property rights.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 53 б.
2. Раҳмонқулов ва бошқалар. Иқтисодий эркинлаштиришни ҳуқуқий таъминлаш муаммолари / О.Оқюлов ва Ш.Н.Рўзиназаровларнинг умумий таҳрири остида. – Т.: ТДЮУ, - 72 б.
3. Раҳмонқулов Ҳ. Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги. – Т.: 2000. - 64 б.
4. Тадбиркорлик ҳуқуқи: Умумий қисм. Дарслик / Маъсул муҳаррир Ш.Н.Рўзиназаров. - Т.: Консаудитинформ, 2002. - 238 б.
5. Абдусаломов М.Э. Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик ҳуқуқий усуллари ва муаммолари: Юрид. фан. номз. дисс... автореф. – Т.: 2003. - Б. 9-10.
6. Эргашев В. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиш ва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари: Юрид. фан. номз. дисс. ... автореф. –Т.: 2005.

Т.МадумаровТДЮУ мустақил изланувчиси,
юридик фанлар номзоди**МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН
ТУЗИЛАДИГАН ШАРТНОМАЛАР ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Бозор муносабатлари шароитида товарлар, ишлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатда бўлишини ҳуқуқий таъминлаш воситаси шартномалар ҳисобланади. Шартномалар ҳуқуқ объектларнинг муомалада бўлишини, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишини ва товар-пул-товар шаклидаги моддий неъматлар ҳаракатланишини юридик жиҳатдан расмийлаштиради. Шу жиҳатдан молиявий маблағларнинг муомалага киритилиши, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказилиши ва улар натижасида янги қиймат ҳосил бўлиши ҳам шартномалар орқали амалга оширилади. Шартномалар тузиш ва уларни бажариш маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар учун нечоғли аҳамиятли бўлса, молиявий тузилмалар учун ҳам шу даражада муҳим ва эътиборлидир. Айнан мазкур нуқтаи назардан айтиш мумкинки, микрокредит ташкилотлари ҳам ўзларининг микромолиялаш фаолиятларини бевосита шартномалар тузиш орқали амалга оширадilar. Бундан улар қонун ҳужжатларида белгиланган ва ўз фаолиятларининг мақсадларидан келиб чиқиб, бир қатор банк-молия хизматларини кўрсатишга оид бўлган шартномаларни тузадilar. Бинобарин бу ҳолат Ўзбекистон Республикасининг “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни 3-моддаси 1-қисмидан англашилади. Мазкур нормага кўра, микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва ушбу қонунга мувофиқ бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс микрокредит ташкилотидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан эълон қилинган Концепцияда “...жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши **хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит ушмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ**”¹

Шу жиҳатдан олганда, микрокредит ташкилотларининг шартномавий муносабатларини ривожлантириш, уларнинг хизматлар кўрсатиш шартномаларини тузиш орқали ўз капиталини ошириб боришлари, мамлакатда барқарор молиявий тизимни ривожлантиришга имкон беради.

“Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасида микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, ушбу модданинг 1-2-қисмларига кўра, микрокредит ташкилоти қуйидаги

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. – 50 б.

турлардаги микромолиявий хизматлар кўрсатиши мумкин:

микрокредитлар ёки микроқарзлар бериш;
қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш (факторинг);

микрокредит ташкилоти лизинг берувчи сифатида иштирок этадиган микролизинг (молия ижараси);

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги микромолиявий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан истеъмол кредитлари бериш.

Микрокредит ташкилоти микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиши мумкин.

Мазкур нормадан кўриниб турибдики, микрокредит ташкилотлари аввало қарз ва кредит шартномалари тузиш йўли билан микрокредит ва микроқарз хизматларини кўрсатадилар.

Таъкидлаш лозимки, “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунда микрокредит ва микроқарз тушунчалари берилган бўлиб, ушбу Қонунда микрокредит ва микроқарз шартномалари хусусида қоидалар белгиланмаган. Бу ҳолатда микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган микрокредит ва микроқарз хизматлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланган қарз ва кредит шартномаларига оид нормалар асосида шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади. Бироқ, бу ҳолатда микрокредит ва микроқарз тушунчалари ФҚда белгиланган кредит ва қарз шартномаларининг тушунчаларидан фарқ қилишини эсдан чиқармаслик лозим.

Агар ФҚда қарз шартномаси сифатида муайян пул суммаси ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёларни қарз олувчига мулк қилиб бериш назарда тутилса, микроқарзда фақат қонун билан белгиланган миқдордан ошмайдиган пул суммалари қайтариш шarti билан қарз олувчига берилади. Микроқарзнинг миқдори “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида белгиланганидек, энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади. Анъанавий қарз шартномаларидан фарқли равишда микроқарз фақат жисмоний шахсларга берилади.

Кўриниб турибдики, бу ҳолатда микроқарз шартномасининг объекти бўлиб, қонунда белгиланган суммадан ошмайдиган пул маблағлари назарда тутилмоқда. Бу ўринда “пул маблағлари” атамасига нисбатан юридик адабиётларда мавжуд бўлган баҳсли ҳолатга тўхталиб ўтиш лозим.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, қарз шартномасининг объектини фақат турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар ташкил этади. Чунки, қарзга олинган ашё “истеъмол” қилиниши натижасида “йўқ бўлиб кетади” ва унинг ўрнига қарз олувчи айнан шу турдаги, сифатдаги ва миқдордаги ашёни қайтаради. Нақд пул ҳам айнан турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашё хусусиятига эга ва фақат нақд пулгина қарз шартномасининг объекти бўлиши мумкин. Нақд бўлмаган пул маблағлари эса қарз шартномасининг эмас кредит шартномасининг объекти бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам юридик шахслар иштирокидаги муносабатларда нақд пул маблағларининг айланмаси чекланган ва

улар қарз муносабатларининг одатдаги субъектлари ҳисобланмайдилар¹.

Бир қатор муаллифлар (В.В.Витрянский ва М.И.Брагинскийлар², С.С.Занковский³) эса мазкур фикрларни танқид қилиб, қарз шартномасининг объектини тор маънода талқин этиш керак эмаслигини, нақд бўлмаган пул маблағлари қарзга берилганда, мулк ҳуқуқи эмас талаб қилиш ҳуқуқининг қарз олувчига ўтиши қарзнинг моҳиятини ўзгартирмаслигини таъкидлашади. Мазкур фикрларни ривожлантириб, С.Ю.Эшонкулов қуйидагиларни билдиради: бинобарин, қарз объекти ҳисобланган пул ва пул маблағларининг муайян муддатда қайтарилиш шarti билан берилиши ва қарз олувчи ушбу маблағларни ўз хоҳишига кўра истеъмол қилиши қарз олувчининг ўз мулк ҳуқуқини амалга ошириши ҳисобланади. Гарчи олимлар ўртасида нақд бўлмаган пул маблағлари қарзга берилганда қарз олувчига мулк ҳуқуқи эмас талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келади деган қараш мавжуд бўлса-да, бу ҳолат нақд бўлмаган пул маблағларини қарзга берилишини инкор этмайди. Нақд бўлмаган пул маблағлари қарзга берилганда ҳам қарз олувчи уларни нақд пул каби тасарруф этишга ҳақли бўлади⁴.

Мазкур икки нуқтаи назар таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу вазиятда нақд бўлмаган пул маблағлари қарз объекти сифатида мулк ҳуқуқининг объекти бўла олмаслиги сабабли ҳам уларни қарз шартномасининг объекти бўлишини инкор этиш ўринли. Чунки, нақд бўлмаган пул маблағларини қарз олувчи нақд пул каби эркин ва исталган вақтда тасарруф этиш имконига эга бўлмайди. Одатда нақд бўлмаган пул маблағларини тасарруф этиш кўплаб банк таомиллари ва қоидаларига риоя этишни, турли расмиятчиликлар ва ҳужжатларни тўлдиришни талаб этади. Одатда нақд бўлмаган пул маблағлари кредит шартномасининг объекти бўлади ва бу ҳолат ФҚнинг 744-моддаси 1-қисмидан ҳам аниқлашади. Мазкур нормада шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш кредит эканлиги назарда тутилган. Қолаверса, нақд бўлмаган пул маблағларини бирор-бир мақсад учун ишлатиш кўп вақт талаб этиши ва ҳар доим иккинчи шахс – банк билан боғлиқ бўлиши ҳам нақд бўлмаган пул маблағларини қарз шартномасининг объекти бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатади. Зеро, қарз олишдан асосий мақсад қарз олувчининг мавжуд эҳтиёжларини тез ва самарали қондириш ҳисобланади. Нақд бўлмаган пул маблағларини олиш эса бундай талаблар ва мезонларга жавоб бермайди. Бундан ташқари, нақд пулли муносабатларда юридик шахслар ўртасида деярли қўлланилмаслиги сабабли ҳам қонун чиқарувчи микроқарз шартномасида қарз олувчи жисмоний шахс бўлишини белгилайди. Шу сабабли ҳам “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган микроқарз шартномасининг объекти

¹ Гражданское право. в 2 т. т. II. Полумом 2, 2-е изд., перераб. и доп.: Учебник /отв. ред. проф. Суханов Е.А. – М.: 2000. - С 204.

² Брагинский М., Витрянский В. Договорное право. Книга I: Общие положения. – М.: Статут, 1997. - 235 с.

³ Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, ч.II / под. ред. Абовой Т.Е. и Кабалкина А.Ю. – М.: 2003. - С 496.

⁴ Эшонкулов С.Ю. Бозор муносабатлари шароитида қарз шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. дис. ... – Тошкент: 2012. – 28 б.

ҳисобланган пул маблағлари нақд пул сифатида талқин этилмоғи ва жисмоний шахсларга нақд пул ёки пластик карточкалар шаклида берилиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўз навбатида, ФКнинг 732-моддаси ва “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси ўртасидаги номутаносиблик мавжудлигини кўрсатади. Зеро, “пул маблағлари” деганда одатда нақд бўлмаган пул тушунилади ва амалиётда ҳам шундай талқин этилади. ФКнинг 732-моддасида эса қарзга “пул маблағлари” эмас “пул” берилиши белгиланган. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасидаги “пул маблағлари” атамасини “пул” атамаси билан алмаштириш зарур.

Маълумки, кредит тушунчаси иқтисодий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан талқин этилади. Юридик адабиётларда кредитнинг иқтисодий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан тушуниш бораси бир қатор фикрлар билдириб ўтилгани ҳолда, кредитнинг ҳуқуқий жиҳатдан моҳияти очиб беришга ҳаракат қилинган.

Жумладан, Е.А.Сухановнинг фикрича, товар айланмасининг бир иштирокчиси томонидан иккинчисига эквиваленти қайтариш, яъни қоидага кўра ҳақни тўлаш шarti билан муайян мол-мулкни бериш хусусида гап кетганда, кредитни иқтисодий маънода бериш назарда тутилади. Бироқ иқтисодий муносабатлар турли фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар воситасида расмийлаштирилгани каби кредит иқтисодий ўзаро алоқалар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан турлича: пул ёки ашёни қарзга олиш шартномаси, кредит шартномаси, шунингдек факторинг шартномаси ёрдамида расмийлаштирилиши мумкин¹.

Л.Г.Ефимованинг таъкидлашича, кредитнинг иқтисодий ва ҳуқуқий тушунчалари тўлиқ бир-бирига мос келади, деб ҳисоблаш мумкин эмас. Иқтисодий фан нуқтаи назардан кредит ҳисобланадиган кўплаб муносабатлар мавжудки, улар ҳуқуқий жиҳатдан кредит сифатида эътироф этилмаслиги мумкин. Ҳуқуқий нуқтаи назардан қарз олувчи ва қафил ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар кредит сифатида қаралмагани ҳолда, иқтисодий жиҳатдан мазкур муносабат кредит сифатида баҳоланади².

В.Г.Гольшев “кредитнинг унинг барча иқтисодий хусусиятларини батафсил тарзда акс эттирадиган ҳуқуқий таърифни келтиришнинг иложи йўқлиги тўғрисида” “биринчидан, кредит ҳуқуқий муносабатлари тушунчасини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи иқтисодий ҳодиса; иккинчидан, кредитни ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан таърифлаган ҳолда вужудга келадиган муносабатларнинг иқтисодий мазмунини ҳуқуқий шаклда акс эттириш зарурлиги” тўғрисида мулоҳаза юритган ҳолда бошқа бир туркумдан: “кредит соҳасидаги битимлар”дан фойдаланишни таклиф этади³.

Д.Ж.Суюнованинг фикрига биноан, маълумки, амалдаги ЎзР ФК тегишли муносабатларни йўлга солиш мақсадлари учун қарз мажбуриятининг махсус кўриниши – тижорат кредитини кўзда тутган ҳолда “кредит” туркумини

иқтисодий маънода қабул қилган. Тижорат кредити (коммерческий кредит) мажбурияти ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартномада кўзда тутилиши мумкин бўлиб, унинг бажарилиши бошқа томоннинг мулки қилиб турдош аломатлар билан белгиланувчи пул қийматлари ёки бошқа буюмларни, шу жумладан, бўнак, олдиндан пул тўлаш, товарлар, ишлар ёки хизматлар учун ҳақ тўлашни кечиктириш ҳамда бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаш билан боғлиқдир. Шу аснода ФКда “тижорат кредити” туркумининг пайдо бўлиши “кредит муносабатларининг асосий мажбуриятлари йўқ бўлишига олиб келмади. Тижорат кредити бўйича ҳуқуқий муносабатлар томонлар тузган шартнома доирасида шартномани аралаш шартномага айлантирган ҳолда асосий мажбуриятлар (маҳсулотлар етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) билан бирга бормоқда”⁴.

Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда, кредит муносабатлари соф маънода пул маблағларини фоизлари билан қайтаришни назарда тутадиган ҳуқуқий муносабат эканлигини таъкидлаш лозим. Кредит беришдан асосий мақсад, қарз олувчи учун муайян муддатга пул маблағларини топшириш ва ушбу пул маблағларидан эркин ва тўсқинликсиз фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади.

Кредит шартномасининг шакли тўғрисидаги тилга олинган қоидаларнинг махсус хусусияти шунда намоён бўладики, биринчидан, шартномани оғзаки шаклда, шу жумладан унинг тузилганлиги ҳолатини қарз олувчининг тилхати ёки бошқа ўхшаш ҳужжат билан тасдиқлаган ҳолда ҳам тузишга йўл қўювчи қарз олиш шартномаси шакли тўғрисидаги меъёрларини (ФКнинг 733-моддаси) қўллаш мустасно этилади; иккинчидан, битим шакли тўғрисидаги умумий қоидаларда кўзда тутилган оқибатларга нисбатан кредит шартномаси ёзма шакли талабларига риоя қилмаганликнинг янада кескинроқ оқибатлари кўзда тутилади. Қонунчиликда кредит шартномасининг шаклига бошқа қўшимча талаблар мавжуд эмас, бу эса кредит шартномасига ЎзР ФКнинг 366-моддасида мавжуд бўлган ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг ёзма шакли тўғрисидаги умумий қоидалар тўлалигича қўлланилишини аниқлатади⁵.

Микрокредит шартномаси барча кредит шартномалари каби ёзма тузилиши ва тегишли тартибда микрокредит ташкилоти томонидан расмийлаштирилиши лозим. Бунда қарз олувчидан тегишли ҳужжатларни тақдим этиш ва шартномани имзолаш талаб этилади.

Умуман олганда, микрокредит ташкилотлари томонидан тузиладиган шартномалар ўзининг табиатига кўра, суммаси чекланганлиги, аниқ мақсадларга йўналтирилганлиги ва кичик раёвкорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли микрокредит ташкилотлари томонидан тузиладиган шартномаларнинг шакли, уларга нисбатан талаблар ва қоидаларни янада аниқ ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

Аннотация: ушбу мақолада микрокредит ташкилотлари томонидан тузиладиган шартномалар тизими, ушбу шартномаларнинг ўзига хос жиҳатлари,

¹ Гражданское право. В 2 т. Т.2. Полутом 2: Учебник / Отв. ред. проф. Е.А. Суханов. 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2000. – С. 204.

² Ефимова Л.Г. Банковские сделки: право и практика. – М., 2001. – С. 496.

³ Гольшев В.Г. К вопросу о понятии сделки в кредитной сфере // Правоведение. 2002. – №5. – С. 139 – 144.

⁴ Суюнова Д.Ж. Правовое регулирование кредитных отношений в Республике Узбекистан и пути его совершенствования: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Ташкент, 2011. – С 14.

⁵ Там же.

шунингдек, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: микрокредит ташкилотлари, микроолиявий хизматлар, микрокредит, микроқарз, микролизинг, шартнома, шартнома шакли, пул маблағлари.

Аннотация: в статье раскрыты особенность и система договоров, заключённых микрокредитными организациями, а также проанализированы вопросы совершенствования действующего законодательства в данной сфере.

Ключевые слова: микрокредитные организации, услуги микрофинансирования, микрокредит, микролизинг, микродолг, договор, форма договора, валютные средства.

Annotation: In this article studied features and system of contracts which were made by microcredit organizations, also analyzed issues of development current legislation in this sphere.

Key words: microcredit organizations, microfinance service, microcredit, microleasing, micro debt, contract, shape of contract, currency funds.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Эшонқулов С.Ю. Бозор муносабатлари шароитида қарз шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. – Т.: 2012.
3. Суянова Д.Ж. Правовое регулирование кредитных отношений в Республике Узбекистан и пути его совершенствования: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Т.: 2011.
4. Гражданское право. в 2 т. т. II. Полутом 2, 2-е изд., перераб. и доп.: Учебник /отв. ред. проф. Суханов Е.А. – М.: 2000.
5. Брагинский М., Витрянский В. Договорное право. Книга I: Общие положения. – М.: Статут, 1997.
6. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, ч.II / под. ред. Абовой Т.Е. и Кабалкина А.Ю. – М., 2003.
7. Гражданское право. В 2 т. Т.2. Полутом 2: Учебник / Отв. ред. проф. Е.А. Суханов. 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2000.
8. Ефимова Л.Г. Банковские сделки: право и практика. – М., 2001.
9. Гольшев В.Г. К вопросу о понятии сделки в кредитной сфере // Правоведение. 2002. –№5. –С.139–144.

Қ.Мехмонов

ТДЮУ “Фуқаролик ҳуқуқи”
кафедраси ўқитувчиси

КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Бугунги кунда Республикаимизда ахборот коммуникация технологияларини шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда ҳамда устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги 1994 йил 6 май ва “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги 2006 йил 20 июлдаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилишга дахлдор бўлган бир қатор Конвенция ва шартномалар иштирокчиси саналади. Хусусан, Париж Конвенцияси, Адабий ва бадиий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн Конвенцияси, Патент ҳуқуқи тўғрисидаги шартнома, Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги шартномалар, Белгиларни халқаро қайд этиш тўғрисидаги Мадрид битимига баённома, Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома, Патент процедураси (тамомиллари) мақсадлари учун микроорганизмларни халқаро тан олиш ҳақида Будапешт шартномаси, Халқаро патент таснифи тўғрисидаги Стратсбург битими, Саноат намуналарини халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локорн Битими, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги Стокгольм Конвенцияси кабилар.

Бу ўринда компьютер дастурларига нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилишда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим саналади. Чунки, бир томондан ривожланган мамлакатларда компьютерлар яратилса, бошқа томондан унга тегишли дастурлар ҳамда ушбу давлатларда яратилиб, фуқаролик муомаласига жадал киритилади. Шунингдек, хорижий давлатларда компьютер дастурларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга нисбатан турлича ёндошувлар мавжуд. Уларнинг айримларида патент ҳуқуқий ҳимояни қўллаш учун муайян имкониятлар мавжуд бўлса, бошқаларида бундай имконият нисбатан чекланган. Бундан ташқари, аксарият ривожланган мамлакатларда бўладиган суд жараёнлари “домино” каби бошқа давлатларда ҳам бу каби низоларни ҳал қилишга нисбатан ўз таъсирини кўрсатади.

Аксарият хорижий мамлакатларнинг патент қонунчилиги компьютер дастурларини ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган объектлар қаторига киритмасдан, уларни мавҳум ғоялар категориясига киритади. Масалан, Бразилия ва Аргентинада фақатгина компьютер дастурини қўллаш ҳисобига янги

натижа олинишни таъминловчи ечимлар муҳофаза қилинмайди. 1994 йил Мексикада қабул қилинган янги Патент қонунида ҳам компьютер дастури муҳофаза қилинадиган объектлар жумласига кирмаган, бироқ таркибий қисмларидан бири сифатида дастурни камраб олувчи ихтиро бўлиши мумкин¹.

Германия Патент қонунида патентланмайдиган объектларнинг “қатъий рўйхати” белгиланган бўлиб, улар қаторига маълумотларни қайта ишлаш воситалари учун дастурлар агар “шундай дастур сифатида”, яъни бирон бир технологиялар ёки қурилмалар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда муҳофаза сўраладиган бўлса киритилишини назарда тутди. Германия федерал суди томонидан компьютер дастурлари борасида қабул қилинган қарорларда патент формуласининг асосий бандларида кўрсатиладиган у ёки бу муаммони ечишда техник воситаларни қўллаш таркибий қисм бўлиши тан олинган².

Европа патент конвенцияси ҳам математик методлар, жараёнларни амалга ошириш қодалари ва компьютер дастурларини ихтиро категорияси объектлари жумласига кирмаслигини назарда тутди. Бунинг асоси бўлиб ушбу объектларнинг мавҳум интеллектуал табиати ва бевосита натижа олишга йўналтириш мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Дастурларни патент муҳофазасида бўлиши тарафдорлари бунга шубҳа билдиришади чунки, ҳеч бўлмаганда дастурларнинг муайян қисми бевосита аниқ техник аҳамиятга эга.

Германия Апелляция палатаси амалиётида ушбу чекловлар доирасидан четга чиққан ҳолатлар мавжуд. Жумладан, тасвирни рақамли такомиллаштириш методига нисбатан талабнома рад қилинган ҳолатда агар у ушбу методни техник жараёнда фойдаланиш учун тақдим қилган бўлса, ушбу палата тахмин қилинаётган ихтиро, ҳаттоки математик методда бўлса ҳам патентга лаёқатли бўлиши мумкин, деб ҳисоблаган. Мазкур ҳолатда янги техник натижани патентлаш тақлиф қилинган: ҳодисанинг физик моҳиятини ўзгартирган, яъни айнан тасвирни такомиллаштирган технологик жараён. Бошқа бир ҳолатда эса, Апелляция палатаси янги техник муаммони ечишда қўлланиладиган яъни, кўринмайдиган жараёнлар тизимида содир бўлувчи автоматик визуал индикация учун дастурни ихтиро сифатида тан олган.

АҚШда ҳисоблаш техникасига доир ихтироларни патентлашга нисбатан либерал муносабат кузатилади. Шу боисдан ушбу ҳолат Европа ҳисоблаш техникаси рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатишидан хавфсирашади. Компьютер дастурларини патентга лаёқатсизлигини кўрсатилиши ушбу соҳада янгиликка интилишни муайян даражада чеклайди. Шу сабабдан ҳам Европа патент конвенцияси 52-моддасидаги тор доирадаги талқин тамойилига риоя қилиш тавсия қилинади. Унга кўра, фақат аниқ техник ифодаланишдан маҳрум бўлган объектлар патентга лаёқатли объектлар доирасидан чиқарилган³.

Бу борада суд амалиётига мурожаат этадиган бўлсак, Oracle компанияси Google компаниясига нисбатан даъво кўзғатиб, ушбу компаниянинг 37 та интерфейсидан ноқонуний фойдаланганликда айблаган ва Oracle компанияси томонидан 2010 йилда Sun Microsystems сотиб олинганидан сўнг тегишли бўлган *Android Java*га нисбатан патент ва муаллифлик ҳуқуқини бузади. Суднинг фикрича, ушбу қарорда Java интерфейсларидан ҳар бир хоҳловчи шахс лицензиясиз фойдаланишини аниқламайди. Шунингдек, ҳар қандай компьютер дастурининг тузилиши, кетма-кетлиги ва ташкил қилишга нисбатан плагиат ҳуқуқини бермайди. Ушбу қарорнинг моҳиятидан шу нарса маълум бўладики, Google компанияси томонидан қўлланилган API элементлари муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунга кўра, ҳар ким фойдаланиши мумкин. Суд томонидан ҳал қилиниши зарур бўлган масала ҳам жиддий бўлган. Чунки, суд томонидан Java дастурий интерфейси АҚШ муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун таъсир доирасига тушиш ёки тушмаслигини ҳал қилиши зарур эди⁴.

Business Software Alliance (BSA) ва Software Publishers Association (SPA) томонидан ўтказилган тадқиқот натижасида шу нарса маълум бўлдики, 1995 йилда компьютер дастурларидан қароқчилик йўли билан фойдаланиш натижасида бутун дунё бўйича ҳуқуқ эгалари \$ 13 миллиард йўқотишларга учраган⁵. Бундай тарздаги ҳуқуқбузарликлар асосан ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади. Жумладан, ушбу кўрсаткич Шарқий Европа мамлакатларида 83% ташкил қилса, Шимолий Америкада 27% ташкил қилади. Бу бораги энг юқори кўрсаткич Вьетнам мамлакатига тўғри келади ва бу давлатда 99% ноқонуний фойдаланиш кузатилган. Албатта, мазкур ҳолат фақат узоқ ёки иқтисодий жиҳатдан қолақ мамлакатларгагина хос деган нотўғри ҳулосага келиш ҳам ярамайди. Чунки, аввало бундай тарзда интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланиш нафақат иқтисодий ривожланганлик даражаси, балки ушбу давлатлар қонунчилик тизими, ҳуқуқ тартиботи билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Ҳуш, юқоридаги кўрсаткич орадан 15 йилдан ортиқ вақт ўтгандан сўнг ўзгардим, деган ўринли савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш учун яна статистик маълумотларни таҳлил қиламиз. Business Software Alliance (BSA) 2012 йил 15 майда берган маълумотларига кўра, Осиё Тинч Океан ҳудудида компьютер дастурларидан ноқонуний фойдаланиш 63 %ни ташкил қилган. Бу дегани, компьютер дастурларидан фойдаланувчиларнинг ҳар 5 нафаридан 3 таси компьютер дастурларидан лицензиясиз фойдаланишмоқда. Лицензия олмасдан ўрнатилган компьютер дастурлари 12% га ўсган ва бу энг юқори кўрсаткичлардан бири сифатида 2011 йилда 21 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. Айниқса, ушбу минтақада Хитой мамлакатига компьютер дастурларидан ноқонуний фойдаланиш авж олган. Ваҳоланки, ушбу давлатда 2011 йилда қонуний бозорнинг айланмаси 3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган бир вақтда ноқонуний компьютер дастурлари бозори тахминан 9 миллиард АҚШ долларни ва бу кўрсаткич 77% ноқонуний компьютер

¹ Bechenhorner M.J. Latin America resists IP protection for computer products //IP Worldwide. -1998. -March/April. -P31-33.

² Tauchert W. Examination of software-related applications at the German patent office //PW. -1998. №103. -P.33-37.

³ Newman J. The patentability of computer-related inventions in Europe //EIPR. -1997. V.19. №12. -P.701-708.

⁴ www.osp.ru/

⁵ BSA/SPA Survey Finds \$13 Billion Lost Worldwide to Software Piracy //WIPR. 1997. V.11. №1. -P.18-19.

дастурларини ташкил этган. Хитойдан кейинги ўринларда Нигерия, Вьетнам, Укрина, Малайзия, Таиланд, Индонезия, Саудия Арабистони, Жанубий Корея ва Мексика каби давлатлар жой олган. Россиялик ва Ҳиндистонлик фойдаланувчилар ушбу рўйхатнинг 63 % кўрсаткичи билан ўртадаги қаторлардан жой олган. Бразилияда эса мазкур кўрсаткич 53%ни ташкил қилган. Европа, Яқин Шарқ, Африка минтақасидаги BSA иштирокчи компанияларнинг дастурларидан ноқонуний фойдаланиш натижасида Германияда \$ 3.106.000, Нидерландияда эса, \$ 2.719.000, Россияда \$ 3.227.000 зарар етказилган¹.

Business Software Alliance (BSA) ижрочи директорининг сўзларига қараганда, миллионлаб қароқчиларнинг ноқонуний фаолияти туфайли бутун дунё бўйича компьютер дастури саноати \$ 59 млрд. доллар зарар кўрган². 2011 йил май ойида эса, Business Software Alliance Москва шаҳар арбитраж судига даъво аризаси билан мурожаат қилади ва Москва шаҳар арбитраж судининг қарорида LG компаниясининг Россиядаги ваколатхонаси Business Software Alliance аъзоси бўлган иштирокчи компанияларнинг – Adobe ва Corel компаниялари компьютер дастурларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқларини бузганлиги учун 3.807.805 рубль тоvon пули тўлаш белгиланган. Ушбу қарор 2011 йил 28 ноябрда қонуний кучга кирган³.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, компьютер дастурларидан ноқонуний фойдаланишга доир вазият деярли ўзгармаган. Хўш, унда қандай чоралар кўриш зарур, деган савол туғилади. Ҳозирги кунда компьютер технологияларини яратиш ва муомалага киритиш бўйича етакчилик қилаётган аксарият мамлакатлари томонидан хавотирга тушиш ҳолатлари мавжуд ва асосан иқтисодий имкониятлари юқори бўлган давлатлар суди томонидан кўрилган иш юзасидан ёндошувнинг қандай бўлиши бошқа давлатларга ҳам ўзининг инерциявий таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, интернет муҳитида фойдаланувчилар доирасининг йилдан-йилга кенгайиб бориши ушбу масалани янада долзарб қилиб қўймоқда. Қолаверса, айрим мутахассислар томонидан патент ҳуқуқий ҳимоянинг мавжудлиги янги технологияларнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётганлиги, йирик ахборот технологияларига ихтисослашган компаниялар манфаатлари тўқнашадиган майдонга айланиб қолмоқда. Бунда низолашиш натижасида ютиб чиққан компания акцияларининг фонд бозоридаги котировкалар кескин юқорилаб кетиши ҳоллари кузатилмоқда⁴.

¹ www.BSA.org.reports. Singapore – May 15, 2012. BSA Report finds 63 percent of computer users in Asia Pacific admit they pirate software.

² www.BSA.org.

³ www.BSA.org. Арбитражный суд города Москвы удовлетворил иск BSA к российскому представительству компании LG за незаконное использование программного обеспечения. 2011 г. 3 ноября.

⁴ Масалан, Oracle компаниясининг Google компаниясига нисбатан Android амалиёт тизими (операционная система)ни яратишда патент ҳуқуқларини бузганлик (9 қаторлик кодларни ўзлаштирганлиги) учун \$1 млрд. долларлик даъво кўзгатган. Суд томонидан ушбу низо бўйича Google компанияси томонидан биронта ҳам Oracle компаниясининг патенти бузилмаган деган қарорга келганидан сўнг, Google компанияси акциялари нархи кескин ошиб кетган. АҚШнинг

Шу боисдан очиқ кодга эга бўлган компьютер дастурларини муомалага чиқариш ёки интернет муҳитида абонент тўлови асосида муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланиш амалиётини жорий қилиш ҳам истиқболли йўналишлардан бири сифатида баҳоланиши мумкин. Шунингдек, нотижорат ташкилотларининг интеллектуал мулк объектларини фуқаролик муомаласида бўлишига доир, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, маданий қароқчиликни олдини олишга доир сайёҳаракатларини эътироф этган ҳолда бу борадаги фаолиятларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, солиққа тортиш, судларда даъво кўзғатиш ва бошқа фаолият турларини рағбатлантириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда бу борада муайян ижобий ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш зарур. Жумладан, 2012 йил 15, 16 май кунлари Best soft Uzbekistan - Ўзбекистон дастурчилари форуми ташкил қилинди. Унда 2012 йил дастурий маҳсулотлар миллий кўргазмаси ҳам ўтказилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда компьютер дастурлари яратишга ихтисослашган компания ва фирмалар тобора кўпайиб бормоқда ва улар дастурлаш борасида қизгин рақобатга ҳам киришмоқда. Жумладан, «Unicon», «Erava group», «Vector soft», «Allsoft», «Bem-Info», «Alibek soft lines», «Alfakom», «Yosh dasturchilar Assotsiatsiyasi», «NVision Group-Asia», «Iteco Toshkent» каби корхоналар турли компьютер дастурларини жумладан, электрон рақамли имзонинг очиқ ва ёпиқ калити, интернет магазин дастури, бухгалтерия ҳужжатларини электрон шаклини яратиш ва топшириш, веб дизайн каби соҳаларга ихтисослашган⁵.

Бу борадаги ўзгаришларни, ютуқларни эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Зеро, компьютер дастурлари ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабҳасида таълим, тиббиёт, кимё, молия, иқтисодиётни бошқариш, жиноятчиликка қарши курашиш, давлат органлари фаолияти ва бошқа соҳаларда қўлланилмоқда. Бироқ, компьютер технологияларининг бугунги кундаги шиддат билан ривожланаётганлиги бу борадаги ишларга танқидий қарашга ундайди. Интеллектуал мулк объектларини чунончи, компьютер дастурларини яратиш масофа ва ҳудуд танламайди. Бироқ, миллий дастурчиларимиз томонидан яратилаётган дастурлар асосан маҳаллий миқёсда қолиб кетмоқда, ҳудудимиздаги айрим ташкилотлар фаолиятини бошқариш учун кичик дастурлар яратиш билан кифояланаётганлиги эса, ачинарли ҳолдир. Демак, бу соҳадаги ишларни жадаллаштириш, мавжуд камчиликларга танқидий ёндошув бўлишини ҳамда ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш масаласини биринчи галдаги вазифа сифатида қўяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, патент қонунчилиги ва амалиётнинг ривожланиши бу борадаги янгиликлар, уларнинг фаол фуқаролик муомаласи билан чамбарчас боғлиқ. Шу боисдан ҳам компьютер дастурлари билан боғлиқ ихтироларга берилган патентлар тегишли экспертизадан ўтказилган ҳолда тўғри берилган деган хулосага келиб бўлмади. Аксарият ҳолларда экспертизадан ўтказиш вақтида кўп манбалар илмий техник тараққиёт даражасини

Калифорния штати суди томонидан даъвогар Oracle America Inc. жавобгар Google Inc. нисбатан 23 май 2012 йилда қарор қабул қилинган. <http://assets.sbnation.com/>
⁵ <http://uz.infocom.uz>

етарлича кўрсатиб бермаслиги мумкин. Баъзида эса, экспертизада мурожаат қилинадиган манбалар турли мақолалар, тезислар, йўриқномалардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Албатта ушбу манбаларга таянган ҳолда компьютер дастури билан боғлиқ ихтирони янгилиги, ихтиролик даражасига эгаллиги ва саноатда қўллаш мумкинлиги ҳақида тўғри хулосага келинавермайди. Демак, бу ўринда қонун чиқарувчи томонидан компьютер дастурлари учун танланган муаллифлик ҳуқуқий ҳимоя ҳар томонлама тўғри бўлган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ривожланган хорижий мамлакатларда компьютер дастурлари ҳуқуқий ҳимоя қилишда айнан муаллифлик ҳуқуқий ҳимоя шаклини танлашган ва бу ҳозирга қадар ўзини оқлаб келмоқда. Патент ҳуқуқий ҳимоя ҳам муайян афзалликларга эга бўлса-да, бироқ янгиликка, ижодийликка бўлган интилишни муайян даражада чеклаши мумкин. Тўғри, муаллифлик ҳуқуқи компьютер дастурининг мазмунини, унинг алгоритмини ҳимоя қилмайди, бироқ асосийси, дастурнинг бошқа шахсларнинг қонунсиз равишда нусха олишидан, ноқонуний фуқаролик муомаласига киритишдан ҳимоялаш имконини беради.

Аннотация: мақолада компьютер дастурларини фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқи асослари, халқаро конвенция ва битимларнинг қоидалари, Германия, Бразилия, Аргентина, АҚШ, Европа иттифоқи қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш тажрибаси, компьютер дастурларини ҳимоя қилишнинг муаллифлик ҳуқуқий ҳимоя ва патент ҳуқуқий ҳимоя шакллари атрофлича ўрганилган. Компьютер дастурлари ҳуқуқ эгаларига нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, статистик маълумотлар, Ўзбекистонда компьютер дастурлари ишлаб чиқариш аҳволи масалалари ёритилган ва таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: компьютер дастурлари, фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя, муаллифлик ҳуқуқи, патент ҳуқуқи.

Аннотация: в статье подробно изучены правовые основы гражданско-правовой защиты компьютерных программ, правила международных конвенций и договоров, законодательство и правоприменительная практика Германии, Бразилии, Аргентины, США, Европейского союза, формы авторско-правовой и патентно-правовой защиты компьютерных программ. Анализированы и освещены правонарушения, совершаемые в отношении правообладателей компьютерных программ, статистические данные, состояние производства компьютерных программ в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: компьютерные программы, гражданско-правовая защита, авторское право, патентное право.

Annotation: In this article it is studied in details legal framework of civil protection of computer programs, the rules of international conventions and treaties, law and practice in Germany, Brazil, Argentina, the United States, European Union, forms of copyright, patent and legal protection of computer programs. Analyzed and highlighted the offense committed against computer programs holders, statistical data, production status of computer programs in the Republic of Uzbekistan.

Key words: computer programs, civil protection, copyright, patent law.

Адабиётлар рўйхати:

1. Bechenhorner M.J. Latin America resists IP protection for computer products //IP Worldwide. -1998. – March/April. –P31-33.
2. Tauchert W. Examination of software-related applications at the German patent office //PW. -1998. №103. – P.33-37.
3. Newman J. The patentability of computer-related inventions in Europe //EIPR. -1997. V.19. №12. –P.701-708.
4. BSA/SPA Survey Finds \$13 Billion Lost Worldwide to Software Piracy //WIPR. 1997. V.11. №1. –P.18-19.
5. <http://uz.infocom.uz/2012/05/13>

Н.Батирова
магистрант ТГЮУ

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

После обретения независимости в 1991 году в Узбекистане начаты масштабные преобразования, главной целью которых является построение демократического правового государства с социально ориентированной рыночной экономикой и формирование сильного гражданского общества.

Благодаря независимости нашей страны правовые основы деятельности негосударственных некоммерческих организаций закреплены на уровне Конституции Республики Узбекистан. В частности, если в статьях 15, 30, 34 Основного Закона предусмотрены права касательно деятельности ННО, то XIII-глава в целом посвящена общественным объединениям¹.

В годы независимости для функционирования институтов гражданского общества была создана совершенная нормативно-правовая база, которая отвечает требованиям развитого правового демократического государства.

Определяя в качестве цели формирование сильного гражданского общества, в Узбекистане под термином «гражданское общество» понимают социальное пространство, где верховенствует закон, обеспечивается защита прав, интересов и свобод человека, а также созданы благоприятные условия для развития и самореализации личности, в котором функционируют самостоятельные и устойчивые институты, пользующиеся поддержкой широких слоев населения².

В настоящее время в Узбекистане действует ряд законов: «Об общественных объединениях», «О негосударственных некоммерческих организациях», «О свободе совести и религиозных организациях», «О политических партиях», «О финансировании политических партий», «О профессиональных союзах, правах и гарантиях их деятельности», «Об органах самоуправления граждан», «О гарантиях деятельности негосударственных некоммерческих организаций», «Об общественных фондах», Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по оказанию содействия развитию институтов гражданского общества в Узбекистане» и другие.

Так, в период активного демократического обновления и модернизации страны в Узбекистане проделана огромная по масштабам работа по созданию организационно-правовых условий, экономических и правовых гарантий формирования и свободного развития негосударственных некоммерческих организаций, других институтов гражданского общества, обеспечению их активного участия в демократических преобразованиях и либерализации общества. Сегодня негосударственные некоммерческие организации призваны стать важным фактором повышения общественной активности граждан, их широкого привлечения к решению важных вопросов общественного и государственного строительства, укрепления демократических цен-

ностей в сознании людей.

В условиях независимости в нашей стране количество местных ННО увеличилось, осуществляя свою деятельность в различных сферах жизни нашего общества. За истекший период в целях поддержки и модернизации деятельности общественных организаций был принят ряд постановлений Президента и Кабинета Министров Республики Узбекистан.

Созданные условия для развития институтов гражданского общества являются причиной для увеличения чисел ННО из года в год. Следовательно, за 9 месяцев 2013 года по сравнению с этим периодом 2012 года рост количества ННО повысилось на 8 процентов, по сравнению с 1991 годом возросло в 72 раза. Это, в свою очередь, без сомнений, свидетельствует об усилении роли институтов гражданского общества, о повышении социально-экономической и политической активности наших граждан в обществе.

В настоящее время в нашей стране насчитывается более 6000 негосударственных некоммерческих организаций, действующих в самых различных сферах жизни общества – экономической, культурной, гуманитарной, социальной сферах, выражающих интересы широких слоев населения. Следует отметить, что в республике последовательно реализуется принцип «От сильного государства к сильному гражданскому обществу», то есть осуществляется широкомасштабная передача части функций государственных органов институтам гражданского общества. В Узбекистане, в связи с требованием времени, появились и успешно функционируют Общественный благотворительный фонд «Махалла», Независимый институт по мониторингу формирования гражданского общества и другие.

Известно, что первая ступень к развитию ННО, допущения их к активному участию в реформах различных областей - это начало организации их практической деятельности.

По упомянутым причинам инициаторам создания ННО следует ответственно и углубленно знать требования норм законодательства относительно формирования и порядка государственной регистрации таких организаций.

3. 38-модданнинг 6-банди “Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621 II сон Қонуни билан Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг суриштирув вазифалари билан боғлиқ қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди
4. 38-модданнинг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги 271-II-сон Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 182-модда
5. 38-модданнинг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелдаги 482-II-сон Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 5-сон, 67-модда
6. 38-модданнинг 8-банди 2006 йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 331-сонли “Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан департамент, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига айлантирилди, бироқ ушбу ўзгариш ЖПКда ўз аксини топмаган.
7. 38-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январдаги ЎРҚ-199-сонли Қонуни асосида 9-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2009 й., 3-сон, 9-модда.
8. 38-модда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-256-сонли Қонунига мувофиқ 10-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2010 й., 37-сон, 314- модда.

²www.wikipedia.org/

Маъмурий фаолият асосан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, суриштирув органларининг ички буйруқ, йўриқномалари билан тартибга солинади.

Тезкор-қидирув фаолият суриштирув органларининг махфий йўриқномалари, ички буйруқ ҳамда 2012 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фойдали тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Жиноят-процессуал фаолият Жиноят-процессуал кодекси ҳамда бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Олиб борилаётган тадқиқот натижаларига кўра, суриштирув органлари фаолиятини модернизациялаш эҳтиёжи куйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, суриштирув органлари фаолияти билан боғлиқ қонунчиликдаги бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар ЖПКда ўз аксини топмаган;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув тўғрисида”ги Қонуни суриштирув органлари тезкор-қидирув фаолиятини тўлиқ тартибга солимаган;

Учинчидан, суриштирув фаолиятининг ваколатлари чекланганлиги, ҳозирги кунда дастлабки тергов органларининг юритувида (ҳар бир терговчи иш юритувида Тошкент шаҳри бўйича ўтказилган суров натижасида жиноят иши материаллари бўйича кўплаб жиноят ишларининг тўпланиб қолиши, жиноят ишларини юритиш сифати ҳақида ўйлаб кўришни тақозо этади.

Тўртинчидан, Жиноят кодексида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар юзасидан хусусий айблов институтини жорий қилиш эҳтиёжининг мавжудлиги.

Бешинчидан, айб, айбланувчи иштироки назарда тутилган ҳар қандай ҳолатда суриштирув иши материаллари дарҳол терговчи ёхуд прокурорга берилиши назарда тутилган, қонунчилик нуқтаи назаридан бундай чеклов, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЖПКда, суриштирувчи Олий юридик маълумот талаб қилинмаганлиги ҳамда жиноят иши материалларини охириги нуқтасини терговчи томонидан ҳал қилиниши назарда тутилган, бу ўз навбатида суриштирув органлари фаолиятдан самарали фойдаланишга имкон бермайди.

Олтинчидан, суриштирув органлари тизимида янги ижтимоий муносабатларнинг кескин ўзгариб бориши, ушбу соҳада янги суриштирув органларни жорий этишни тақозо қилади.

Еттинчидан, айрим суриштирув органлари амалиятини ўрганиш 1995 йилдан ҳозирги кунгача бирор мартаба жиноят ишини кўзғатмаган, ЖПКда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланмаган, кўпроқ суриштирув органларининг асосий функцияси маъмурий фаолиятни бажарган. Шу боис айрим суриштирув органларига барҳам бериш лозим.

Саккизинчидан, ривожланган мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги ҳозирги кунга келиб, соддалаштириш, тезлаштирилган тартибда иш юритиш каби янги тушунчаларни ўзида мужассам этиб келмоқда, Франция, Германия давлатлари дастлабки тергов босқичидан воз кечиб, суриштирув институтидан тўлиқ фойдаланиш масалаларини интеграциялашуви ўзини оқлаб келмоқда, ушбу институтни имплементация қилиш масалаларини ўйлаб кўриш лозим;

Тўққизинчидан, айрим ЖПКнинг бир-бирига зид нормаларини масалан, ЖПКнинг 342-моддаси 2-қисмига мувофиқ суриштирувчи муайян шахсни

айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қила олмайди, шундай экан ЖПКнинг 41, 46, 236, 255, 256, 257, 258, 259, 265, 266, 269-моддаларида берилган тартиб 342-моддаси 2-қисмига зид, демак улар такомиллаштирилиши лозим;

Ўнинчидан, Тадқиқотлардан шу маълум бўлдики, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасида назорат олиб борилишини инobatга олмаганда суриштирув органлари фаолияти юзасидан алоҳида статистика юритилмайди.

Юқорида санаб ўтилган ҳар бир ҳолат юзасидан конструктив таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган таклиф ва хулосаларни илгари сураимиз.

Айрим олимларнинг фикрича, жиноий таъқибни амалга оширувчи органларнинг кўплиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини унчалик тўлиқ таъминламайди¹, бошқа гуруҳ олимлар давлат фуқаронинг жиноий таъқиблардан тўлиқ химояланиши жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонун билан ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ қамраб тартибга солиб берилишида катта хизмат қилади дейди². Назаримизда, жиноий таъқибни амалга оширувчи органларнинг ЖПК ва бошқа қонунларда (“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва бошқ.):

Биринчидан, 2006 йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 331-сонли “Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан департамент, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига

¹ Гамбарян А. Реформы дознания и оперативно-розыскной деятельности в плоскости правового реализма // Законность. 2013. № 79. - С. 14-24; Хидоятлов Б.Б. Проблемы регулирования дознания в Республике Узбекистан: Автореферат дисс. канд. юрид. наук «Издательский центр Академия» - Т.: 2002 й. - С. 26. Левина Т.А. Начальник органа дознания в зеркале организационно-практических проблем. Российская юстиция. 2014. № 5. 22-25 бетлар; Малышева О. А. О необходимости совершенствования правовой регламентации процессуального статуса дознавателя. Российская юстиция. 2014. № 9. - С. 20-23; Селина Е. В. Имплементация нарождающихся правовых институтов в сложившуюся уголовно-процессуальную форму: проблемы, перспективы, тенденции. Российская юстиция. 2014. № 8. - С. 25-28; Гирько С.И. Сбываются ли прогнозы и опасения о перспективах дознания в сокращенной форме? Российский следователь. 2014. № 5. - С. 22-26; Гирько С.И. Уголовно-процессуальные функции полиции в Российской Федерации: Монография. М.: ФГКУ «ВНИИ МВД России», 2013. - С. 62-75.

² Пулатов Ю.С. Пути совершенствования форм досудебного производства в уголовном процессе Узбекистана. Узбекистон процессуал-ҳуқуқий фан ва қонунчиликни ривожлантириш муаммолари/ Актуальные проблемы развития в Узбекистане процессуально-правовой науки и законодательства / Под общей ред. Ф.М.Мухитдинова. Сборник научных статей. - Т.: 2014. - С. 250. Иномжонов Ш. Х. Жиноят процессида далилларни тақдим қилиш ва фойдаланиш муаммолари (Илмий амалий қўлланма) Т.: “Адолат”. 2002. - 178 б; Иномжонов Ш. Х. Жиноят-процессуал исбот қилишда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш муаммолари. Монография. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. Б.Х. Пулатов. -Т.: ТДЮИ нашриёти. 2005. - 139 б; Фадеев И.А. Правовые основы Сбываются ли прогнозы и опасения о перспективах дознания в сокращенной форме? Российский следователь. 2014. № 4. - С. 22-26.

айлантирилди, бироқ ушбу ўзгариш ЖПКда ўз аксини топмаган.

Бизнинг фикримизча, ЖПКнинг 38-моддаси 1-қисми 8-бандида берилган матн алоҳида таҳрирда берилса, суриштирув органларининг жиноят-процессуал қонунчиликда берилиши бўйича изчиликка эришилган бўларди. Зеро, давлат божхона хизмати ва департаментнинг айрим ваколатлари бир-бирига ўхшаса-да, улар умуман бошқа-бошқа вазифаларни амалга оширадilar. Буни қуйида икки органнинг миллий қонунчиликда асосий вазифалари мисолида кўришимиз мумкин:

ЖПКнинг 38-моддаси 8-бандини қуйидаги матн билан тўлдириш лозим, деб ўйлаймиз: *“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютатага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг ва унинг жойлардаги бўлинмалари”*.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни суриштирув органлари тезкор-қидирув фаолиятини тўлиқ тартибга солимаган.

Суриштирув органлари фаолиятини тартибга солиниши нафақат ЖПК, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” ги Қонун билан чекланиб қолмасдан, ички буйруқ ва йўриқномалар билан ҳам тартибга солинади, булар кўпроқ ёпиқ характерга (махфий) эга ҳисобланади. Шу боис, суриштирувчиларнинг фаолияти у ёки бу жиҳатдан ёпиқ суриштирув ишларини юритишга тўғри келадди, бу ўз навбатида қонунийлик принципининг амал қилиниши ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қила олмайди.

Назаримизда, суриштирув органлари жиноят-процессуал фаолиятини янада аниқ ва батафсил тартибга солиниши ҳамда турли англашилмовчиликларнинг олдини олиш, кейинги фаолиятни янада қонунга асосан фаолият юритилишини таъминлаш мақсадида, суриштүв органлари фаолияти тўғрисида низом қабул қилинишига эҳтиёж борлигини яна бир бор тасдиқлайди.

ЖПКда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг механизми яратилмаган, назаримизда, Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасида назарда тутилган *“Тезкор-қидирув фаолияти материаллари жиноят иши кўзғатиш учун асос бўлиши... мумкин”* бироқ, ЖПК 322-моддасида жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини кўзғатиш учун асос бўлади деб белгиланган.

Назаримизда, ушбу моддалардаги номувофиқликни бартараф этиш юзасидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши лозим.

Учинчидан, суриштирувнинг ҳар томонлама чекланганлиги, ҳозирги кунда дастлабки тергов органларининг юритувида (ҳар бир терговчи иш юритувида Тошкент шаҳри бўйича ўтказилган сўров натижасида минимал кўплаб жиноят ишларининг тўпланиб қолиши, кўплаб жиноят ишларининг тўпланиб қолиши, жиноят ишларини юритиш сифати ҳақида ўйлаб кўришни тақозо этади.

Тўртинчидан, хусусий айблов масаласида айрим хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, хусусий айблов ривожланган чўққиси АҚШда¹, Россия Федерациясида 13 та, Белоруссияда

29 та, Озарбайжонда 27 та тоифадаги жиноятлар юзасидан хусусий айблов институти борлиги эътироф этилади², 2014 йилги ИИВнинг Тошкент шаҳар ва Қорақалпоғистон Республикаси статистик маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 601 та жиноят яширинган, 403 таси нотўғри малакаланган, амалиётда энг кўп учрайдиган ЖКнинг 25-моддаси орқали 97-моддасида назарда тутилган жиноятлар кўпроқ ЖК 109-моддаси билан квалификация қилинади, ЖПКнинг 325-моддаси бўйича, 24,9 фоизи жиноят ишлари 84-модданнинг, 1-қисм, 6-банди бўйича, 75 фоизи рад қилинган, жиноят ишини кўзғатиш сўраб қилинган аризаларни даставвал жиноят ишини кўзғатмаслик масаласини сўраб мурожаат қилиш тенденцияси хорижий мамлакатлар тажрибаси кузатилади. 2014 йил ЖПКнинг 325-моддаси бўйича келтирилган статистик маълумотлар қуйидагича, ЖПК 83-модда 75.10%, ЖПК 84-модданнинг 1-қисми 6-банди 24,90%, ЖК 109-моддаси 78,4%, ЖК 105-моддаси 17,5% бошқа жиноятлар 4,1% ташкил этади³.

ЖПКнинг 342-моддаси суриштирувда айблов қўлланилишига йўл қўймайди. Шу боис, даставвал суриштирувчиларни ушбу институтни қўллаш бўйича билимларини қайта ўқитиш билан янада такомиллаштириш ҳамда ЖПКнинг 342-моддасини қайта кўриб чиқиш лозим.

Бу ўз навбатидан жиноят ишини юритишга масъул бўлган терговчи ва суриштирувчилар учун алоҳида семинар тренинглари ўтказиш у бўйича амалий тавсиялар бериш, шу билан бир қаторда уларни имзо қўйдириш билан таништириш ўз фаолиятига янада эътибор билан қарашга ҳаракат қилади.

Бешинчидан, ривожланган ва ривожланаётган давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганиш шуни кўрсатдики, дунёнинг бирор мамлакатида суриштирувни юритиш ва тамомлашнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган процессуал шакли мавжуд эмас. Суриштирувни юритиш ушбу шакли “ўзбек” модели деб атасак, хато бўлмайди, чунки ушбу шаклдаги суриштирувни юритиш процессуал тартиби фақат Ўзбекистон Республикасида мавжуд. Муаллиф 2007 йил 4-5 июлда Қозоғистон Республикаси Алматы шаҳрида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий анжуманда, Москва давлат университети (МГУ) профессори Головки Леонид Витальевич⁴ билан бўлган суҳбатдан ҳам шундай хулосага келди. Суриштирувни бундай кўриниши қаердан келиб чиқди деган ўринли савол туғилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг лойиҳасини тайёрлашда шахсан иштирок этган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, ю.ф.д., профессор Абдумажидов Ғофур Абдумажидовичдан қуйидагича жавоб олдик: *“Суриштирувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини инобатга олиб, суриштирув юритиш ишбу содда кўриниши ишлаб чиқилган, бироқ ҳозирда юридик соҳадаги кадрлар сиёсатининг ижобий натижаларини сарҳисоб қилар эканмиз, су-*

² МДХ мамлакатлари Жиноят-процессуал кодекслари www.cis-legal-reform.org

³ 30 январь 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида “Жиноят процессида хусусий айблов институтининг ҳолати ва уни такомиллаштириш истиқболлари” республика илмий-амалий конференцияси маълумотларидан фойдаланилди.

⁴ Интернет манзили www.law.msu.ru/

¹ Махов В.Н., Пешков М.А. Уголовный процесс США (досудебные стадии) www.twirpx.com/

риштирувни тамомлашни тўлиқ шаклини жорий қил- сак ҳам бўлади".

Профилактика инспекторлари ўртасида ўтказилган сўров натижасидан шу маълум бўлдики, уларнинг аксарияти ҳуқуқшунос эмас. Бу ўз навбатида вақт ўтиши билан бартараф этилади. Кадрлар етишмовчилиги юзасидан бир қатор чора тадбирлар олиб борилаётгани билан бир қаторда, айрим камчиликлар ҳам мавжуд, шу боис, 2010 йилда Суриштирув ишини ташкил этиш номли 22 босма табоғли ўқув қўлланма нашрдан чиқарилди ва ҳозирда Республика миқёсда барча юридик коллеж, юридик фанлар ўтиладиган бошқа коллежларда "Суриштирув ишини ташкил этиш" фанидан ўқув қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда¹.

Ҳозирда айрим суриштирув органларида, яъни ИИВ академияси, МХХ, Олий ҳарбий божхона институтида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Департаментда суриштирувчиларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш курслари мавжуд бироқ, алоҳида суриштирувчиларни тайёрлайдиган алоҳида махсус билим юрти мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасида суриштирувчиларни (жиноят ишини юритиш юзасидан махсус билимлар бериладиган) тайёрлаб берадиган алоҳида олий ўқув юрти мавжуд эмас. Умумий билим бериладиган юридик соҳаларда, хусусан, ТДЮУ, ИИВ академияси ва бошқа даргоҳларда умумий юридик фанлар ўргатилади, бироқ "суриштирув" мавзусига 2-4 соат ажратилган холос, ваҳоланки ушбу институт кенг миқёсда амалиётда аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган органлар ҳисобланади.

Назаримизда, ТДЮУда "Суриштирув ҳуқуқи" номли янги фан ташкил этиш ҳамда ҳар уч йилда суриштирувчиларни мажбурий 1-3 ойлик малака ошириш курслари жорий қилиш талабини қўйиш лозим.

Олтинчидан, Тадқиқотларимиз натижасида шу маълум бўлдики, ижтимоий муносабатларнинг кескин ўзгариб бориши, компьютер технологиялар ёрдамида содир қилинаётган жиноятлар кўпайиб бораётгани ҳамда уларга қарши ҳаракат фақат мутахассис ва экспертлар ёрдамидан фойдаланиб келинмоқда, ваҳоланки, хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу соҳада янги суриштирув органлари жорий этишни тақозо қилади. ИИВ компьютер технологиялар ёрдамида содир қилинаётган жиноятларга қарши кураш Департаментида алоҳида тайёрланган махсус билимларга эга бўлган суриштирувчилар иш юритади.

Ҳар қандай компьютер технологиялар соҳасида содир қилинадиган жиноятлар юзасидан мустақил фикрга эга бўлиб,

Еттинчидан, ЖПКнинг 38-моддасининг 2,4,5,6,7-бандларида назарда тутилган айрим суриштирув органлари амалиётини ўрганиш 1995 йилдан ҳозирги кунгача бирор мартаба жиноят иши кўзғатилмаган, жиноят ҳақида ҳар қандай хабар ёки ЖПКда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланмаган, кўпроқ суриштирув органларининг асосий функцияси маъмурий фаолиятни бажарган. Шу боис айрим суриштирув органларга барҳам бериш лозим.

1.1. ЖПКнинг 38-моддаси 6-банди ўз кучини йўқотган ҳамда уни ЖПКдан чиқариб ташлаш лозим.

Республикада сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита мустақил давлат қўмитаси сифатида ўз аҳамиятини йўқотди ва 2003 йил декабрда Миллий хавфсизлик хизмати таркибига киритилди.

«Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621 II сон Қонуни билан Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг суриштирув вазифалари билан боғлиқ қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Албатта, бу ўзгартиришлар 2003 йил декабр ойида қабул қилинган Президент фармони ва шу фармон асосида Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг миллий хавфсизлик хизмати тизимига киритилишига боғлиқдир. Демак, 1999 йил 20 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунига ва 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва терроризмга қарши курашни амалга оширишда суриштирув ва тезкор-қидирув фаолиятини олиб бориш ваколати эндиликда фақат Миллий Хавфсизлик Хизмати томонидан олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунининг 29-моддасига кўра, Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасида разведка, контрразведка ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширади, белгиланган тартибда контрабандага қарши кураш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

1.2. 38-модданинг 8-банди 2006 йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 331-сонли "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори билан департамент, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаментига айлантирилди, бироқ ушбу ўзгариш ЖПКда ўз аксини топмаган.

Саккизинчидан, ривожланган мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги ҳозирги кунга келиб, соддалаштириш, тезлаштирилган тартибда иш юритиш каби янги тушунчаларни ўзида мужассам этиб келмоқда, Франция, Германия давлатлари², дастлабки тергов босқичидан воз кечиб, суриштирув институтидан тўлиқ фойдаланиш масалаларини интеграциялашуви ўзини оқлаб келмоқда, ушбу институтни имплементация қилиш масалаларини ўйлаб кўриш лозим ҳамда ҳар томонлама тўлиқ ва тез олиб боришга йўналтирилган янги концептуал таклифлар ишлаб чиқилиши лозим.

² Германиянинг Жиноят-процессуал кодекси www.gesetze-im-internet.de/ Головки Л.В., Гуценко К.Ф. (ред.), Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. Учебное пособие для юридических вузов. - 2-е изд., доп. и испр. - М.: Зерцало-М, 2002. - С 528; Головки Л.В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. М.: 1995. С. 17. Филимонов Б.А. Основы уголовного процесса Германии. М.: 1994. - С 52-53.

¹ Ш.Файзиев Суриштирув ишини ташкил этиш. Ўқув қўлланма -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. 352 б.

Тўққизинчидан, ЖПКнинг 342-моддаси 2-қисмига мувофиқ суриштирувчи муайян шахсни айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қила олмайди, аммо ЖПКнинг 41, 46, 236, 255, 256, 257, 258, 259, 265, 266, 269-моддаларида келтирилган “суриштирувчи” термини 342-моддаси 2-қисмига зид ҳолда берилган, шу боис ЖПКнинг 342-моддаси 2-қисмини қуйидаги матнда келтириб ўтиш лозим, деб ўйлаймиз: “*ғумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш асослар аниқланган бўлса*”.

Ўнинчидан, назаримизда, ҳар бир давлат органининг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳамда уларнинг келажакдаги истиқболи ва салбий жиҳатларига барҳам бериш нуқтаи назаридан, суриштирув органлари фаолияти юзасидан алоҳида статистика юритилиши ҳамда www.stat.uz сайтига жойлаштирилиши лозим. Фуқароларнинг www.gov.uz портали орқали суриштирув органларига тўғридан-тўғри мурожаатини назарда тувчи янги лойиҳа ишлаб чиқилиши лозим.

Аннотация: мазкур мақола суриштирув органлари фаолиятини модернизациялаш эҳтиёжи ва такомиллаштириш йўллари бағишланган.

Калит сўзлар: жиноят процесси, суриштирув, суриштирув органлари, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув органлари фаолиятини модернизациялаш.

Аннотация: данная статья посвящена модернизации деятельности органов дознания и перспективам их совершенствования.

Ключевые слова: уголовный процесс, дознание, органы дознания, оперативно-розыскная деятельность, модернизация деятельности органов дознания.

Annotation: This article is devoted to modernization of inquest bodies activity and perspectives of it modernization

Key words: criminal process, inquest, inquest bodies, modernizations of inquest bodies activity.

Адабиётлар рўхати:

1. Гамбарян А. Реформы дознания и оперативно-розыскной деятельности в плоскости правового реализма // Законность. 2013. № 79. С. 14-24.

2. Хидоятлов Б.Б. Проблемы регулирования дознания в Республике Узбекистан: Автореферат дисс. канд. юрид. наук. «Издательский центр Академия» Т.: 2002 й. – 26 б.

3. Пулатов Ю.С. Пути совершенствования форм досудебного производства в уголовном процессе Узбекистана. Ўзбекистон процессуал-ҳуқуқий фан ва қонунчиликни ривожлантириш муаммолари/ Актуальные проблемы развития в Узбекистане процессуально-правовой науки и законодательства / Под общей ред. Ф.М.Мухитдинова. Сборник научных статей. – Ташкент, 2014. 250.

4. Иномжонов Ш. Х. Жиноят-процессуал исбот қилишда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш муаммолари. Монография. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. Б.Х. Пулатов. –Т.: ТДЮИ нашриёти. 2005. – 139 б.

5. Махов В.Н., Пешков М.А. Уголовный процесс США (досудебные стадии) www.twirpx.com/

6. Левинова Т.А. Начальник органа дознания в зеркале организационно-практических проблем. Российская юстиция. 2014. № 5. - С 22-25.

Селина Е. В. Имплементация нарождающихся правовых институтов в сложившуюся уголовно-процессуальную форму: проблемы, перспективы, тенденции. Российская юстиция. 2014. –№ 8. –С 25-28.

М.Хакимов

Старший преподаватель
Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры
Республики Узбекистан

ЕВРОПЕЙСКИЙ ОРДЕР НА АРЕСТ: ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫЕ ОСНОВЫ И ПРИМЕНИТЕЛЬНАЯ ПРАКТИКА

В условиях глобальной интеграции, интенсивно развивающегося международного сотрудничества во всех отраслях жизнедеятельности и свободного перемещения капиталов, а также людских ресурсов особую роль приобретает взаимное сотрудничество по правовым вопросам. В данном направлении особый интерес вызывает развитие и эффективное функционирование упрощенных институтов экстрадиции, которые значительно повышают оперативность и эффективность решения данного вопроса.

Одним из наиболее действенных институтов упрощенной экстрадиции является Европейский ордер на арест, который успешно функционирует в рамках Европейского Союза (ЕС). И так, следует проанализировать специфику правового регулирования и применения данного института в практике ЕС.

Выдача Европейского ордера на арест является судебным решением в странах ЕС для ареста кого-либо в другой стране-члене, а также выдачи данного разыскиваемого лица в страну ЕС, которая выдала этот ордер. Европейский ордер на арест может быть выдан в целях осуществления уголовного преследования или в целях исполнения окончательных тюремных приговоров.

Принято считать, что Европейский ордер на арест является продвинутой формой экстрадиции. В этой связи разработана соответствующая нормативно-правовая база. Так, в качестве приложения к Рамочному решению от 13 июня 2002 года был введен европейский ордер на арест и процедуры выдачи преступников между государствами-членами. Он состоит из формы, в которой нужно заполнить данные.

Следует кратко осветить историю появления данного института. В 1951 году, спустя 6 лет после окончания Второй мировой войны, между Францией, Германией, Италией, Бельгией, Люксембургом и Нидерландами был подписан договор о Европейском объединении угля и стали. Это можно рассматривать в качестве первых ростков сегодняшнего Европейского союза. Данный договор был направлен на предотвращение стран от наращивания крупных военных сил посредством контроля торговли углем и сталью и, таким образом, обеспечить мир.

В 1992 году договор о Европейском союзе был подписан Германией, Данией, Нидерландами, Бельгией, Люксембургом, Соединенным Королевством, Ирландией, Францией, Испанией, Португалией, Италией, Грецией. В 1995 году присоединились Австрия, Финляндия и Швеция. Эти 15 государств стали потом странами, которые договорились о содержании Рамочного решения о Европейском ордере на арест. В 2004 году и позже, после заключения Рамочного решения в 2002 году, 13 других стран вошли в Европейский союз и также приняли данный документ.

Когда обсуждалось данное решение, имелось мнение о негативном списке, что означало ограниченный список преступлений, за которые страны ЕС не станут

выдавать разыскиваемых лиц друг другу. Идея заключалась в том, чтобы увеличить активность ЕС над работой в правовой области. Таким образом, данный негативный список содержал бы классические правонарушения, такие как аборт или эвтаназия, когда мнения о двойной уголовной ответственности в рамках ЕС сильно отличаются.

Для всех других преступлений можно было бы утверждать, что там была достаточная степень сближения между государствами-членами по уголовно-исполнительному праву и уголовно-процессуальному законодательству для отмены проверок двойной уголовной ответственности при процедурах выдачи.

Вместо негативного списка, переговоры завершились составлением позитивного списка из 32 категорий преступлений, по которым не существует проверок двойной уголовной ответственности, предусмотренных Рамочным соглашением. Можно утверждать, что уровень сближения в уголовно-правовой сфере между государствами-членами, был видимо не столь высоким, какой был нужен для подобного негативного списка. Кроме того, можно утверждать, что этот уровень сближения между государствами-членами не возрос и после присоединения 13 других государств-членов вслед за заключением Рамочного соглашения.

Итак важным аспектом данного института является то, что согласно статье 29 договора о ЕС (1992г.), цель ЕС состоит в том, чтобы обеспечить гражданам государств-членов ЕС высокий уровень свободы, безопасности и правосудия. ЕС пытается обеспечить это посредством активизации сотрудничества между судебными органами государств-членов. Данное судебное сотрудничество должно быть более быстрым и менее сложным, согласно статье 31 договора. Статья 34 договора регламентирует, что для достижения указанных целей Совет Европы может создавать Рамочные решения для гармонизации правовых и правительственных нормативных актов государств-членов¹. В этом случае Совет Европы счел необходимым создать Рамочное решение в отношении учреждения Европейского ордера на арест для достижения целей ЕС.

В преамбуле Рамочного решения о Европейском ордере на арест оно описывается следующим образом:

Принцип Взаимного признания:

- Задача, поставленная перед Союзом, чтобы стать пространством свободы, безопасности и правосудия, ведет к отмене экстрадиции между государствами-членами и замене его системой передачи между органами судебной власти. Кроме того, введение новой упрощенной системы выдачи осужденных или подозреваемых лиц в целях исполнения наказания или предъявления обвинения по уголовным делам, позволяет устранить сложность и возможности для задержки, присущие существующей процедуре экстрадиции. Традиционные отношения сотрудничества, которые преобладали до сих пор между государствами-членами, должна быть заменена системой свободного передвижения судебных решений по уголовным делам, охватывающих решения как до вынесения приговора и окончательные, в пределах пространства свободы, безопасности и правосудия.

Высокий уровень доверия и права человека:

- Механизм европейского ордера на арест основывается на высоком уровне доверия между государ-

¹ <http://eur-lex.europa.eu>

ствами-членами. Его реализация может быть приостановлена только в случае серьезного и постоянного нарушения одним из государств-членов принципов, изложенных в статье 6 (1) договора о Европейском союзе, и определяется Советом в соответствии со статьей 7 (1) указанного Договора с последствиями, указанными соответственно в статье 7 (2)¹.

Также, в преамбуле Рамочного решения (под пунктами 6 и 7) утверждается, что Европейский ордер на арест является первой конкретной мерой в области уголовного права, применяющей принцип взаимного признания. Взаимное признание считается краеугольным камнем сотрудничества в судебной-правовой сфере.

Также там имеется заявление, которое устанавливает, что «так как цель замены системы традиционной экстрадиции не может быть в достаточной степени достигнута государствами-членами, следовательно, он может быть лучше достигнута на уровне Союза».

Вместе с тем хотелось бы указать на следующие аспекты, которые составляют различия между этим институтом и традиционным институтом экстрадиции. Итак помимо теоретических причин для Европейского ордера на арест, упомянутых выше, на практике также существует необходимость более оперативного судебного-правового сотрудничества в ЕС.

Это обусловлено тем, что после исчезновения пограничного контроля в ЕС и роста связей между государствами, также и выросла организованная трансграничная преступность. Это затем привело к растущей потребности в арестах по делам международных преступлений.

Во первых, граждане ЕС имеют возможность к переезду в другие страны ЕС, чтобы жить и работать там. Две страны, которые отправили наибольшее количество мигрантов в другие страны ЕС, это Румыния и Польша². Таким образом, мы сталкиваемся с большим количеством людей, в отношении которых все ещё существует уголовное преследование или тюремное наказание, ожидающие их в родной стране. Это также приводит к росту запросов на аресты разыскиваемых людей.

Если бы органам судебной власти в ЕС пришлось вернуться к ситуации с традиционной экстрадицией, со средней продолжительностью процедуры от 10 до 18 месяцев, и с тем же количеством, которые поступают сегодня, система была бы сильно перегружена.

Характерным отличием Европейского ордера на арест от традиционной экстрадиции является то, что он быстрее, непосредственнее (только между органами судебной власти), имеется меньше оснований для отказа и используется стандартная форма для сторон.

Следует подробно остановиться и на том, что данный институт отправляется напрямую от органа судебной власти другому органу судебной власти в другой стране ЕС, как правило, это или судья или прокурор (зависимости от национального законодатель-

ства). Все дальнейшие взаимодействия происходят непосредственно между органами судебной власти. Кроме того, решение о выдаче принимается органами судебной власти. Роль Министерств юстиции и/или иностранных дел минимизированы, как в качестве канала связи, так и в качестве органа власти принимающего решения. К примеру, следует отметить, что в большинстве стран-членов ЕС при осуществлении традиционной экстрадиции министерства юстиции являются каналами связи, а также органами власти, принимающим, в конечном счете, итоговое решение.

Данная прямая связь с непосредственными коллегами из других стран ЕС, если не учитывать языковые барьеры, которые иногда возникают, делает процедуру более эффективной, чем институт экстрадиции. Данная специфика также может быть на пользу разыскиваемому лицу, потому что вопросы могут быть обсуждены между органами власти достаточно быстро и без лишних процессуальных действий, оставляя пространство для выявления альтернатив или решения вопросов, которые поднимает защита. Сообщения от суда или прокурора из запрашиваемого государства, отправленные через министерства юстиции к запрашивающему суду или прокурору, будут намного медленнее, более официальными, а также значительно менее гибкими.

Кроме того, интересен тот факт, что процедура Европейского ордера гораздо быстрее, решение требуется принять в течение 60 дней после ареста, с возможным продлением срока до 90 дней. Цифры показывают, что среднее время, используемое в странах ЕС для завершения процедуры выдачи, составляет 45 дней. В Нидерландах по 50% решения принимаются в течение 60 дней, 90% решаются в течение 90 дней. В среднем, в ЕС процедуры экстрадиции занимали и по-прежнему занимают 12 месяцев, в то время как в Нидерландах это занимает немного больше времени, большей частью до 18 месяцев³.

Еще один важный плюс является в том, что для Европейского ордера на арест предписывается стандартная форма, это обеспечивает более согласованное использование и оценку предоставленного документа.

Так, в случаях экстрадиции суд (при подаче жалобы, апелляционный суд и кассационный суд) вначале решает, допустим ли запрос о выдаче, однако, министр юстиции все ещё должен решить, разрешить ли фактически выдачу и привести в исполнение. Министр юстиции, к примеру, оценивает страну, запрашивающую об экстрадиции, на предмет обеспечения защиты прав человека. Между странами ЕС, которые приняли данный институт, эти вопросы о правах человека в отношении уголовного преследования или тюремного заключения, как правило, уже решены на основе концепции взаимного доверия.

В заключении следует отметить, что данный институт имеет свои положительные аспекты, внедрение которых можно рассмотреть в рамках других соглашений. Действенность данного института определена, прежде всего, его оперативностью, непосредственностью и отсутствием лишних процессуальных действий

¹ Journal officiel des Communautés européennes L 190 du 18.7.2002, p. 1. Перевод с французского с учетом положений документа на английском и немецком языках (OJ L 190, 18.7.2002, p. 1; ABL L 190 vom 18.7.2002. S. 1). Перевод и примечания Четверикова А.О.

² Journal officiel des Communautés européennes L 190 du 18.7.2002, p. 1. Перевод с французского с учетом положений документа на английском и немецком языках (OJ L 190, 18.7.2002, p. 1; ABL L 190 vom 18.7.2002. S. 1). Перевод и примечания Четверикова А.О.

³ К. Ванн дер Шафт. Анализ принципов и процессуальных режимов ЕС применительно к экстрадиции и международной правовой помощи по уголовным делам. Проект ЕС «Содействие судебной-правовым реформам», Т., 2014.

при решении вопроса об экстрадиции. Данная положительная практика способствует практическому решению проблем, возникающих в связи с применением института экстрадиции.

Аннотация: данная статья посвящена законодательным основам и правоприменительной практике института Европейского ордера на арест, его отличиям от традиционной экстрадиции и влиянию данного института на уголовный процесс в ЕС.

Ключевые слова: Европейский ордер, арест, уголовный процесс, Европейский союз.

Аннотация: ушбу мақола қамоққа олиш бўйича Европа ордери институтининг ҳуқуқий асослари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, унинг анъанавий экстрадициядан фарқлари ва шу институтнинг Европа Иттифоқининг жиноят процессига таъсир қилишига бағишланган.

Калит сўзлар: қамоққа олиш, Европа ордери, Европа Иттифоқи, жиноят процесси.

Annotation: This article focused on the legislative framework and enforcement practices of the institution of European order on arrest, differences from traditional extradition and influence of this institution to the criminal proceedings of EU.

Key words: European order, arrest, criminal proceeding, European union.

Список литературы:

1. Journal officiel des Communautés européennes L 190 du 18.7.2002, p. 1. Перевод с французского с учетом положений документа на английском и немецком языках (OJ L 190, 18.7.2002, p. 1; ABL L 190 vom 18.7.2002. S. 1). Перевод и примечания Четверикова А.О.

2. Journal officiel des Communautés européennes L 190 du 18.7.2002, p. 1. Перевод с французского с учетом положений документа на английском и немецком языках (OJ L 190, 18.7.2002, p. 1; ABL L 190 vom 18.7.2002. S. 1). Перевод и примечания Четверикова А.О.

3. К. Ванн дер Шафт. Анализ принципов и процессуальных режимов ЕС применительно к экстрадиции и международной правовой помощи по уголовным делам. Проект ЕС «Содействие судебно-правовым реформам». –Т., 2014.

С. Ниёзова

ТДЮУнинг Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази катта илмий ходим-изланувчиси, ю.ф.н., доцент

ШАХСГА ҚАРШИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ЖАБРЛАНУВЧИСИНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ТАСНИФЛАШ

Бизга маълумки, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар жабрланувчисининг виктимологик жиҳатдан таснифлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, демографик ёки ижтимоий белгилар-жинси, ёши, мансабига асосланган тасниф кенг қўлланилади. Илмий адабиётларда жиноят жабрланувчиларининг ахлоқий-руҳий белгиларига қараб - ишонувчанлик, тажовузкорлик, жинсий бузуқлик, алкоголь ва гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга мойил шахсларга қараб бўлиб ўрганилади.

Ҳозирги кунга қадар, илмий адабиётларда бу муаммони ечишнинг турли ёндашувлари мавжуд.

Бизнингча, Д.А.Шестаков томонидан келтирилган тасниф қизиқдир. У ички оилавий жиноятларни тадқиқ қилиб, уларнинг жабрланувчиларини жиноятчига ижтимоий муносабатларда бўлган хотини, қариндошлари, жинсий ҳамроҳларига қараб таснифлайди¹.

В.И.Полубинский мотивнинг шаклланиш хусусиятлари ва мотивация жараёнига, жабрланувчи шахсининг ҳаракатларини таъсирига қараб, олдиндан тайёрланган, тасодифий ва жабрланувчиларга бўлади².

Муаллифлар томонидан келтирилган жиноят жабрланувчиларининг таснифини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг турли хил эканлигига қарамай, барчаси ҳаётий аниқ, илмий мезонларга асосланганлигини кўрамиз. Уларни ҳар қандай шахс ёки жабрланувчининг бошқа ҳаракатларидан алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, бу таснифлар фақатгина у ёки бу жабрланувчининг турларини таҳлил қилувчи бир томонлама таснифлашга олиб келади. Масалан, криминологик тадқиқотларда кўп қўлланиладиган “жабрланувчи жинси” каби илмий мезон нима учун шахсга қарши жиноятларда эркаклар кўпроқ жабрланувчи бўладилар ёки нима учун аёллар жиноятчи бўлишдан кўра, кўпроқ жабрланувчи бўладилар каби саволларнинг асосий сабабларини очиб бермайди. Бизнингча мезоннинг камчилиги шундаки, эркак ва аёлларнинг ҳар бири ўзига берилган вазифани бажарадилар. Бу эса, турли ижтимоий мақомга эга эканликларини тўғри баҳолай олмаганлигидан далолат беради.

Д.В. Ривман эса, қуйидагича таснифлашни таклиф этади:

1) зарар етказувчининг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган, жиноят содир этишга имкон берувчи хулқ-атворли жабрланувчилар;

2) зарар етказувчининг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган, лекин жиноят содир этишда катта роль ўйнайдиган хулқ-атворли (масалан, қадр-қимматни

¹ Шестаков Д.А. Семейная криминология. – СПб.: Санкт-Петербургского университета, 1996. – 11- 23 с.

² Полубинский В.И., Ситковский А.Л. Теоретические и практические основы криминальной виктимологии: Монография.- М.: ВНИИ МВД России, 2006. -С. 24.

камситиш, эр-хотининг хиёнати ва ҳоказолар) жабрланувчилар;

3) жиноят содир этишга туртки бермайдиган ва имконият яратадиган хулқ-атворли (масалан, енгилтаклик, эҳтиётсизлик натижасида жабрланувчига айланиш) жабрланувчилар;

4) жиноят содир этишга туртки бўлган, учунчи шахсни тажовуздан ҳимоя қилувчи ижобий хулқ-атворга эга жабрланувчилар (Масалан, охириги зарурат ва зарурий мудофаа вақтида тан жароҳати олган ёки ҳаётдан маҳрум этилган шахслар);

5) жиноят содир этишга шарт-шароитлар яратмаган ва туртки бўлмаган нейтрал хулқ-атворли жабрланувчилар (турли вазиятлар натижасида жабрланувчи жиноятчига халақит бериб қолади)¹.

Бизнингча, виктимологик таснифлашнинг мезонларини белгилашда жабрланувчи хулқ-атворининг ижтимоий, ахлоқий, маънавий ва руҳий жиҳатларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Жиноятдан жабрланган шахслар таснифини ўрганар эканмиз, бу ўз навбатида, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни амалга оширишда катта роль ўйнайди.

Жабрланувчиларнинг ўзига хос хусусияти, жиноятчилар билан ижтимоий алоқаси уларни бир – биридан ажратиш туради. Бу белги эса, жабрланувчиларни тасниф (классификация)лашга хизмат қилади. Бундан ташқари жабрланувчиларни бошқа жуда муҳим хусусият бўйича классификация қилиш ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, уларни бир неча турга бўлиш мумкин.

Жумладан, ўзининг енгил табиатлиги ва ахлоқсизлиги оқибатида жиноятчилар домига тушган жабрланувчилар-ҳуқуқшунослар тили билан айтганда, жиноят иштирокчилари тоифасига кирувчилар ўзлари ўйламасдан қилган хатти-ҳаракатлари натижасида моддий, жисмоний ва маънавий зарар кўрадилар (масалан, номусга тегиш, соғлиғига шикаст етказишда).

Бетараф жабрланувчилар – бунда жиноятлар фақат кўчада эмас, балки кундалик турмушда ҳам содир бўлиши аниқланган (масалан, оилада ўзаро жанжанлар натижасида баданга тан жароҳати етказиш ва ҳоказолар). Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бўлғуси жиноятчи ва унинг жабрланувчисини бир-биридан руҳий ҳолати, характери, қизиқиши, эҳтиёжи бўйича тубдан фарқ қилиш лозим.

Маълумки, бу тоифадаги жиноятларнинг виктимологик тавсифи жабрланувчиларнинг шахсига оид (ижтимоий - демографик, маънавий- руҳий) хусусиятларини, уларнинг хулқи ва кўриб чиқиладиган жиноий қилмишларнинг келиб чиқишидаги ўрнини таҳлил этилишини талаб қилади.

Жабрланувчилар орасида хотин-қизларнинг кўплиги тадқиқ қилинаётган қилмишларнинг энг муҳим виктимологик хусусияти ҳисобланади. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлардан жабрланганларнинг 64 фоизи аёллар бўлган. Бундай жиноятларда эракларнинг камроқ виктимлиги, жиноятчилар орасида эрақ жинсидаги шахслар салмоғи юқорилигини, руҳий ва ижтимоий омиллар, жамиятнинг тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган.

¹ Ривман Д.В. Криминальная виктимология. – СПб.: Питер, 2002. – С. 43-56.

Виктимлашувнинг энг юқори даражаси 18 ёшдан 25 ёшгача, яъни 36% га тўғри келади. Бу гуруҳдаги шахсларнинг юқори даражадаги виктимлигига уларнинг ахлоқий-руҳий хусусиятлари, хусусан, айнан шу ёшдаги шахсларга кўпроқ хос бўлган ўз фикр – мулоҳазаси ва хатти-ҳаракатларида ҳеч кимга боғлиқ бўлишни истамаслик, хулқ-атворида мустақилликка интилиш, енгилтаклик, кўпинча эса, жинсий алоқада бефарқлик, никоҳ иттифоқидаги шеригининг ўзига хос хусусиятларига мослаша олмаслик ва ҳоказолар ўз таъсирини кўрсатади.

Жабрланувчиларнинг учдан икки қисми ижтимоий фаол бўлганлар, яъни ишлаганлар, уларнинг 18,5 фоизини, хизматчилар 10,9 фоизини, хусусий тадбиркорлар 17 фоизини, талабалар 12,8 фоизини, коллеж ўқувчилари 10 фоизини, ҳеч қаерда ишламайдиганлар ва ўқимайдиганлар 30,8 фоизини ташкил қилган.

Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг таҳлили криминоген вазиятда жабрланувчиларнинг хулқ-атвори (ўзини тутиши) хилма-хил бўлганлигидан далолат беради².

Бу хилма-хиллик турли асослар бўйича тоифаларга бўлиниши мумкин. Бизнингча, криминалогик жиҳатдан жабрланувчиларнинг хулқ-атворини жиноий хатти-ҳаракат механизмида тутган ўрнига қараб таснифлаш кўпроқ аҳамиятлидир. Шу механизмдан келиб чиққан ҳолда жабрланувчиларнинг хулқ-атворини икки гуруҳга ажратиш лозимдир. Булар жиноят содир этилишига кўмаклашадиган ва кўмаклашмайдиган хулқ-атвор.

Баъзи муаллифлар юқорида айтиб ўтилган жабрланувчиларнинг хулқ-атвори билан бир қаторда мустақил гуруҳ сифатида жабрланувчининг кўзғатувчи (туртки бўлувчи) хулқини ҳам кўрсатадилар. Бунда кўзғатувчи ҳаракат деганда, жабрланувчининг жиноят содир этилишининг сабабларидан бири сифатида объектив равишда намоён бўлувчи хулқи (ҳақорат қилишлар, жанжал кўтаришлар, камситишлар хиёнатлар) тушунилади. Кўмаклашиш деганда, эса жиноят содир этилишига ёрдам берадиган вазиятни вужудга келтириш тушунилади³.

Бизнингча куйидаги нуқтаи назар тўғрроқ кўринади. Унга кўра, вазиятнинг тазйиқи қанчалик кучли бўлмасин, ташқи ҳолатларнинг ўзи (жумладан, жабрланувчининг хулқ-атвори) жиноятнинг содир этилишини келтириб чиқармайди, унинг сабаби бўла олмайди. Муайян ижтимоий муҳит билан ўзаро боғланишдагина намоён бўладиган, шахс онгида мавжуд бўлган жиноий хулқ юзага чиқишни белгиловчи моҳиятига эга бўлади ва ижтимоий хусусиятлар тизимининг амалга оширишига кўмаклашади⁴. Яъни, жабрланувчининг кўзғатувчи хатти-ҳаракатлари жиноятни келтириб чиқармайди, унинг содир этилишига кўмаклашади. Шу сабабли уларни мустақил гуруҳ сифатида ажратмасдан балки, жиноятга кўмаклашадиган хулқнинг бир кўриниши, унинг энг кексин шакли, деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

² Ривман Д.В. Криминальная виктимология. – СПб.: Питер, 2002. – С. 43.

³ Ривман Д.В. Роль потерпевших от насильственных преступлений, совершенных в досуговой и производственной сферах. // Криминологическая и уголовно-правовая борьба с насильственной преступностью. 1999. – С. 48.

⁴ Минская В.С., Чечель Г.И. Виктимологические факторы и механизм преступного поведения. – Иркутск: Изд-во Иркутского университета, 1988. – С. 59.

Жабрланувчининг жиноятга кўмаклашмайдиган хулқ-атвори объектив равишда криминоген – викимоген хусусиятга эга эмас. Бу эса, жиноий хатти-ҳаракатларга туртки бўлмайди ва жиноятнинг содир этилишига кўмаклашадиган шарт-шароитларни вужудга келтирмайди. Улар бетараф хусусиятга эга бўлади ёки жиноий тажовузга акс таъсир кўрсатади. Яъни, бунда жабрланувчининг хулқ-атвори жиноят содир этилишига сабаб бўлмай, балким шарт-шароит ярати беради. Ўтказилган сўров натижаларига кўра, қасддан одам ўлдирish жиноятида 53,9 %, баданга тан жароҳат етказишда 24,1 % айбдорга кўмаклашган, номусга тегишда 22 % да шароит яратган. Бошқа зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда айбдорнинг жиноий қилмишига кўмаклашмаганлиги маълум бўлди.

Жабрланувчиларнинг 62 фоизи зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда жиноят содир этилишига у ёки бу тарзда кўмаклашганлар, 38 фоизида бунинг акси бўлган. Яъни, уларнинг ҳаракатларида айбдорда ножўя хулқнинг вужудга келишига таъсир кўрсатган қандайдир омиллар мавжуд бўлган. Криминоген сабаблар сифатида бажарадиган вазифасига қараб, уларни икки гуруҳга ажратиш лозим:

1) жиноят содир этилиши учун криминоген вазиятни вужудга келтирувчи хулқнинг кўринишлари;

2) жиноятчи шахсида ғайриахлоқий хулқ-атворни шакллантирувчи криминоген ижтимоий- руҳий хулқнинг шакллари.

Иккинчи гуруҳга кирувчи хулқ-атворга жабрланувчиларнинг жиноятчининг зўронлик ҳаракатларига қаршилик кўрсатмаслиги мисол бўла олади. Хулқ-атворнинг бу шакли оилавий-маиший жиноятлар учун одатий бўлиб, у рашк туфайли содир этиладиган жиноятлар учун ҳам хосдир деб таъкидлайди О.Ф.Зокирова¹. Чунки, уларнинг жисмоний қаршилик кўрсатиш имкониятлари чекланган. Яни, жабрланувчининг кўпчилиги вояга етмаганлар, аёллар ва ожиз аҳволдаги шахслардир. Жиноятчилар эса-эркаклардир.

Амалиёт материалларнинг таҳлили жабрланувчиларнинг бемалол фойдаланиши мумкин бўлган қаршилик кўрсатиш усулларидан ҳам фойдаланмаганликларидан далолат беради. Улардан 57,7 фоизига нисбатан охириги жиноий тажовузга қадар айбдор шахс томонидан жисмоний зўрлик ишлатилган. Жабрланган шахсларнинг 22,1 фоизи ўлдирish, соғлиғига оғир шикаст етказиш билан кўрқитилган. Бироқ, жиноят ишларининг таҳлили жабр кўрганларнинг атиги 15,4 фоизи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам сўраб мурожаат этганлигини кўрсатади. Бундай таҳлилдидан шу нарса кўриниб турибдики, жабрланувчининг фаол эмаслиги жиноятчида ғайриқонуний хулқ жазоланмайди, ҳамма нарсани қилиш мумкин, деган фикрни шакллантиради. Натижада айбдор зўравонлик ҳаракатларининг тобора хавфлироқ кўринишларига осонроқ ўтади ва аввалгисига ўхшаш жанжалли вазиятда била туриб, жамият манфаатларига зид ҳаракатни содир этади.

Виктимология учун анъанавий бўлиб қолган, жабрланувчиларнинг жиноий феъл – атвор механизмида тутган ўрнига кўра таснифлаш энг муҳим

аҳамиятга эгадир. У жабрланувчиларнинг жанжалли вазиятни вужудга келтиришдаги иштироки даражасини аниқлаш ва жиноятлар виктимологик профилактикасининг индивидуал чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун муҳимдир. Шу мезонга мувофиқ жабрланувчиларни икки тоифага: жиноят содир этишга ундовчи ва ундамайдиганларга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ доирасида эса, ножўя ҳаракатларни содир этишга ундовчи жабрланувчилар тоифасини алоҳида ўрганиш керак бўлади.

Бу борадаги суд амалиётига мурожаат этадиган бўлсак, О. 2007 йил 2 август куни келини Г. нинг кўлидан ушлаб қасддан бир неча маротаба бошига мушти билан уриб, сочидан ушлаб, бошини деворга урган. Бунинг оқибатида Г.га жароҳатлар етган. Г.нинг жабрланишига сабаб Г. айбланувчи О. билан уй масаласида доимий равишда жанжал қилиб келган ва натижада қайнонасини жиноят содир қилишга ундаган.

Ўтказилган тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар туфайли жабрланувчи бўлиб қолишга ўзаро жанжаллар ва ҳақорат (ҳодисаларнинг 39,5 фоизиди), жабрланувчининг енгилтаглиги (36,5 фоизиди) сабаб бўлган. Бундай вазиятларда жабрланувчининг хулқ-атвори объектив маъзmun-моҳиятига кўра жиноятни содир этишга бўлган қатъиятни вужудга келтирган ёки мустаҳкамлаган. Қолган ҳолларда (24 фоизиди) жиноят содир этилишинг арзигулик сабаби бўлмаган. Бизнингча, жабрланувчиларнинг хулқ-атвори объектив равишда нейтрал бўлган, жиноятчиларнинг унга муносабати мос бўлмаган.

Мисол келтирадиган бўлсак, 2007 йил 28 февраль куни фуқаро Т. таниши Б. ни ўзининг савдо дўконида унинг ножўя хатти-ҳаракатларга жавобан, пичоқ билан уриб тан жароҳати етказган.

Б. ўша куни дўконга кириб сотувчи таниши Т.ни ўзаро келишмовчилик юзасидан ура кетган, сўнг ташқарига чиқиб кетаётганда Т. орқадан келиб унга пичоқ билан тан жароҳати етказган. Суд ЖК нинг 105-моддаси 1-қисми кўллаб, жазо тайинлаган. Жазо тайинлашда жанжалли вазият ва жабрланувчининг виктим хулқини эътиборга олмаган.

Жабрланувчиларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни содир этиш қатъиятини юзага келтирувчи ҳаракатлар кўзгатувчи ёки охирини ўйламаслик (енгилтаклик) хусусиятида бўлиши мумкин.

Агар жабрланувчининг хулқ-атвори:

1) жабрланувчининг ҳаракатлари, жамият нуқтаи назаридан, салбий хусусиятга эга бўлган бўлса;

2) улар бевосита жиноятчиға қаратилган бўлса;

3) жабрланувчи ўз хулқ-атворининг айбдор шахс учун аламли, таҳқиромуз эканлигини англаган, аммо айбдорга нисбатан шундай муносабатни давом эттирган бўлса, бундай хулқ-атвор провокация, яъни кўзгатувчи хулқ деб айтиш мумкин.

Жиноятни вужудга келтирувчи ана шу белгиларга асосланиб, айбдор томонидан ўлдирилган жабрланувчи Г. нинг хулқ-атворини ҳам ифвогарона (провокацион), деб атаса бўлади. Чунки, жабрланувчи жазмани энди унга керак эмаслигини ва бошқа жазман топганлигини айтиб, жиғига тегади. Натижада Г. айбдор томонидан ўлдирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жиноят ишларини ўрганиш асосида жиноятлардан жабрланганларнинг ифвогарона хулқ-атворининг қанчалик кенг тарқалганлигини аниқлаш қийин. Чунки,

¹ Зокирова О.Ф. Рашк мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари. – Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 145.

жабр кўрганларнинг ўз қилмишларига бўлган муносабатини аниқлаш анча мураккабдир. Жабрланувчилар одатда ўз кўрсатувларида ўзларини оқлашга ҳаракат қиладилар, уларнинг ҳеч бири ўзи содир этган ҳаракатларининг қасддан қилинганлигини тан олмайди.

Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқишда жабрланувчининг жиноий қилмишига сабаб бўлган ҳаракатлари хусусиятини аниқлашда баъзан етарлича эътибор берилмаётган. Ваҳоланки, бу содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Жабрланувчининг жиноят содир этилган вазиятдаги ҳулқ-атвори айбдорнинг жиноий қасди шаклланишига нафақат таъсир кўрсатиши, балки шахснинг жиноий ниятини амалга оширишни енгиллаштирувчи вазиятни вужудга келтириши ҳам мумкин.

Масалан, биз ўрганган жиноят ишларининг 51,8 фоизида жабрланувчининг ўзини тийиб тура олмаслиги (айбдор шахс томонидан оғир ҳақоратларга жавобан) таъна, ҳақорат қилишлар, баъзан эса, зўрлик ишлатиб қилинган ҳаракатлар (кўп ҳолларда можарони тезлаштирган) таъсир кўрсатган, унинг ўзига хос кучайтиргичи бўлган ва жиноятчининг зўрлик ишлатишига ўтишини енгиллаштирган, 19% ожиз ҳолатда, 29,2 5 спиртли ичимлик ёки гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилган.

Виктимологияда жабрланувчиларни таснифлашга катта эътибор қаратилади. Таснифлаш ўзи жавоб бериши лозим бўлган мақсадларга қараб турли асосларда ўтказилади¹. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг жабрланувчилари ҳам белгиларига кўра, турлича кўринишларда таснифланади.

Жиноятчига нисбатан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: эр-хотинлари, бирга яшовчилар, рақиблар ва “ўзга шахслар” гуруҳи (жазманлар, дўстлар ва ҳоказолар).

Бундан ташқари, бир неча марта, вақти-вақти билан зўровон тажовузига дучор бўладиган “барқарор” ва жиноятдан фақат бир марта жабрланган “эпизодик” жабрдийдаларни фарқлаш керак.

Жабрланувчилар айбдорни жиноий жавобгарликка тортишга бўлган муносабатига кўра кечирмайдиганлар ва ҳамма нарсани кечирувчиларга ажратилади.

Хулоса қилиб айтиб ўтадиган бўлсак амалиёт материалларини таҳлил қилиш асосида, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятнинг жабрланувчисига айланиш эҳтимоли борлигини белгилловчи қуйидаги муҳим омилларни аниқлашга ҳаракат қилинди:

1) жабрланувчиларнинг ёш даражаси, ўз фикр ва мулоҳазаси ва хатти-ҳаракатлари ҳеч кимга тобе бўлмаслик, ҳулқ-атворида жумладан, ахлоқсизлик, жинсий алоқада енгилтаклик, бефарқлик ва бошқа шу сингари унга хос бўлган руҳий хусусиятларнинг мавжудлиги;

2) жабрланувчининг оиладаги мақоми: зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда эр-хотинига, бирга яшовчиларга (фарзандлар, ота-оналар ва

бошқалар) ва рақобат қилувчиларга нисбатан содир этилган; камдан-кам ҳолларда жазманлар, дустлар, унаштирилган қиз ёки йигит ва бошқалар жабрланувчи бўлганлар;

3) жабрланувчиларнинг касби билан боғлиқ фаолиятнинг хусусият, одамлар билан муносабат алоқада бўлиш зарурлиги;

4) спиртли ичимликларни муносабат истеъмол қилиш ва мастлик ҳолатида жиноят содир этиши (мастлик ўз қилмишларни вазиятга қараб назорат қилишни ва қаршилиқ кўрсата олиш қобилиятини сусайтиради);

5) ахлоқ, одобнинг етарлича ривожланмаганлиги (жинсий бузуқлик, турмуш маданиятининг энг оддий нормаларига риоя этмаслик);

6) қаршилиқ кўрсатишга ироданинг етишмаслиги ва ожиз аҳволда бўлганлиги каби хусусиятларни кўрсатиш мумкин.

Аннотация: ушбу илмий мақолада шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар жабрланувчисининг виктимологик таснифи, жабрланувчиларнинг турлари ва уларнинг ҳулқ-атвори билан боғлиқ масалалар баён этилган.

Калит сўзлар: шахсга қарши, зўрлик ишлатиб, жиноят, жабрланувчи, виктимология, таснифлаш, ҳулқ-атвор.

Аннотация: в данной статье изложена виктимологическая классификация потерпевших от преступлений против личности, совершенных с применением насилия, виды потерпевших, вопросы, связанные с их повинением.

Ключевые слова: против личности, с применением насилия, преступление, потерпевший, виктимология, классификация, поведение.

Annotation: this scientific article is about the victimology classification of victims in crimes against the person committed with violence, types of victims and questions related to their behavior.

Key words: against the person, committed with violence, a crime, the victim, victimology, classification, behaviour.

Адабиётлар рўйхати:

1. Шестаков Д.А. Семейная криминология. – СПб.,: Санкт-Петербургского университета, 1996.
2. Полубинский В.И., Ситковский А.Л. Теоретические и практические основы криминальной виктимологии: Монография.- М.: ВНИИ МВД России, 2006.
3. Ривман Д.В. Криминальная виктимология. – СПб.: Питер, 2002.
4. Ривман Д.В. Роль потерпевших от насильственных преступлений, совершенных в досуговой и производственной сферах. // Криминологические и уголовно-правовые борьбы с насильственной преступностью, 1999.
5. Минская В.С., Чечель Г.И. Виктимологические факторы и механизм преступного поведения. – Иркутск: Изд-во Иркутского университета, 1988.
6. Зокирова О.Ф. Рашк мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари. – Т.: ТДЮИ, 2004.
7. Франк Л.В. Потерпевшие от преступления и проблемы советской виктимологии. – Душанбе, 1977.

¹ Франк Л.В. Потерпевшие от преступления и проблемы советской виктимологии. – Душанбе, 1977. – 82-90 с.; Полубинский В.И. Криминальная виктимология. Что это такое? – М., 1977. – С. 42.; Квашиш В.В. Основы виктимологии. – М., 1999. – С. 64.

Д.Қурбонов
ТДЮУ мустақил изланувчиси

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ШАХСНИНГ ОЗОДЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Хорижий мамлакатларда шахснинг озодлигига қарши жиноятларнинг умумий таҳлили, уларга қарши курашиш борасидаги фаолиятнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш, мазкур мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасидан самарали фойдаланиш, уни миллий жиноят қонунчилигимизга имплементация қилиш имконини беради.

Шахснинг озодлигига тажовуз қилганлик учун жавобгарлик белгиловчи нормалар 1810 йилги Франция ЖК “Шахсга қарши жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар” деб номланган иккинчи бўлимининг II бобидан ўрин олган. Кодекснинг 341-моддасида шундай дейилади: “Маъмурлар буйруғисиз ва қонунда айбланувчиларни ушлаш амр этилган ҳоллардан ташқари, бирон-бир шахсни қамоққа олган, ҳибсда ушлаган ёки озодликдан маҳрум қилганлар муддатли қаторга ишлари билан жазоланадилар”¹. Узоқ муддат давомида ғайриқонуний қамоқда сақлаш ва ҳибсда ушлаш жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилган. Агар ҳибсда ёки қамоқда сақлаш бир ойдан ортиқ давом этган бўлса, айбдорга жазо тариқасида умрбод қаторга ишлари тайинланган (342-модда), қамоққа олиш сохта ном ёки сохта буйруқдан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ёки жабрланувчига зўрлик ишлатилган ёхуд у ўлдириб билан қўрқитилган бўлса, айбдор ўлим жазосига ҳукм қилинган (344-модда). ЖК 343-моддасида айбдорнинг жабрланувчини ўн кунлик муддатдан сўнг озодликка чиқарганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобланиб, икки йилдан беш йилгача турма қамоғи тайинлаш назарда тутилган.

“Конституциявий ҳартияга қарши жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар” бобида мансабдор шахслар томонидан шахснинг озодлигига тажовуз қилувчи ҳаракатлар учун жавобгарлик назарда тутилган: “Мансабдор шахс, агент, ҳукумат вакили шахснинг озодлигига тажовуз қилувчи ҳаракат содир этган бўлса, фуқаролик деградациясига ҳукм этилади” (114-модда).

1994 йил 1 мартдан бошлаб Францияда 1992 йилда қабул қилинган янги Жиноят кодекси амал қилмоқда. У Францияда 180 йилдан кўпроқ муддат мобайнида амалда бўлган 1810 йилги “классик” Наполеон кодекси ўрнига қабул қилинган. Франциянинг янги ЖКда инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи ва озодлиги жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган устувор объектлар ҳисобланади. Эски ЖКда давлат тузумини қўриқлаш биринчи даражали вазифа сифатида эътироф этилган эди.

1992 йилги Франция ЖК 224¹-моддасида “қонуний ҳокимият органларининг амрномасисиз ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари шахсни қамоққа олиш, ўғирлаш, ҳибсда сақлаш ёки ғайриқонуний ушлаб туриш” учун жавобгарлик белгиланган². Қонунда айбни оғирлаштирувчи ва

енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳам назарда тутилган. Биринчи гуруҳга 224¹–224⁵-моддалар: оғир оқибатлар (майиб бўлиш, сурункали касалликка чалиниш ёки одам ўлими)га сабаб бўлиш; жиноятнинг уюшган гуруҳ томонидан ёки бир неча шахсларга нисбатан содир қилиниши; мазкур қилмишларнинг 15 ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилиши; ҳуқуқбузарлик ёки жиноятга тайёргарлик қўриш ёхуд уни содир этилишининг енгиллаштириш мақсадида; жиноят ёки ҳуқуқбузарликнинг бажарувчиси ёхуд иштирокчисининг қочиб кетишига қўмаклашиш ёки унинг жазосиз қолишини таъминлаш учун; товон пули олиш ёки бошқа ҳар қандай шарт бажарилшига эришиш мақсадида содир этиш қиради³. Айбни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қонунда ўз қилмишига амалда пушаймон бўлиш назарда тутилган. Агар жабрланувчи ушланганидан ёки ғайриқонуний тарзда озодликдан маҳрум қилинганидан сўнг 7 кун муддат ичида қўйиб юборилган ва жабрланувчининг жисмоний дахлсизлигига зарар етказилмаган, шунингдек, унга нисбатан қийноқлар ёки бошқа шафқатсиз ҳаракатлар қўлланилмаган бўлса, жазо енгиллаштирилади.

Одамларни қул қилиш ҳамда одам ўғирлаш, агар у одам йўқолишига олиб келган бўлса, бундай қилмиш Франция ЖКда инсонийликка қарши жиноят сифатида баҳоланган. Шунинг қайд этиш лозимки, шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш (Ўзбекистон Республикаси ЖК 245-моддаси) Франция ЖКда мустақил жиноят таркиби сифатида назарда тутилмаган. Бинобарин, бундай ҳаракатлар товон пули олиш ёки бошқа турдаги шартнинг бажарилшига эришиш мақсадида одамни ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш сифатида квалификация қилинади.

1871 йилги Германия Жиноят тузугининг 18-бўлими шахснинг озодлигига қарши жиноятларга бағишланган бўлиб, ундаги нормалар асосида шахснинг озодлигига қарши жиноятларни тўрт турга ажратишимиз мумкин: 1) одам ўғирлаш; 2) ғайриқонуний равишда қамоққа олиш, ҳибсда сақлаш; 3) мажбурлаш; 4) қўрқитиш.

Германия ва бошқа хорижий давлатлар жиноят қонунчилигидаги шахсий озодликка қарши жиноятларнинг ўхшаш таркибларини таққослаш Германия ЖК нисбатан либерал хусусиятга эга, деган хулосага келиш имконини беради. 1845 йилги Жиноят тузугида қўрқитиш учун, қўрқитишнинг мазмунига қараб, фуқаролик ҳолати барча ҳуқуқларидан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ва 4 йилдан 6 йилгача қаторга ишлари назарда тутилган бўлса, 1871 йилги Германия империясининг Жиноят тузугига кўра, бошқа одамни бирон-бир жиноят содир этиш билан қўрқитиш учун айбдорга 6 ойгача турма қамоғи тайинланган ёки унга 10 талергача, яъни 300 маркагача миқдорда жарима солинган (241-§)⁴.

Тузуқда оддий одам ўғирлаш, болаларни ўғирлаш, жабрланувчининг розилиги билан ёки бундай розиликсиз аёлларни ўғирлаш учун дифференциация

¹ Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Новое и новейшее время. – М., 2000. – С. 389.

² Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Новое и новейшее время. – М., 2000. – С. 403.

³ Крылова Н.Е. Основные черты нового уголовного кодекса Франции. – М., 1996. – С. 93–94.

⁴ Таганцев Н.С. Русское уголовное право. Лекции. Часть особенная. – СПб., 1883. – С. 172.; Уголовное уложение для Северо-Германского союза. – СПб., 1871. – С. 52.

қилинган жиноий жавобгарлик назарда тутилган (234–237-§)¹.

ГФРнинг амалдаги ЖК 1871 йилги ЖКнинг такомиллаштирилган кўриниши ҳисобланади. Унда Германия империясининг Жиноят тузугида белгиланган қонун билан қўриқланадиган объектларнинг кетма-кетлик тизими, айрим ҳолатларни инобатга олмаганда, ўзгаришсиз қолган. Немис ҳуқуқшунослари бу ҳол давлат манфаатларини қўриқлаш шахс манфаатларини ҳимоя қилишдан устун қўйилишини англатмаслигини бир овоздан қайд этадилар².

ЖКнинг “шахснинг озодлигига қарши жиноятлар” деб номланган 18-бобининг тузилиши Кодекс қабул қилинган даврга бориб тақалади, лекин кейинчалик унга кўп сонли ўзгартиришлар киритилган. А.Э.Жалинский қайд этишича, ГФР ЖК ва жиноят қонунчилиги ислоҳоти умуман олганда ҳам доимий, ҳам чексиз кўриниш касб этади³. Германия ЖК бўйича бундай жиноятлар жумласига, 2005 йил 11 февралдаги “Жиноят ҳуқуқига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги Қонун билан киритилган охириги ўзгартишларни ҳисобга олганда, қуйидагилар киради: одам ўғирлаш (234-§); одамларни зўрлик ишлатиб бир жойдан бошқа жойга кўчириш (234а-§); вояга етмаганларни ўғирлаш (235-§); болалар билан савдо қилиш (236-§); ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (239-§); бошқа одамни товламачилик мақсадида зўрлик ишлатиб ўғирлаш (239а-§); шахсларни гаров сифатида тутқунликка олиш (239б-§); мажбурлаш (240-§); бошқа одамни унга нисбатан жиноят содир этиш билан қўрқитиш (241-§); сиёсий мотивларга кўра гумон остига олиш (241а-§).

“Ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш”ни шахсий озодликка қарши жиноятларнинг типик таркиби деб ҳисоблаш одат тусини олган⁴. Бу норма 1998 йил 26 январда қабул қилинган “Жиноят ҳуқуқини ислоҳ қилиш тўғрисида”ги Қонун билан ўзгартирилган ва ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилишга суиқасд учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги новелла (239-§.нинг иккинчи хатбошиси) билан тўлдирилган. Қуйидагилар айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобланади: ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш бир ҳафтадан орტიқ давом этиши ёки соғлиққа оғир шикаст етказиш (239-§.нинг учинчи хатбошиси); ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлиши (239-§.нинг тўртинчи хатбошиси).

Мазкур Қонунга биноан Кодекснинг 235-§ (вояга етмаган шахсни ўғирлаш)га ҳам ўзгартириш киритилган. Бунда қонун чиқарувчи мазкур жиноятни содир этиш усули жиноят таркибининг зарурий элементи ҳисобланишидан, модданинг эски таҳрири бўйича чақалоқларни ўғирлаш жиноят қонунининг амал қилиши доирасидан четда қолгани, чунки уларга нисбатан алдаш ёки қўрқитишни қўллаш мумкин

эмаслигидан келиб чиққан⁵. Аёлни унинг розилиги билан ўғирлаш (236-§) “Жиноят ҳуқуқини ислоҳ қилиш тўғрисида”ги Қонунга биноан, ГФР ЖКдан чиқариб ташланган ва унинг ўрнига болалар билан савдо қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи норма киритилган⁶. Мазкур параграф жиноятнинг бир нечта муқобил таркибларини ўз ичига олади: болага васийлик қилиш ва уни тарбиялаш мажбуриятини бажаришга бепарволик билан ёндашиш; 18 ёшга тўлмаган шахсни ғайриқонуний равишда фарзандликка олишга кўмаклашиш ёки 18 ёшга тўлмаган шахсни ғайриқонуний равишда фарзандликка олишда ғаразғўйлик ниятларида воситачилик фаолиятини амалга ошириш. Мазкур жиноятнинг айбни оғирлаштирувчи ҳолатлари сифатида ғаразғўйлик мотиви ҳамда боланинг жисмоний ва маънавий ривожланишига жиддий зиён етказиш хавфи назарда тутилган (236-§.нинг тўртинчи хатбошиси)⁷.

Германиянинг эски ва ҳозирда амалда бўлган жиноят қонунлари таҳлили ГФР ЖК Германия Жиноят тузугида назарда тутилган одам ўғирлаш (234-§) ва мажбурлаш (240-§) учун жавобгарлик белгиловчи нормалар деярли бир хиллигини, фақат модда ва санкция таҳрири ўзгартирилганини кўрсатади. Масалан, Германия Жиноят тузугининг 234-§ да “шахсни ожиз аҳволда қолдириш ёки қул қилиб сотиш ёхуд чет эл ҳарбий денгиз хизматида пуллаш мақсадида олиб қочиш одамларни ўғирлаш сифатида қамоқ уйига жойлаштириш”га ҳукм қилинган бўлса⁸, ГФР ЖКда шунга ўхшаш жиноят учун бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Бирон-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш Жиноят тузугига кўра бир йилгача турма қамоғи ва икки юз талергача жарима билан жазоланган⁹. ГФР ЖКда эса айни шу ҳаракатлар учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима назарда тутилган.

1886 йилги **Голландия** Жиноят кодекси ҳам юқорида номи келтирилган ЖКга кўрсатилганга ўхшаш тузилишга эга. Шахснинг озодлигига қарши жиноятлар тизими бўйича давлат тузуми ва жамоат тартибига қарши жиноятлардан кейин жойлаштирилган (ЖК XVIII бўлими). Кўриб чиқилаётган жиноят қонунининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, қулфурушликка ёрдамлашганлик учун қул савдосига нисбатан анча оғир жазо тайинланади (274, 276–277-моддаларга мувофиқ 8 йилгача турма қамоғи; қул савдосида иштирок этганлик учун эса 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган). Агар ёрдамчи ўз кемасидан қулфурушлик мақсадларида фойдаланилаётганидан хабардор бўлган кема капитани бўлса, унинг айби қул савдоси билан бевосита шуғулланаётган шахснинг айби билан тенглаштирилади (275-модда)¹⁰. Кодексда вояга

¹ Уголовное уложение для Северо-Германского союза. – СПб., 1871. – С. 50–51.

² Уголовное право зарубежных государств. Особенная часть // Под ред. И.Д.Козочкина. – М., 2004. – С. 308, 312.

³ Жалинский А.Э. Современное немецкое уголовное право. – М., 2006. – С. 81.

⁴ Серебренникова А.В. Основные черты Уголовного кодекса ФРГ. – М., 1999. – С. 73.

⁵ Уголовное право зарубежных государств. Особенная часть // Под ред. И.Д.Козочкина. – М., 2004. – С. 347.

⁶ Серебренникова А.В. Основные черты Уголовного кодекса ФРГ. – М., 1999. – С. 74.

⁷ Жалинский А.Э. Современное немецкое уголовное право. – М., 2006. – С. 397.

⁸ Уголовное уложение для Северо-Германского союза. – СПб., 1871. – С. 50.; Уголовное право ФРГ. – М., 1981. – С. 80.; Уголовное право зарубежных государств. Особенная часть // Под ред. И.Д.Козочкина. – М., 2004. – С. 346.

⁹ Уголовное уложение для Северо-Германского союза. – СПб., 1871. – С. 50.

¹⁰ Уголовный кодекс Голландии / Пер. И.В.Мироновой. Науч. ред. Б.В.Волженкин. – СПб.–М., 2001. – С. 375.

етмаганларни ўғирлаш (279–280-моддалар) ва аёлларни ўғирлаш (281-модда) учун жавобгарлик дифференциация қилинган. Бунда аёлни ўғирлашда мазкур ҳаракатнинг махсус мақсадига ишора қилинади: “уни никоҳ йўли билан ёки никоҳдан ташқарида эгаллаш”. Голландия ЖКнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда эҳтиётсизлик орқасида озодликдан маҳрум қилиш учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган (283-модда).

Агар, Германия ва Голландия ЖКларини Ўзбекистон ЖК билан қиёслайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган шахсни ўғирлаш одам ўғирлашнинг жазони оғирлаштирувчи ҳолати сифатида берилган (ЖК 137-моддаси 2-қисми “а”банди). Шунингдек, мамлакатимизда аёлларни ўғирлаш шаклидаги жиноят таркиби ҳам дифференциация қилинган бўлиб, ЖК 136-моддасида жавобгарлик назарда тутилган, яъни аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғирлаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиланган. Аммо, Ўзбекистон Республикаси ЖКда шахснинг озодлигига қарши жиноятлар ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилишнинг муддатларига қараб дифференциация қилинмаган.

Швеция ЖКнинг шахснинг озодлигини ҳимоя қилишга қаратилган нормалари ҳам диққатга сазовордир. Швеция ЖК 1962 йилдан бери амалда бўлиб, Махсус қисмининг тузилиши “классик” кўринишга эга: шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш унда биринчи ўринга қўйилган. Мазкур қонунда одам ўғирлаш ва ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш алоҳида ажратилган. Ўзбекистон Республикаси ЖКда бу икки жиноятни бир-биридан фарқлаш имконини берувчи асосий белги жиноятни содир этиш усули ҳисобланса, Швеция ЖК бўйича мазкур жиноий ҳаракатларни одам ўғирлаш сифатида квалификация қилиш учун махсус мақсадлар, яъни “шахсга тан жароҳат етказиш ёки соғлигига шикаст етказиш ёхуд уни ишлашга мажбурлаш ёхуд товламачилик мақсади”¹ мавжуд бўлиши керак. Бирон-бир шахсни ўғирлаш, тутқунликда сақлаш ёки бошқача йўл билан озодликдан маҳрум қилиш ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш деб эътироф этилади (4-бобнинг 2-моддаси).

Шахснинг озодлигига қарши жиноятларга бағишланган бобда “шахсни кўнгилсиз аҳволга солиб қўйиш” тўғрисида ва “ғайриқонуний мажбурлаш” тўғрисида нормалар ҳам мавжуд. Ғайриқонуний мажбурлаш деганда, бошқа шахсни бирор ҳаракатни бажариш, бўйсунуш ёки бирор ҳаракатни бажаришдан ўзини тийишга мажбурлашга қаратилган ҳаракатлар тушунилади (4-бобнинг 4-моддаси). Бошқа одамни ғайриқонуний мажбурлаш ёки алдаш йўли билан ҳарбий хизматга кириш ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланишга мажбур этган ёки бошқа шунга ўхшаш чеклов ҳолатига солиб қўйган ёхуд бошқа одамни чет элга у хавф остида қолиши, таъқиб остига олиниши мумкин бўлган бирон-бир жойга жўнашга ёки у ерда қолишга даъват этган ёхуд вақтинчалик жинсий алоқалар қилишга мажбур этган ёки бошқача тарзда ҳалокатли аҳволга солиб қўйган шахс бошқа одамни кўнгилсиз аҳволга солиб қўйганлик учун бир йилдан ўн

йилгача муддатга турма қамоғига ҳукм қилиниши лозим (4-бобнинг 3-моддаси).

Швейцариянинг амалдаги ЖКнинг 4-боби (“Шахсий озодликка қарши ҳаракатлар”)² шахс озодлигини ҳимоя қилишга бағишланган бўлиб, унга мувофиқ, бошқа шахсни қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки қамоқда сақлаш ёхуд бошқача йўл билан ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (182-моддаси) деб баҳоланади. ЖК 182-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, мазкур жиноят таркибининг жазони оғирлаштирувчи ҳолатларига қўйидагилар киради: 1) жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан бузуқ ҳаракатларни бажариш мақсадида содир этилган ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш; 2) жабрланувчини руҳий касалликка чалинган деган ёлғон баҳонадан фойдаланилган ҳолда ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш; 3) муддати бир ойдан ортиқ бўлган ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш.

Швейцария ЖКнинг “Аёллар ва вояга етмаганлар билан савдо қилиш” деб номланган 202-моддасида жинсий эҳтиёжни қондириш мақсадида аёллар ва болаларни ёллаш, жалб қилиш ёки йўлдан оздириш учун жавобгарлик назарда тутилган.

1998 йилда қабул қилинган **Латвия Республикасининг** Жиноят қонунида, 1992 йилги ЖКдан фарқли равишда, шахснинг озодлигига қарши жиноятларга “Одам ўғирлаш” деб номланган янги норма (153-модда) киритилган. Одам ўғирлаш деганда, “ўч олиш мақсадида, ғаразғўйлик ниятларида ёки товламачилик мақсадларини кўзлаб, шахсни зўрлик ишлатиш, кўрқитиш ёки алдаш йўли билан тутқунликка олиш” тушунилади. Бундан ташқари, ЖК 152-моддасида ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш тушунчасига таъриф берилган: ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш – бу шахснинг ўз жойини эркин белгилаш имкониятидан маҳрум қиладиган қонунга хилоф ҳаракат³. ЖК 152–153-моддаларида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида мазкур ҳаракатларни такроран содир этиш ёки оғир оқибатларнинг юз бериши назарда тутилган. Ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш учун жавобгарликни оғирлаштирадиган қўшимча ҳолатлар сифатида мазкур ҳаракатларни жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли усулда ёки уни жисмоний азоб-уқубатларга гирифтор қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этиш ҳамда шахсни бир ҳафтадан ортиқ муддат ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ЖК “Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш” деб номланган 245-моддаси жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар тўғрисидаги бобга жойлаштирилган бўлса, Латвия Республикасининг ЖКда мазкур қилмиш шахснинг озодлигига қарши жиноят сифатида қаралади. Латвия Республикаси ЖК 154-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖК 245-моддасининг таҳрирлари деярли мос келади, фақат Латвия қонунида қилмишнинг объектив томони айбдор томонидан мазкур шахсни ўлдирish, унга тан жароҳатлари етказиш ёки уни бундан буён ҳам ушлаб

² Уголовный кодекс Швейцарии. – М., 2000. С. – 125.

³ Уголовный закон Латвийской Республики // Научн. ред. и адаптированный перевод с латвийского языка А.И.Лукашева, Э.А.Саркисовой. – Минск, 1999. – С. 12, 93.

¹ Уголовный кодекс Швеции // Перевод с англ. яз. С.С.Беляева. – М., 2000. – С. 17.

туриш билан қўрқитиш мавжуд бўлиши зарурлиги билан тўлдирилган. Қонуннинг 155-моддасида психиатрия касалхонасига ғайриқонуний равишда жойлаштирилганлик учун икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқ ёхуд муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ бараваригача миқдорда жарима тариқасидаги жазо белгиланган.

Шундай қилиб, юқорида биз тўхталиб ўтган мамлакатларнинг жиноят қонунларидаги инсоннинг шахсий озодлигига қарши жиноятлар тўғрисидаги нормаларни таҳлил қилиш асосида миллий қонуниимизга:

биринчидан, қонунда ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш учун бундай маҳрум қилишнинг муддатларига қараб, жиноий жавобгарликни дифференциация қилиш (масалан, 1992 йилги Франция ЖК ва 1998 йил 15 ноябрь таҳриридаги 1871 йилги Германия ЖК – шундай қоида Ўзбекистон Республикаси ЖКга киритилиши лозим, деб ҳисоблаймиз);

иккинчидан, жиноят қонунда “одам ўғирлаш”, “ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш” ҳамда инсон шахсий озодлигига қарши бошқа тажовузларнинг тўлиқ ва аниқ таърифларини мустақамлаш (1998 йилги Латвия Республикасининг Жиноят қонуни) мақсадга мувофиқ бўлади.

Аннотация: мазкур мақола айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида шахснинг озодлигига қарши жиноятлар учун жавобгарлик масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: жиноят, жиноий жавобгарлик, жазо, озодлик, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш.

Аннотация: данная статья посвящена вопросам уголовной ответственности за преступления против свободы в уголовных законах некоторых зарубежных стран.

Ключевые слова: преступление, уголовная ответственность, наказание, свобода, арест, лишение свободы.

Annotation: This article focuses on issues of criminal responsibility for crimes against freedom in criminal laws of some foreign countries.

Key words: crime, criminal responsibility, punishment, freedom, arrest, imprisonment.

Адабиётлар рўйхати:

1. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Новое и новейшее время. – М., 2000.
2. Крылова Н.Е. Основные черты нового уголовного кодекса Франции. – М., 1996.
3. Уголовное уложение для Северо-Германского союза. – СПб., 1871.
4. Уголовное право зарубежных государств. Особенная часть // Под ред. И.Д.Козочкина. – М., 2004.
5. Жалинский А.Э. Современное немецкое уголовное право. – М., 2006.

И.Рустамбеков

юридик фанлари номзоди, доцент

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Электрон тижорат муносабатлари глобал характерга эга бўлган Интернет тармоғи орқали амалга оширилиши, мазкур муносабатлар халқаро даражада мавжуд бўлиши, бу эса ўз навбатида мазкур муносабатларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниш талаби мавжудлигини кўрсатади. Электрон тижоратни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишда халқаро ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, электрон тижорат муомаласини тартибга солиш масалалари кўпгина ҳукуматлараро ва ноҳукумат халқаро ташкилотлари томонидан муҳокама қилинади. Хусусан, мазкур масалалар ЮНСИТРАЛ, БМТ, ЮНКТАД, ИМБТ, ИКАО, БСТ, ИХРТ доирасида муҳокама қилинган. Электрон тижорат масалалари билан бир қатор минтақавий халқаро ташкилотлар, авваламбор, электрон тижоратни минтақавий даражада тартибга солишда айниқса катта муваффақиятларга эришган Европа Иттифоқи¹, Араб Давлатлари Лигаси ва НАФТА ҳам шуғулланади.

Электрон тижорат масалалари айрим ноҳукумат ташкилотлари, хусусан, МТП, ММК, МСЖД, ИАТанинг қизиқишлари доирасига ҳам киритилган. Ахборот ҳуқуқи ва электрон тижорат муаммоларининг мураккаблиги ва ранг-баранглиги сўнгги йилларда уларни ечиш билан махсус шуғулланадиган бир қатор ноҳукумат ташкилотлари тузилишига сабаб бўлди: Европа электрон хабарлар бўйича уюшмаси, Интернет ҳуқуқи ва сиёсат форуми (Internet Law and Policy Forum, ILPF), Глобал ахборот инфратузилмаси бўйича форум (Forum for the Global Information Infrastructure, GIIC)², Ахборот технологиялари ва хизматлари бўйича Бутунжаҳон альянс (World Information Technology and Services Alliance, WITSA)³.

Аммо электрон тижоратни тартибга солишга дахлдор органлар ва ташкилотларнинг кўплиги ижобий жиҳатлар билан бир қаторда, салбий томонларга ҳам эга. Бугунги кунда уларнинг иши ҳатто муаммонинг умумий жиҳатлари бўйича ҳам мувофиқлаштирилмайди, халқаро ташкилотлар фаолиятида баъзан бир-бирини тақроқлаш қузатилади. Кўпгина халқаро ташкилотлар электрон тижоратнинг у ёки бу жиҳатларини ўз фаолияти предметига татбиқан кўриб чиқаётганда, хусусий масалаларга ҳам муурожаат этади ва бу электрон тижоратни тушунишда келишувга эришишга монелик қилади. Ваҳоланки, айниқса, тегишли ҳуқуқий базани яратиш йўллари ва воситалари хусусида бундай келишувга эришиш зарур.

Электрон тижорат жорий этилиши муносабати билан аниқлик киритилиши лозим бўлган ҳужжатлар қаторига энг аввало қуйидаги халқаро шартномалар кирради: 1924 йилги Коносамент тўғрисидаги айрим

¹ ЮНСИТРАЛ, ЕИК, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳужжатлари асосида ЕИ тижорат фаолиятининг янги технологияларидан фойдаланиш қоидаларини белгилайдиган бир қатор норматив ҳужжатларни ишлаб чиқди ва қабул қилди. Бугунги кунда электрон тижоратнинг турли жиҳатларини тартибга солувчи ўндан зиёд директивалар қабул қилинган.

² <http://www.giic.org>

³ <http://www.witsa.org>

қоидаларни бир хиллаштириш тўғрисида Халқаро конвенция (1968 йилги Коносамент тўғрисидаги айрим қоидаларни бир хиллаштириш тўғрисида Халқаро конвенцияни ўзгартириш ҳақидаги Протокол билан тасдиқланган таҳрирда), 1978 йилги Юкларни денгизда ташиш тўғрисидаги БМТ Конвенцияси, 1980 йилги Халқаро аралаш юкларни ташиш тўғрисидаги БМТ Конвенцияси, 1929 йилги Халқаро юкларни ҳавода ташишга тегишли айрим қоидаларни бир хиллаштириш тўғрисида Варшава конвенцияси (1955 йилги Варшава конвенциясини ўзгартириш тўғрисидаги Гаага протоколи таҳририда), 1929 йил 12 октябрда Варшавада имзоланган ва 1955 йил 28 сентябрдаги Гаага протоколи билан тўлдирилган Халқаро юкларни ҳавода ташишга тегишли айрим қоидаларни бир хиллаштириш тўғрисидаги конвенцияни тўлдирувчи 4-сон Монреал протоколи, 1944 йилги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида конвенция (Чикаго конвенцияси), 1991 йилги Халқаро савдода транспорт терминаллари операторларининг жавобгарлиги тўғрисида БМТ Конвенцияси, 1989 йилги Халқаро юкларни йўлларда ташиш тўғрисида Америкалараро конвенция, 1956 йилги Халқаро юкларни йўлларда ташиш шартномаси (CMR) тўғрисида конвенция, 1987 йилги ЕИҲ ва ЕЭСУ аъзо-давлатлари ўртасида транзит умумий таомиллари тўғрисида конвенция, 1980 йилги Халқаро юкларни темир йўлда ташиш тўғрисида конвенция (COTIF/CIM), 1980 йилги Халқаро товарлар олди-сотди шартномалари тўғрисида БМТ Конвенцияси, 1988 йилги ЕИҲ ва ЕЭСУ аъзо-давлатлари ўртасида товарлар савдосида расмийчиликларни соддалаштириш тўғрисида конвенция, 1988 йилги Халқаро факторинг тўғрисида УНИДРУА конвенцияси, 1988 йилги Халқаро ўтказиладиган векселлар ва халқаро оддий векселлар тўғрисида БМТ Конвенцияси, 1995 йилги Мустақил кафолатлар ва захира аккредитивлар тўғрисида БМТ Конвенцияси, 1975 йилги ИРУ дафтарчасини қўллаган ҳолда халқаро юкларни ташиш тўғрисида божхона конвенцияси, 1982 йилги Чегарада юкларни назорат қилишни уйғунлаштириш тўғрисида халқаро конвенция, 1989 йилги Хавфли юкларни автомобиль, темир йўл ва ички сув транспортида ташишда етказилган зарар учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида конвенция, 1957 йилги Хавфли юкларни халқаро йўлларда ташиш тўғрисида Европа битими.

XX асрнинг сўнги чорагида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (UNCITRAL¹) ва Хусусий ҳуқуқни бир хиллаштириш халқаро институти (UNIDROIT²) савдони тартибга солувчи қонун ҳужжатларидаги фарқлар ва зиддиятлар билан белгиланган халқаро савдо учун тўсиқларни халқаро конвенцияларни ишлаб чиқиш йўли билан бартараф этиш мақсадида халқаро савдо ҳуқуқини бирхиллаштириш ва мувофиқлаштириш борасида фаолият олиб борди.

Ушбу машаққатли иш натижасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциялари (халқаро товарлар олди-сотди шартномалари тўғрисида, халқаро товарлар олди-сотдисида даъво муддатининг ўтиши тўғрисида, 1978 йилги юкларни денгизда ташиш тўғрисида (“Гамбург қоидалари”), халқаро савдода транспорт терминаллари операторларининг

жавобгарлиги тўғрисида, халқаро ўтказиладиган векселлар ва халқаро оддий векселлар тўғрисида, мустақил кафолатлар ва захира аккредитивлар тўғрисида), намунавий қонунлар (халқаро савдо арбитражи тўғрисида, халқаро кредит ўтказмалари тўғрисида, товарлар (ишлар) ва хизматларни харид қилиш тўғрисида), UNCITRAL Арбитраж регламенти, UNCITRAL Ярашув регламенти ва ҳуқуқий қўлланмалар (қурилиш учун халқаро контрактлар тузиш, муқобил савдо битимлари ва маблағлар электрон ўтказмаси бўйича) қабул қилинди³.

Яқин вақтгача электрон тижорат соҳасида халқаро ҳуқуқий тартибга солишни қамраб олган UNCITRAL асосий ҳужжатлари 1996 йилги Электрон тижорат тўғрисидаги Намунавий қонун⁴ ва 2000 йилги Электрон имзолар тўғрисидаги Намунавий қонун⁵ ҳисобланади.

Анаънавий тижоратдан ностандарт шаклга ўтиш жараёнига халқаро ташкилотларнинг жиддий муносабатини 1984 йилда UNCITRAL ўн еттинчи сессиясида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг “Маълумотларга автоматик ишлов беришнинг ҳуқуқий жиҳатлари” деб номланган маърузаси кўриб чиқилгани ҳам тасдиқлайди. Унда ЭҲМ ёзувларининг юридик қиммати, ёзма шакл талаби, ҳақиқийликни тасдиқлаш, умумий шартлар, жавобгарлик ва коносаментлар билан боғлиқ айрим ҳуқуқий муаммолар белгиланди. Комиссия Европа иқтисодий комиссияси ҳомийлигида иш олиб бораётган Халқаро савдо таомилларини соддалаштириш маркази (CEFACT)⁶ ва бошқарув, савдо ва транспортда электрон маълумотларни айирбошлаш тизимини ишлаб чиқиш (EDIFACT)⁷ учун жавоб берувчи Савдо ва тараққиёт бўйича БМТ Конференцияси (UNCTAD)⁸ маърузасини маълумот учун қабул қилди.

UNCITRAL 1996 йил 12 июнда ўзининг йигирма тўққизинчи сессиясида Электрон тижорат тўғрисидаги Намунавий қонун лойиҳасини таҳрир гуруҳи томонидан унга киритилган ўзгартиришлар билан бирга кўриб чиқиб, Намунавий қонунни ва уни қабул қилиш бўйича Қўлланмани якунловчи кўринишда қабул қилди. Мазкур Намунавий қонун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1996 йил 16 декабрдаги A/51/628-сон Резолюцияси билан тасдиқланди.

Шундай қилиб, 1996 йилги UNCITRAL Электрон тижорат тўғрисидаги Намунавий қонуни 1996 йилнинг энг кутилган ҳуқуқий ҳужжати бўлди, десак, асло муболаға қилмаган бўламиз. У қабул қилингунга қадар ўн икки йил давомида (1984 йилдан 1996 йилгача) тайёргарлик ишлари амалга оширилди, бу давр ичида UNCITRAL муҳокамасига ҳам тегишли қонун қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳларнинг, ҳам Котибиятнинг, ҳам юқорида қайд этилганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг маърузалари киритилди:

³ Қаранг: Руководство по принятию Типового закона UNCITRAL об электронной коммерции // www.garant.ru

⁴ UNCITRAL Электрон тижорат тўғрисида Намунавий қонуни (Model law on electronic commerce (MLEC))

⁵ UNCITRAL Электрон имзолар тўғрисида Намунавий қонуни (Model law on electronic signatures (MLES))

⁶ CEFACT — United Nations Centre for Trade Facilitation and Electronic Business

⁷ EDIFACT — Electronic data interchange for administration, commerce and transport

⁸ UNCTAD — United Nations Conference on Trade and Development

¹ UNCITRAL — United Nations Commission on International Trade Law.

² UNIDROIT — Institut International Pour L'Unification du Droit Prive (International Institute for the Unification of Private Law).

– “Маълумотларга автоматик ишлов беришнинг ҳуқуқий жиҳатлари” (1984 йил);

– “Компьютер ёзувларининг юридик қиммати” маърузаси (1985 йил);

– “Контрактларни электрон усулда тузишга доир ҳуқуқий масалалар бўйича дастлабки тадқиқот” маърузаси (1990 йил);

– “Электрон маълумотларни айирбошлаш” маърузаси (1991 йил);

– Электрон маълумотларни айирбошлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисидаги Намунавий қонун лойиҳаси (1994 йил).

А.С.Комаров қайд этганидек, “у замонавий коммуникация ва ахборотни сақлаш воситаларидан, хусусан электрон ахборот айирбошлаш, электрон почта ва факсимил алоқадан ҳам Интернет глобал тармоғи ёрдамида, ҳам усиз фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиши лозим эди. Намунавий қонун қоғоз шаклидаги ҳужжат айланишидан фойдаланувчи коммуникациялар концепциялари учун функционал эквивалентларни белгилайди, хусусан “ёзма шакл”, “имзо” ва “асл нусха” тушунчаларига таъриф беради”¹. Электрон хабарларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш имконини берадиган стандартлар биринчи марта шундай юқсак даражада мустаҳкамланди. Бу маълумотларни электрон айирбошлашни кенг тарқатиш учун зарур эди. Электрон тижоратни умумий норматив тартибга солишни белгилар экан, Намунавий қонун иқтисодий фаолиятнинг алоҳида соҳалари орасида фақат юкларни ташишни айтиб ўтади ва рўйхатни очиқ қолдиради. Намунавий қонун нормаларини манфаатдор давлатлар миллий қонунчиликка имплементация қилишларини енгиллаштириш учун UNCITRAL Намунавий қонунни қабул қилиш бўйича Қўлланмани ишлаб чиқди. Мазкур Қўлланмадан тегишли вазиятларда қонуннинг айрим қоидаларини шарҳлаш учун фойдаланилиши ҳам мумкин.

Электрон тижорат тўғрисидаги Намунавий қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида чиқарилган асосий хулосалардан бири куйидагича янграйди: ҳужжатларни қоғозда тузиш ёки имзолашга доир мажбурий талаблар халқаро савдода компьютерлар ва уларнинг ўртасидаги алоқа каналларидан фойдаланиш йўлида жиддий юридик тўсиқ ҳисобланади. Компьютерларда сақланаётган маълумотлардан суд муҳокамасида далил сифатида фойдаланиш эса, аксинча, бирон-бир мамлакатда жиддий ҳуқуқий муаммолар туғдирмайди.

Электрон тижорат тўғрисидаги Намунавий қонуннинг деярли барча моддалари мазкур қонунга қўшилаётган давлат томонидан белгиланган ҳолларда уларнинг моддаларини изоҳот билан қўллаш ва қўлламаслик имкониятини назарда тутди.

UNCITRALнинг электрон маълумотларни айирбошлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун мўлжалланган иккинчи асосий ҳужжати 2001 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 85-чи ялпи мажлисида қабул қилинган Электрон имзолар тўғрисидаги Намунавий қонун ҳисобланади. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат электрон имзолардан савдо фаолиятида фойдаланилган ҳолларда қўллаш учун мўлжалланган. Бунда савдо фаолияти, Электрон

тижорат тўғрисидаги Намунавий қонунда бўлганидек, ҳам шартномавий, ҳам шартномадан ташқари савдо муносабатларидан келиб чиқадиган барча масалаларни қамраб олиш учун мумкин қадар кенг талқин қилинади.

Электрон тижорат тўғрисидаги Намунавий қонун асосан электрон савдо “ахборот майдони” ва маълумотлар айирбошлашнинг ҳуқуқий режимини белгилашга бағишланган бўлса, Электрон имзолар тўғрисидаги Намунавий қонунда электрон имзони яратиш ҳуқуқий режими, узатилаётган маълумотларни имзолаш тартиби ва бунда иштирок этувчи шахсларнинг мақоми белгиланган.

Электрон имзолар тўғрисидаги Намунавий қонун мақсадлари учун электрон имзо тушунчасининг таърифи мустаҳкамланди, у узатилаётган маълумотларда ифодаланган, уларга илова қилинган ёки мантиқан улар билан боғланадиган ва маълумотлар узатилиши муносабати билан имзо кўювчини идентификация қилиш ва имзо кўювчи узатилаётган маълумотларда ифодаланган ахборотга рози эканлигини кўрсатиш учун қўлланилиши мумкин бўлган электрон шаклдаги маълумотлар сифатида тавсифланди.

Электрон рақамли имзо тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлган узатилаётган маълумотлар тушунчаси Электрон имзолар тўғрисидаги Намунавий қонунда келтирилган таъриф билан айнавий.

Электрон имзолар тўғрисидаги Намунавий қонунда сертификат, имзо кўювчи, сертификатлаштирилган хизматларни етказиб берувчи тушунчаларига ҳам таъриф берилган.

Электрон имзолар тўғрисидаги Намунавий қонун электрон имзоларни яратишнинг ҳар қандай усуллари учун тенг ҳуқуқий режимни белгилайди. Қўлланилаётган усулларнинг бирортаси ҳам истисно этилиши, чекланиши ёки юридик кучдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Бунда қўлланилган электрон имзо ундан фойдаланиш мақсади билан мос келаётган даражада ишончли бўлган ҳолда узатилаётган маълумотларга нисбатан шахс ўз қўли билан қўядиган имзога доир ҳар қандай талаб бажарилган деб ҳисобланади.

Электрон имзо куйидаги ҳолларда ундан фойдаланиш мақсади билан мос келаётган даражада ишончли ҳисобланади:

– электрон имзони яратиш учун маълумотлар улардан фойдаланиш нуқтаи назаридан фақат имзо кўювчи шахс билан боғлиқ бўлса, яъни имзо фақат ўз эгасини идентификация қилса;

– электрон имзони яратиш учун маълумотлар имзо кўйиш пайтида фақат имзо кўювчининг назорати остида турган бўлса;

– имзо кўйилгандан кейин электрон имзога киритилган ҳар қандай ўзгартиришни аниқлаш мумкин бўлса;

– имзо мавжудлигига қўйиладиган юридик талаб мақсадларидан бири у тегишли бўлган ахборотнинг яхлитлигини кафолатлашдан иборат бўлса, имзо кўйилгандан кейин ушбу ахборотга киритилган ҳар қандай ўзгартиришни аниқлаш мумкин бўлса.

Имзо кўювчи шахснинг бошқа далилларни тақдим этиш ёки электрон имзонинг ишончлилигини тасдиқлаш ёки рад этиш бошқа усулларидан фойдаланиш имкониятлари чекланмайди.

Электрон имзолар тўғрисидаги Намунавий қонуннинг айрим моддалари кўриб чиқилаётган

¹ Комаров А.С. Международная унификация правового регулирования внешнеэкономической деятельности // Законодательство. 1999. – №11.

муносабатларнинг имзо кўювчи ва сертификатлаштирилган хизматларни етказиб берувчи сингари иштирокчилари хулқ-атворини тартибга солади. Н.Дмитрик бу хусусда шундай деб ёзади: “Хуқуқ масалаларини ва технология масалаларини бирлаштириш муаммоси MLESда анъанавий усул билан ҳал этилган. Одатдаги, “қоғозли” хуқуқий муносабат, қоида тариқасида, икки томон-контрагентлар фаолияти билан боғлиқ бўлса, электрон имзони қўллаш билан боғлиқ ҳолда учинчи томон пайдо бўлиши мумкин. Бу томонлардан бири ёки иккаласининг талабига кўра имзони хужжатга имзо кўювчи сифатида кўрсатилган томон бажарганини тасдиқлай оладиган ишончга лойиқ шахс бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, учинчи томон техника масалаларини ҳал қилиши керак. MLESда у “сертификатлаштирувчи провайдер” (ёки “сертификатлаштирилган хизматларни етказиб берувчи”) (certification service provider) деб аталади¹. Бунда хуқуқий муносабатдаги шахслар сони амалда учтадан кам бўлиши ҳам, кўп бўлиши ҳам мумкин. Агар имзонинг ҳақиқийлигини олувчи томоннинг ўзи текшириши мумкин бўлса, улар иккита бўлиши; имзони текшириш функциялари бир нечта шахс ўртасида тақсимланган бўлса, тўртта ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин². Бунга шуни қўшимча қилиш мумкинки, электрон хуқуқий муносабатлар томонлари-контрагентлари ва сертификатлаштирувчи шахсдан ташқари, доим электр алоқа хизматларини кўрсатадиган шахс, яъни маълумотларни бир томондан бошқа томонга узатиш бўйича воситачи мавжуд бўлади.

Томонлар электрон имзолар ёки сертификатларнинг муайян турларидан фойдаланиш тўғрисида ўзаро келишган ҳолларда, бундай келишув трансчегаравий эътироф этиш мақсади учун етарли деб топилади, бундай келишув ҳақиқий бўлмаган ёки қўлланиладиган хуқуққа мувофиқ кучга эга бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Қайд этиб ўтилганидек, юқорида кўриб чиқилган хужжатлар умуммажбурий кучга эга эмас, уларнинг норматив-хуқуқий хусусияти қоидаларнинг тавсиявийлиги билан бирикади. Сўнги вақтгача кўриб чиқилаётган соҳада қўшилган давлатларнинг барчаси ижро этиши учун мажбурий бўлган тегишли даражадаги халқаро битимлар мавжуд эмас эди.

2005 йил 23 ноябрда Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси UNCITRAL томонидан ишлаб чиқилган Халқаро шартномаларда электрон хабарлардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияни³ қабул қилди. Унда юқорида келтирилган хужжатларнинг қоидалари ўз тасдиғини топди. Мазкур Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатлар имзолаши учун 2006 йил 16 январдан 2008 йил 16 январгача очиқ деб эълон қилинди. У Конвенцияни уч давлат имзолаган санадан эътиборан олти ойдан сўнг кучга киради.

¹ Бунда “сертификатлаштирилган хизматларни етказиб берувчи” атамасини қўллаш, бизнингча, ўринли бўлади, чунки “провайдер” атамасини аҳолининг аксарият қисми Интернетдан фойдаланиш имкониятини берувчи шахс билан боғлайди.

² Дмитрик Н. Интернационализация правового регулирования вопросов применения электронных подписей // <http://www.russianlaw.net/law/doc/al19.htm>

³ Қаранг: Конвенция ООН об использовании электронных сообщений в международных договорах // <http://www.ifaru/pr/2005/051128aa.htm>

Мазкур Конвенциянинг юқорида кўриб чиқилган хужжатлардан фарқи шундаки, у тижорат корхоналари турли давлатларда жойлашган томонлар ўртасида шартнома тузилиши ёки уни бажариш муносабати билан электрон хабарлардан фойдаланишга нисбатан қўлланилади. Бунда томонларнинг тижорат корхоналари турли давлатларда жойлашгани, шунингдек уларнинг давлатга мансублиги, фуқаролик ва савдо мақоми, шартноманинг фуқаролик ёки савдо мақоми эътиборга олинмайди. Шундай қилиб, Конвенция унга қўшилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси бўлган мамлакатларнинг барчаси учун электрон хабарларни қўллаш имконияти ва уларнинг тенг кучини белгилайди. Аммо Конвенция қоидалари қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

а) қуйидагиларга тегишли бўлган электрон хабарларга:

– шахсий, оилавий ёки рўзғор мақсадларида тузилган шартномаларга;

– фонд бозорида тартибга солинадиган битимларга;

– чет эл валютаси билан битимларга;

– банклараро тўлов тизимлари ва битимларига ёки қимматли қоғозлар ёхуд бошқа молиявий активлар ёки воситалар учун ҳисоб-китоб-клиринг тизимларига;

– воситачида сақланаётган қимматли қоғозлар ёки бошқа молиявий активлар ёкинчи воситалардаги таъминлаш хуқуқларини ўтказиш ёхуд уларни сотиш ёки қарз беришга ёкинчи уларга эгаллик қилишга ёхуд уларни қайтариб сотиш тўғрисидаги битимга;

б) ўтказиладиган ёки оддий векселларга, транспорт юкхатларига, коносаментларга, оմбор тилхатларига ёки тақдим этувчи ёки бенефициарга товарларни етказиб бериш ёки пул суммасини тўлашни талаб қилиш хуқуқини берадиган ҳар қандай айланма хужжатлар ёки воситаларга.

Конвенцияда битим томонлари ушбу Конвенциянинг қўлланишини истисно этишлари ёки унинг исталган қоидадан четга чиқишлари ёкинчи унинг амал қилишини ўзгартиришлари мумкинлиги ҳақидаги муҳим ва айни вақтда баҳсли қоида ҳам белгиланган. Давлатлар Конвенцияга қўшилаётганда эса бирон-бир изоҳотга йўл қўйилмайди.

Конвенция электрон хабарларнинг юридик кучини шак-шубҳасиз тан олади. Унга кўра, хабар ёки шартнома фақат улар электрон хабар шаклида тузилгани туфайли ҳақиқийлик ёки даъво кучидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Конвенция хабар ёки шартнома бирон-бир аниқ шаклда тузилиши ёки тасдиқланишини талаб қилмайди. Бундан ташқари, қонун хужжатлари хабар ёки шартномани ёзма шаклда тақдим этишни талаб қилган ёки ёзма шакл йўқлигида муайян оқибатлар келиб чиқишини назарда тутган ҳолларда, ушбу талаб электрон хабарни тақдим этиш йўли билан бажарилган деб ҳисобланади, башарти унда ифодаланган ахборот кейинчалик фойдаланиш учун очиқ бўлса.

Конвенция томонларнинг электрон хабарни имзолаш ёки уларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш усулини танлаш имкониятларини чекламайди. Қонун хужжатлари хабар ёки шартномани имзолашни талаб қилган ёки имзонинг йўқлиги муайян оқибатлар келиб чиқишини назарда тутган ҳолларда, ушбу талаб электрон хабарга нисбатан бажарилган ҳисобланади, башарти:

- имзо қўювчини идентификация қилиш ва унинг электрон хабардаги ахборотга нисбатан ниятини кўрсатиш учун бирон-бир усул қўлланилган бўлса;

- ушбу усул электрон хабарни тайёрлаш ёки узатиш мақсади учун ишончли бўлса ёки ўз-ўзича томонни идентификация қилса ва унинг унинг электрон хабардаги ахборотга нисбатан ниятига ишора қилса (Конвенциянинг 9-моддаси).

Қонун ҳужжатлари хабар ёки шартномани уларнинг ҳақиқий шаклида тақдим этишни талаб қилган ёки ҳақиқий шаклнинг йўқлиги муайян оқибатлар келиб чиқишини назарда тутган ҳолларда, ушбу талаб электрон хабарга нисбатан бажарилган ҳисобланади, башарти:

– у ўзининг яқуний шаклида электрон хабар кўринишида ёки бошқа бирон-бир кўринишда биринчи марта тайёрланган пайтдан бошлаб ундаги ахборотнинг яхлитлиги бузилмаганини тасдиқловчи ишончли далиллар мавжуд бўлса;

– ундаги ахборотни тақдим этиш талаб этилган ҳолда, мазкур ахборотни у тақдим этилиши лозим бўлган шахсга намоийш этиш мумкин бўлса.

Бунда яхлитлики баҳолаш мезони бўлиб ахборот тўлиқ ва ўзгаришсиз сақлангани хизмат қилади; талаб этиладиган ишончлилик даражаси ахборотни тайёрлаш мақсади ва барча тегишли ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда баҳоланади (Конвенциянинг 9-моддаси).

Конвенция электрон битимларни тузиш учун муҳим бўлган бошқа ҳолатларни, хусусан: электрон хабарларни юбориш ва олиш вақти, шартнома тузиш ҳақидаги таклифлар, шартнома тузиш учун хабарлар автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш, электрон хабарлардаги хатоларни ҳам тартибга солади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти норма ижодкорлиги фаолияти билан бир қаторда, электрон савдо соҳасида халқаро ҳуқуқни шакллантиришда Европа Иттифоқи ҳам фаол иштирок этмоқда. 1998 йилда у “Ички бозорда электрон савдонинг баъзи бир жиҳатлари тўғрисида” Директива қабул қилди. Ушбу Директиванинг асосий вазифаси Европа Иттифоқи аъзоси бўлган давлатлар ўртасида халқаро электрон тижорат лозим даражада фаолият кўрсатиши учун шароитларни таъминлашдир. ЮНСИТРАЛ Намунавий қонуни билан таққослаганда, мазкур Директива электрон савдо соҳасидаги кенг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни белгилайдиган анча катта ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳужжатда умумий қоидалардан ташқари, электрон савдонинг айрим жиҳатларини янада муфассал тартибга солувчи нормалар мажмуи ҳам мустаҳкамланган.

Электрон савдо соҳасида Европа ҳуқуқини шакллантирувчи яна бир муҳим ҳужжат 1999 йил декабрда қабул қилинган “Электрон имзолардан фойдаланиш учун Ҳамдўстликнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида”ги Директива ҳисобланади. Мазкур ҳужжат электрон имзолардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни айниқса тўлиқ тартибга солади. У Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатларга электрон савдони давлат томонидан тартибга солиш ишида пешқадамликни қўлга киритиш имконини берди. Бу қонун ҳужжатини қабул қилишнинг мақсади – Интернет орқали бизнес билан шуғулланишни таъминлаш.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи электрон тижоратни тартибга солишга қаратилган бошқа бир қатор ҳужжатларни ҳам қабул қилди. Уларнинг орасида “Электрон савдо тўғрисида”, “Масофадан туриб тузиладиган контрактлар борасида истеъмолчиларни ҳимоя қилиш тўғрисида” ва бошқа директивалар бор.

Электрон тижоратни бирхиллаштириш борасидаги фаолият билан наинки давлатлараро, балки нодавлат халқаро ташкилотлар ҳам шуғулланади. Аmmo бу борада улар анча пассив ва одатда соф техник функцияларни бажаради, масалан, ахборот тўплаш ва мавжуд нуқтаи назарларни умумлаштириш билан кифояланади.

Бундай ёндашув бугунги кунда ўринли эмас ва юзага келган ҳуқуқий вазият билан мос келмайди. Электрон тижоратнинг таркибий қисми ҳисобланадиган электрон пул ўтказиш (Electronic Funds Transfer ёки EFS) соҳасидаги муносабатларни самарали тартибга солувчи ташкилотлардан бири Бутунжаҳон банклараро телекоммуникациялар жамияти (SWIFT, SWIFT-BIC) ҳисобланади. SWIFT – Бельгия ҳуқуқи бўйича рўйхатдан ўтказилган матлубот жамият. Ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси – банк ва молиявий ахборотни ҳисоблаш техникаси воситалари негизида жадал узатиш¹. Visa International банк муассасалари уюшмаси жаҳоннинг икки юздан зиёд мамлакатда фаолият олиб боради. Бу уюшма битимларни амалга ошириш, шу жумладан фирибгарликдан ҳимоя қилиш ва низоларни ҳал этиш хизматларини «VisaNet» ахборот тизими воситасида кўрсатади². Мазкур ташкилотнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўз иш қоидаларини беллигайди ва шу тариқа уларга муносабатларнинг иштирокчилари учун мажбурий тус беради.

Шу нуқтаи назардан Америка Қўшма Штатларининг Интернет тармоғида адреслар маконини тақсимлаш бўйича корпорацияси (ICANN) фаолияти ҳам диққатга сазовор. Хусусан, С.В.Бахин фавқулодда вазият – домен номларини трансегаравий маконда рўйхатга олишга нисбатан миллий ташкилот монополиясини кўрсатиб ўтади³. Аmmo шуни қайд этиб ўтиш лозимки, Интернет тармоғи ўзининг ҳозирги қиёфасини касб этишида мазкур ташкилотнинг хизмати катта. Хусусан, ICANN ўзи қабул қилаётган қарорларнинг барчасини олдин турли мамлакатлардаги Интернет маконидан фойдаланувчилар, бизнес ва давлат идоралари билан муҳокама қилади. ICANN ҳужжатларининг муҳокамаси бугунги кунда турли шаклларда ўтказилади. Масалан, тасдиқлашдан олдин барча ҳужжатлар ташкилотнинг расмий сайтида шарҳлаш учун очиқ ҳолатда жойлаштирилади. Бундан ташқари, корпорация вақти-вақти билан халқаро конференциялар ўтказиши. Афсуски, ҳозирги босқичда тартибга солиш

¹ Қаранг: Бахин С.В. Влияние технологий на современное международное право // Современное международное частное право в России и Евросоюзе: монография. Книга первая / под ред. М.М. Богуславского, А.Г. Лисицына-Светлакова, А. Трунка. – М., 2013. – 128-б.

² Қаранг: Галенская Л.Н. Правовое регулирование международных картонных платёжных систем // Журнал международного частного права. 2012. – №1. – 5-б.

³ Қаранг: Бахин С.В. Влияние технологий на современное международное право // Современное международное частное право в России и Евросоюзе: монография. Книга первая / под ред. М.М. Богуславского, А.Г. Лисицына-Светлакова, А. Трунка. – М., 2013. – 130-б.

воситалари занжирида ўзини ўзи тартибга солиш эътибордан четда қолмоқда, лекин мазкур усул амалда энг фаол ҳисобланади. Бунда шуни тушуниш лозимки, ўзини ўзи тартибга солиш тармоқни тартибга солиш усулларидан бири сифатида ижтимоий зарурат билан эмас, балки виртуал макон архитектураси билан белгиланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, электрон савдо соҳасидаги муносабатлар миллий даражада ҳуқуқий тартибга солинишида давлат томонидан тартибга солиш усулининг пасайгани ҳамда халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш ва ўзини-ўзи тартибга солиш воситаларининг роли кучайгани аниқланди. Мазкур ҳолат хорижий давлатларда ва халқаро миқёсда электрон савдони ҳуқуқий тартибга солиш тажрибаси билан ҳам тасдиқланди. Бунда халқаро ҳужжатлар билан миллий қонун-ҳужжатлари нормаларини унификациялаш ҳамда ўзини-ўзи бошқариш тизимига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини намоён қилди.

Аннотация: Мақолада муаллиф томонидан электрон тижоратнинг халқаро миқёсда тартибга солиниши ва мазкур соҳага оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили амалга оширилган. Муаллиф мазкур соҳадаги халқаро ҳужжатларни танқидий жиҳатдан ўрганиб, ушбу ҳужжатларнинг электрон тижорат муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солишдаги аҳамиятини кўрсатган.

Калит сўзлар: электрон тижорат, электрон савдо, электрон рақамли имзо, халқаро ҳужжат, халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш.

Аннотация: В статье автор осуществил анализ международно-правового регулирования электронной коммерции и международно-правовых документов в данной сфере. Автор, проведя критическое изучение международных документов, показал их значение в регулировании электронной коммерции.

Ключевые слова: электронная коммерция, электронная торговля, электронная цифровая подпись, международный документ, международно-правовое регулирование.

Annotation: In article the author carried out the analysis of international legal regulation of electronic commerce and international legal documents in this sphere. The author carried out critical analyze of the international documents and showed their value in regulation of electronic commerce.

Key words: electronic commerce, electronic trading, digital signature, international document, international legal regulation.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бахин С.В. Влияние технологий на современное международное право // Современное международное частное право в России и Евросоюзе: монография. Книга первая / под ред. М.М. Богуславского, А.Г. Лисицына-Светлакова, А. Трунка. – М., 2013. – 128-б.

2. Галенская Л.Н. Правовое регулирование международных карточных платёжных систем // Журнал международного частного права. – №1. 2012. – 5-б.

3. Дмитрик Н. Интернационализация правового регулирования вопросов применения электронных подписей // <http://www.russianlaw.net/law/doc/al19.htm>

4. Комаров А.С. Международная унификация правового регулирования внешнеэкономической деятельности // Законодательство, 1999. – №11.

А.Н.Мухамеджанов
кандидат политических наук, УМЭД

ПОЛИТИКА КИТАЯ В СОВРЕМЕННЫХ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЯХ В ЮЖНОЙ И ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

В настоящее время, осуществляя свою внешнюю политику в отношении Южной и Центральной Азии, Китайская Народная Республика (КНР) заинтересована в использовании потенциала ШОС¹ для продвижения своих интересов в регионе.

Как отмечает председатель КНР Си Цзиньпин: «Китай готов прилагать совместные с разными сторонами усилия с тем, чтобы роль ШОС в сферах обеспечения безопасности, развития экономики и продвижения гуманитарных обменов была более значительной. Кроме того, Китай намерен поддерживать тесные стратегические контакты со странами-членами ШОС, объединять силы для борьбы с «тремя силами зла» - терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом - и совместно реагировать на новые вызовы и угрозы»².

В области обеспечения безопасности КНР заинтересована в активизировании координации действий с государствами-членами ШОС по урегулированию межафганского конфликта.

По мнению руководителя отдела Европы Китайской ассоциации дружественных связей с границей Чжао Чзюня: «В последние годы Центральная Азия стала форпостом борьбы против терроризма в Афганистане»³.

В отношении Афганистана КНР заявляет, что путь к его восстановлению лежит через объединенные усилия не географически отдаленных геополитических игроков, а именно, стран региона – соседей Афганистана, и, в первую очередь, ШОС. Поэтому официальный Пекин поддерживает усилия по активизации участия Организации в процессе экономической реконструкции Афганистана.

Так, в частности, 8 июня 2012 года в г. Пекине в ходе саммита ШОС была подписана «Совместная Декларация Китайской Народной Республики и Исламского Государства Афганистан об установлении отношений стратегического партнерства и сотрудничества». В декларации Пекин и Кабул договорились активизировать сотрудничество в области безопасности, сообща противостоять таким трансграничным угрозам как терроризм, нелегальная иммиграция, нелегальный оборот оружия и наркотиков, наращивать информационный обмен и пограничный контроль. Китайская сторона твердо поддерживает усилия Афганистана по противодействию терроризму и наркотрафику и обеспечению стабильности в стране, призывая междуна-

родное сообщество также поддержать данный процесс⁴.

Участие ШОС в афганском урегулировании особенно важно потому, что единственным реальным шансом решения проблемы является формирование здоровой экономической ситуации в стране. ШОС готова всемерно развивать взаимодействие с Афганистаном в экономической сфере, по проблемам борьбы с терроризмом и незаконным производством наркотиков. Поддерживая инициативы о возрождении Афганистана, почти все главы государств ШОС внесли предложения об оказании помощи в восстановлении этой страны, ее демилитаризации и переориентации крестьян, выращивающих мак, на другие культуры⁵.

Как отмечает директор Центра исследования Южной Азии Циньхуа (Китай) Джанг Ли: «Китай много инвестирует в Афганистан, наши компании вкладывают свои средства в экономику этой страны, реализуют там важные проекты и в области сельского хозяйства, и в сфере добычи и переработки полезных ископаемых. А так как средства, вкладываемые в афганскую экономику и инфраструктуру китайскими компаниями (как государственными, так и частными) постоянно растут, растут и интересы Китая в Афганистане»⁶.

Рассматривая китайские экономические интересы в Афганистане, необходимо отметить, что в недрах этой страны находятся существенные запасы меди, железа, алюминия, природного газа и других ресурсов. По информации министерства шахт и горной промышленности Афганистана, совокупная стоимость полезных ископаемых страны составляет, по меньшей мере, 3 трлн. долл. В частности, месторождение «Айнак», недалеко от Кабула, располагает крупнейшими в мире запасами меди – около 13 млн. т. По оценкам китайских геологов, разработка данного месторождения способна принести в экономику Афганистана до млрд. долл⁷.

Следует отметить, что в мае 2008 г. Афганское правительство утвердило соглашение о передаче разработки месторождения «Айнак» сроком на 30 лет китайской горно-металлургической компании «China Metallurgical Group». Сумма сделки составила 3 млрд. долл⁸. В соответствии с соглашением, китайская компания построит необходимую инфраструктуру, включая рудник, электростанции, железные дороги, школу и больницу. Как отмечают китайские эксперты, разработка месторождения позволит создать до 5 тысяч рабочих мест непосредственно для сотрудников рудника и электростанции и еще 15-20 тысяч – для персонала других объектов создаваемой инфраструктуры. Кроме того, около 4 тысяч человек будут задействова-

¹ Шанхайская организация сотрудничества образована 15 июня 2001 года. Государства-члены: Казахстан, Кыргызстан, КНР, Россия, Таджикистан, Узбекистан. Государства-наблюдатели: Афганистан, Иран, Индия, Пакистан и Монголия. Партнеры по диалогу: Белоруссия, Турция и Шри-Ланка.

² Си Цзиньпин: Китай придает большое значение роли ШОС в региональной безопасности и развитии // Агенство Синьхуа. 29.08.2014. <http://russian.people.com>.

³ Чжао Цзюнь. Проблемы безопасности в Центральной Азии и возможности наращивания сотрудничества Китая, России и Индии в сфере безопасности // Проблемы Дальнего Востока. – М., 2011. – № 1. – С. 42.

⁴ Пекин и Кабул начали стратегическую игру в партнерство // 27.09.2012. <http://www.afghanistan.ru>

⁵ Туляганова Н. Роль ШОС в поиске путей афганского урегулирования // Узбекистан и ШОС: на пути укрепления безопасности и стабильности в регионе. Материалы научно-практической конференции 29 апреля 2011 г. – Ташкент. Изд.: ТГЮИ. 2011. – С. 184.

⁶ Китай должен усилить свое влияние в Афганистане // 21.12.2011. <http://altynsar.kostanai.kz>

⁷ В Афганистане будут добывать золото // 24.11.2010. <http://korrespondent.net>

⁸ Компания «Ньюмаунт Майнинг» собирается добывать золото в Афганистане // 30.09.2010. <http://afghanistan.ru>

ны в прокладке железной дороги и несколько тысяч охранников в обеспечении безопасности¹.

Говоря о внешней политике Пекина в отношении Южной Азии, необходимо отметить о реализации его экономических проектов в Пакистане². Так, в частности, одним из них стал план по строительству и расширению порта Гвадар, открытый в апреле 2007 года в провинции Белуджистан. Строительство стоимостью в 264 млн. долл. было осуществлено при финансовой и технической поддержке Китая, который инвестировал в проект 80% своих средств. В свою очередь, Пакистан представил порту Гвадар статус наибольшего благоприятствования и установил зону свободной беспошлинной торговли. Инвестиции Китая в экономику Пакистана с 2008 по 2010 гг. увеличились на 30% и достигли 4 млрд. долл. Свыше 500 китайских компаний с численностью до 3 тысяч специалистов составляют 12% от общего числа иностранных компаний, работающих в Пакистане³.

Кроме того, Китай заинтересован в реализации проектов по возведению в Пакистане скоростных шоссе, железнодорожных линий и трубопроводных магистралей через территорию страны до побережья океана. Это обусловлено тем, что успешно растущая экономика Китая нуждается в энергоресурсах, поступающих из стран Персидского залива. Вложив крупные инвестиции в развитие портовых мощностей Гвадара, Пекин надеется увеличить закупку энергоресурсов на Среднем Востоке.

Вместе с тем, реализация Китаем данных проектов в настоящее время затруднена, так как внутриполитическая нестабильность в Афганистане и Пакистане обусловлена активизацией террористических группировок в этих странах.

Анализируя интересы Китая в Центральной Азии в рамках ШОС, необходимо отметить, что Пекин стремится создать в рамках Организации зону свободной торговли. В этой связи, в среднесрочной перспективе ставится задача - согласованными усилиями разработать в формате ШОС стабильные правила и процедуры в сфере торговли и инвестиций.

В данном контексте, на саммите ШОС в 2012 году Китай заявил о намерении выделить центральноазиатским членам Организации кредиты в размере 10 млрд. долл. для поддержки проектов экономического сотрудничества. В настоящее время объем накоплений китайских инвестиций в Центральной Азии составляет около 20 млрд. долл. Замкнув на себе транспортные и финансовые потоки, проходящие через регион, Китай займет положение крупнейшего экономического партнера этих стран⁴.

Следует отметить, что Китай также придает большое значение развитию многостороннего сотрудничества с государствами Центральной Азии в сфере транспорта, в т.ч. выработке региональной сети автомобильных дорог. В данном вопросе КНР,

прежде всего, исходит из своей заинтересованности в создании современных, экономически эффективных транспортных магистралей, соединяющих ее через центральноазиатский регион с Европой и Ближним Востоком.

Так, в частности, в конце 2009 года завершено строительство железной дороги Урумчи-Хоргос (на границе с Казахстаном) протяженностью 286 км. В июне 2010 года Пекин согласился оплатить удлинение магистрали до казахстанского села Жетыген. Данная ветка станет вторым железнодорожным выходом Китая в Казахстан. В 2011 году запущен первый этап центра приграничного сотрудничества «Хоргос», которому пророчат роль регионального транспортно-логистического хаба. Кроме того, в июне 2011 года Азиатский банк развития утвердил кредит на сумму 55 млн. долл. для модернизации автотрассы, связывающей Кыргызстан с КНР. В Таджикистане китайские инвесторы реализуют 13 проектов строительства дорог и мостов на 680 млн. долларов. В июне 2010 года Китай предложил построить железную дорогу Вахдат-Яван. Продолжается ремонт автотрасс Душанбе-Чанак (на границе с Узбекистаном) и Душанбе-Кульма (на границе с КНР)⁵.

Необходимо отметить, что Китайская компания «Railway Tunnel Group Co. Ltd» в 2013 году начала строительство туннеля в Наманганской области Узбекистана, который намерена завершить к 1 августу 2016 года.

Так в частности, как отмечает заместитель главы компании «China Railway Tunnel Group Co. Ltd» и руководитель проекта железнодорожной линии «Ангрен-Пап» Чжоу Сяогуан: «Контракт в 455 млн. долл. стал самым крупным проектом китайско-узбекского экономического сотрудничества, это первый независимый крупный зарубежный проект, а также самый длинный железнодорожный туннель, построенный Китаем в Центральной Азии»⁶.

В настоящее время в Узбекистане осуществляют деятельность 455 предприятий с участием китайского капитала, в том числе 70 предприятий со 100-процентными китайскими инвестициями. Действуют представительства 71 компании КНР. С 2002 года с участием китайских инвестиций и кредитов реализовано и осуществляется 83 инвестиционных проекта на общую сумму 6,75 млрд. долл., из которых 52 проекта - с привлечением прямых инвестиций на общую сумму 5,75 млрд. долл., а 31 проект - с привлечением льготных кредитов на общую сумму 992,4 млн. долл.⁷

Рассматривая интересы Пекина в Центральной Азии, также необходимо отметить, что данный регион играет весьма важную роль в развитии и совершенствовании внешней энергетической политики Китая.

Прежде всего, это обусловлено тем, что постоянный рост доказанных запасов нефти и природного газа в Центральной Азии существенно повышает их значимость, а следовательно, и привлекательность для ведущих мировых импортеров энергии. Ключевую роль в улучшении статистики по запасам нефти сыграло открытие шельфовых месторождений в казахской аква-

¹ Мендкович Н. Зачем России Афганистан? // 20.06.2008. <http://www.zvezda.ru>

² Китай был первым государством, которое поддержало обращение Пакистана в ШОС о его приеме в качестве наблюдателя этой Организации.

³ Аристова Л. Пакистан: страны ШОС и интеграция в транспортную инфраструктуру // 17.05.2011. <http://www.iimes.ru>

⁴ ШОС в стратегической неопределенности // Экономическое обозрение. – Т., 2012. – № 6 (151). – С. 23.

⁵ Авлиекулов Б. Инвестиционное наступление Китая // Экономическое обозрение. – Т., 2011. – № 7-8 (141). – С. 29-30.

⁶ Китайская компания строит туннель в Наманганской области Узбекистана // 15.07.2014. <http://www.infoshos.ru>

⁷ Узбекистан и Китай заключили соглашения на 15 млрд. долларов // 10.09.2013. www.gazeta.uz

тории Каспийского моря, среди которых особое место занимает гигантское месторождение Кашаган с объемом запасов 35-38 млрд. баррелей¹.

Примечательно, что инвестиции в Казахстане рассматриваются, в первую очередь, с точки зрения энергетической безопасности КНР, обеспечения стабильного и долгосрочного доступа к углеводородам Прикаспийского бассейна. В 2009 году Китай выделил Казахстану кредиты в размере 10 млрд. долл., получив взамен 11% акций национальной компании «РД КазМунайГаз» и согласие Астаны увеличить мощность нефтепровода в КНР до 20 млн. тонн в год. В 2010 году Китай вложил в Казахстан 5,5 млрд. долл., а доля китайских компаний в общей добыче нефти в республике составила 22,5%. Среди крупных проектов с китайским участием – освоение нефтяных месторождений в Актюбинской, Атырауской, Мангистауской, Кызылординской и Карагандинской областях. Ведется подготовка к геологоразведке и освоению нефтегазового месторождения Дархан в шельфе Каспийского моря².

Говоря о центральноазиатских энергоресурсах, необходимо иметь в виду, что они поставляются, главным образом, трубопроводами. Так, в сравнительно короткие сроки были построены нефтепроводы «Атасу-Алашанкоу», «Кенкияк-Кумколь», а также завершается строительство газопровода «Туркменистан-Узбекистан-Казахстан-Китай».

Примечательно, что Китай уже получил более 10 млрд. кубометров по новому газопроводу, а также зарезервировал для себя 40 млрд. кубометров туркменского газа в год. Дополнительно 20 млрд. кубометров в перспективе могут быть поставлены Узбекистаном и Казахстаном (по 10 млрд. кубометров каждый). В сумме это составит 60 млрд. кубометров в год. По некоторым данным, Туркменистан может прибавить к этим объемам еще 10-20 млрд. кубометров после ввода в эксплуатацию месторождения Южный Иолатань, право на обустройство которого получила китайская государственная национальная нефтяная корпорация наряду с четырьмя компаниями из Южной Кореи и ОАЭ³.

Также необходимо отметить, что 31 мая 2014 года официально сдана в эксплуатацию линия узбекского участка газопровода «Центральная Азия – Китай». Строительство данной линии началось в сентябре 2012 года. Запуск линии приурочен к началу поступления природного газа из Туркменистана на узбекский участок МГП. Нитка С МГП «Центральная Азия – Китай» проложена параллельно с нитками А и В, ее общая протяженность достигает 1830 км⁴.

В заключении необходимо отметить, что Китай, в силу своего беспрецедентного экономического роста и все более очевидного укрепления в современных международных отношениях, стремится занять место в числе государств, определяющих развитие событий в Южной и Центральной Азии. Именно поэтому Китай проводит гибкую политику в отношении государств Южной и Центральной Азии.

¹ Махмудов Р. Между Европой и Китаем // Экономическое обозрение. –Т., 2011. –№ 7-8 (141). – С. 31.

² Авликулов Б. Инвестиционное наступление Китая // Экономическое обозрение. –Т., 2011. –№ 7-8 (141). – С. 27.

³ Махмудов Р. Между Европой и Китаем // Экономическое обозрение. –Т., 2011. –№ 7-8 (141). – С. 33.

⁴ Узбекский участок газопровода «Центральная Азия - Китай» сдан в эксплуатацию // Экономическое обозрение. –Т., 2014. – № 5 (173). – С. 13.

Таким образом, проведенный анализ внешней политики Китая в Южной и Центральной Азии позволил прийти к следующим выводам:

во-первых, Китай заинтересован в активном сотрудничестве с правительством Афганистана по вопросам обеспечения безопасности. В этой связи он намерен более активно использовать потенциал ШОС в урегулировании межафганского конфликта;

во-вторых, Пекин заинтересован в развитии транспортного сектора в Пакистане, так как выгодное геостратегическое положение этой страны обеспечит Китаю наземный доступ к энергоресурсам стран Персидского залива;

в-третьих, Китай заинтересован в реализации инфраструктурных и транспортных проектов в Южной и Центральной Азии, так как это позволит ему получить альтернативный выход к международным транспортным коридорам;

в-четвертых, Центральная Азия имеет стратегическое значение для Китая. Во многом это связано с энергетической безопасностью Китая. Очевидно, что в перспективе официальный Пекин будет только наращивать всестороннее взаимодействие с государствами региона с целью получения как можно больших объемов нефти и газа.

Аннотация: в статье анализируются подходы Китая по обеспечению региональной безопасности в Центральной Азии в рамках Шанхайской организации сотрудничества. Особый упор делается на взаимосвязь региональной безопасности в Центральной и Южной Азии.

Ключевые слова: политика, международные отношения, международное сотрудничество, инвестиции.

Аннотация: мақолада Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида Хитойнинг Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашга нисбатан ёндошувлари таҳлил этилади. Алоҳида урғу Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий хавфсизлик масалалари ўзаро узвий равишда кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: сиёсат, халқаро муносабатлар, халқаро ҳамкорлик, инвестициялар.

Annotation: The opinions of China on provision of regional security in Central Asia within a framework of SCO are analyzed in the article. The peculiar emphasis is made on interrelation of regional security in Central and South Asia.

Key words: politics, international affairs, international relations, investments.

Список литературы:

1. Авликулов Б. Инвестиционное наступление Китая // Экономическое обозрение. –Т., 2011. –№ 7-8 (141).

2. Аристова Л. Пакистан: страны ШОС и интеграция в транспортной инфраструктуре //17.05.2011. <http://www.iimes.ru/rus/stat/2011/17-05-11b.htm>

3. Мендкович Н. Зачем России Афганистан? // 20.06.2008. <http://www.zvezda.ru/geo/2008/06/20/afghanistan.htm>

4. Махмудов Р. Между Европой и Китаем // Экономическое обозрение. –Т., 2011. –№ 7-8 (141).

5. Туляганова Н. Роль ШОС в поиске путей афганского урегулирования //Узбекистан и ШОС: на пути

укрепления безопасности и стабильности в регионе. Материалы научно-практической конференции 29 апреля 2011 г. – Ташкент. Изд.: ТГЮИ. 2011.

6. Си Цзиньпин: Китай придает большое значение роли ШОС в региональной безопасности и развитии //Агенство Синьхуа. 29.08.2014. <http://russian.people.com.cn/n/2014/0829/c31521-8775960.html>

7. Чжао Цзюнь. Проблемы безопасности в Центральной Азии и возможности наращивания сотрудничества Китая, России и Индии в сфере безопасности // Проблемы Дальнего Востока. –М., 2011. –№ 1.

Д.Ш. Умарханова

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
катта илмий ходим-изланувчиси,
юримдик фанлар номзоди

ДАВЛАТЛАРНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ХУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАСИ

Бугунги кунда кўпчилик ҳуқуқшунос олимлар ва амалиёт ходимлари томонидан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик қилиш институти халқаро ҳуқуқнинг тўла шаклланган институти сифатида эътироф этилади. Мазкур институт минг йиллик ривожланиш босқичларини босиб ўтиб ўзининг мустақкам норма ва принциплари тизимига эга бўлиб, шаклан яхлит, мазмунан тугал халқаро ҳуқуқ институти сифатида жаҳон ҳамжамиятининг халқаро жиноятчиликка қарши курашининг муҳим ва ҳаққоний таъсир кучига эга бўлган воситаси сифатида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик қилиш институтининг шаклланганлиги ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқнинг зарур институти эканлигига шакл шубҳа йўқ. Бу амалиётда ўз тасдиғини топган ҳамда юридик адабиётларда бир овоздан тан олинган. Бугунги кунда БМТ доирасида ушбу тадқиқот юзасидан намунавий юридик ҳужжатлар ишлаб чиқиш орқали уни тизимлаштиришга қаратилган ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш ўринли. Бундай фаолият маҳсули сифатида БМТнинг “Ушлаб бериш тўғрисидаги” ҳамда “Жиноий одил судлов соҳасидаги ўзаро ёрдам тўғрисидаги” намунавий шартномалари ишлаб чиқилди. Шубҳасиз, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик қилиш институтининг янада ривожланиши ҳамда бу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, мукамаллаштириш борасида халқаро ва минтақавий миқёсда олиб борилаётган ишлар муҳим ўрин тутмоқда.

Шунингдек, давлатларнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик қилишга оид амалдаги икки томонлама шартномалар кўп жиҳатдан эскиргани ва халқаро жиноят ҳуқуқидаги сўнгги янгилликларни қамраб олмаслиги боис Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш кўмитасига юридик ҳужжатлар намунасини ишлаб чиқиш бўйича кодификациявий ишлар олиб бориш вазифаси топширилган. Шу маънода “Ушлаб бериш тўғрисидаги” намунавий шартнома жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда жиноий одил судлов соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўймоқчи бўлган давлатлар учун ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи ҳаққоний омил бўлиши кўзда тутилган эди. “Ушлаб бериш тўғрисидаги” намунавий шартномани амалдаги икки томонлама шартномаларни қайта кўриб чиқиш учун асос сифатида тақдим этар экан, БМТ замонавий ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан тўғри бўлган – жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид муносабатларни тартибга солувчи халқаро шартномалар муштараклигини таъминлаш мақсадини кўзлади. “Ушлаб бериш тўғрисидаги” намунавий шартнома асосида жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ўз навбатида халқаро ҳамжамиятнинг халқаро жиноятчиликка қарши кураши самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Халқаро майдонда 1998 йил Халқаро жиноят суди Рим статутининг қабул қилиниши ҳамда унда 17 моддадан

иборат (86-102-моддалар) “Халқаро ҳамкорлик ва суд ёрдами” номли тўққизинчи қисмнинг киритилиши ҳам жиноят одил судлови соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ташкиллаштиришга муносиб ҳисса қўшди.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик институтининг аҳамиятини шунингдек, бугунги кунда жаҳонда бу борада жуда кўплаб халқаро ва минтақавий шартномалар тузилганлиги билан ҳам белгилаш мумкин. Ҳозирда ушбу соҳага оид шартномалар давлатлараро дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлашга қаратилган одатий нормаларга айланиб қолди. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид минтақавий тизимлар амалда деярли дунёнинг барча – Европа, Америка, Африка, Осиё сингари қитъаларида ўз ўрнини топган.

Жиноят ишлари бўйича давлатлар ҳамкорлигининг халқаро нормаларининг ҳар томонлама таҳлили ушбу институтни тўлиқ шаклланган ҳамда замонамизнинг муҳим ҳуқуқий ҳодисаси сифатида таърифлаш имконини беради. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят ишлари бўйича одил судлови масалаларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиш баробарида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик муҳим халқаро-ҳуқуқий аҳамият ҳам касб этади. У қуйидагиларда ифодаланади: 1) халқаро жиноят ҳуқуқининг яхлитлиги нуқтаи назаридан; 2) бугунги кунда бутун дунёда амал қилаётган халқаро жиноят адлия механизмидаги ўрни нуқтаи назаридан¹.

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича давлатлар ҳамкорлигининг халқаро нормалари ҳақида сўз борганда, авваламбор, давлатлараро икки (Ўзбекистон ва Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Болгария, Чехия, Туркия ўртасида тузилган икки томонлама шартномалар) ва кўп томонлама (масалан, 1993 йил 22 январдаги Минск Конвенцияси, 2002 йил 7 октябрдаги Кишинёв Конвенцияси) шартномалар эканлигини эътироф этиш ўринли. Президентимиз И.А.Каримов томонидан таъкидлаганларидек, “Биз саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириб, энг асосий қоида ҳозирги замон жамият тараққиётининг бебаҳо бойлиги, ҳатто минтақада барқарорликни ўрнатишнинг муҳим шарт сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат ва эҳтиромни мустаҳкамлашимиз керак. Биз сиёсий ва иқтисодий ислохотларни олға силжитишимиз, нарқобизнес ва терроризмга минтақавий ва жаҳон ҳамкорлиги жараёнлари ривожига ҳалақит берадиган барча иллатларга қарши курашишимиз керак”².

Халқаро ҳуқуқ ҳамisha миллий қонунчилик билан узвий алоқада шаклланиб ва амал қилиб келади. Халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари ўртасидаги нисбат халқаро ҳуқуқнинг барча институтларига мос равишда амалга ошириладиган ҳаракатлар сифатида ҳал қилинмоқда. Тарихий тараққиётга назар солинса, давлатларнинг ички ҳаётига халқаро ҳуқуқнинг таъсири чуқурлашиб бориб, халқаро муносабатларнинг мавқеи ўсди уларнинг ички миллий қонунчиликка таъсири кучаймоқда. Давлатнинг ички ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ мустақил ҳуқуқий тизимлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз доирасида ҳаракат қилишга йўналтирилган. Шунинг

учун улар ўртасида ҳуқуқий жиҳатдан бирор-бир юридик тобелик йўқ.

Халқаро ва миллий ҳуқуқ ўртасидаги муносабатлар ҳозирга қадар жуда кўпчилик тадқиқотчилар диққат эътибори марказида бўлиб келган³.

Миллий қонунчилик нормалари давлатнинг ваколатли органлари томонидан яратилади. Халқаро ҳуқуқ эса ягона ҳокимият тизимида эга эмаслиги, суверен давлатлар устидан турувчи яқка бошқарувнинг мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб, нормалари, субъектлари, барча давлатлар ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан биргаликдаги иродаси бўлган битимлар орқали яратилади. Ички миллий қонунчилик сингари халқаро ҳуқуқ ҳам халқаро ҳуқуқий нормаларга риоя қилишни таъминлаш учун давлат томонидан мажбур қилиш усулининг қўлланилишини кўзда тутаяди.

Халқаро ташкилотларнинг давлатлар ҳамкорлигини йўлга қўйишдаги ролининг кучайиши, улар қабул қилган қарорлар билан бу ташкилотларда қатнашувчи мамлакатларнинг ички ҳуқуқи ўртасида ўзаро таъсирнинг чуқурлашувига олиб келади. Ташкилотларнинг қарорлари ички ҳуқуқни ривожлантиришга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ўз навбатида, ички ҳуқуқ халқаро ташкилотлар қарорларини амалга оширишнинг тобора муҳим воситасига айланмоқда.

Халқаро ҳуқуқ нормаси миллий-ҳуқуқий тизимда тан олинган (ратификация қилинган), ушбу давлат учун юридик кучга эга бўлади. Давлат суверен ҳокимият эгаси сифатида ўз органлари орқали халқаро ҳуқуқ нормасига юридик куч беради. Ушбу жараён конституциявий ёки бошқа давлат қонунчилик ҳужжатларига асосан амалга оширилади⁴.

³ Раджабов С.А. Проблемы обеспечения мира, безопасности и борьбы с преступностью: соотношение международного права, международных институтов и национального законодательства // Московский журнал международного права. – 2006. – №1; Шамсон Р.Т. Соотношение международного и внутригосударственного (национального) права (Теоретические аспекты) Дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2003; Гинзбург Дж. Американская юриспруденция о взаимодействии международного и внутреннего права // Государство и право. – 1994. – №11; Гинзбург Дж. Соотношение международного и внутреннего права в СССР и в России // Государство и право. – 1994. – №3; Миронов Н.В. Международное право нормы и их юридическая сила. – М., 1980; Абдулаев М.И. Примат международного права над внутригосударственным // Правоведение. – 1992. – №4; Тихомиров Ю.А. Публичное право. Учебник. – М.: БЕК, 1995. – С. 306-312; Ануфриева Л.П. Соотношение международного публичного и международного частного права // Журнал российского права. – 2001. – №6; Мюллерсон Р.А. Соотношение международного и национального права. – М., 1982; Храбсков В.Г. Проблемы соотношения международного публичного и международного частного права // Ежегодник международного права. – 1977; Буткевич В.Г. Соотношение внутригосударственного и международного права. – Киев: Выша школа, 1981; Mullerson R.A. Public and Private International Law // Coexistence. Martinus Nijhoff Publishers, Dordrecht. Netherlands, 1987. – P. 77-84; Восканов С.Г. Историко-правовой аспект проблемы соотношения международного и национального права // Московский журнал международного права. – 2006. – №1; Лукашук И.И. Нормы международного права в правовой системе России. – М.: Спарк, 1997.

⁴ Аберкулов У. Теоретические аспекты способов согласования норм международного и национального права // Вестник ТГЮИ. – 2009. – №4. – С. 109.

¹ Васильев Ю.Г. Институт выдачи преступников (экстрадиции) в современном международном праве. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – С. 13.

² Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Том 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 35.

Б.Л.Зимненко қайд этганидек, “ҳавола этишнинг моҳияти шунда намоён бўладики, қонунда миллий ҳуқуқ субъектлари ўртасида юзага келган ёки келадиган муносабатлар халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солиши кўрсатилади ва шу орқали миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари мувофиқлашади”¹.

Халқаро ҳуқуқий тизим миллий ҳуқуқ учун халқаро муносабатларда йўналтирувчи вазифани бажаради. Халқаро ҳуқуқ нормаларини яратар экан, давлат шу орқали турли муносабатлар соҳасида умумтан олинган стандартларни ўрнатади. Шу муносабат билан Г.И.Тункин қуйидагиларни эътироф этади: “халқаро ҳуқуқ нормалари давлатлараро тизимларнинг негизи бўлиб, унинг барқарор амал қилиши, яъни тизимни мувозанатда сақлаб туриши учун зарурдир”².

Ҳақиқатдан ҳам халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчиликнинг ўзаро самарали алоқасини таъминламай туриб давлатлараро муносабатларда асосий вазибалар ҳал этилиши мумкин эмас. Икки ҳуқуқий тизим ўртасидаги алоқадорлик бир нарсани – уларнинг бир-бирига икки томонлама ва ўзаро таъсир этишини англатади³.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқаро ва миллий жиноят ҳуқуқи ўзаро таъсир қилиб келмоқда. Халқаро жиноят ҳуқуқининг миллий ҳуқуққа таъсири шунда намоён бўладики, халқаро жиноят ҳуқуқида назарда тутилган қилмишлар асосида миллий жиноят ҳуқуқи тўлдирилиб борилади. Жумладан, муайян қилмишнинг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда жиноят сифатида эътироф этилиши, миллий жиноят ҳуқуқида ҳам мазкур қилмишнинг жиноят сифатда баҳоланишига ўзига хос ҳуқуқий замин яратади. Жумладан, 1957 йилги ушлаб бериш (топшириш) тўғрисидаги Европа Конвенция дунёнинг кўпгина давлатларнинг ўзаро икки томонлама шартномалари ва миллий қонунчиликларининг ривожлантириб, жиноят қонунчилиги тизимида ўз аҳамиятини топиб бормоқда. Ўз навбатида миллий жиноят ҳуқуқи ҳам халқаро жиноят ҳуқуқи мазмунига таъсир кўрсатиб боради. Жумладан, мазкур масалаларни чуқур тадқиқ қилган В.И.Степаненконинг таъкидлашича, миллий жиноят ҳуқуқининг халқаро жиноят ҳуқуқига бўлган таъсири жиноят таркибининг белгиларини аниқлаш, жазоларни белгилаш ва уларнинг миқдорини аниқлаб олишда, жинорий юрисдикция чегаларини аниқлашда имконият беради⁴. Бугунги кунда халқаро жиноят ҳуқуқи доирасида халқаро характердаги жиноятлар назарияси ва амалиёти шаклланиб, мазкур жинорий қилмишлар бир неча ёки барча давлатларнинг манфаатлари ва ҳолатларига дахлдор бўлиб, бунинг натижасида халқаро ижтимоий хавф туғдиради. Шунинг учун бундай ҳоллар давлатлар ўртасидаги шартнома бўйича халқаро характердаги жиноятлар

деб тан олинади ҳамда уларга кўп томонлама Конвенцияларда тегишли халқаро ҳуқуқий баҳо берилади.

Авваламбор, миллий қонунчиликда халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг миллий қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган қоидалардан устунлиги эътироф этилган (яъни, халқаро ҳуқуқий норма ва миллий ҳуқуқий норма ўртасида зиддият юзага келганда, халқаро ҳуқуқий норма қўлланилиши кўплаб қонунларда тўғридан-тўғри қайд этилган). Кўплаб муносабатларда ушбу қоида самарали амал қилиб ҳам келмоқда. Бироқ, жиноят ишлар бўйича халқаро ҳамкорлик қилишни тартибга солиш бўйича халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларининг ўзаро алоқаси масаласида алоҳида таъкидлашимиз лозимки, ушбу муносабатларда миллий қонунчиликда белгиланган тўсиқларнинг (жумладан, давлат суверенитети, жамиятда қарор толган тартиб-интизом ва ҳ.к.ларга қарши бўлса ва б.қ.) мавжуд бўлиши тўлиқ бажармаслигига асос бўлиши мумкин. Яъни, ушбу муносабатларда миллий қонунчилик нормаларининг таъсири кўпроқ. Жиноят содир қилган шахсларни экстрадиция қилишни тартибга солиш бўйича халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари алоқасининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам айнан шунда намоён бўлади.

Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратиш лозим: айрим ҳолларда жиноят ишлари бўйича давлатларнинг халқаро ҳамкорлигига оид халқаро шартномалари ва давлатнинг мазкур соҳа юзасидан амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлари тартибини кўзда тутувчи қонунлари ўртасида номуносивлик келиб чиқади. Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички қонунчилиги нормалари коллизияси одатда бир-бирини инкор этиш ёки бирор нормани янада аниқлаштирилиши, тўлдирилиши билан боғлиқ бўлади. Аксарият мамлакатларда мазкур масаласини ҳал этиш вазифаси зиммасига юкланган органлар ушбу ҳолатда қонунчилик ҳужжати нормасини қўллаш лозимми ёки ушбу давлат билан имзоланган шартнома нормаларими деган саволларга дуч келадилар.

Ушбу масалани ҳал этар экан, одатда, давлат ўз ички қонунчилик нормаларида кўзда тутилган қоидалардан келиб чиқиб ҳаракат қилади. Шунингдек, миллий қонунчиликда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий ҳуқуқ тизимига татбиқ этиш ҳам мустаҳкамланган. “Халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий-ҳуқуқий тизимда қўллаш институтининг мақсади, - деб ёзади И.Н.Барциц, - давлат ўз зиммасига олган мажбуриятларни амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиши лозимлиги билан изоҳланади. Шундай қилиб, халқаро майдондаги мажбуриятларини қай тартибда амалга ошириш давлатнинг суверен қарорига боғлиқ бўлади”⁵.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик қилишни тартибга солиш бўйича халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари ўзаро алоқасининг бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган икки жиҳати бор. Бу, авваламбор, давлат ҳуқуқий нормалари иерархиясида халқаро-ҳуқуқий ва давлат ички ҳуқуқи нормаларининг ўзаро алоқаси ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий ҳуқуқ тизимига татбиқ этиш механизми масаласидир.

¹ Зимненко Б.Л. Согласование норм внутрисударственного и международного права в правовой системе России // Московский журнал международного права. – 2000. – №4. – С. 98.

² Иктибос қуйидаги манбадан олинди: Колосов Ю.М, Кузнецов В.И. Международное право. – М.: Международные отношения, 1999. – С.11.

³ Аберкулов У. Процесс согласования норм международного и национального права // Вестник ТГЮИ. – 2009. – №3. – С. 135.

⁴ Степаненко В.И. Международно-правовые аспекты заключения под стражу с целью выдачи иностранному государству // Советское государство и право. 1991. № 11.

⁵ Барциц И.Н. Правовое пространство России: вопросы конституционной теории и практики. – М., 2000. – С. 202.

Барча жабҳалар, шу жумладан жиноятчиликка қарши кураш соҳасига тааллуқли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, резолюция ва стандартлар ушбу келишувлар иштирокчиси бўлган давлат учун маълум мажбуриятлар келтириб чиқаради. Давлатлар келишуви натижасида юзага келган халқаро нормаларнинг ўзига хослиги давлат томонидан уларни ўз ички ҳуқуқ тизимида қўллаш учун маълум чоратadbирлар амалга оширишни талаб қилади.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқ нормалари давлат ичида фақатгина унга миллий қонунчилик ҳужжати билан юридик куч берилгандан кейин амал қила олади. Халқаро норманинг юридик кучга эга бўлиши мувофиқлаштириш (мослаштириш) орқали амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик қилишни тартибга солиш бўйича халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари ўзаро ҳамбарчас ва узвий алоқадорликда бўлиб, бир-бирини тўлдириб, аниқлаштириб ва муайянлаштириб туради. Ўзбекистонда мазкур соҳага оид муносабатларни тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжати ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурияти мавжуд бўлиб, ушбу соҳадаги миллий қонунчилик ҳужжатларини шу йўсинда такомиллаштириш халқаро жиноятчиликка қарши кураш борасидаги икки ва кўп томонлама шартномаларни мамлакатимизда қўллаш самарадорлигини оширади ва шубҳасиз бу борадаги амалиётни яхшилашга хизмат қилади.

Аннотация: мазкур мақолада халқаро ҳуқуқ нормалари билан миллий ҳуқуқ нормаларининг бир бирига боғлиқ жиҳатлари кенг ёритилган. Айниқса, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик қилиш соҳасидаги нормаларини давлатларнинг миллий қонунчилигига тадбиқ этиш масалалари муаллиф томонидан таҳлил қилинган. Бундан ташқари, мазкур соҳани тартибга солиш механизмини такомиллаштиришга боғлиқ бўлган қатор таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: халқаро жиноят ҳуқуқи, халқаро ҳамкорлик, жиноятчиликка қарши кураш, экстрадиция

Аннотация: в данной статье широко раскрывается взаимосвязь между нормами национального и международного права. В частности, автором проанализированы вопросы применения в национальном законодательстве норм, связанных с международным сотрудничеством по уголовным делам. Вместе с тем, в статье приводятся несколько предложений и рекомендаций по совершенствованию механизма в данной сфере.

Ключевые слова: международное уголовное право, международное сотрудничество, экстрадиция, борьба против преступности.

Annotation: In this article, widely disclosed the relationship between norms of national and international law. In particular, the author analyzes the issues of application national laws relating to international cooperation in criminal cases. However, in the article there are some suggestions and recommendations on improving the mechanism in this area.

Key words: international criminal law, international cooperation, extradition, fight against crime.

Адабиётлар рўйхати:

1. Васильев Ю.Г. Институт выдачи преступников (экстрадиции) в современном международном праве. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – С. 13.

2. Восканов С.Г. Историко-правовой аспект проблемы соотношения международного и национального права // Московской журнал международного права. – 2006. – №1;

3. Зимненко Б.Л. Согласование норм внутригосударственного и международного права и в правовой системе России // Московский журнал международного права. – 2000. – №4. – С. 98.

4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Том 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 35.

5. Mullerson R.A. Public and Private International Law // Coexistence. Martinus Nijhoff Publishers, Dordrecht. Netherlands, 1987. – P. 77-84;

6. Раджабов С.А. Проблемы обеспечения мира, безопасности и борьбы с преступностью: соотношение международного права, международных институтов и национального законодательства // Московской журнал международного права. – 2006. – №1.

7. Шамсон Р.Т. Соотношение международного и внутригосударственного (национального) права (Теоретические аспекты) Дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2003.

И.Абдурахмонов

Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви академияси мустақил тадқиқотчиси

ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШ ТАЖРИБАСИ

Европа иттифоқи аъзо давлатлар миллий иқтисодиётида хуфиёна иқтисодиётнинг тутган ўрни борасида илмий тадқиқот олиб борган олимлар фикрларига кўра бугунги кунда бу давлатлар миллий иқтисодиётида хуфиёна иқтисодиётнинг тутган ўрни бир мунча юқори эканлиги таъкидланади. Жумладан, Лондон иқтисодиёт институти экспертларининг тадқиқотларига кўра Греция миллий иқтисодиётида хуфиёна иқтисодиёт мамлакат ЯИМнинг 24 фоизини ташкил этса, Германияда ушбу кўрсаткич 13,1 фоизни, Францияда 10,8 фоизни, Буюк Британияда 10,1 фоизни ташкил этган. Энг салбий кўрсаткич Испания иқтисодиётида бўлиб, Испания солиқ департаментининг маълумотида кўра мамлакатда хуфиёна иқтисодиёт 253 млн. Еврони ёки 60 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши маълум қилинган. Европа Иттифоқи аъзо Италия, Португалия давлатларида ҳам хуфиёна иқтисодиёт ҳажми Испания кўрсаткичларига яқин эканлиги таъкидланган.¹

Буюк Британиянинг Guardian рўзномасида келтирилишча бугунги кунда фақатгина Буюк Британияда хуфиёна иқтисодиёт ҳажми 150 млрд. фунт стерлингни ташкил этиши маълум қилинган.²

Иқтисодчи олим Ф.Шнайдер томонидан Европа иттифоқи аъзо давлатлар миллий иқтисодиётида хуфиёна иқтисодиётнинг тутган ўрнини таҳлил қилиб, мазкур давлатлардаги хуфиёна иқтисодиёт асосан иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси пастроқ, иқтисодий ривожланиш қонуниятлари етарли даражада амал қилмайдиган давлатлар ҳисобига тўғри келишини хулоса қилиб, уни қуйидаги чизма орқали изоҳлайди.


Чизма №1. Европа иттифоқи аъзо давлатлар миллий иқтисодиётида хуфиёна иқтисодиётнинг ЯИМга нисбатан тутган ўрни (фоиз ҳисобида)



Манба: www.zerohedge.com/

Европалик бошқа экспертларнинг фикрига кўра 2012 йилда Европа иттифоқи аъзо давлатлар миллий иқтисодиётидаги хуфиёна иқтисодиётнинг умумий ҳажми 3 трлн. 550 миллиард АҚШ долларига тенг эканлигини маълум қилади. Еврохудудда энг кам хуфиёна иқтисодиёт ҳажми Австрия ҳамда Люксембург давлатлари ҳисобига тўғри келиши кўрсатилиб, ушбу давлатларда хуфиёна иқтисодиёт ҳажми мамлакат ЯИМнинг 9,7 фоизини ташкил этишини таъкидланади.³ Ушбу экспертлар томонидан Европа иттифоқи аъзо давлатлардаги хуфиёна иқтисодиёт ривожланган давлатлар сифатида асосан собиқ иттифоқ таъсир доирасида бўлган ёки собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан ҳамда бозор иқтисодиётига нисбатан янги қадам қўйган давлатлар, шунингдек, 2008 йилги жаҳонда кузатилган молиявий инқироз даврида катта миқдорда иқтисодий зарар кўрган давлатлар ҳисобига тўғри келишини таъкидлайдилар. Иттифоққа аъзо давлатларда хуфиёна иқтисодиёт энг ривожланган давлатлар сифатида етакчи ўринни Руминия, Болгария, Литва, Эстония, Латвия, Кипр, Греция, Италия, Словения каби давлатлар ҳисобига тўғри келиб, мазкур ҳудудда хуфиёна иқтисодиётни қуйидагича кўринишда тавсифлайдилар.

Чизма №2 Европа Иттифоқи аъзо барча давлатлар иқтисодиётида хуфиёна иқтисодиётнинг тутган ўрни (ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)



Чизма маълумотлари шуни кўрсатадики, Европа иттифоқи аъзо давлатлар ҳудудида хуфиёна иқтисодиётнинг мамлакат ЯИМга нисбатан тутган ўрни бўйича таҳлил қилинганда иқтисодиёт юқори даражада ривожланмаган, бозор иқтисодиёти қонуниятлари етарли даражада амалда бўлмаган шунингдек, собиқ иттифоқ таъсири доирасида бўлган ҳамда собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиқиб, бозор иқтисодиётига нисбатан янги қадам қўйган давлатлар ҳамда 2008 йилда жаҳонда юз берган молиявий инқироздан катта иқтисодий зарар кўрган давлатлар ҳисобига тўғри келаётганлиги маълум бўлади. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, Европа Иттифоқи аъзо давлатларда хуфиёна иқтисодиёт, унинг келиб чиқиш сабаблари, хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш тажрибаси ҳамда ўзаро ҳамкорлик масалалари МДҲга аъзо давлатлар, шу жумладан Марказий Осиё минтақаси давлатлариникидан бир мунча фарқ қилади. Жумладан, экспертларнинг берган фикрига кўра Европа иттифоқи аъзо давлатларда хуфиёна иқтисодиётнинг келиб чиқиш сабаблардан бири сифатида ушбу мамлакатларда аҳоли даромадларига солинаётган солиқ юкларининг оғирлиги таъкидланади. Жумладан, ЕИ аъзо давлатларда қарийб 30 млн. одам солиқ солиш базаларини

¹ www.theguardian.com/

² www.theguardian.com/

³ www.zerohedge.com/

камайтириб кўрсатганлиги, шунингдек Германияда қурилиш соҳасидан банд бўлганларнинг қарийб ярми хуфиёна фаолият кўрсатиб келаётганлиги маълум бўлган ва 80 фоиз қурилиш соҳасида иш берувчилар хуфиёна иш беришдан манфаатдор эканликларини маълум қилишган.¹

“Visa Europe” тижорат ташкилотининг тижорат ишлари бўйича раҳбари Стив Перрининг маълумотларига кўра, минтақада хуфиёна иқтисодиётнинг асосий соҳалари қурилиш, чакана савдо, саннат, туризм ва транспорт соҳаларига тўғри келиб, ушбу соҳаларда нақд пул маблағларнинг кўп миқдорда айланиши ушбу минтақа давлатларида хуфиёна иқтисодиёт ҳажмининг ошишига сабабчи бўлаётган омиллардан бири эканлигини таъкидлайди.² Эксперт томонидан берилган маълумотларга кўра, Еврохудуднинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган, электрон ҳисоб-китоб тизими яхши ривожланган давлатларида хуфиёна иқтисодиёт ҳажми паст эканлиги кўрсатилади. Бу борада ғарбий Европа давлатларидан Буюк Британияда хуфиёна иқтисодиёт ҳажми паст бўлса, Болгария, Руминия каби шарқий Европа давлатларида хуфиёна иқтисодиёт ҳажми бошқаларга кўра бир мунча баланд эканлиги таъкидланади. Бунинг асосий сабаби сифатида ушбу шарқий Европа давлатларида ҳанузгача нақд пулли ҳисоб-китоблар ҳажмининг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги билан изоҳланади.

Европа Иттифоқига аъзо давлатларда хуфиёна иқтисодиётга қарши комплекс курашга қаратилган чора – тадбирлардан бири сифатида 1999 йилда Амстердам шартномасига асосан ОЛАФ (французчадан олинган бўлиб, Office European de Lutte Anti-Fraude (OLAF)) ташкилоти тузилган. Ташкилотнинг асосий мақсади Европа Иттифоқи манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда аъзо давлатларда хуфиёна иқтисодиёт, коррупция, солиқдан қочиш ва бошқа иқтисодий жиноятларга қарши курашдан иборат.

Ташкилот томонидан аъзо давлатларда хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш борасида амалга оширилган амалий чора – тадбирларнинг самараси сифатида ҳамкорликда ўтказилган божхона тадбирлари давомида жами 1 млн. 200 минг контрафакт маҳсулотлар, 130 млн. қадоқ сигарет маҳсулотларининг ноқонуний кириб келишини олдини олинган. Фақатгина ушбу сигарет маҳсулотларининг ноқонуний кириб келиши 25 млн. евро зарар келтириши мумкинлиги таъкидланган.³ Ушбу ташкилот фаолиятининг самарадорлигини оширишда интерпол, европол ва халқаро божхона ташкилоти билан ҳамкорликда ишларнинг ташкил этилганлиги ўзининг ижобий самарасини бераётганлигини кузатишимиз мумкин. 2013 йил мобайнида ташкилот томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар жараёнида жами 175 900 евро қалбаки пул бирлиги тангаси ҳамда 353 минг қалбаки евро банкнотлар далилий ашё сифатида олинди, муомаладан чиқарилган.⁴

Ташкилот томонидан Италия республикасида ўтказилган тезкор тадбирлар давомида жами 400 000 евролик Хитойда ишлаб чиқарилган лекин Италияда ишлаб чиқарилган белгиси билан тайёрланган

контрафакт маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинган.⁵

Европа Иттифоқига аъзо давлатлар томонидан 2013 йилда хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш режаси ишлаб чиқилди. Режада 34 банддан иборат бўлиб, режанинг асосий мақсади ЕИ аъзо давлатларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, солиқдан қочиш ҳолатларини аниқлаш ва бу борада аъзо давлатларнинг солиқ тизимини ягона шаклга келтиришдан иборат. Режада келтирилишича Европа Иттифоқи ҳар йили ўртача 1 триллион евро миқдорда хуфиёна иқтисодиётдан зарар кўради. Ушбу кўрсаткич ЕИнинг 7 йиллик бюджетини ташкил этиши маълум қилинган.⁶ Режада аъзо давлатлардаги солиқ тизими, солиқ борасидаги сиёсатда фарқларни қисқартириш йўли билан хуфиёна иқтисодиётни камайтиришни назарда тутди.

Бундан ташқари Европа Иттифоқи томонидан аъзо давлатлар ҳудудида норасмий иқтисодиётда банд бўлган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни расмий иқтисодиёт соҳаларига жалб этиш, ноқонуний миграция йўли билан иттифоқ ҳудудига кириб келаётган ишчи кучини тартибга солиш борасида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Европа парламентининг 2009 йил 18 июндаги 2009/52/ЕС сонли “Учинчи давлатлардан ноқонуний келаётган фуқароларга иш берувчиларга нисбатан санкция қўллаш тўғрисида”ги директива қабул қилинган. Мазкур директиванинг 2 – моддаси d) бандида “ноқонуний меҳнат” деб мамлакатга ноқонуний кириб келган учинчи давлат фуқароси меҳнати тушиниши белгилаб берилган.⁷ Ушбу директиванинг 3-моддасида эса ноқонуний меҳнатга нисбатан белгиланган тақиқлар белгилаб берилган. Жумладан, мазкур модданинг биринчи қисмида аъзо давлатларда учинчи давлатлардан ноқонуний келиб меҳнат фаолияти билан шуғулланиш маън қилиниши белгиланган. Шунингдек, иккинчи қисмида ушбу меъёрни бузганларга нисбатан санкциялар қўлланиши кўрсатиб ўтилган. Директиванинг 4-моддасида эса иш берувчиларнинг мажбуриятлари белгиланган бўлиб, уларга қуйидагилар вазифа сифатида қўйилган. Иш берувчидан ишга ёлланувчи учинчи давлат фуқаросини ишга қабул қилишда аъзо давлат ҳудудида яшаш ва ишлаш учун рухсатномаси борлигини талаб қилиш, меҳнат билан шуғулланиш учун рухсатнома нусхасини олиш ва бошқалар. Директиванинг 5-моддасида қоидабузарларга нисбатан қўлланиладиган молиявий санкциялар белгиланган. Жумладан, учинчи давлатлардан келиб ноқонуний ишлаётган фуқароларнинг сонини ошиши билан молиявий санкциянинг миқдори ҳам ошиши белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Европа Иттифоқига аъзо давлатларда хуфиёна иқтисодиётга қарши курашда кўпроқ институционал ёндашувлар ҳамда иттифоққа аъзо давлатларда амал қилувчи меъёрий-ҳуқуққий ва бошқа сиёсий қарорлар қабул қилинганки, мазкур амалий чора-тадбирлар аъзо давлатларда хуфиёна иқтисодиётга қарши курашни ташкил этиш, тезкор ахборот алмашинуви ҳамда ҳамкорлик қилишда ўзининг бир мунча ижобий самарасини бераётганлигини кузатиш мумкин. Бу

¹ www.theguardian.com/

² <http://expert.ru/>

³ ec.europa.eu/

⁴ ec.europa.eu/

⁵ ec.europa.eu/

⁶ www.lsm.lv/

⁷ eulaw.edu.ru/

тажриба эса бозор муносабатларига изчил ўтиб бораётган, ҳозирги ўтиш даврида яшаётган бизнинг Ўзбекистон каби мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга деб ўйлаймиз.

Аннотация: мазкур илмий мақола доирасида Европа Иттифоқи давлатларидаги хуфиёна иқтисодиётга қарши курашишга қаратилган, амалий чора-тадбирлар, қабул қилинган сиёсий ва меъёрий-ҳуқуқий база тизимли таҳлил асосида илмий ўрганиб чиқилган.

Шунингдек, жаҳоннинг етакчи олимларининг Европа Иттифоқига аъзо давлатлардаги хуфиёна иқтисодиёт, унинг таркибий тузилиши, хуфиёна иқтисодиётнинг алоҳида давлатлар ЯИМга нисбатан тутган ўрни, ҳажми ва кўлами кўринишида берган маълумотларини таққослаб таҳлил амалга оширилган.

Калит сўз: хуфиёна иқтисодиёт, иқтисодий жиноятчилик, қалбаки пул яшаш, бозор иқтисодиёти, Европа Иттифоқи, ялпи ички маҳсулот.

Аннотация: статья посвящена опыту Евросоюза по обеспечению экономической безопасности против теневой экономики и взаимное сотрудничество стран Евросоюза; проанализированы базы нормативно-правовых актов, стратегии а также институты, осуществляющие борьбу против теневой экономики в регионе.

Ключевые слова: теневая экономика, экономическая преступления, фальшивомонетничество, рыночная экономика, Европейский Союз, валовый внутренний продукт.

Annotation: Article focuses on the experiences of the European Union to ensure economic security against the shadow economy and mutual cooperation of the EU countries. During the scientific study of the candidate with the system analysis Analyze database of legal acts, policies and institutions engaged in the fight against the shadow economy in the region.

Key words: shadow economy, economical crimes, counterfeiting of coins, market economy, European Union, gross domestic product.

Адабиётлар рўйхати:

1. www.theguardian.com/
2. www.theguardian.com/
3. www.zerohedge.com/
4. <http://expert.ru/>
5. ec.europa.eu/
6. www.lsm.lv/
7. eulaw.edu.ru/

М. Нурматов

Тошкент давлат юридик университети
катта илмий ходим-изланувчиси

ТАБИАТДАН Фойдаланиш ҲУҚУҚИ

Табиий ресурслар мамлакатимизда иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи асосий манбалардан биридир. Инсон, унинг турмуш тарзи ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг табиатга нисбатан муносабатида кўриш мумкин. Чунки минг йиллар давомида инсоният табиат қонуниятлари асосида яшаб, унга мослашиб, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб келган.

Табиатдан фойдаланиш жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққий этишининг муҳим шартидир, таъбир жоиз бўлса, давлат иқтисодий қудрати ва салоҳиятининг моддий асосидир. Кишилик жамияти табиий ресурслардан фойдаланмаган ҳолда мавжуд бўла олмайди ва бундай шароитда барқарор ривожланиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, табиатдан фойдаланиш бу муқаррар воқелиқдир. Ўз навбатида инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланиши лозим бўлади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Қаримов таъкидлаганидек, собиқ Иттифоқ даврида “Табиий ва минерал хом-ашё захираларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта харажатлар ва исрофгарчиликлар билан фойдаланишга асосланган социалистик ҳўжалик юритиш тизимининг бутун моҳиятига мамлакат ихтиёридаги беқиёс бойликларга авайлаб муносабатда бўлиш ғояси бутунлай ёт эди”¹.

Эътиборли томони ҳам шундаки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашда экологик омилларнинг устуворлиги ва бозор иқтисодиётининг тамойиллари, маъмурий ва иқтисодий-ҳуқуқий механизмларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида босқичма-босқич экологик сиёсат олиб борилмоқда.

Табиатдан фойдаланиш тушунчасига адабиётларда турлича қарашлар, фикрлар ифодаланган бўлиб, табиатдан фойдаланиш луғат-маълумотномада қуйидагича таъриф берилган:

Табиатдан фойдаланиш – 1) табиий ресурслар захирасидан фойдаланишнинг барча шакллари ва уни сақлаб қолиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи. Табиатдан фойдаланиш ўз ичига: а) табиий ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, уларни қайта тиклаш ёки такрор ишлаб чиқариш; б) ҳаёт муҳитида табиий шароитларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш ва в) табиий тизимлар экологик баланси (квазистационар ҳолат мувозанати)ни сақлаш (асраш), тиклаш (қайта тиклаш) ва оқилона ўзгартириш бўлиб, бу жамият тараққийнинг табиий ресурс имкониятларини сақлаб қолиш асоси сифатида хизмат қилади; 2) ишлаб чиқарувчи кучлар, ишлаб чиқариш муносабатлари ва инсон эҳтиёжларини қондириш мақсадида атроф табиий муҳит объектларини дастлабки ўзлаштириш, фойдаланиш ва қайта ишлаш

¹ Қаримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққийёт йўлида: Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 106.

билан боғлиқ муассасалар ҳамда тегишли ташкилий-иқтисодий шакллар йиғиндиси; 3) табиий ресурслардан ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида жамиятнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланиш; 4) Ернинг географик қобилигига инсоният таъсири йиғиндиси; 5) инсоният томонидан табиий ресурслардан (ҳозирги тарихий давр учун) оқилона фойдаланишнинг умумий тамойилларини ўрганувчи комплекс илмий соҳа; 6) атама муаллифи Ю.Н.Куражковский таърифига, табиатдан фойдаланишнинг фан сифатидаги вазифалари табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланиш ёки таъсир кўрсатиш орқали ўзгартириш ёхуд улар билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишнинг умумий принципларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бундан якуний мақсад эса умумий меҳнат асоси сифатида табиатга нисбатан ягона ёндашувни таъминлашдир.

Табиий ресурслар, жамият ҳаёти табиий шарт-шароитлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасидаги ўзаро муносабатлар фан сифатидаги табиатдан фойдаланишнинг объекти бўлади. Предмети эса бу муносабатларнинг оптималлашгани, яъни яшаш муҳитини сақлашга ва қайта тиклашга қаратилган ҳаракатлар ҳисобланади.

Шунингдек бу масала бошқа адабиётларда ҳам ўз аксини топган. Табиатдан фойдаланиш билим соҳаси сифатида табиий, ижтимоий ва техник фанлар элементлари (шу жумладан, атмосферани муҳофаза қилиш, сувни муҳофаза қилиш ва шу каби бўлимлардан иборат бўлган табиатни муҳофаза қилиш, инсониятни ўраб турган табиий муҳитни муҳофаза қилиш, энвайронментология, энвайронменталистика, ресурсшунослик, экология, табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ва бошқалар)ни ўз ичига олади ва уни ташкилий жиҳатдан физика, биология география каби фанларга ўхшаб мустақил билим соҳаси деб ҳисоблаш мумкин гарчи ҳозиргача унинг назарий асос бўлиб келаётган география ва экология унинг пайдо бўлиш манбаи бўлса-да¹, фан тизимида ўзининг якуний формал ўрнини топгунга қадар, Табиатдан фойдаланишни Инсониятни ўраб турган табиий муҳитни муҳофаза қилиш билан бирга табиий фанлар қаторига қўшиш лозим..

Шу маънода фикримизча, табиатдан фойдаланиш – инсоннинг турли эҳтиёжларини қондириш, республикани самарали ва барқарор ривожлантириш йўлида ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, экологик, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириладиган фаолият деб ҳисоблаш мумкин.

Умумий маънода табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи эса юридик ва жисмоний шахсларнинг табиат объектлари, табиий ресурслар ва табиий комплекслардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари мажмуи сифатида ифодаланади.

Табиатдан фойдаланиш маълум меъёрларда бўлиши, табиатнинг ўзини ўзи қайта тиклаш қобилиятини таъминлаши керак. Барқарор ривожланиш ҳам айнан табиий ресурслардан ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланишни таъминлашни кўзда тутати.

Айрим юридик адабиётларда² табиатдан фойдаланиш тушунчасидан ташқари экологик фойдаланиш тушунчаси ҳам қўлланилиб келинмоқда ва у инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб мавжудлигини ва табиатдан фойдаланишдан принципаал фарқланиши таъкидланмоқда. Жумладан Б.В.Ерофеев бу борада қуйидагича фикр билдиради:

а) табиатдан фойдаланишда иқтисодий, ҳўжалик манфаатлар устун ўринни эгаллайди, экологик фойдаланишда эса атроф-муҳитнинг юқори даражада сақлаш, экотизимда экологик алоқаларни сақлаб қолиш, унинг бутунлигини таъминлаш манфаати устун бўлади;

б) табиатдан фойдаланишда объектив экологик қонунлар тез-тез эътиборга олинмайди, экологик фойдаланишда эса ишлаб чиқариш муносабатлари ушбу қонунлар билан биргаликда ривожланиб боради.

Бундан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи – қонун билан белгиланган халқ ҳўжалигининг ва фуқароларнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун табиий ресурслардан фойдаланиш тартиби ҳисобланса, экологик фойдаланиш ҳуқуқи эса, экологик фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини табиат объектларининг тури ва ҳолатининг экологик тизим ва дунё экологик тизими билан боғлиқлигидан келиб чикувчи мулкый муносабатлар орқали тартибга солувчи экология ҳуқуқининг асосий институтларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, экологик фойдаланиш табиатдан фойдаланишдан фарқланиб, асосан табиатдан фойдаланиш иқтисодий, халқ ҳўжалиги эҳтиёжларини қондириш учун, экологик фойдаланиш эса – асосан атроф-муҳитни максимал сақлаш, экотизимдаги экологик алоқаларни сақлаш ва унинг бутунлигини таъминлаш мақсадида фойдаланилади. Экологик фойдаланиш, иқтисодий, халқ ҳўжалиги мақсадлари учун фойдаланиладиган табиатдан фойдаланишга қараганда муҳим аҳамият касб этиб, биринчи кўринишда ўзаро алоқадор кишилик жамияти ва атрофдаги ишлаб чиқариш муносабатлари объектив экологик қонун ҳужжатлари билан тўлиқ уйғунлашади, иккинчи кўринишда эса ушбу объектив қонунлар тез-тез эътиборга олинмайди.

Эътиборли томони шундаки, “Экологик фойдаланиш ҳуқуқи” тушунчаси кўп маънолидир.

1. Экологик фойдаланиш ҳуқуқи объектив маънода, экологик нормаларнинг мажмуи бўлиб, турли хил даражадаги норматив ҳужжатларда акс этиши мумкин: Конституцияси ва қонунларда, ҳукумат қарорларида, маҳаллий ҳокимият органлари қарорларида. Бу нормалар давлат иродасини ва мажбуриятини акс эттириб, белгиланган тартибда бекор бўлмагунича ёки ўзгартирилмагунича давлат субъектлари ва экологик фойдаланувчилар учун мажбурийдир.

2. Экологик фойдаланиш ҳуқуқи субъектив маънода, экологик фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мажмуи ҳисобланади ва бу фойдаланувчиларнинг бевосита ўзига тегишли. Демак, ердан фойдаланувчилар унга тақдим этилган ер участкаларининг фойдали хусусиятларидан фойдаланиши мумкин, лекин мажбурий эмас.

Табиат фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий-экологик муносабатларга киришиш, ушбу

¹ Н.Ф.Реймерс Природопользование: Словарь-справочник. – М.: Мысль, 1990. – С. 404-405.

² Ерофеев Б.В. Экологическое право России: учебник. Изд. 20-е, перераб. и доп. – М.: Эксмо, 2007. – С. 117-118.

муносабатларда маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш ҳамда уларни амалга ошириш унинг субъектларига тааллуқли бўлиб, улар эса ўз навбатида табиатдан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектини ташкил этади.

Табиатдан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари – юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Табиатдан фойдаланувчи – ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс, чунки ҳар қандай корхона ёки инсон ҳаёт шарт-шароитлари ва табиат ресурсларидан фойдаланади, табиатсиз мавжуд бўла олмайди. Ҳаттоки космик парвоз шароитида ҳам космонавтлар табиатдан фойдаланувчи бўлиб қоладилар, чунки улар орбитага чиққандан кейин сарфлайдиган ресурслар ҳам Ердан олинган. Иқтисодда асосан табиатдан фойдаланувчи – корхоналар, табиатдан фойдаланувчи – муассасалар, табиатдан фойдаланувчи – идораларга бўлинади, чунки уларнинг фаолияти бевосита табиий ресурсларга асосланган ва табиий ресурсларни олиш билан боғлиқ¹.

Ушбу субъектларнинг хатти-ҳаракатлари эса маълум бир объектга қаратилган бўлиб, бу эса ўз навбатида табиатдан фойдаланиш ҳуқуқининг объектини ташкил этади.

Табиатдан фойдаланиш ҳуқуқининг объектлари – табиат объектлари (ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ва бошқа захиралар), табиий ресурслар (ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўзлаштирилган табиат объектлари), табиий комплекслар (давлат қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари ва бошқалар) ёки уларнинг қисмлари ҳисобланади.

Табиатга таъсир этилишига, ундан фойдаланиш шакл ва усулларига қараб, табиатдан фойдаланиш асосан икки йирик турда, яъни умумий ва махсус тарзда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”²ги Қонуни 6-моддасида “Табиатдан умумий тарзда ва махсус йўсинда фойдаланиш” тушунчалари берилган бўлиб, унга кўра:

Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш – фуқаролар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун текинга табиий ресурсларни айрим фойдаланувчиларга бириктирмай ва ҳеч қандай рухсатномалар бермай туриб амалга оширилади. Умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиб, фуқароларнинг шахсий, кундалик ва ўзга эҳтиёжларини қондиришни ҳамда махсус рухсат ва ҳақ тўлашни талаб қилмайдиган тарзда фойдаланишни назарда тутати.

Масалан, умумий фойдаланишдаги ерлардан (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар, яъни дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар) фойдаланиш, ёввойи ўсимликларни озик-овқат мақсадлари учун ғамлаш, йиғиш, жисмоний

шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда ўз эҳтиёжларини ҳамда бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадида сувдан фойдаланишларини (жумладан, чўмилиш) кўришимиз мумкин.

Табиатдан умумий фойдаланиш маълум бир чегара, меъёр ва миқдорларда бўлади. Бундай қоида ва талаблар эса, ўз навбатида қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Бу табиатдан чегарасиз, беаёв фойдаланилишини, унинг айрим объектлари ишдан чиқиши, камайиб кетишининг олдини олади. Шунингдек, табиатдан умумий фойдаланишни амалга оширувчи субъектларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлайди. Масалан, ҳайвонот дунёсидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳайвонларни яшаш муҳитидан ажратиб олмасдан ва ҳайвонларга зарар етказмасдан амалга оширилиб, барча табиий сув ҳавзаларида 5 килограммгача ва овчилик-балиқ овлаш хўжаликларига рўйхатдан ўтказилган табиий сув ҳавзаларида 10 килограммгача миқдорда балиқларни спорт ва ҳаваскорлик тарзида овлаш мумкин.

Табиатдан махсус йўсинда фойдаланиш тарикасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга ишлаб чиқариш ва ўзга хил фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслар ҳақ олиб махсус рухсатномалар асосида эгалик қилишга, фойдаланиш ёки ижарага берилади.

Масалан, ер ости бойликлари асосан махсус фойдаланиш учун берилади. Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”³ги Қонуни 19-моддасига асосан, ер қаъри геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини, шу жумладан нефть, газ, газ конденсати (углеводородларни), бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлаш иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш, чиқиндиларни сақлаш ва кўмиб ташлаш, алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо қилиш, нодир тош хом-ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш мақсадлари учун пуллик тарзда фойдаланишга берилади.

Табиатдан умумий ва махсус фойдаланиш турларидан келиб чиқиб, табиатдан фойдаланишнинг объекти, субъекти, усули, шакли, уларга бўлган ҳуқуқлар каби турли мезонлардан келиб чиқиб куйидагича таснифлашимиз мумкин:

Табиат объектларига кўра ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий объектлардан фойдаланиш.

Табиат объектларининг ўзига хос хусусиятларига кўра фойдаланиш. Масалан, ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут), яъни қўшни бўлган бир ёки бир неча ер участкаларидан чекланган тарзда фойдаланиш.

¹ Н.Ф.Реймерс Природопользование: Словарь-справочник. – М.: Мысль, 1990. – С. 406.

² Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси 09.12.1992 й. 754-ХII-сонли Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1993 й. 1-сон, 38-модда

³ Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуни (Янги тахрири) Ўзбекистон Республикаси 13.12.2002 й. 444-II-сон Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 1-сон, 5-модда.

Табиатдан фойдаланиш субъектларига кўра, фақат жисмоний шахслар ёки фақат юридик шахслар фойдаланишига бериладиган объектлар ёки фойдаланиш ҳуқуқи. Масалан, ер участкаларидан доимий эгалик қилиш ҳуқуқи асосида фойдаланиш, ер қаъри геологик жиҳатдан ўрганиш фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Табиатдан фойдаланувчилар сонига кўра, танҳо ва биргаликда фойдаланиш. Масалан, сув объектлари танҳо ёки биргаликда фойдаланишда бўлиши мумкин. Юридик ёки жисмоний шахсларга бутунлай ёки қисман фойдаланишга берилган сув объекти танҳо фойдаланиладиган сув объекти бўлса, танҳо фойдаланишга берилмаган сув объекти биргаликда фойдаланиладиган сув объекти ҳисобланади.

Табиатдан фойдаланиш муддатига кўра, муддатли ва муддатсиз. Масалан, ер участкаларидан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли уч йилгача ва узоқ муддатли, уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин ёки сувдан вақтинча фойдаланиш муддати қисқа муддатли уч йилгача ва узоқ йигирма йилгача бўлиши мумкин. Агар табиат объектдан фойдаланиш муддати кўрсатилмаган ва аввалдан белгиланмаган ҳолда фойдаланиш берилса, муддатсиз ёки бўлмаса доимий фойдаланиш деб эътироф этилади.

Табиатдан фойдаланиш ҳуқуқларига кўра, ашёвий ёки мулк ҳуқуқи асосларида табиат объектларидан фойдаланиш.

Табиат фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш шаклига кўра, маълум миқдор ва чегарада текинга ҳамда пуллик тарзда амалга оширилади.

Табиатдан фойдаланиш мақсадига кўра, масалан сув истеъмоли ичимлик, коммунал-маиший, даволаш, курорт, рекреация, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги сув истеъмолига ва бошқа турларга бўлинади.

Табиат объектини табиий муҳитдан ажратиб олиниши ёки олинмаслигига кўра фойдаланиш мумкин. Масалан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув ресурслардан уларни сув объектдан белгиланган тартибда олган ҳолда фойдаланишлари, шунингдек, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёси объектларини табиий муҳитдан ажратиб олган ҳолда фойдаланишни кўришимиз мумкин.

Табиатга таъсир этиш ҳолатига кўра, табиатга зарар етказган ёки зарар етказмаган ҳолда фойдаланиш.

Табиат объектларининг турли кўрсаткичларига таъсир этиб фойдаланилишига кўра, табиатдан фойдаланиш оқилона ва нооқилона бўлиши мумкин. Табиатдан оқилона фойдаланиш деганда, табиий ресурслардан илмий асосланган, ҳар бир табиат объектининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган, экологик ва иқтисодий манфаатлар уйғунлашган ҳолда, тежамли, уларни қайта тиклаш, ҳолатини яхшилаш ва кескин ўзгартирмасликни кўзда тутадиган фойдаланиш тушунилади. Табиатдан нооқилона фойдаланишда эса табиий ресурс имкониятларнинг сақланишини таъминламайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, табиатдан фойдаланиш қандай турларда, шаклларда ва усулларда амалга оширилмасин, авваломбор, атроф табиий муҳит барқарорлигига путур етказмаган ҳолда, экологик омилларнинг устуворлиги ва бозор иқтисодиётининг тамойиллари, маъмурий ва иқтисодий-ҳуқуқий механизмларнинг ўзаро боғлиқлиги

асосида, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий усулларини қўллашда ресурсларни тежайдиган, камчиқит ва чиқитсиз технологияларни жалб қилган ҳолда, иқтисодий рағбатлантириш йўли билан, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий этиш асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Аннотация: мазкур мақолада табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси ва экологик фойдаланиш ҳуқуқи билан ўзаро нисбати очиб берилди. Шунингдек, табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари, объектлари ва турлари амалдаги экологик қонунчиликдан келиб чиқиб таҳлил қилинган, таснифланган, мазмун-моҳияти очиб берилган.

Калит сўзлар: табиатдан фойдаланиш, табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи, табиатдан фойдаланувчи, табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи объектлари, табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи турлари.

Аннотация: в статье раскрывается соотношение понятия права природопользования и экологического пользования. Также, исходя из действующего экологического законодательства проанализирован субъект, объект и виды природопользования, раскрыта их сущность и классификация.

Ключевые слова: Природопользование, право природопользования, природопользователь, объекты права природопользования, виды природопользования.

Annotation: In this article the author describes concept of law nature management and its correlation with law of ecological management. Subjects of law of nature management, objects and forms were analyzed, described and exposed within acting ecological legislation.

Key words: Nature management, law of nature management, user of nature, objects of law of nature management, forms of nature management.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 106.
2. Н.Ф.Реймерс Природопользование: Словарь-справочник. – М.: Мысль, 1990. – С. 404-405.
3. Ерофеев Б.В. Экологическое право России: учебник. Изд. 20-е, перераб. Идоп. – М.: Эксмо, 2007. – С. 117-118.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси 09.12.1992 й. 754-XII-сонли Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси 1993 й. 1-сон, 38-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 13.12.2002 й. 444-II-сон Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 1-сон, 5-модда.

Т.А.Азизов
аспирант СПбГУ, РФ, г. Санкт-Петербург

К ВОПРОСУ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В ОБЛАСТИ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ СИТУАЦИЙ

Человечество, все больше вмешиваясь в естественные процессы развития природы и изменяя ее качественные и количественные показатели в целях удовлетворения своих растущих потребностей, остается относительно беззащитным перед разрушительным воздействием крупномасштабных чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера.

Угроза техногенных аварий и природных катастроф и масштабы их последствий для современного мира вынуждает каждое государство принимать необходимые меры по предотвращению их опасности и разрабатывать мероприятия по устранению их последствий. Среди таких мер особое место занимает создание правовой основы государственного регулирования охраны окружающей среды, а также защиты человека, общества и государства от воздействия опасных чрезвычайных ситуаций. В этом плане предпочтение отдается разработке и принятию законов, регулирующих отношения в сфере предотвращения и ликвидации опасных чрезвычайных ситуаций.

Несмотря на наличие основных правовых актов, направленных на регулирование отношений в сфере чрезвычайных экологических ситуаций все же ещё имеются отдельные положения, требующие совершенствования нормы толкования. В частности, это недостаточная полнота раскрытия понятия «чрезвычайная экологическая ситуация». Для этого необходимо избегать в действующих законодательных актах несогласованность ряда регламентируемых норм в соответствии с общей методологической и концептуальной основой совершенствования законодательства [2, с.76.]. Здесь следует отметить, что всякие разработки относительно совершенствования законодательства должны опираться на строгое научно-теоретическое определение понятийного аппарата объектов, по поводу которых возникают отдельные правоотношения.

А между тем всё ещё в юридической литературе неоднозначно понимается даже термин «чрезвычайная ситуация». Так, некоторые специалисты в области экологического права между понятиями «чрезвычайной экологической ситуации» и «экологического бедствия» ставят знак равенства. В качестве примера можно привести мнение Н.Г.Жаворонковой, которая утверждает, что «явления и катастрофы природного и техногенного характера, опасные для жизни и здоровья людей, окружающей среды, в российской правовой доктрине и законодательстве именуется экологическими бедствиями и чрезвычайными ситуациями» [3, с.3]. М.М.Бринчук же считает, что имеется два вида экологически неблагоприятных территорий - зоны чрезвычайной экологической ситуации и зоны экологического бедствия [1, с 575].

Следует подчеркнуть, что одним из важных элементов понятия чрезвычайной экологической ситуации является наличие конкретного последствия произошедшего техногенного или природного бедствия, оказавшего вредное воздействие, в первую очередь, на окружающую среду. Именно «чрезвычайно» опасное качество или состояние окружающей среды должно привести к потерям среди объектов природы (живот-

ные, деревья, отравленная вода и т.п.), материальных (финансовых) потерь, а также создавать угрозу здоровью и жизни людей или повлечь за собой человеческие жертвы. То же самое можно сказать и в отношении чрезвычайных ситуаций природного характера. Если в результате разрушительного землетрясения пострадало население и нанесен ущерб гражданам и государству, а его экологические последствия незаметны, то возникшее обстоятельство вряд ли можно объявлять чрезвычайной экологической ситуацией.

Исходя из этого, необходимо отметить, что трудно назвать чрезвычайными экологическими ситуациями то неблагоприятное состояние окружающей среды, которое образовалось не в результате конкретных аварий или бедствий, а в процессе длительного антропогенного воздействия.

Для того, чтобы катастрофические или губительные для окружающей среды и населения последствия техногенных аварий или природных бедствий можно было бы представить как чрезвычайные экологические ситуации, важно констатировать наличие «чрезвычайно» возникшего юридического факта – юридического события со всеми связанными с ним отношениями. Считается, что чрезвычайные техногенные или природные опасные явления (которые следует назвать чрезвычайными юридическими событиями) служат основой для возникновения чрезвычайных правоотношений.

Принципиально важным является такое определение понятия чрезвычайной экологической ситуации в законодательстве, если юридическое толкование исходит из неопременного наличия чрезвычайного события – техногенной аварии или природного бедствия. Причем такое понятие должно отражаться, именно, в законе о защите от чрезвычайных ситуаций, а не в экологическом законодательстве. Это можно объяснить тем, что, во-первых, при этом устраняется различие в понятии чрезвычайных ситуаций (как в интерпретации общего понятия, так и его разновидности – чрезвычайной экологической ситуации). Во-вторых, чрезвычайная экологическая ситуация будет рассматриваться не как результат плохой хозяйственной деятельности, а как результат техногенной аварии или стихийного бедствия.

Из вышесказанного, думается целесообразным было бы разработать и принять специальный Закон «Об экологической безопасности производственных объектов». Основная его цель – закрепление норм, направленных на обеспечение экологической безопасности производственных и иных объектов, которые потенциально являются источником возникновения чрезвычайных экологических ситуаций, определение соответствующих требований относительно безопасности экологически опасных источников и разработка мер юридической ответственности за их неисполнения. Он также устанавливает права и обязанности лиц, ответственных за ликвидацию последствий чрезвычайных экологических ситуаций, защиту и оказание помощи пострадавшим гражданам, возмещение им материального и иного ущерба, возникшего по вине чрезвычайного опасного события.

Отдельную главу данного Закона необходимо посвятить нормам, которые устанавливают требования к определению степени и объема опасности источников чрезвычайных экологических ситуаций. И это должно подтверждаться соответствующей государственной регистрацией.

Что касается источников чрезвычайных опасностей, то их условно можно подразделить на три вида: 1) опасные вещества; 2) опасные техногенные явления (аварии, катастрофы и т.д.); 3) природные бедствия.

Исходя из вышесказанного, в Законе также необходимо предусмотреть нормы, направленные на регулирование отношений по составлению, утверждению, изменению и ведению Единого государственного регистра экологических опасных химических, биологических и других веществ, физических, радиационных и других факторов, в результате которых возможно возникновение чрезвычайной экологической ситуации.

В настоящее время в действующем законодательстве отсутствуют специальные требования относительно фиксации и описания источников техногенных воздействий на окружающую среду, последствия которых оцениваются как чрезвычайная экологическая ситуация. Исходя из этого, отдельные статьи Закона должны регулировать отношения по составлению, утверждению, изменению и ведению Единого государственного регистра производственных циклов, технологических процессов, зданий, сооружений и других объектов, в которых случившиеся опасные явления (авария, взрыв и т.д.) могут привести к последствиям, оценивающим как экологические чрезвычайные ситуации.

Как известно, отдельные производственные и иные (например, водохранилище, горные отвалы и т.п.) объекты, если даже не являются опасными, под влиянием природных бедствий (например, землетрясения) могут выйти «из под контроля» и вызвать экологические необратимые последствия. В данном Законе необходимо закрепить специальные нормы, посвященные таким объектам. Все данные о таких объектах должны аккумулироваться в государственном регистре.

Здесь же следует закрепить нормы, определяющие специальный правовой режим производственных объектов, осуществляющих производство, пользование, хранение, транспортировку, утилизацию, переработку опасных веществ, а также дополнительно создающие их, которые в случае техногенных явлений могут вызвать чрезвычайные экологические ситуации.

Специальный раздел предлагаемого Закона должен регулировать вопросы проектирования, размещения, строительства, ввода в эксплуатацию и экологически безопасной эксплуатации опасных производственных объектов.

Аннотация: в данной статье рассматриваются некоторые общие проблемы совершенствования законодательства о чрезвычайных экологических ситуациях в свете современной российской юриспруденции. В частности, рекомендуются подходы с особым вниманием к определению понятия чрезвычайной экологической ситуации.

Ключевые слова: защита населения, чрезвычайные ситуации, охрана окружающей среды, чрезвычайная экологическая ситуация, техногенная авария, природная катастрофа.

Аннотация: мазкур мақолада бугунги кундаги Россия юриспруденциясида фавқулдда экологик вазиятлар соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги айрим муаммолар кўриб чиқилган. Хусусан,

фавқулдда экологик вазиятлар тушунчасини аниқлаш борасидаги ўзига хос ёндашув илгари сурилган.

Калит сўзлар: фавқулдда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, фавқулдда экологик вазиятлар, техноген авариялар, экологик ҳалокат.

Annotation: In this article it is reviewed some common approaches of improving the legislation on environmental emergencies in the sphere of contemporary Russian Law. Particularly, paid special attention to the definition of environmental emergencies concept.

Keywords: protection of the population from emergencies, environmental protection, environmental emergency, technological accidents, natural disaster.

Список литературы:

1. Бринчук М.М. Экологическое право. Учебник. – М.: Юрист, 2004.
2. Жаворонкова Н.Г. Некоторые проблемы совершенствования законодательства в области обеспечения безопасности при чрезвычайных ситуациях // Право и образование. – М., 2007. – № 4.
3. Жаворонкова Н.Г. Эколого-правовые проблемы обеспечения безопасности при чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера. – М.: Изд-во: «Юриспруденция», 2007.